

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Мелибоев Аҳмаджон

ПУБЛИЦИСТИКАДА
ДАВР РУҲИ ВА
ИЖТИМОИЙ ТАЛҚИН

Ўқув-услубий қўлланма

Тошкент — 2011

Кириш

Бадий публицистика жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларга, дунё миқёсида юз бераётган, одамлар онг-шуурига, дунёқараши ва турмуш тарзига таъсир кўрсатаётган воқеа-ҳодисаларга тезкор ва холис муносабат билдирувчи ижодий тафаккур маҳсулидир. Бу жанр ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатади, бирор бир вазифа ёхуд муаммо хусусида жамоатчилик фикрини юзага келтиради, бу фикрни аниқ мақсад йўналишида ривожлантиради ҳам. Публицистика назариясига оид илмий тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларида унинг жанр хусусиятлари, ижтимоий мавқеи, воқеа-ҳодисаларни акс эттиришдаги ўзига хосликлари кенг ва атрофлича очиб берилган.¹

Йирик тадқиқотчи олим Е. Прохоров публицистикада “илмий-назарий ва бадий образли тафаккурнинг бир-бирига уйғунлашиб, яхлит бир маъно-мазмун касб этишини зарурий ҳол”, деб ҳисоблайди.² Адабиётшунос олим Я. Эльсберг публицистикада тушунча ва образ бир-бирига мувофиқ тарзда келишини уқдиради.³ Адабиётшунос О. Тоғоев воқеа-ҳодисалардан англашиладиган фикр-тушунчани мантикий муҳокама тарзида ўқувчига етказиш публицистиканинг бош хусусияти эканлигини уқдиради.

Публицистика “жамият ҳаётининг шу кундаги, айти замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларини акс эттириб, оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади... Унинг бош вазифаси ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, масала ва муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини

¹ Журбина Е. Теория и практика художественно-публицистических жанров, М., 1969; Прохоров Е.П. Публицистика в жизни общества. М., 1968; Черепанов М.С. Проблемы теории публицистики. М., 1971; Лазебник Е. Публицистика в литературе. Киев, 1971; Ученлова В.В. Гнесеологические проблемы публицистики. М., 1971; Эльсберг Я. Образ в публицистике. Журнал «Советская печать», 1960, № 10; Мирзаев И. Бадий очеркнинг баъзи масалалари. Т., «Фан», 1964; Тоғоев О. Ўзбек бадий публицистикаси. Т., 1973; Мусина Г. Зулфия публицистикаси. Т., «Фан», 1965; Ёқубов Н. Абдулла Қаҳҳорнинг публицистик фаолияти, 1970; Саъдуллаев Н. Ойбек публицистикаси, 1974; Ғафуров Ғ. Ғафур Ғулом публицистикаси. 1975; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика, ўқув қўлланма, 2008.

² Прохоров Е. “Вестник МГУ”, серия УП, 1961, № 6, стр. 11.

³ Эльсберг Я. Образ в публицистике. “Советская печать”, 1960, № 10, стр.19.

уйғотишдан иборат... Публицистика фақатгина жамият ҳаётининг барча қирраларини ёритишда ўзига хос восита ва усуллардан фойдаланади. Жумладан, адабий-бадий публицистика (Ёзувчи публицистикаси — М.А.) ўзида ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирса-да, бунда у алоҳида бадий ифода воситаларига таянади. Яъни бадий публицистика ҳаётга бадий адабиёт нуқтаи назаридан ёндошади ҳамда матбуот билан адабиёт ўртасида туради, уларни бир-бирига узвий боғлайди”.⁴

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарига келиб, ўзбек бадий публицистикаси, тўла маънода айтиш мумкинки, янги ижтимоий мавқега кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки кезларидаёқ миллий матбуотимиз зиммасига жамиятда кечаётган ўта мураккаб жараёнларни, яқин-ўтмишимизда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни адолатли, холис ва ҳаққоний ёритиш, истиқлол ғояларини изчил тарғиб қилиш, айти пайтда мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларни мамлакатда, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиш, жамият аъзоларини янги демократик давлат қуришдек ягона мақсад атрофида бирлаштириш вазифаси юкланди. Бунинг боиси, журналистика, айтиқса, публицистика ўтиш даврида жамият ҳаётида мавжуд бўлган муҳим муамолардан баҳс очади. Воқеа-ҳодисалар ривожини синчковлик билан кузатади ва таҳлил этади. Бундай публицистикани бир ижодкорнинг фаоллиги ёки куюнчаклиги дейишдан кўра, жамиятнинг фикрловчи, мушоҳада юритувчи, миллат, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган илғор қатлами вакилларининг умумлашма фикри дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки публицист ўз ижодида жамоатчилик фикрига таяниб қалам тебратади.

Публицистик асарда муаллиф адабий-бадий ифода усулларида самарали фойдаланади, ижодкорнинг образли мушоҳадаси, ҳиссий, эмоционал туйғулари, ижтимоий-эстетик қарашлари, конкрет воқеликка нисбатан ижобий ёки танқидий муносабати, шахсий субъектив қарашлари ўз ифодасини топади. Чинакам публицистик асар ўқувчини фикрлашга, ижтимоий фаолликка, баҳс-мунозарага даъват этади. Тадқиқотчи олим Б. Дўстқораевнинг таъкидлашича,

⁴ М. Худойкулов. “Журналистика ва публицистика”, 2008 йил, 112-бет.

публицистиканинг юзага келиши журналистикани ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қудратли қурол даражасига кўтарди”.⁵ Дарҳақиқат, бу жанрда даврнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий қиёфасини, ютуқ ва муаммоларини, жамият олдида турган муҳим вазифаларни, бу вазифаларнинг ечимларини кўриш мумкин. Шу боис, жамият бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётганида публицистика, юқорида айтилганидек, қудратли қуролга айланади, публицистик мушоҳадага эҳтиёж кучаяди.

Публицистика бадий адабиёт каби даврга ҳамоҳанг қадам ташлайди, жамият олдида турган вазифалар ижросига хизмат қилади, ютуқ-камчиликларни очиқ, рўй-рост, қуюнчаклик билан ифодалайди. Шу жиҳатдан у аёвсиз танқидчи, холис фош этувчи, мурасасиз баҳслашувчи, ўз вақтида огоҳ этувчи ва янги манзилларга даъват этувчи куч ҳисобланади.

Тадқиқотчилар рус бадий публицистикасида ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб янгича маъно-моҳият кўзга ташлана бошлаганини эътироф этадилар. Дарҳақиқат, бу даврга келиб, С. ЗалЫгин, В. Песков, Б. Стрельников, В. Распутин, Л. Аграновский, В. Тендряков, М. Шагинян, В. Чивилихин, Я. Голованов ва бошқа таниқли адибларнинг ижодида узок йиллардан бери умум анъана тусини олган усул — совет турмуш тарзининг гўзал ва мукамаллигини мадҳ этиш ўрнига, бу “анъана”дан кескин фарқланадиган жиҳат — мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги номутаносибликларни қаламга олиш, иқтисодий сиёсатнинг соғлом мантиққа зид моҳиятини идрок этиш ва унга ошқора муносабат билдириш каби ҳолатлар юзага келди. Бизда эса бу жараён саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб бошланди. Бадий адабиётнинг бу жанговар соҳаси шу пайтга қадар сўзсиз итоат, мурасасозлик, ҳайбаракаллачилик йўлидан оғишмади, расмий сиёсатни кўр-кўрона қўллаб-қувватлашдан нарига ўта олмади. Тарихга “турғунлик даври” деб кирган бошқа бир босқичда у фикрсизлик, лоқайдлик дардига мубтало бўлди. Ва ниҳоят, ўтган аср етмишинчи йилларининг охири — саксонинчи йилларнинг бошларига келиб, публицистика тамомила янги мавқега кўтарилди.

⁵ Б. Дўстқораев. “Ўзбек журналистикаси тарихи”, Тошкент, 2009, 7-бет).

“Чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимандалик билан боғлиқ барча нарса ўтмишга айланиб бормокда,— деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Ислон Каримов.— Кишиларимизда мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик туйғуси ошиб бормокда. Мустақиллик йилларида ўзимизнинггинамас, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам тўпланган, кичик бўлса-да, анчагина аччиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийракроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини куриш мумкинлигини кўрсатиб турибди”.⁶

Ўзбек бадиий публицистикаси миллий истиқлол арафасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Публицистика умри тугаб бораётган эски тузумнинг ғайриинсоний қадриятларини, сохта шиорларини аёвсиз фош қилди, миллатни уйғонишга, қизил салтанатнинг таназзули муқаррарлигини, миллат ўз тақдирини ўз қўлига олиши мумкин бўлган буюк имконият эшик қоқаётганини англашга чорлади. Набижон Боқийнинг “Қатлнома”, Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” асарлари, Саид Аҳмаднинг қамоқхона хотиралари, Наим Каримовнинг “Ўзбек адабиётининг жаллодлари” туркум мақолалари, Шариф Юсупов, Шерали Турдиев, Бойбўта Дўстқораев, Сирожиiddин Аҳмад ва бошқа бир қатор олимларнинг чиқишлари бу жанрга бўлган қизиқишни кучайтирди.

Тарихга назар ташласак, ҳамма замонларда ҳам публицистика айнан шундай вазифани бажариб келганига гувоҳ бўламиз.

Бадиий публицистикада муаллифнинг ижтимоий-маънавий қарашлари ифодаси

⁶ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. “Ўзбекистон”, Т., 1998, 324-325-бетлар.

Публицистика ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади ва шу боис, бадиий ижод каби бир неча (ижтимоий-сиёсий, илмий, иқтисодий, адабий-бадиий, маданий-маърифий, ҳажвий) соҳаларга бўлинади. Бу соҳалар ичида шоир ва ёзувчилар қаламига мансуб публицистика алоҳида мавқега эга.

XIX аср демократик адабиётининг илғор вакилларида бири шоир Фурқат ижодида публицистик руҳ яққол кўзга ташланади. Шоирнинг олис Кашмирдан «Туркистон вилоятининг газети»га ва дўстларига йўллаган мактублари фикримизга далил бўла олади. Худди шундай, А.С. Пушкиннинг «Арзирумга саёҳат», Л. Толстойнинг «Иқрорнома», «Жим туролмайман», В.В. Маяковскийнинг «Мен кашф этган Америка», Н.В. Гоголнинг «Ал-Маъмун» асарлари ўша давр бадиий-ижтимоий публицистикасининг ўзига хос намуналари дейиш мумкин. Француз романисти Э. Золянинг «ҳаддан ташқари батафсил ва зерикарли» услубда ёзилган «Жерминаль», «Ругонлар карьераси», «Ҳаёт» романлари, узоқ вақт мунозара ва тортишувларга сабаб бўлган «насл назарияси» муаллиф дунёқараши ва ижодий позицияси тўғрисида чалкаш тасаввурлар ҳосил қилиши мумкин, аммо унинг «Балзак хотираси», «Мен айблайман» (Республика президенти жаноб Феликс Форга мактуб), «Ёшларга мурожаат» каби ўткир мушоҳадали сиёсий памфлетлари адибнинг куюнчак ва фидойи гражданлик позициясидан далолат беради.

Бадиий публицистикада кескин рад қилувчи, фош этувчи ёки жамиятни бирор бир муаммодан огоҳ қилувчи фикр-мулоҳаза, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан билдирилган муносабат асосан бадиий, образли воситалар, муаллифнинг ички кечинмалари, ҳаяжони, ҳис-туйғуси орқали баён қилинади. Буни Оноре де Бальзакнинг “XIX аср француз ёзувчиларига мактуб”⁷ асарида яққол кўриш мумкин. Унда адабиёт республикаси деб эътироф этилган, фуқароларнинг бошқа мамлакатларда тан олинмаган кўплаб ҳуқуқларини тан олишга ва тасдиқлашга бел боғлаган француз инқилобидан кейин мамлакатда адабиётга, ёзувчиларга, бадиий тафаккурга бўлган эътиборнинг ниҳоят

⁷ Қаранг: “Жаҳон адабилари адабиёт ҳақида”. Тўплам. Т., “Маънавият” нашриёти, 2010, 213-233-бетлар. Таржимон Озод Шарафиддинов.

даражада сусайиб кетгани, ижодкорлик иши инқилоб боис қабул қилинган “ваҳшиёна қонун асоратига бериб қўйилгани”, ёзувчиларнинг асарлари жамоат мулки деб эълон қилингани ва бунинг ижод, тафаккур эркинлигига бениҳоя ноҳуш таъсири қаламга олинади: “Шундай қилиб, жаноблар — сиз шоирлар, сиз машшоқлар, сиз драматурглар, сиз носирлар, сизларким, яъни мамлакатнинг шон-шарафи учун меҳнат қиляпман деган фикр билан яшовчилар, сиз ким аср руҳини барпо этаётганларнинг ҳаммаси, сизким шуҳрат қуёшидан шуълаланган ҳаволардан симирмоқ учун қашшоқлик қаъридан юксакларга парвоз қилганлар ва сизким парвоздан қўрқиб, шубҳалар исканжасида эзилиб ўлиб кетадиганлар, орзулар юки остида инқиллаган шўрлик болалар, сизким иродангизнинг кучи билан тантана қилувчилар — ҳамма-ҳаммангиз ўз-ўзингизга меросхўр бўла олмайсиз, деб эълон қилиндингизлар. Қонун савдогарнинг молларига, моддий меҳнат деб аталмиш нарса ёрдамида қўлга киритилган, баъзан эса разиллик эвазига топилган пулларга нисбатан ҳурматга тўла: қонун ерни ҳимоя қилади, тер тўкиб меҳнат қилувчи пролетариатнинг уйини ҳимоя қилади, лекин шу қонуннинг ўзи фирлаш билан меҳнат қиладиган шоирнинг ишини мусодара қилади”.

Бадий публицистикада муаллифнинг у ёки бу воқеа-ҳодисага, жамият ҳаётидаги бирор бир муаммога нисбатан позицияси аниқ кўринади. Юқорида келтирилган иқтибосда буни яққол англаймиз: Бальзакнинг фикрича, шоир-ёзувчи — мамлакатнинг шон-шарафи, ғурури, демакки, тафаккур бойлиги. Шоир-ёзувчилар ўз асарларида аср руҳини, даврнинг маънавий-ахлоқий манзарасини акс эттирадилар, демакки, мамлакат, миллат тарихини яратадилар. Қўлига қалам тутган ижодкор умр бўйи давом этадиган заҳматли меҳнати ҳисобига “қашшоқлик” қаъридан юксакка парвоз қилади, аммо бундай парвоз ҳаммаларига ҳам насиб этавермайди, кўплари орзулар қанотида умргузаронлик қиладилар, бундайларга бойлик, шуҳрат ёки бошқа бир ҳомий эмас, уларнинг ирода ва эътиқодлари суянчиқ бўлади. Улуғ адиб ўз касбдошларига бутун вужуди билан бундай ҳолатга бефарқ бўлмасликни уқдиради. Дунёда муқаддас мулк бўлса, агар чиндан ҳам инсон тасарруфига тегишли бирон нарса мавжуд

бўлса, бу — инсон еру осмон ўрталиғида барпо этадиган, чиндан ҳам унинг ақлий фаолияти самараси ўлароқ майдонга келадиган, лекин ҳамма одамларнинг калбида гуллаб-яшнайдиган нарса — ижодкорнинг асаридир. Бальзак мана шу муқаддас мулкка дахл қилинаётганидан ташвишда, бу ҳолатда шу муқаддас мулк эгаларининг бефарқлигидан хавотирда: “Шундай қилиб, жаноблар, ҳозир бизнинг жамиятимиз суғуриб олаётган қонун қашшоқликда сўниб бораётган мутафаккир, шоир, драматургнинг хонадонидан омад нурлари ярқираб кўринган бир фурсатда уларнинг рисолалари, шеърляти, китоби, комедиялари, драмаларини ўғирлаб олади. Қонун уларни бир қўли билан ўғирлаб олиб, иккинчи қўли билан бошқаларга беради. Кимга дейсизмиқ Буни эшитиб, ҳатто ёввойи одамлар ҳам кулиб юборарди. Айтайинмиқ Ҳа, айтаман, бу нарса яширин қолиб кетиши мумкин эмас. Билиб қўйинглар, қонун уларни ноширларга ошириб юборади”.

Бальзак муаммони жуда кескин қўяди, мурасасозлик йўлини тутмайди, раддиясини ошкора ифода этади. Бу билан у ўз ҳамкасбларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлардан четда турмасликка, ижод, фикр ривожини бўғайган “адабий қароқчилик”ни қабул қилмасликка даъват этади. Биров хотинингизни тортиб олса, бундан хафа бўлманг, чунки у бу ишни хотинингизнинг розилиги билан қилган, аммо ўн беш йил ишлаб, азоб чекиб, тунларни тонгларга улаб, муҳтожлик машаққатларини енгиб яратган асарингизни тортиб олса, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди, дейди. Ва ниҳоят, бу муаммо юзасидан ўзининг сўнгги сўзини айтади: “Хулоса ўрнида бир гапни таъкидламоқчимиз: бизнинг юқорида айтганларимиз ғалаёнга чақирувчи хитоб эмас, биз эҳтиросларни жунбушга келтиришга даъват ҳам қилаётганимиз йўқ: бу — қашшоқлик фарёди, холос. Бу — қонундан ташқари чиқариб қўйилган, адолат излаб тополмаган одамларнинг ҳайқириғи. Қўйинг, майли, бу ҳайқириқ акс-садо берсин, ҳамдардлик уйғотсин, сўниб бораётган ватанпарварлик туйғуларига қайтадан жон ато қилсин. Биз овозимизни кўтариб ҳайқирган бўлсак, буни уйғоқлар учун, изтироб чекаётганлар учун, тил хазинасига вабадри имкон ўз улушини қўшишга интилаётганлар учун қиламиз... Қонун чиқарувчи жаноблар,

Италия Англиядан келадиган тилланинг учдан икки қисмини сарфлаб, ўзининг ажойиб даҳоларига эга бўлди. Санъат билан тилни эҳтиёт қилиб асранглари, негаки, моддий манфаатларингизни бартараф қилганингиздан сўнг сизлар бизнинг асарларимизда ҳаёт кечиришда давом этасизлар. Бизнинг асарларимиз эса ҳеч қачон ўлмайди ва ҳатто мамлакатитмиз ғойиб бўлиб кетганда ҳам улар “Бу ерда Франция бўлган эди!” дея оламга жар солиб турадилар”.

Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асари, Стефан Цвейгнинг “Нотаниш аёл мактуби” қиссаси, Франц Кафканинг “Отамга хат” эссеси маълум бадиий мақсад, бадиий шакл имкониятларига кўра айнан мактуб асосига қурилган. Адабиётшунос Л. Гинзбургнинг фикрича, инсониятнинг мулоқот воситаларидан бири бўлган мактубларда ахборотни жамлаш (демакки, уларни ўзаро қийлаш орқали маълум ҳулосага қилиш) имконияти мавжуд. Ёзувчи хатларида, гарчи улар икки шахс ўртасидаги ёзма мулоқот бўлишига қарамай, аксарият ҳолларда даврнинг руҳи, хат муаллифларининг жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ўз аксини топади. Натижада ўзаро ёзишмалар ижтимоий-бадиий, фалсафий-ахлоқий аҳамият касб этади. Машҳур қалам соҳиблари Борис Пастернак ва Мария Цветаеваларнинг немис шоири Райнер Рильке иштирокидаги ёзишмалари фикримизга далил бўла олади. Чунончи, адабиётшунос олима Лидия Гинзбург бу хатларни мактуб-роман, ҳақиқий адабиёт даражасига кўтарилган санъат асари, деб баҳолайди⁸.

Жон Голсуорсининг “Адабиёт ва ҳаёт” мақоласида⁹ ҳам ёзувчининг жамият, адабиёт олдидagi бурчи қуюнчак публицистик руҳда ифодаланади: “Фуқароларимизнинг кўпчилиги ёзувчиларни жиндай ақлдан озганроқ деб ҳисоблашади. Одамлар китобларимизни харид қилишга қилишади-ю, лекин кўнгилларида эшиттирибми-эшиттирмайми — “Ҳаҳ, бу ёзувчилар-а!” деб қўйишади. Улар гўё шунга аминларки, биз ҳамма нарсани чалкаштириб юборамиз ва бизнинг қадриятларимизнинг кўпи ёлғондир! Бизнинг кўпчилигимизга нисбатан бу гаплар тўғри ва, афсуски, бу ғоятда ачинарли

⁸ М. Қўчқорова. Мактублар — қалб қўзғуси. “Жаҳон адабиёти”, 2009, ноябрь, 161-бет.

⁹ Қаранг: “Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида”. Тўплам. Т., “Маънавият” нашриёти, 2010, 74-бет. Таржимон Озод Шарафиддинов.

холдир. Негаки, ёзувчининг бурчи ҳамма нарсани лоақал тўла даражада бўлмаса ҳамки, тўғри тушуниш, ўткир нигоҳга эга бўлиш, ўзимиз кўриб турган, ҳис қилаётган, ўйлаётган нарсаларимизни бошқаларга қараганда теранроқ ҳис қилмоқ, мулоҳаза юритмоқ ва ифодалаб бермоқдир. Еяётган нонимиз ҳалол бўлсин учун биз сабр-бардошли, етарли даражада камтар, камсуқум ва мустақил бўлмоғимиз, ҳаммавақт юмор туйғусини, қалбимизнинг тафтини сақлаб қолмоғимиз, меъёрни унутмаслигимиз керак”.

Кейинги юз йил ичида адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган ижодкорларнинг мазкур мукофотни топшириш чоғидаги маърузалари, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг ушбу мукофотга нисбатан билдирган фикр-мулоҳазалари, шубҳасиз, бадий публицистиканинг юксак намуналари бўла олади.

Лев Толстой бу мукофотга сазовор бўлишни истамаган. Сюлли Прюдом, гарчи ўзи ночор аҳволда бўлса-да, мукофот пулини ёш шоирларни қўллаб-қувватлашга сарфлаган. Иосиф Бродский мукофотни олар экан, “Мен бу ерда мендан аввал мукофот олганлардан эмас, балки муносиб бўла туриб, ололмаганлардан хижолатдаман” деган ва Осип Мандельштам, Мария Цветаева, Анна Ахматоваларнинг номларини келтирган. Россиялик танқидчи Вадим Кожиновнинг фикрича, “мукофотнинг баъзи-баъзида Осиё ва Африка ёзувчиларига ҳам берилиши унинг халқаро мақомга эга эканини кўз-кўзлаш учун қилинаётган кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас”.

Европада анча шов-шувга сабаб бўлган «Ёвузлик» романи муаллифи, Нобель мукофоти соҳибаси Герта Мюллер хонимнинг социалистик тузумга берган публицистик баҳоси жуда аниқ ва ишонарли чиққан: «Социализмнинг бош ғояси шундайки, бу тузумни қўлингдан келганича алдашинг мумкин, аммо, минг уринганинг билан, сен уни у сени алдаганичалик алдай олмайсан”.

Шимолий Ирландиянинг Дерри графлигида туғилган Шеймас Хинининг фикрича, ер, яъни она-замин инсонлар тақдирининг тимсол бешиги, унда ҳамма нарсанинг асоси ва интиҳоси — яралиш ва бузилиш, туғилиш ва ўлим, мангу ором ва қайта келиш... каби жараёнлар бирлашиб кетади. Ундан “Сизга Нобель

мукофотининг берилиши адолатли қарорми”, деб сўраганларида, у қуйидагича жавоб қайтарган экан: “Асарлари ва ижодий фаолияти муносиб бўлган барчани тақдирлашга мукофотлар етишмайди. Жуда ҳам оддий бир иш — бордию ҳар бир мамлакатда Нобель мукофотига муносиб даражада ижод қилган, аммо тақдирланмаган ижодкорлар рўйхати тузиб чиқилса, масала равшанлашган бўларди. Мана, мисол учун, Жойс олмади, Набоков тақдирланмади. Менга бу мукофотни беришганида, дастлаб яқин дўстларимга — шоир Теди Хьюз ва драматург Браян Фрилга кўнғироқ қилдим, улардан узр сўрадим, мени кечиринглар, мукофотни менга адашиб беришибди, лойиқ номзодга беришмабди, дедим”.

Испаниялик ёзувчи Хосе Села мамлакатда франкистлар ўрнатган тартиб шароитида ижод қилган. Буни у қуйидагича ифодалайди: “Испанияда ёзувчи энг аввало шубҳали шахс ҳисобланади, унга диссидент сифатида қарашади, “Нега энди бошқа одамларга ўхшаб, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам бошини қотирмай, тинчгина яшайвермайди”, деб ёзғиришади. Бир орзуманд болакай, ҳаракатчан йигитча, бир ёзувчи, умри ўтиб, кексайган чоғида ва ўз кучи, орзу-мақсадлари йўлидаги интилишлари натижасида эришган ютуқлари ортида нафақат ватандошлари, бошқалар ҳам фахрланса арзийдиган номи турганида ҳам, унга базўр чидаб келадилар, тезроқ даф бўлишини истайдилар, ҳасад қиладилар. Бундай одамлар ёзувчи асарларини ўқисалар ва ўзлари яшаётган жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини худди ойнада кўргандай кўрсалар қанийди...”.

Мукофот соҳиби Иосиф Бродскийнинг қуйидаги фикрлари ҳар қандай кишини жиддий ўйлантириб қўяди: “Ўзини англаш ва тушуниш — инсоннинг бош вазифаси. Унинг ўзига берадиган биринчи саволи: “Мен америкаликманми, италияликми, швециялик, швейцариялик ёки японияликми, Худога ишонаманми ё ишонмайманми, қайси дин, қайси фалсафага эътиқод қўйганман — булар ҳақида эмас, аксинча, “Хўш, мен ўзи кимман, кўрқоқ эмасманми, одамлар билан муносабатда қатъий ва журъатлиманми, ҳалолманми ёки ҳалол эмасманми, бошқа жинс вакиллари билан муомалам қандай, улар билан келиша оламанми — мана шундай саволлардан иборат бўлмоғи керак. Ҳар бир одам бу борада аниқ бир

қарорға келиши лозим. Дин, миллат, маданият борасидаги тафовутлар жуда мужмаллашиб кетган”.

Александр Сольженицин Нобель маърузасини қилиш учун минбарга кўтарилар экан, ички ҳаяжон оғушида шундай дейди: “Мен ҳамма ёзувчиларга ҳам насиб қилавермайдиган, насиб қилганда ҳам фақат бир марта имкон бериладиган ушбу минбарга текис уч-тўртта зинапоядан чиқиб келганим йўқ. Аксинча, юзлаб, балким минглаб чала-ярим, муз қоплаган қиррали зинапояларни босиб, зулмат қаъридан ўлмай чиқиб келдим. Бошқалар, эҳтимол, мендан ортик иқтидорли ва кучли бўлганлар, ҳалок бўлишди. Минглаб оролларга сочилиб кетган Гулаг архипелагида улардан айримларинигина учратдим. Таъқибларнинг зил-замбил тошлари ва ишончсизлик оқибатида ҳамма билан ҳам очилиб гаплаша олмадим. Айримлари ҳақида фақат эшитганман, бошқа бирларини тасаввур қилганман, холос. Адабиётда ном қозониб, ўша жарликларга қулаганларнинг ҳеч бўлмаса номи қолади. Аммо танилмаган, номи очик-ошкора айтилмаганлар қанчақ! Улардан деярли ҳеч ким тирик қайтмади. Бутун бошли миллий адабиёт у ёқларга нафақат тобутсиз, ҳатто ички кийимсиз, яп-ялонғоч ҳолда, оёқ бармоғига боғланган ёрлиқ билан кўмиб ташланди. Бироқ рус адабиёти бир сония ҳам тўхтаб қолмади. Четдан қараганда, у ўлик туюларди. Ўрмон гуркираб ўсиши мумкин бўлган жойда ҳамма дарахтлар қирқилса ҳам ва яшашда давом этади, бир-иккитаси тасодифан четда қолиб кетади”.

Мукофот соҳиби Иво Андричнинг фикрича, тарихда содир бўлган воқеалар, аслида, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳақидаги ягона тарихдир. Албатта, улар қайси вақтда, қандай ҳолат ва кайфиятда, нима мақсадда ёзилганидан келиб чиқиб, шакли, услуби, якуний хулосаси жиҳатидан фарқ қилиши мумкин, бироқ бир ҳақиқатни унутмаслик керак — тарих ҳеч қачон ўзгармайди.

Нобель мукофотининг бошқа бир соҳиби Сен-Жон Перс ўз маърузасида эътиборни муҳим бир жиҳатга қаратади: “Нима узоқ яшайди: фикрми ё шеърый фаросатмиқ Фараз қилинг, тун қоронғулигида иккита туғма кўр пайпасланиб боришяпти. Бири илм билан қуролланган, иккинчиси эса ичги сезим билан ҳаракатланади. Қайси бири бу вазиятдан олдин чиқадиқ Қайси бирининг дилида

йўл кўрсатувчи ёруғлик кўпроқ Жавобларни фарқлаш қийин... Поэзия, нафақат дунёни билиш, балки у ҳаётнинг ўзи ҳамдир. Шоирлик қабилачилик даврида ертўлаларда яшаган одамнинг қалбида ҳам бор эди, у атом асри одамининг руҳида ҳам яшайди”.

Нобель мукофотида сазовор бўлганида энди қирқ тўрт ёшга кирган Албер Камю ўз маърузасида ҳаяжонини яширмайди: “Ҳар бир одам, айниқса, санъаткор обрў орттиришни истайди. Мен ҳам шулар қаторидаман. Сизларнинг қарорларингизни эшитиб, унинг қимматини ўзим билан таққосладим. Ахир, ҳали ёш, ягона бойлигим турфа хил шубҳалару ёзилмаган китобларим бўлса, ишда ҳам, ўзаро муносабатларда ҳам ёлғизликка ўрганиб қолган бўлсам, қўққисдан мени осмону фалакка чиқариб қўядиган қарорни эшитганда саросимага тушмай бўладимик Яшириб ўтирмайман, мен саросимага тушдим, ичимда бир ҳаяжон қалқди. Ўзимни босиб олиш учун менга бу қадар саховат кўрсатган қисмат билан ҳисоб-китоб қилишимга тўғри келади. Мен ўзимни бундай мартабага лойиқман деб ҳисобламайман. Аммо, айтишим зарурки, бутун умрим давомида турли вазиятларга дуч келганимда менга мадад берган бир нарса бор, бу — менинг санъат ва ёзувчи масъулияти ҳақидаги тасаввурларим...”.

Америкалик ёзувчи Уильям Фолкнер ижоди билан таниш бўлмаган китобхонлар унчалик кўп эмас. Адибнинг ўзи эса ижоди, асарлари ва мушарраф бўлган мукофотлари боис, шуҳрат пиллапоясига кўтарилишни мутлақо истамаган. Суҳбатларидан бирида қабр тошига битиладиган “У китоблар ёзди ва оламдан ўтди” деган бир жумла ҳаётининг маъно-моҳияти, ўй-қарашлари, жамики интилишларининг мақсад-муддаоси эканлигини очиқ таъкидлайди. “Баъзи ёзганларимга имзо қўймасам тўғри бўларди”, дейди.

“Қалбаки пул ясовчилар” романи билан йигирманчи асрнинг етук ёзувчилари сафидан жой олган француз адиби Андре Жиднинг мукофот тўғрисидаги фикри эса бутунлай бошқача: “Узоқ йиллар мобайнида менинг овозим саҳрога сингиб кетаётгандек туюларди, — дейди у Швеция Академиясига ёзган миннатдорлик мактубида.— Кейинроқ эса бу овоз жуда озчиликка етиб бораётгандек таассурот

билан яшадим. Аммо бугун сизлар менинг ўша озчиликка ишонганим тўғри бўлганини исботлаб бердингиз...”.

Немис романнависи, танқидчи ва публицист Герман Гессенинг адабиёт, маданият ва маънавият тўғрисидаги фикрлари ўзининг жозибали таъсир кучи билан эътиборни тортади: “Мен бутун одамзотни маънавий жиҳатдан бир қолипга тушириб қўйиш мақсадида миллий хусусиятларни дазмолдан ўтказиш тарафдори эмасман. Йўқ, бу гўзал ва бетакрор заминда турфа хил ранглар, хилма-хиллик, изчил юксалиш бўлсин. Турли ирқ ва элатларнинг, турли тилларнинг, сон-саноксиз дунёқарашнинг мавжудлиги — буюк ҳодиса”. Адибнинг маънавий камолотга доир фикри шуки, “Бирор бир мақсад йўлида таҳсил олишнинг ўзи ҳақиқий таълим бўла олмайди. Камолот йўлидаги ҳар қандай интилиш сингари, ҳақиқий таълим ҳам ўзига хос теран мазмунга эга. Жисмонан бақувват, эпчил ва келишган қад-қоматга эришишга интилишдан мақсад бой-бадавлат бўлиш, шон-шуҳратга бурканиб яшаш, чексиз қудрат соҳибига айланиш эмас. Бироқ бу интилиш туфайли бизнинг ҳаётга муҳаббатимиз янада ортади, янада шодмон ва масрур бўламиз, ўзимизни соғлом ҳис этамиз, турли хил тажовузлардан яхшироқ ҳимояланамиз. Шунга ўхшаш, таълим олиш, маънавий-руҳий баркамолликка эришиш — маҳдуд бир аъмолга олиб борадиган изтиробли йўл эмас, балки онгимиз, дунёқарашимизни кенгайтирадиган қувончли ҳодисадир... Ана шундай таълимга олиб борадиган йўллар ичида энг муҳими — жаҳон адабиётини ўрганиш, кўпгина халқларнинг ёзувчи ва мутафаккирлари асарларидаги бизга ўтмишдан тухфа бўлиб қолган ноёб фикрлар, қимматли ҳикматлар, бой тажриба ва рамзлар хазинасини изчиллик билан ўзлаштиришдир”.

Шуниси ажабланарлики, ўтган юз йил ичида адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган бадиий асарларнинг жуда кўпи орадан ҳеч қанча вақт ўтмай адабий жамоатчилик эътиборидан тушиб қолган. Бугун уларни бошқа мамлакатлардагина эмас, мукофотга сазовор бўлган муаллифларнинг ватанида ҳам яхши билишмайди. Бу асарларни кутубхоналарнинг нодир асарлар сақланаётган махсус бўлимларидан топиш мумкин. Топилганда ҳам, бугунги ўқувчи учун у қадар қизиқарли эмас. Нега энди шундай?

Бу саволга бошни кўп қотирмай ҳам жавоб берса бўлади. Гап шундаки, мукофот кўмитасининг баъзи қарорлари ўша пайтнинг ўзидаёқ жиддий эътироз ва истехзоларга сабаб бўлган. Баъзи муаллифлар мукофотга сазовор бўлганларини эшитиб, таажжубда қолишган. Чунки швед академиклари, биринчи навбатда, дунёда кечаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий, диний-ирқий ва бошқа ғала-ғовур жараёнларни, адабиётга бевосита даҳли бўлмаган яна кўплаб ҳолатларни ҳисобга олишади. Бу, бир қарашда, ўзини оқлагандек туюлади. Аммо у ёки бу асарнинг адабиёт тарихида қолишини у қандай мукофотга сазовор бўлгани эмас, бадий ва эстетик қудрати ҳал қиладики, бу ҳақиқатни асло рад этиб бўлмайди.¹⁰

Публицистик асар фалсафий эссе ёки фалсафий новелла тарзида ҳам ёзилиши мумкин. Бунда муаллифнинг ижтимоий, ахлоқий-эстетик қарашлари янада яққол намоён бўлади, ўқувчи чуқур ўй-хаёлларга берилади. XX аср тарихидаги энг ёрқин шахслардан бири — Франция Президенти генерал Шарль де Голлнинг “Зулматни ёритувчи нур” новелласида айтилиши шу ҳолатга дуч келамиз: “Одам қариганда табиатга яқинлашади. Йилнинг тўрт фасли мен учун доимо тўрт сабоқ бўлади. Фасллар донолиги мени овутади. Табиат баҳорда бундай кўшиқ айтади: Ҳозир мен яшнамоқдаман, кейин нима бўлса ҳам майли. Жала, ёмғир тез ўтиб кетади, олам яшаради. Дарахтлар ҳозир юпун бўлса ҳам, чиройли очилаверади, экинсиз далалар ҳам чиройга киради. Ҳаётсеварлик қандай яхши, у менга куч-қувват ва севинч бахш этади. Ҳаёт абадий давом этади”¹¹

Мансурхон Тоировнинг “Мартин Лютер Кинг ғалабаси” сарлавҳали публицистик мақоласида¹² негр халқининг буюк фаразанди, ўз халқи озодлиги учун жонини қурбон қилган толмас курашчининг орзу-умидлари, ҳаётий фалсафаси, маънавий-ахлоқий қарашлари чуқур очиб берилган. У Ғарб оламида биринчилардан бўлиб, озодлик, тенглик учун кураш асло зўравонликка асосланмаслигини исботлаб берди. Мартин мамлакат мактабларида оқ ва қора танли болаларнинг ёнма-ён ўтириб, таълим олишларини орзу қилган эди. “Мен мансуб бўлган халқ кўп йиллар давомида бошқаларга қийинчиликни раво кўрмай,

¹⁰ Нобель мукофотида доир иқтибослар манбаи: Эрматов Х. “Нобель мукофоти совриндорлари”, Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 йил.

¹¹ “Жаҳон адабиёти”, 2011 йил, март, 202-бет.

¹² “Тафаккур”, 2009 йил, 1-сон.

уни бир ўзи тоқат ва чидам билан елкасида кўтариб келган,— деган эди у маърузаларидан бирида.— Бу шуни англатадики, энди бизга кўрқинч ҳисси бегона. Лекин биз бу билан ҳеч бир инсонни, айниқса, ўзимиз бир қисми бўлган жамиятни ваҳимага солмоқчи эмасмиз. Бизнинг ҳаракатимиз оқ танлиларни кул қилиш ҳисобига қора танлиларни эркинликка олиб чиқишга қаратилган эмас. Биз Америка жамиятининг ялпи озодлигини истаймиз ва бутун халқ ўз озодлиги йўлида курашчига айланишини орзу қиламиз...”.

XV1-XVІ асрларда ривожланган, мўмай даромадга эга катор Европа давлатлари айна шу даврда иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутган Шарқ мамлакатлари томон босқинчилик, талончилик юришларини бошлайдилар. Кўплаб мамлакатларнинг халқлари колонизаторларнинг зулми остида қолади, асрлар давомида тўпланган бойликлар талон-тарож қилинади, зулм ва зўравонлик кучаяди. Миссионерлар бу юришларни оқлашга жон-жаҳдлари билан уринадилар, аммо Европа жамиятининг илғор қисми, хусусан ижодкор зиёлилар ўз ватандошларининг бу қилмишларини очик-ойдин қоралайдилар. Натижада Европа адабиётида ўзига хос публицистик оқим юзага келади — ёзувчилар ўз асарларида босқинчиларнинг зулми остида қолган халқларга хос бўлган эзгу фазилатларни қаламга ола бошлайдилар. Бу оқимнинг фаол вакили бўлган Вольтернинг шарқ мавзусидаги драмалари, “Форс мактублари” фикримизга далил бўла олади.¹³

Бу даврнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий талотўплари моҳиятини тўғри англаш ва тўғри хулосаларга келишда ижтимоий публицистика руҳида ёзилган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Буни Фитратнинг “Шарқ сиёсати” рисоласида яққол кўриш мумкин. “Африқога кирган мусулмонлар Амриқо ва Африкони босқон маданий овруполилардек ерли халқни битирмак учун тиришмадилар,— деб ёзади Фитрат. — Унларга маданият бердилар. Амриқога кўноқ бўлуб кирган Оврупа маданийлар Амриқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Холбуки, мусулмонлар Африқонинг

¹³ Қаранг: И.Брагинский. “12 миниатюр”, М., “Художественная литература”, 1966, стр.279-280

Жазоир, Туис, Фас (Марказий Африка — М.А.) каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, унлардан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, хунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у кадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг ҳақларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарқликлар, башариятга қилган хидматларимиз учун бу кунги қонли Оврупага қарши яхшигина махтана олурмиз. Биз, шарқликлар, маданият йўлида тутдигимиз хидматдарда давом этганда бу кун башарият дунёсини кўб юксак мавқеъларда кўрмак мумкин эди. Негаким, Шарқ билим, ҳунар йўлида Оврупа жаҳонгирлари ўртоқ қони ичмак орқадоси уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришар эди. Ёзуқлар, эсизларким, Шарқ ўз йўлида давом эта олмади, маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қоидалариндан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий қилиб тинчланса, бирор ёқда кучлироқ бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузулар, тотлиғи йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқликлар, даҳи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдик, йўлдан оздик, эзгу тилакларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдук, оқчага сотилдук... Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг қўлига ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун халқни бир-бири билан уруштирдилар, мамлакатнинг жонли в муҳим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз иставлариға “дин” отини тоқиб бозорға чиқардилар, дин, тангри, пайғамбар, учмох ва тамуғ орқали Шарқ халқини талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, саодатнинг энг юсак тепасига чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқуриға тушди”¹⁴

¹⁴ Фитрат. Танланган асарлар. 3-жилд. Т., “Маънавият”, 2003, 214-215-бетлар.

“Шарқ сиёсати”да Оврупалиларнинг Шарққа томон босқинчилик, талончилик юришлари замиридаги маънавий ахлоқсизлик, инсоний худбинлик жуда чуқур очиб берилади, бу юришларни сохта маданий либосга ўраш орқали тарихни чалғитиш ҳаракатлари аёвсиз фош этилади: “Оврупа жаҳонгирларининг Шарқ сари юришлари бошқаларнинг қонини тўқуб, ўз курсокларини тўлдурмоқ, ўзгаларнинг уйини ёндириб, ўз қозонларини қайнатмоқ учун эди. Лекин унлар тилакларини улусга билдирмас эдилар. “Шарқ халқи ваҳшийдир, уларни маданийлашдурмак учун борармиз”, “Шарқ халқи билимсиздир, унларга билим тарқатмоқ учун борармиз”, “Шарқ халқини хоч буйруқлариға бўйсундирмак учун борармиз”, деб ўз ишчи ва деҳқонларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар”¹⁵

Бундай таъсирчан, кучли мантиққа, тарихий далил ва исботларга асосланган фикрларни Алихонтўра Соғуний асарларида ҳам кўриш мумкин: “Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи жоҳилият ботқоғига ботдиқ Бунинг бош сабаби — динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар... Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиши бўлмади. Давлатнинг инқироzi, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур”.

Уэльс шаҳзодаси Чарльзнинг (Чарльз Филипп Артур Жорж) 1993 йилнинг октябрь ойида Оксфорд университети қошидаги Ислом тадқиқотлар марказида ушбу марказнинг ҳомийси сифатида сўзлаган машҳур “Ислом ва Ғарб” нутқида бу фикр янада кенг талқин этилади. Маълумки, 1412 йили Колумб Американи кашф этади. Шу йили Европада саккиз аср давом этган Ислом цивилизацияси таназзулга юз тутди. Нотиқ йигирманчи аср адоғида Ғарб ва Шарқ ўртасида юзага келган ўзаро ишончсизлик, бир-бирларини тушунмаслик, кўрқув ҳақида фикр юритар экан, ислом фалсафаси ва маданиятининг туб моҳиятини тўғри ва

¹⁵ Шу асар, 216-бет.

холис талқин этади: “...экстремизмга фақат мусулмонларнинг белгиси деб қарамаслигимиз лозим. Экстремизм бошқа динлар, жумладан, христианликка ҳам даҳлдор. Аксарият мусулмонлар шахсан динга ўта даражада берилган бўлсалар ҳам, лекин сиёсатдаги интилишлари мўътадилдир... Ислом табиати ҳақида Ғарбда тарқалган тушунмовчиликлар билан бирга, биз маданият ва цивилизациямиз Ислом дунёси олдида қанчалар қарздор эканлигини яхши англамаймиз. Менингча бунга сабаб бизга мерос бўлиб қолган тарихдадир. Ўрта асрларда Ислом дунёси Марказий Осиёдан тортиб Атлантик океани соҳилигача етиб борган олиму фузалолари билан равақ топган дунё эди. Бироқ биз Исломни Ғарбнинг душмани, ғаним ва бегона бир маданият, жамият ва эътиқод тизими сифатида кўришга интилганимиз сабабли, Исломнинг тарихимизга кўрсатган катта таъсирини ҳам унутиб қўйдик. Мисол учун, саккизинчи ва ўн бешинчи асрлар мобайида Испанияда мавжуд бўлган Ислом жамияти ва юқори маданиятининг муҳимлигини камситиб келганмиз. Мусулмон Испаниянинг инквизиция даврида юнон классик назарияларини сақлаб қолгани, кейинчалик Ренессанс даврининг равақ топишига ўз ҳиссасини қўшгани аллақачон тан олинган эди. Билимларни тўплаган ва сақлаб қолган Испанияни биз фақат омборхона сифатида кўрмаслигимиз лозим. Мусулмон Испания қадим юнон ва рим маданиятининг зеҳний меросини наинки асраб қолган, балки мазкур билимларни қайта изохлаб, янада ривожлантириб, бутун дунёга тарқатиб, инсоният ақл-заковатининг аксарият соҳаларига, яъни астрономия, математика, алгебра (бу сўзнинг келиб чиқиши ҳам араб тилидандир), қонуншунослик, тарих, тиббиёт, фармокология, оптика, зироат, илоҳиёт, мусиқа каби фанларга ўзининг муҳим ҳиссасини қўшган ҳам... Ислом илмий изланиш ва интилишларни ҳамиша ёқлаб келган. Айтилишича, “Олимнинг сиёҳи шаҳид қонидан муқаддасроқдир”. Ўнинчи асрда Қуртуба Оврупанинг энг юксак маданиятга эга шаҳари бўлган. Ажабланарли томони шуки, Британияда қирол Альфред таомлар соҳасида ислохотларини амалга ошираётганида, мусулмон Испанияда китобларни абонемент бўйича олиб ўқиш мумкин бўлган кутубхоналар фаолият юритар эди. Маълумотларга кўра, мусулмон Испания

хокимининг шахсий кутубхонасида тўрт юз минг китоб бўлиб, бу рақам ўша йиллари барча Оврупа ерларида мавжуд бўлган жамики кутубхоналардаги китобларнинг умумий сонидан анча кўп бўлган...”¹⁶

Алексей Туробовнинг мактублар шаклида ёзилган “Ҳар кунги Америка” публицистик асари Америка ҳаётининг турли, бир қарашда кўзга у қадар ташланмайдиган, аммо америкача турмуш тарзи ва дунёқарашнинг ўзак маъносини очиб берадиган деталлардан иборат десак, муболаға бўлмайди. “Америкаликлар кийимнинг қулайлигига алоҳида эътибор беришади”, “Улар жуда ишонувчан. Бир йилга шартнома туздик... ва мени аудиторияга қўйиб юборишди. На университетни битиргалигим ва на номзодлик дипломимни бирор кимса суриштирмадди”, “Бу ердаги қўлювгичлар унча яхши эмас. Жўмаклар йўғон ва худди пакана қўзиқоринлардай калта. Қўлингни юваётганингда нукул чиғаноққа тегиб кетаверасан. Умумий ҳожатхоналар, айниқса, маъкул эмас. Унитазларни айтинг. Бизда ахлат керамика идишга тушади, сўнгра сув ювиб кетади. Уларда бошқачароқ. Унитазда доимо сув туради. Уни оқизиб юбормоқчи бўлсанг, гирдоб бўлиб пастга интилади, ўрнини дарҳол янги сув эгаллайди. Кўринишидан озодага ўхшайди. Лекин сувга оғирроқ нарсаси ташласангиз, сув сачрайди. Тагингизга ҳар сафар сув сочилади. Баъзилар ўринларидан туриб кетишади, бошқалар эса, қанақасигалигини билмайман-у, бу ёқимсиз ҳолатга бир умр чидаб келишади...”, “Магазинларда аравагани сургаб юрган харидорлар бир-бирларига ярим метрлар чамаси яқинлашиб қолишса, ўзаро “Кечирасиз” деб қўйишади. Тегиб кетишгани учун эмас, тегиб кетиш эҳтимоли борлиги учун. Бу жудаям чучмал туюлади менга. Кимнидир аравагани билан туртиб юборгим келади. Яна кираётганда ва чиқаётганда бир-бирларига эшикни очиб туришади. Бунинг устига-устак, сен томонга қайрилганча мулойим кулиб қўйишади. Шунақаларни ўлдириб юборгим келади...”, “Америкаликлар иссиқхоналарда тез ва нотабиий ўсиб кетган бодрингларга ўхшашади. Бундай бодринг, гарчи сотиш учун чиройли целлофанларга солиб қўйилган бўлса-да, унчалик хуштаъм ва витаминга бой

¹⁶ Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1996 йил, 8, 15 ноябрь.

бўлмайди. Бизнинг эркаклар эса кийшиқроқ, аччиқроқ, чўтирроқ бўлса-да, табиий ва самимийроқдирлар”, “Америкаликлар тоифа, миллат сифатида зўр, шахс сифатида эса сал чучмалроқ. Америка ғоя, ташкилот сифатида қизиқарли, аммо одамлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Руслар эса, аксинча, тоифа сифатида жирканч, лекин шахс сифатида ёқимтойроқ, қизиқарлироқ, жозибалироқ...”, “Америкаликлар картошкани кўрда пиширилганини ёқтиришади.., тарвузни иккига бўлиб, санчқида ейишади. Апелсинни эса пўстлоғидан қошиқ билан ажратишади. Пичоқлардан деярли фойдаланишмайди, фақат санчки ишлатишади, уни доимо, ҳатто расмий қабулларда ҳам, шнғ кўлда ушлашади. Совиб қолган нонни ейишмайди, бу улар учун биздаги хом балиқни ейишдай гап...”¹⁷

Кўринадики, ушбу асарда бошқа бир жамиятнинг вакили бошқа бир жамият ҳаётига, одамларига, урф-одлатларига баҳо бермоқда. Бу баҳоларнинг кўпига мутлақо қўшилиб бўлмайди, албатта. аммо тадқиқотчи сифатида бизни қизиқтирган жойи шундаки, муаллифнинг шахсий қарашларида унинг шахс сифатидаги ички дунёси кўриниб турибди. Публицистика бизни мана шу ҳолатдан хабардор этмоқда.

Машҳур рус публицистлари В. Песков ва Б. Стрельниковларнинг ўтган асрнинг ўрталарида ёзилган “Колумбнинг топгани” публицистик асари ҳам Америка ҳаётига бағишланган. Аммо унда, айти шу муаллифларнинг “Америка йўллари бўйлаб” (“По дорогам Америки”) йўл очерклари каби, Қўшма Штатлар ҳаёти, одамларнинг турмуш ва фикрлаш тарзи, америкаликларга хос урф-одатлар, мамлакатнинг ноёб табиати, дарё ва кўллари, каньонлари реал, ҳаққоний тасвирланган. Йўл очеркларидан англашиладиган ва кўплар учун кутилмаган хулоса шуки, Америка — бу асосан бир қаватли иморатлар мамлакати.

Худди шу фикрни Игорь Клямкин ва Лев Тимофеевнинг “Кўланкадаги Россия” публицистик ҳикоялари тўғрисида ҳам билдириш мумкин. Асарда рус жамиятининг бугунги маънавий-ахлоқий ҳолати, тобора урчиб бораётган

¹⁷ “Жаҳон адабиёти”, 2003 йил, июль

порахўрлик, қаллоблик, жинойтчилик, коррупция, миллат тақдирига бефарқлик, ўзаро муносабатлардаги ғайриахлоқий иллатлар тадқиқ этилади. Турли касб эгалари — асосан оддий, меҳнаткаш одамлар бу иллатлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин билдирадilar.

Ёзувчи публицистикаси хусусида гап кетганда, улуғ адиб Лев Толстойнинг “Иқрорнома” асарини эслаб ўтмаслик мумкин эмас. Асарнинг муҳим фазилати хусусида мулоҳаза юритар экан, Озод Шарафиддинов шундай ёзади: “Адиб қайси муаммо ҳақида баҳс юритмасин, ҳамиша бу муаммоларни ўз ҳаёти мисолида таҳлил қилган ва бирор ўринда ҳам самимиятдан чекиниш, мактанчоқликка, манманликка, ўзини пардозлаб кўрсатишга уринган эмас. Мана, қуйидаги парчага эътибор беринг: “Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларнинг меҳнати эвазига яшаганман, уларни қатл этганман, ёлғончилик, ўғирлик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жинойт қолган эмас...”.

Бу парчани ўқиган ўзбек китобхони, албатта, ёқа ушлайди: “Ё алҳазар! Шу ўзимиз билган, соясига салом бериб келган улуғ адибми? Роса бўлган экан-ку! Вой, соқолинг кўксингга тўкилгур-ей!”. Бундай дейишимизга сабаб шуки, биз (“биз” деганда ўзим тенги авлодни назарда тутаяпман — О.Ш.) юзаки фикрлашга ўрганганмиз, биз учун фақат оқ ва қора рангларгина мавжуд, биз ҳар қандай одамни баҳолаганда ҳам ё уни мактаб, фариштага айлантириб юборамиз ёхуд қоралаб, қарғаб, қора ерга киритиб ташлаймиз. Ўрталикни тан олмаймиз, Ҳар қандай инсон ҳам, биринчи навбатда, банда эканини ва банда сифатида адашиш ҳуқуқига эга эканини унутиб қўямиз. Толстой улуғ эди, лекин у айни чоғда инсон ҳам эди., ўзбек китобхони шу пайтга қадар Толстойни фақат даҳо-санъаткор сифатида таниб келди. Холбуки, у жуда йирик мутафаккир ҳам эди ва мутафаккир бўлганда ҳам ҳеч нарсага шунчаки ишониб кетавермайдиган, ҳамма нарсани қўли билан ушлаб кўришга интилувчи, ҳар қандай ҳақиқатни ўз ақл

тарозусида таҳлилдан ўтказгандан кейингина қабул қилувчи шаккок мутафаккир эди”.¹⁸

“Иқрорнома” тўла маънода бадий-фалсафий публицистик асар. Унинг ҳар жумласи фикр-мушоҳада, фикр-инкор, фикр-тасдиқ, фикр-даъватдан иборат. Адибнинг иқрорномаси дастлаб унинг шахсий ҳаёти манзаралари, автобиографиясига ўхшаб кетади. Аммо бир-икки саҳифадан кейинок, ёзувчининг ҳаёт, турмуш, тириклик, диний эътиқод, борлиқ ҳақида ўзига ўзи бераётган саволларини ўқувчи ҳам беихтиёр қайтара бошлайди. Ўқувчи ҳам, адиб сингари, ўтган умрини, қарашларини, ҳаётдан олган сабоқ-хулосаларини, ютуқ камчиликларини, қисқаси, ўз умрини қандай ўтказаётганини тафтиш қилишга тушади. “Ғалати манзара,— деб ёзади улуғ адиб,— одамлар диний эътиқодларга сиғиниб, уларга зид тарзда ҳаёт кечирганларини кўрганимда шу эътиқодлардан беғиб кетгандим. Аммо одамлар худди шу эътиқодларнинг ўзига амал қилиб яшаганларини кўрганимда улар менга ғоятда жозибадор ва оқилона кўринди. Шунда мен нега бир вақтлар бу эътиқодлардан безганимни, нега уларни маъносиз деб ҳисоблаганимни, эндиликда эса нима сабабдан уларни қабул қилганимни... тушундим. Мен адашганимни ва қандай қилиб адашганимни тушундим. Мен нотўғри фикр юритганим учун адашган эмас эканман, балки гуноҳкорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман. Мен анаглаб етганим — ҳақиқат юзини мендан яширган нарса фикрларимдаги хатолик бўлмаган экан, балки фавқулодда ишратбозлик, маишатпарастилик шароитида, балои нафси қондириш йўлида ўтказган ҳаётим бўлган экан”¹⁹.

“Иқрорнома”дан англашиладиган буюк хулоса шуки, нотўғри фикрлаш — айб эмас, ҳақиқат излаётган инсон адашиб, янглишиб, ўзининг бу ҳолатларини идрок этибгина кўзлаган мақсадига эришади. Бунгача у, адиб уқдирганидай, ҳаётнинг номаълум соҳиллари томон қайикда, шиддатли оқим билан ёлғиз қолдирилган ҳолда, тажрибасиз қўллари билан эшкак эшади, оқим уни манзилдан бошқа томонга аёвсиз равишда судрайди, йўл-йўлакай ўзи каби оқим

¹⁸ Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар. Т., “Янги аср авлоди”, 2010, 92-бет.

¹⁹ Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар. Т., “Янги асар авлоди”, 2010, 61-62-бетлар.

ихтиёрига тушиб қолган, қўлларида эшаклари тушиб кетган йўловчиларни учратади, ва яна, у олислаб сузиб борар экан, оқимни менсимайдиган ҳайбатли кемаларга, шовваларга урилиб, даабдаласи чиққан қайиқларга дуч келади. Бундай ҳолатга тушган адиб, ниҳоят, хулоса қилади: “Соҳил — Худо эди, йўналиш — ривоят эди, эшаклар — менга берилган эрк эди. Мен уларнинг ёрдамида соҳилга — Худонинг жамолига эришмоққа сузмоғим керак эди” (70-бет).

Лев Толстойнинг Вильям Шекспир ижодига танқидий муносабатда бўлгани маълум. Адиб машҳур драматургнинг “Қирол Лир” асарини пардама-парда, кўринишма-кўриниш таҳлил қилади, ўқувчига асар мазмунини эринмай тушунтиради. “Донғи кетган драманинг аҳволи шунақа,— дейди. — Мен (асар мазмунини) имкони борича ҳолисона баён қилишга интилдим. Шунга қарамай, менинг ҳикоямда асар анча бемаъни чиқди. Лекин, ҳеч иккиламай шуни айтаманки, асар аслида, бундан ҳам бемаънироқдир” (119-бет).

Озод Шарафиддинов Л. Толстойнинг бу фикрларини изоҳлар экан, инсон ҳаётига хос бўлган жуда муҳим бир ҳолатни эслатади: “Толстойнинг фикрларига қўшилиш ёки қўшилмаслик китобхонларнинг ўзига ҳавола. Фақат шуни инобатга олинки, Толстой мақоласидаги мулоҳазалар кўп ўринларда рад этиб бўлмайдиган даражада тўғри кўрингани билан Шекспир ҳам ҳамон яшашда давом этапти. Адабиёт деганлари шунақа бир ғаройиб олам экан...”²⁰

Олимнинг бу хулосасини “Ҳаёт деганлари шунақа бир ғаройиб олам”, дея давом эттириш мумкин. Чиндан ҳам, инсон ҳаёти шу қадар мураккабки, унда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва бузғунчилик, вафо ва хиёнат, фидойилик ва бефарқлик каби ижобий ва салбий фазилатлар билан бирга тўғри ва нотўғри, зарур ва кераксиз, фойдали ва зарарли, одамларни ҳидоят йўлига бошловчи ва бу йўлдан адаштирувчи фикрлар, ғоялар, даъват ва хулосалар ҳам ҳамиша ёнма-ён юради, не тонгки, кўп ҳолларда бири иккинчисининг моҳиятини англашга хизмат ҳам қилади. Муҳими — инсон бу мураккабликдан ўзи учун хулоса чиқаради. Лев Толстойнинг хулосаси шундай:

²⁰ Шу манба, 166-бет.

“Одамлар чинакамига ишонган нимаики бўлса, у ҳақиқат бўлмоғи керак; у ҳар хил йўсинда ифодаланмоғи мумкин, бироқ у ёлғон бўлмоғи мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, мабодо у менга ёлғон бўлиб туюлса, бунинг маъноси шундан иборатки, уни мен англамабман... Ҳар қандай имоннинг моҳияти шундан иборатки, у ҳаётга ўлим мавҳ этолмайдиган маъно беради. Табиийки, ҳашамат кўйнида жон таслим қилаётган подшонинг, меҳнат азобида ўлаётган қари кулнинг, норасида гўдакнинг, донишманд кексанинг, девонасифат кампирнинг, бахтиёр жувоннинг, эҳтирослар қуюнида ўртааётган йигитнинг саволига жавоб бермоқ учун, яъни турфа хил шароитдаги ҳар хил маълумот даражасига эга бўлган одамларнинг саволига жавоб қайтармоқ учун, албаттаки, Ҳаётнинг “Мен нима учун яшаяпманқ Менинг ҳаётимдан нима маъно чиқадиқ” деган ўша мангу ягона Саволига бериладиган жавоб битта бўлса, — имон берадиган Жавоб моҳиятига кўра бир хил бўлса-да, ўзининг кўринишларида чексиз хилма-хил бўлмоғи керак”²¹

Улуғ адиб Чингиз Айтматов публицистикасининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда ҳаёт, одамларнинг ўй-қарашлари фақат бир йўналишда эмас, бутун мураккаблиги, хилма-хиллиги, гоҳо мантиқан бир-бирига зидлиги, мавҳумлиги билан тасвирланади. Адиб асарларининг баъзи қаҳрамонлари, ўқувчи уларни севиб улгуришганидан кейин ҳам, худди даҳо Толстой каби, ёқимсиз, кутилмаган ишларни қилишадики, муаллиф тасвирда бу ҳолатларни асло четлаб ўтмайди.

Ўзбек бадиий публицистикаси хусусида жиддий тадқиқотлар олиб борган профессор О.Тоғаев буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда туриб, турли кишиларга йўллаган мактубларидан иборат «Муншаот» асари хусусида шундай ёзган эди: «Бу мактублар буюк адибнинг турли ҳолат ва вазиятлардаги кайфиятини реалистик акс эттирган ноёб тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир. Навоий хатларида ўз ватани, халқи ҳақидаги ғамхўрлик туйғуси билан яшаган, халқ аҳволини яхшилаш ҳақида кўп ўйлаган, ўз сиёсий тушунчаларига мувофиқ

²¹ Шу манба, 72-73-бетлар.

амалий тадбирлар тақдим этган гражданин шоирнинг оташин овози эшитилади».²²

Олим ва адиб Воҳид Зоҳидовнинг “Навоийнинг яна бир ҳаётномаси” публицистик асарида “Муншаот” янада чуқур таҳлил этилади. Муаллиф улуғ шоир ва доно давлат арбоби Навоий ғоят серқирра ҳаёт кечиргани, ниҳоят даражада мураккаб ва оғир шароитларда яшагани, ўта кескин ва уқубатли курашлар, олишувлар марказида бўлгани, ҳаёт ва ижодида, жиддий тўқнашувларда гоҳ муваффақият қозонса, гоҳ мағлубияга учрагани, “бир одам кўтара олиши маҳол азоб-уқубатлар исканжасида бўлганини”, лекин бу кийинчилик ва азобларга қарамасдан, ўзининг бадиий, илмий фаолиятидагина эмас, кундалик ҳаёти ва курашида ҳам ўз илғор фикрларидан, ватанпарварлик ва тинчликсеварлик ғояларидан воз кечмаганини таъкидлар экан, шундай муҳим хулосага келади: “Бу мажмуанинг энг қимматли томони унда авторнинг ўз даври ва шу даврдаги қатор асосий тарихий шахслар ҳақида, ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида, мамлакат ва халқ турмуши ҳақида берган жуда муҳим маълумотлардагина эмас. Асарнинг асосий қиммати яна шундан иборатки, унда ҳам буюк Навоий ўзига содиқ қолади. Инсон тақдири тўғрисида, мамлакат, раият, маданият масалаларида муаллиф юксак донолик билан ажойиб фикрларни ифодалайди, ғоят ижтимоий фойдали насихатлар беради, эзгу ниятларни куйлайди.., жамиятда ва одамларда мавжуд бўлган иллатларни, халқ, ватан ва тараққиётга зарар етказадиганларни фош қилади, қоралайди, уларга қарши кураш олиб боради, уларни тўғри йўлга солишга интилади”²³

Тадқиқотчи олима М. Шарафиддинова Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини таҳлил қилар экан, қуйидагиларни ёзади: “Асарда қаҳрамонларнинг хат орқали ўзаро фикр алмашиб, дардлашиб туриши муҳим тасвир воситаларидан бири ҳисобланади. Роман матнига каттагина ҳажмдаги хатлар шундай маҳорат билан сингдириб юборилганки, уларнинг таҳлили Абдулла Қодирийнинг бугунги илмий тилда эпистоляр жанр деб аталадиган,

²² О.Тоғаев, «Ўзбек бадиий публицистикаси», «Фан», 1973, 5-бет).

²³ Воҳид Зоҳидов. Танланган асарлар, 2-жилд. Т., 1977 йил, 172-173-бетлар.

мумтоз адабиётимизда эса номачилик деб юритиладиган жанрнинг моҳир устаси бўлганидан далолат беради. Ёзувчи воқеалар баёнида қўллаган ўзига хос мураккаб сюжет тармоқларини бир нуқтада бирлаштириш, шунингдек, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғу ва кечинмалар оламини теранроқ ёритиш мақсадида айнан шу жанрга мурожаат этади. Романда келтирилган хатларни синчиклаб ўқийдиган бўлсак, уларнинг барчаси эркин бадиий услубнинг ёрқин намунаси эканига ишонч ҳосил қиламиз”²⁴

Романнинг “Тошкент устида қонлиқ булутлар” бобида киритилган Юсуфбек ҳожининг савдо ишлари билан Марғилонда юрган ўғли Отабекка йўллаган мактубида ота Тошкентда юзага келган ғоят хавfli вазиятдан ўғлини огоҳ қилади, халқни маккорлик билан ўз томонига оғдириб олган Азизбекни олқишлаётган Тошкент аҳлининг тақдиридан ташвишда эканини билдиради, Азизбекнинг қўидаги гапларини келтириб, унинг иккиюзламачи фарибгар, риёкор эканини ўғлига уқдиради: “Булар Мусулмон чўлоқнинг саркардаларидан, қипчоқларнинг йўлбошчиларидан ва қорачопоннинг душманларидан бўлган икки тўнғизнинг гавдалари! Мен буларни сиз қорачопон фуқаром томонидан ўч учун ўлдирдим, сиз қорачопон оғайниларнинг қипчоқ қўлида шаҳид бўлган қариндошларингизнинг руҳларини шодлантирмоқ учун ўлдирдим! Ёки бу ҳаракатим адолатдан эмасми, фуқароқ!”²⁵

М. Шарафиддинованинг фикрича, Юсуфбек ҳожининг хатида яна бир қаҳрамон — турли тоифа вакиллари, уламо ва фузалодан, деҳқону косиблардан, савдо-тижорат аҳлидан иборат халқнинг овози баралла эшитилиб туради: “Адолат! Хўб қилгансиз, тақсир!.. Халқнинг ҳайқирғи кўкка кўтарилади: “Бир томчи қонимиз қолгунча йўлингизда жон берамиз! Қипчоқларда ҳад бўлғаймики, биз тирик турган жойда сизнинг бир тола мўйингизни ҳам қилсинлар”²⁶

²⁴ М. Шарафиддинова. “Хатлар кўнгил дафтари”, “Тафаккур” журнали, 2009, 4-сон, 39-бет.

²⁵ А. Қодирий. “Ўткан кунлар”, Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 йил, 36-бет.

²⁶ Шу асар, 36-бет.

Шу биргина мисолнинг ўзиёқ ушбу мактуб ва романга киритилган бошқа мактублар (Отабек ва Кумушнинг ўзаро ёзишмалари ҳам) икки киши орасидаги шахсий муносабатлар эмас, аксинча, ижтимоий маъно касб этган тарихий ҳужжатлар эканидан далолат беради.

Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темурнинг Оврупо қироллари билан ўзаро ёзишмаларини эслаб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Бу номалар, гарчи бадий ифода усулларида холи бўлса-да, фавқулодда ноёб тарихий аҳамияти, муҳим публицистик характери билан ҳам эътиборга молик. Чунончи, Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл У1 га йўллаган мактубида қуйидагиларни ўқиймиз: «Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бига муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу соҳада хотиримизни жам қилғай. Яна ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини бажо келтирсак, уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир. Рисолатни (элчиликни) ҳам ўрнатурмиз. Давлатлари узоқ йиллар комронликда бўлсин. Ҳижрий 805 йил, муҳаррам ойининг аввалида (Милодий 1402 йил 1 август) ёзилди».

Соҳибқироннинг Карл У1 га ёзган иккинчи номасида шундай сатрлар бор: «Ҳақиқий дўст сифатида биз сизнинг кишварингизнинг ҳамиша равнақда бўлмоғини истаймиз. Бунинг боиси шулдирким, сизнинг номингизни узоқ-узоқ ўлкаларда ҳам биладилар ва сизнинг барча қироллар орасидаги обрў-эътиборингиз тўғрисида бутуншарқ архиепископи, бир вақтлар фаранглар томонидан менинг ҳузуримга жўнатилган монах Жан бизга ҳикоя қилиб берди. Ул кишининг ҳикоялари ҳам монах Франциск Сатруникига жуда ўхшаш бўлиб, салтанатингиз тасарруфининг кўплаб, хусусан, ҳозирги ўлкаларгача кенгайганлигини биз яқинда Туркияда бўлганимизда эшитдик. Саройингизнинг улуғворлиги, қудрати ва тартиб-қоидалари бизни мамнун қилди. Сизнинг турк Боязид билан орангизнинг совуқлигини эшитдик. Ул султон мен билан бир тузум ва бир дин одами бўлишига қарамасдан, орамизда тузилган битимни

хурмат қилмади. Оқибат, биз ва дўстларимиз уни синдиришга азм этдик. Биродарларимизнинг даъвати ҳамда сизга берган ваъдамизга амал қилиб, сиз ва биз учун бир хил ғаним бўлгон Туркия султониға қарши юриш қилдик. Оллоҳнинг мадади бирла қисқа муддат ичида султон Боязиднинг бутун кўшинини тор-мор келтирдик. Бизнинг истагимиз — сизнинг саломатлигингиз устивор бўлсин, сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мактовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик».

Карл У1 Соҳибқироннинг бу мактубларига жавоб йўллар экан, Амир Темурнинг султон Боязид устидан қозонган ғалабасидан шод бўлганини алоҳида таъкидлаб, қуйидагиларни баён қилади: «Маълумингизким, бу номалар бизга биргина завқ бағишлаб қолмайдир, боз устига, сиз олий ҳазратларига маъқул бўлганидек, бизнинг ва ўзга насроний давлатларнинг тожирлари сизнинг фуқароларингиз билан савдо-сотик қилсалар, ўз молларини хавф-хатарсиз олиб бориш, айирбошлаш имкониятига эга бўлсалар ҳамда сизнинг тасарруфингиздаги ерларда эмин-эркин юрсалар. Ва, ниҳоят, сиз олий ҳукмдорнинг ўз қўл остингиздаги ўлкаларда яшаётган насроний мазҳабига мансуб фуқароларга нисбатан мурувватли бўлаётганингизни эшитдик, бунинг учун сизга ўз миннатдорлигимизни баён этгумиздир. Биз ҳам сиз ҳазратларининг фуқароларига, насиб этгудек бўлса, бундан ҳам зиёда мулозимат кўрсатишга ҳаракат қилурмиз. Нома мелодий минг тўрт юз учинчи йилнинг 15 июнида Парижда битилди».²⁷

Ушбу мактублар ҳамда Амир Темурнинг турк султони Боязидга ёзган мактублари²⁸ Соҳибқирон салтанатида ижтимоий-маънавий қадриятлар, халқаро алоқалар ва бошқа динларга эътиқод қилувчиларга муносабат, ҳурмат-эътибор қандай бўлганини, салтанатда диний бағрикенгликка қатъий амал қилинганини

²⁷ Ушбу иқтибослар Раҳим Қиличев ва Муҳаммаджон Холбековларнинг лотин ва фаранг тилларидан қилган таржималари асосида берилди. Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил, 28 май).

²⁸ «Миллий тикланиш», 1996 йил, 9 январь, А. Ўринбоев ва Д. Валиева таржимаси.

ва яна икки турк султони ўртасидаги тарихий жангнинг асл сабабларини ойдинлаштириб беради. Бу мактубларнинг ўзиёқ шўролар даври тарихчиларининг Амир Темур шахси ва унинг фаолиятини сохталаштириш борасидаги уринишларининг асосизлигини тасдиқлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий ҳаёти ва қолдирган бой маънавий мероси унинг шоҳ ва шоир сифатидаги мураккаб тақдирини ўрганиш билан бирга бугунги янги авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода истиклол йилларида «Бобурнома» ҳамда адибнинг бошқа асарлари, жумладан, унинг фарзандларига ёзган мактублари ҳам эълон қилинаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу манбалар, хусусан унинг мактублари Заҳириддин Бобурдек йирик шахс, давлат арбоби, саркарда ва шоир ҳақидаги таассуротларимизни янада бойитади, унинг замонга, ён-атрофида кечаётган воқеаларга, фарзандларига нисбатан муносабатини ойдинлаштиради. Чунончи, «Бобурнома»нинг янги илмий-танқидий матни нашрида («Шарқ», 2002, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов) Бобурнинг ўғли Комронга «Насихатномаи Бобур ва фарзанди худ» номли мактуби келтирилган (Нашрга тайёрловчи профессор Бегали Қосимов). Бу манбаа «Бобурнома»нинг битилмаган саҳифаларини ёритади, фарзанднинг ота олдидаги бурчи, ака-укаларнинг ўзаро муносабати ҳақида қимматли маълумот беради.

Бобурнинг фикрича, улғайиб бораётган ёшларнинг «комил ва мукаммал бўлиб камолга етиши» саъй-ҳаракатлари уларнинг интилиш ва ҳаракатлари боис амалга ошади. Ота ўғлига мурожаат этиб, Амир Темур чиғатой улусига мансублиги, давлат бошқарувида унинг ўғитлари, иш тажрибаси мактаб эканлигини уқдиради, бу борада Султон Ҳусайн мирзони намуна қилиб келтиради ва давлатчиликда, эл, раият билан ишлашда Хуросон эли вакилларига кўпроқ суянишни таъкидлайди.²⁹

Ушбу нашрда Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн мирзога йўллаган махфий мактуби ҳам эълон қилинган (таржимон Ансориддин Иброҳимов). Мактубда

²⁹ Ҳ. Кудратуллаев, «Бобур мактублари — ҳаёт ва ибрат дарси», «Моҳият», 2009 йил, 13 февраль.

Бобур яна бир карра, жиддий тусда Ҳиндистон масаласини ўртага қўяди. Бу мактуб васиятнома бўлиб, Бобурнинг изчил сиёсати, унинг теурийлар салтанатининг яхлитлиги учун бир умр қайғурганлигидан далолат беради. «Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳлини подшоҳга яхши назар билан боғлайди. Ислоннинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдур, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикиридан қўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат ҳар хил ташвишлардан холи бўлади».³⁰

Бобур Ҳумоюннинг мактубларини ўқир экан, улардаги хато ва ғализликларни кўриб, ўғлини қойийди: «Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур ҳаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандин сўнг, албатта, тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, илтифотни «то» била битибсен. қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда қоҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бет такаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғучиға».

Бобур ўғли Ҳумоюннинг хатига ёзган жавобларидан бирида: «Шукур, бермиш сенга ҳақ фарзанде, Сенга фарзанду менга дилбанде» — дея хурсанд бўлади. Аммо набирасига «Алҳамон» исмини қўйганларидан қаттиқ ранжийди. Бобурнинг фикрича, исмга «ал» қўшилмайди, «Алҳамон»ни эл «Аламон» деб талаффуз қилади. Исм қўйишда авомнинг талаффузини инобатга олиш керак.³¹

³⁰ Х. Исматуллаев, «Бобурнинг махфий васиятномаси», «ЎзАС», 1998 йил, 27 ноябрь).

³¹ Ф. Исҳоқов. Бобур тил ҳақида. «Имом Бухорий сабоқлари» журнали, 2001, 4-сон, 304-бет.

Табиб ва файласуф Франсуа Берньенинг «Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи» асари³² тарихий жиҳатдан ғоят муҳим манба ҳисобланади. Муаллиф Фаластин, Сурия, Саудия Арабистони, Мисрга саёҳатидан сўнг, 1658 йили Ҳиндистонга келади ва ўн икки йил давомида Бобурийлар сулоласи саройида табиблик қилади. Унинг ушбу асари, гарчи, тарихий мавзуда битилган бўлса-да, ижтимоий-маънавий публицистикага хос жиҳатлари билан ҳам эътиборга моликдир. Асарда ўша даврга хос талотўплар, ота Шоҳ Жаҳон ва ўғиллар Доро шукуҳ, Аврангзеб, Муродбахш муносабатларидаги зиддиятлар, уларнинг сабаблари хусусида кўплаб келтирилган.

Бадий публицистиканинг эпистоляр жанрида, гарчи ижодкорларнинг ўзаро мактублари бир қарашда шахсий ёзишмалардай туюлса-да, аслида аксарият мактублар маълум ижтимоий «юк»ка эга бўлади. Чунки уларда мактуб муаллифининг ички дунёси, ҳаётга, жамиятга, конкрет воқеаликка муносабати, маънавий олами, кечинмалари, шахс сифатидаги ўй-ҳаёллари, нимадан ифтихор қилаётганию нимага қарши исён кўтараётгани тўла намоён бўлади. Мактубда муаллиф ўзини тамомила эркин тутади, эркин фикрлайди. Бунини Ўзбекистон халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев, Рўзи Чориев, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг ёзишмаларида, таниқли шоир Машраб Бобоев ва журналист Нусрат Раҳматнинг ўзаро мактубларида, журналист Ашурали Жўраевнинг «Қишлоқдошларга мактублар» туркумида ҳам кўриш мумкин.

Абдулҳақ Абдуллаевнинг Рўзи Чориевга мактубларидан бирида куйидагиларни ўқиймиз: «Турмуш — мен учун жумбоқ. Доим бу жумбоқларни ечишга тўғри келади. Албатта, имконият даражасида. «Ҳаёт — бизга доим бошоғриқларни етказиб турадиган фан» дейиш камлик қилади У бундан-да чигал. Ақлли одамлар «Фақат ижод қилиш билан узоққа боролмайсан, аниқроғи, агар ҳаёт тўғрисида мушоҳада юритишга ноқобил бўлсанг, ижодинг унчалик теран бўлмайди», дейишади. Билмадим, сен Репиннинг мактубларини ўқиганмисан, йўқми? Уларда биз учун ибрат бўладиган гаплар ёзилган. Репин ёшлигида кўп ўқимаганлиги, кўп нарсаларни билмаслиги, билими етарли

³² Қаранг: «Жаҳон адабиёти», 2002 йил, август, 102-141-бетлар.

эмаслигини англаб, Крамскойдан: «Нима қилсам экан?», деб маслаҳат сўрабди. Репиннинг ёзишича, ўшанда Крамской уни диққат билан тинглабди-да, ҳеч нима демасдан узоқ сукутга ботибди. Сўнг жиддий тарзда унга: «Чуқур билимга эга бўлиш жуда муҳим. Бунинг учун, агар зарур бўлса, ижод билан шуғулланишни вақтинча тўхтатиш керак», дебди. Шундан сўнг Репин мустақил равишда ўз билимини оширишга астойдил киришиб кетибди. Тинимсиз равишда китоблар мутолаа қилибди. Унинг бу иродаси кишини хайратга солади...».

Ботир Зокиров Рўзи Чориевнинг ижодий портретини қуйидагича «чизади»: «Чориев дастлаб кишида чинданига бошқача бир таассурот уйғотади. Мен ҳам унинг устахонасига биринчи бор борганимда, ғалати бир аҳволга тушиб қолдим. Ўшанда унинг устахонасига ҳали киришга ҳам улгурмаган эдим. У ўзбекона мулозаматни ҳам унутиб, шиддат билан ўрнидан турди-да, мўйқаламни олиб, портретимни чизишга тушиб кетди... Унинг вужудига аллақандай сеҳр-жоду кириб олгандай кўринар, мўйқалам тутган қўллари холст устида шиддат билан ҳаракатланарди. Мен маҳлиё бўлганча хайратланиб, рассомнинг ҳар бир ҳаракатини мароқ билан кузатиб ўтирдим... У портретимни ишлаётган пайтида мен билан бемалол гаплашиб ўтирди. Менга хонандалар, гастроллар, кўшиқлар, мусиқа тўғрисида кўп саволлар берди. «Гендел! Бах! Менделсон! Мана, даҳолар! Уларни идрок этсанг, санъат нима эканлигини тушунасан. Караваджочи? Ботичелли? Леонардо? Фрескаларчи, Панжикент фрескалари?.. Қани энди, уларга ҳеч бўлмаса бир лаҳзагина яқинлашсанг! Бу дунёда фақат ва фақат ишлаш керак, деди. У мўйқаламни тўхтатмасдан ҳаракатлантирар экан, шундай деб ҳайқирди. Сўнг тўсатдан баланд овоз билан хурсанд бўлиб кўшиқ айта бошлади. У опералардан ариялар, ўзбек халқ кўшиқлари ва фақат унинг ўзигина биладиган аллақандай оҳангларни қуйларди...»³³

Публицистикада давр руҳи ва тамойиллари ифодаси

³³ Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2006 йил, 25 август. Таржимон А. Улуғов

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари кўшма йиғилишидаги маърузаси (2010 йил 12 ноябрь) мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим воқеа бўлди, Парламент фаолиятини, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, партияларaro рақобатни кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларига доир ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан яқин-келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб берди.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки икки ўн йиллигида эришилган оламшумул ютуқларни, халқимизнинг онг-шуурида, турмуш тарзида, жамият ва шахс муносабатларида рўй берган ўзгаришларни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни қандай бораётганини таҳлил қилиш билан бирга, давлат ва жамият тараққиётида янги сифат босқичига кўтарилиш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон турмушини таъминлаш, мамлакатда ижтимоий адолат принципларини тўла қарор топтиришга доир ҳаётнинг ўзи, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз кун тартибига кўяётган масалалар юзасидан ғоят муҳим тақлифларни ўртага ташлади.

Глобаллашув ва рақобат дунё миқёсида кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир мамлакат дунё ҳамжамиятида ўзи эгаллаб турган ўрнини холис ва танқидий баҳолаши, ҳар томонлама чуқур ўйланган, ижтимоий-иқтисодий асослари пухта ишлаб чиқилган тараққиёт дастури ҳамда уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлиши керак. Президентимиз тақлиф этган Концепцияда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа муҳим масалалари қатори ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, уларнинг эркинлиги ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор берилди.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратиш учун,

аввало, жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга, жамият ҳаётининг ўзига хос кўзгусига айлантириш зарур. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи, Концепцияда айтиб ўтилганидек, “инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”.³⁴

Мустақиллик йилларида бу борада самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолиятини, сўз эркинлигини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. Муҳими шундаки, бу йўналишда қабул қилинган қонунларнинг барчаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айтиш чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш имконини берди. Бунинг натижасида миллий матбуотимиз саҳифаларида собиқ тузум шароитида мутлақо қўл урилмаган, ҳеч ким журъат этмаган, расман таъқиқлаб қўйилган мавзулар, танқидий мушоҳадалар, қиёсий таҳлиллар, ижтимоий-сиёсий шарҳлар пайдо бўлди.

Аммо, эътироф этиш лозимки, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, самарадорлигини таъминлаш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг қуйидаги кўрсатмаси айтиш муддао бўлди: “Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни танқидий баҳолаш эканмиз, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман. Яъни бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устивор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари

³⁴ “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 13 ноябрь.

фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда”.

Президент бундай шароитда ОАВ имкониятларини янада ошириш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидан муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш зарурлигини яна бир бор кун тартибига қўйди: “Оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва, муҳими, инсон ҳамда жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВ ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш, ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш зарур”.

* * *

Мустақилликнинг дастлабки кезларидаёқ миллий матбуотимиз зиммасига жамиятда кечаётган ўта мураккаб жараёнларни, яқин-ўтмишимизда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни адолатли, холис ва ҳаққоний ёритиш, истиқлол ғояларини изчил тарғиб қилиш, айти пайтда мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларни мамлакатда, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиш, жамият аъзоларини янги демократик давлат қуришдек ягона мақсад атрофида бирлаштириш вазифаси юкланди. Бунинг боиси шуки, журналистика, айтиқса, публицистика ўтиш даврида жамият ҳаётида мавжуд бўлган муҳим муамолардан баҳс очади. Воқеа-ҳодисалар ривожини синчковлик билан кузатади ва таҳлил этади. Бундай публицистикани бир ижодкорнинг фаоллиги ёки қуюнчаклиги дейишдан кўра, жамиятнинг фикрловчи, мушоҳада юритувчи, миллат, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган уйғоқ қатлами

вакилларининг умумлашма фикри дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки публицист ўз ижодида жамоатчилик фикрига таяниб қалам тебратади.

Айтиш зарурки, матбуот шу чокқача бундай зарворли топшириққа дуч келмаганди. Шу боисдан ҳам унинг дастлабки қадамлари сушт кечди, иккиланиш ва янглишишларга йўл қўйди. Чунки янги шароитда ишлаш, эркин фикр юритишнинг андозалари ҳали ишлаб чиқилмаган эди.

Мустақиллик йилларида тарих ҳақиқати ва адолатини тиклаш, тарихни ўрганишдаги бирёқламалик ва ноҳолисликка чек қўйиш, саёз ва мафкуралаштирилган қолиплардан воз кечиш тамойили юзага келди. Бу илмий ва ҳаётий зарурат давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қатор асарларида, маъруза ва нутқларида ўз ифодасини топган.

Эркин матбуот жамият ҳаётидаги ҳар бир даврнинг ҳолис кўзгуси ҳисобланади. Мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бераётганида бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий тамойиллар, маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳам ўзгаради, миллий ривожланишнинг янги вазифалари, марралари белгилаб олинади. Демакки, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг фаол демократик институтларидан бири сифатида янги ғоя ва янги мафкура тамойилларининг толмас тарғиботчисига, таъсирчан минбарга айланади. Одамларда жамият ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришларни матбуот орқали билишга қизиқиш кучаяди

Профессор Назира Абдуазизованинг “Миллий журналистика тарихи” монографиясида таъкидланишича, “ҳар қандай матбуот ўз даври ва замонининг маънавий кўзгуси, ақлий маёғи, интеллектуал минбари ҳисобланади. Унда жамият руҳияти, ижтимоий психология, ўша давр одамларининг мақсад ва интилишлари ўз аксини топади. Нашрлар турли соҳаларга дахлдорлигидан қатъий назар, ўқувчи онги ва тафаккурига таъсир этиши орқали ижтимоий фикрни шакллантиради, жамият руҳиятини белгилайди, жамиятнинг маънавий-маърифий даражасини оширишга ҳисса қўшади. Ўз даври ижтимоий сиёсий жараёнларига бевосита муносабат билдириш орқали уни йўналтиради, ривожлантиради ва ташкил этади”. Бу фикрни Эрназаров Қ., Худойқулов М., Жўраев Н., Умиров С., Дўстқораев Б., Дўстмуҳамедов Х., Мўминов Ф., Маматова Я. ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам кўриш мумкин.

Жамиятни янгилаш, мамлакат ҳаётини модернизация қилиш жараёнида матбуот сўзининг эркинлиги муҳим омилга айланади. Бундай шароитда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштироки, жамоатчилик фирини шаллантиришдаги роли кескин ошади, журналист кадрларни янги шароитга мос равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш зарурати юзага келади. Айни чоғда, яқин ўтмишда матбуот фаолиятида йўл қўйилган хато-камчиликларни такрорламаслик, оммавий ахборот воситаларини собик тузум шароитидаги мафкуравий “ур тўқмоқ”дан жамоатчилик фикрининг холис ифодачисига, жамиятдаги ва одамлар дунёқарашидаги турли қарашларнинг эркин минбарига айлантириш зарурати юзага келади. Бинобарин, янги мустақил матбуотнинг шаклланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва тегишли хулосаларга келиш бугунги кун, эртанги истиқбол учун ғоят муҳим вазифадир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари бошдан-оёқ сиёсий, ижтимоий-бадний публицистиканинг таъсирчан руҳи билан суғорилган. Асарда инсониятнинг энг буюк бойлиги бўлмиш маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий томонлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали чуқур таҳлил этилади. Ўқувчи асарни мутолаа қилар экан, бугунги мураккаб дунёнинг чигал муаммоларидан бохабар бўлади, турли тажовузкор кучларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий таҳдидлари моҳиятини тушуниб етади, жамият, миллат олдида турган энг муҳим вазифаларни аниқ тасаввур қилади. «Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор,— деб ёзади Ислом Каримов.— Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз».³⁵

³⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. “Маънавият”, 2008, 51-бет.

Тарихда ҳам, кечаги яқин-ўтмишда ҳам бунда мисоллар кўп. Муаллиф бизни четдан ёпирилиб келаётган «оммавий маданият» ниқоби остидаги маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига бефарқ ва лоқайд бўлмасликка, дунёда турли мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-кунга кескин тус олаётган бир пайтда «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётганини» тушуниб олишга даъват этади. Зеро, «агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди».³⁶

Китобда маънавиятимизга бўлаётган турли кўринишдаги таҳдидларга алоҳида эътибор берилади. Маънавий қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида маънавий илдизлари заифлашган халқ энг оддий хавф-хатар олдида ҳам ожиз бўлиб қолади. Дунёнинг ривожланган ҳар бир мамлакати ўз ташқи сиёсатида, энг аввало, шахсий манфаатларини кўзлар экан, ва бу манфаатлар гоҳо тўқнаш келиб қолиши мумкин экан, янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Негаки иқтисодий, ҳарбий тазйиқни сезиш осон, аммо мафкуравий тазйиқ кўринмас бир офат сифатида халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади ва чуқур илдиз отади. Иқтисодий тангликни енгиш мумкин, аммо маънавий таназзулни енгиш жуда оғир кечади. Бунинг сабаби, бузғунчи кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда ўта беозор кўринадиган, аммо таъсир кучи ғоят самарали воситалардан фойдаланади. Бунда асосий куч ва имкониятлар ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитишга қаратилади.

Мазкур асарда комил инсон тарбиясида, жамиятнинг маънавий асосларни мустаҳкамлашда сўз санъати деб аталмиш қудратли восита — бадий адабиётнинг ўрни ва аҳамияти ҳам кенг очиб берилган. «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак,

³⁶ Шу манба, 122-бет.

авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак,— деб уқдиради муаллиф.— Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди».³⁷

Асарда миллий тараққиёт, миллий тафаккур, ижтимоий фаоллик ва Ватан равнақи, халқимизнинг тинч-тотув яшаши йўлидаги фидойиликни янада оширишнинг муҳим вазифалари, ҳар биримизнинг бу борадаги бурч ва масъулиятимиз аниқ-равшан белгилаб берилган: «Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз».³⁸

Ислом Каримов маънавият тушунчасини, унинг тугал маъно-моҳиятини, халқни халқ, миллатни миллат қилишдаги, тарихий хотира ва улуғ аجدодларнинг маънавий-ахлоқий меросини келажак авлодларга тўла етказишдаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириб беради. Чунончи, халқ, миллат ўз миллий маънавиятини, миллий-ахлоқий қадриятлари, замонлар синовидан ўтган урф-одат ва анъаналарини йиллар, асрлар давомида ривожлантириб, тўлдириб боради. Чунки «маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади».

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири ва тўқсонинчи йилларнинг бошларида ўзбек матбуотида, хусусан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Мирза Кенжабек, Шодмонбек Отабоев, Нурали Қобул, Тоҳир Қаҳҳор, Хуршид Даврон,

²¹ Шу манба, 140-бет.

²² Шу манба, 159-бет.

²³ Шу манба, 171-бет.

Мурод Абдуллаев, Ёқубжон Хўжамбердиев, Карим Баҳриев, Нафиса Содикова ва бошқа кўплаб муаллифларнинг оташин публицистик мақолалари таназулга юз тутаётган собиқ тузумнинг ҳақиқий афт-башарасини очиб беришда муҳим аҳамият касб этди. Ёзувчилар Оролбўйи минтақасида вазият тобора мураккаблашиб бораётгани тўғрисида бонг ура бошладилар. Уларнинг собиқ иттифоқ Фанлар академияси раҳбарларига мурожаати матбуотда эълон қилинди. Унда, жумладан шундай дейилади: «Иш тажрибангизда маҳкамавий манфаатлардан чиққан асоссиз режа сифатида сизлар томонингиздан рад этилган лойиҳалар кўпми, бунга тескари ҳоллар, яъни сизлар маъқуллаган ва орадан бир неча йил ўтиб, ҳатто ундан ҳам илгари иқтисодий бетайинлиги фош бўлиб қолган, жамиятнинг нормал ҳаёти ва сиҳатлиги талабларига жавоб бермаган лойиҳаларнинг саноғи бормиқ.. Беихтиёр савол туғилади: нега Фанлар академияси бу ва бошқа кўпгина хатоликларни совет жамоатчилигига тушунтириб бермаяпти, нега янглиш қарорлар учун биринчи навбатда жавобгар бўлган олимларнинг номлари тилга олинмаяптиқ... Фанлар академиямиз Орол фожиасидан четда турибди, шу билан бирга 30 миллионга яқин аҳоли яшовчи бу регионда юз берган аҳвол ҳақида бизга бор ҳақиқатни ҳам айтмаяпти, ерларнинг унумдорлигини яхшилаш деб ном олган тадбирлар натижасида қанча ўрмон ва ер бой берилгани хусусида лом-мим демаяпти, барча регионлардаги сув ва ҳавонинг булғаниши, шунингдек, бизнинг фахримиз бўлмиш меъморчилик ва санъатга доир адабий вайрон этилган тарихий обидалар ҳақидаги аниқ маълумотларни маълум қилмаяпти...».³⁹

Шу йиллари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида айни шу муаммоларга, мамлакатнинг турли вилоят ва шаҳарларида экологик вазиятга таъсири мутлақо ўрганилмай қурилган қатор саноат корхоналарининг зарали чиқиндилари тўғрисида туркум мақолалар эълон қилинди. Аммо бу ҳаракатлар республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланмади. Аксинча, Ўзкомпартия марказқўмида бўлиб ўтган йиғилишда биринчи котиб Р. Нишонов фидойи публицист-ёзувчиларни кескин танқид қилиб чиқди. Нотик,

³⁹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989, 10 февраль.

гарчи ёзувчиларнинг, олимларнинг экология, Орол муаммоларига доир бир канча мақолалари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги машҳур қарори қабул қилинишини тезлатишга, шунингдек, Бўстонлик районида катта саноат объекти қурилиши тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ёрдам берганини» тан олса-да, ёзувчиларнинг бу жонкуярлигини қайта қуришга қарши хатти-ҳаракатлар, деб баҳолади.⁴⁰ Бундай мақолаларни, жумладан, Қўқон суперфосфат заводининг ён-атроф экологиясига, оналар ва болалар саломатлигига жиддий зарар етказаётганлиги тўғрисида «Косага тушган илон» (муаллиф Ё. Хўжамбердиев) мақоласини журъат билан эълон қилган адабиёт газетаси таҳририятига зуғумлар кучайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг СССР халқ депутатлари қурултойида сўзлаган нутқи ёзувчининг ғайриинсоний ақида ва тамойилларга асосланган, умри тугаб бораётган сохта тузумга нисбатан жиддий зарбаси эди. Адиб ўз нутқида машаққатли меҳнати билан пахта етиштираётган ўзбек деҳқонининг аянчли аҳволига алоҳида тўхталади: «...шундай хомашёни етиштираётган деҳқоннинг аёли бугун қандай аҳволда яшамокдақ Бу одамлар машаққатли меҳнатлари эвазига қанчадан ҳақ олишаётирқ Бизнинг опасингилларимиз куёшнинг радиация сочувчи нурлари тиғида, жазирама офтобда заҳмат чекишаётир. Ҳа, улар бажараётган иш аёл зотиға муносиб эмас. Офтобнинг заҳри, заҳарли химикатларнинг ҳуда-беҳуда қўлланиши натижасида рак, ошқозон-ичак ва сариқ касалликлари, аёлларнинг камқонлиги ва бошқа хасталиклар беҳад урчиди. Республикада аёллар ва болалар ўлимининг ўсишига ҳам сабаб шу... Жанубий Америкадаги «тошбағир» оқ танли фермерлар тутган йўлни бир эслайлик. Улар пахта плантацияларида ўзлари ишлашни хохлашмади, бу заҳматдан хотинларини, бола-чақаларини халос этиш учун Африкадан неча юз минг қора танлини кишанбанд этиб, олиб келишди. Аммо, адолат юзасидан

⁴⁰ Шу газета, 1989 йил, 3 февраль.

шуни ҳам айтиш керакки, насли-насабини пахта заҳматидан асраган ўша қаҳри каттиқ фермерлар ҳам келгусида қулларидан соғлом, яъни оғирини енгил қиладиган насл етишсин учун уларни тўйдириб боқишган. Шунинг шарофатиданки, бўйи икки метр келадиган кўплаб қоратанли полвонлар дунёга келди ва уларнинг авлодлари бугунги кунда Америка спортининг, санъатининг гултожларидир... Инқилобга қадар, «Туркестанские ведомости» газетаси қайд этганидек, рус савдогари (Ҳа, ўша, ўлкамизга бу меҳнати оғир экинни олиб келган рус савдогари) бир пуд пахта эвазига ўн саккиз пуд буғдой берар эди. Бизнинг жонажон социалистик давлатимиз эса бир килограмм пахта учун ўртача ҳисобда эллик тийин ҳақ тўлаётир. Бу пулга Тошкентдаги Олой бозорида атиги ярим килограмм бодринг беради, холос...».⁴¹

«Ҳар бир халқ ўзича бетакрор,— деб таъкидлади ўша йиллари «Иностранная литература» журнали бош муҳаррири бўлиб ишлаётган атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов қурултой минбаридан туриб,— Бизнинг матбуот ва телевидение, менинг назаримда, «ўзбеклар иши» деган иборани боқибеғамларнинг миясига қуявериб, ўзбек халқига нисбатан андишасизлик қилмоқда. Бу ишга ўзбекларнинг нима алоқаси борқ Бу ҳақорат нима учунқ Бу халқ ўз ҳаётини пахта етиштириш каби ҳосиятсиз, серминнат ишга тиккани учунмиқ Ёки пахта давлат хазинасига валюта келтирадиган энг муҳим экин экани учунмиқ Агар уюшган жинойтчилик у ёки бу жойда бор бўлса, бу билан ҳуқуқ-тартибот органлари шуғуллансин, халқнинг миллий ғурурига тажовуз қилинмасин».

Қурултойда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов мамлакат иқтисодиётини режалаштирувчи ва бошқарувчи масъул раҳбарлар ҳамда жамоатчилик эътиборини қуриб бораётган Орол муаммосига, бу минтақада истиқомат қилаётган аҳолининг аянчли аҳволига, қозоқ адиби Ўлжас Сулейманов эса ядро полигонларида ўтказилаётган синовларнинг зарарли оқибатларига қаратди. Адабиёт газетасининг қурултой ишига бағишланган бош мақоласида эса қуйидагилар таъкидланган эди: «Съезд қайта қуриш

⁴¹ Қаранг: “Фитна санъати”, мақолалар тўплами, иккинчи китоб. “Фан”, 1993, 5-бет.

ҳаракатининг буюк тўлкинига айланди. Аммо ҳамма муаммолар ҳал бўлди, тугунлар ечилди, йўлдаги ғовлар олиниб, йўллар очилди, дея айта олмаймиз. Шундоққина ёнимизда турғунлик даври деб аталмиш яқин ўтмишимиз ҳансираб турибди. Унинг илдизлари батамом қирқилганича йўқ».⁴²

Саксонинчи йиллар адоғида ўзбек ёзувчи ва публицистлари жамоатчилик эътиборини яна бир жиддий муаммо — тилимизнинг аянчли аҳволига қаратдилар. Расмий идоралар, ташкилотлар фақат рус тилида фаолият юритаётган, қонун ва ҳужжатлар ва, ҳатто, аҳолининг маъмурларга оддий мурожаатлари — ариза ва шикоятлар ҳам фақат шу тилда қабул қилинаётган, катта-кичик йиғинларда ўзбекча маъруза қилиш, фикр билдириш, тушунмаган нарсани сўраш деярли унут бўлаётган, бунинг устига республика раҳбарияти, баъзи олимлар қўштилликни расман ёқлаб турган бир пайтда, адабиёт газетаси «Тилга эътибор — элга эътибор» рукни остида туркум мақолалар эълон қилди. Бу мавзудаги баҳсда фаол иштирок этган Мирза Кенжабоев, жумладан, куйидагиларни ёзган эди: «Ўзбек тили давлат тили сифатида қайд этилсин деб ва рус тилини иккинчи давлат тили сифатида Конституцияга киритишга ҳожат йўқ деб талаб этаётган кўплаб зиёлилар, оддий халқ вакиллари ҳамда студент-ёшлар зинҳор рус тилига қарши гапираётганлари йўқ. Уларни тўғри тушунмоқ лозим. Мадомики, Ўзбекистон ССРда ўзбек тили давлат тили сифатида тан олинмас экан, республика ЎзССР Конституциясида қайд этилган кафолатларга тўла жавоб бера олмайди. Афсуски, айрим нотикларнинг чуқур ўйламай айтган гаплари ана шундай ножўя мантиққа олиб келади. Бу талаб билан ҳисоблашмаслик келажакда жуда кўп англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Алқисса, ўзбек тилини давлат тили сифатида Конституцияга киритган ҳолда бошқа барча тилларнинг яшаб қолиши ва ривожланиши таъминланади, деб адолатли қайд этмоқ kifоядир... Рус тилини ўқитиш ва ўргатишни тубдан яхшилаш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилиш мумкин. Бироқ В.И. Ленин таъкидлаганидек, «мажбурий давлат тили мажбур қилишга, уриб ўргатишга олиб боради». Рус тилини маъмурий буйруқ остида эмас, барча халқлар

⁴² Мелибоев А. «Буюк тўлқин». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989, 16 июнь.

ихтиёрий тарзда ўрганадилар. Уни ўрганмасликнинг иложи ҳам йўқ. Лекин РСФСРнинг ўзида давлат тили деб қайд этилмаган рус тилини Ўзбекистон ССР Конституциясига давлат тили қилиб киритиш халқ кўнглида рус тилига, рус элига нисбатан ғаразни, ҳурматсизликни, носамимий туйғуларни уйғотади. Буюк тилни бундай ҳўрлаш мумкин эмас».⁴³

Газетанинг шу сонида эълон қилинган шоир Тўра Мирзонинг «Навоий мададга муҳтож» мақоласи ва унга илова қилинган шеъри ҳам алоҳида эътиборга молик. Муаллиф адабиётшунос олим С. Мирзаевнинг улуғ бобомизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда сусткашликка йўл қўйилаётгани, хали-ҳануз Навоийни яхши билмаслигимиз, бунга жиддий интилмаётганимиз, улуғ мутафаккир шоирнинг дастхати деб тахмин қилинган қўлёзма фотонусхаларини олиб юрган ёш олим Шарофиддин Шариповнинг бошига не-не кулфатлар тушгани ҳақидаги мақоласига⁴⁴ муносабат билдирар экан, жумладан, шундай ёзади: «Ҳар бир ўзбек Навоийни севиши шарт. Ҳар бир ўзбек тонгдан оқшомгача, оқшомдан тонггача Навоийдан сабоқ олиши зарур...Агар мўъжиза рўй бериб, Пушкин тирилиб, унга Ўзбекистонда ўзбек тили ва адабиёти институти сизнинг номингиз билан аталади, дейишса, улуғ рус шоири дарғазаб бўлиб, «Нега туркий адабий тилнинг асосчиси Навоий номига қўйилмаган» деб қаттиқ ранжиган ва мутасаддиларни уялтирган бўлур эди. Агар Шарофиддин Шариповни жиннихонага юборган ўзбек милиционери Навоийни севганида (билганида), эҳтимол, биз ёш олимимиздан бевақт ажралиб қолмасдик.

Ўқиб берсанг Навоийдан шеър,
Тунда сени тўхтатмас миршаб.
Мисраларда уйғонар меҳр,
Ҳар бир байти йўлларга ўхшар...
Навоийнинг ҳар айтган сўзи
Бирлаштирар бешта асрни.

⁴³ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989, 24 февраль.

⁴⁴ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1988, 9 сентябрь.

Бирлаштирар кеча-кундузи,
Олти қитъа, тўртта фаслни...».

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ижодида бадиий публицистика алоҳида ўринга эга. Шоир каламига мансуб мақолалар оригинал ташбеҳлар, фалсафий умумлашмалар, таъсирчан қиёсларга жуда ҳам бой. “Қар бир халқнинг жаҳонга кўз-кўз қиладиган турфа бойликлари бўлади,— деб ёзади шоир.— Жумладан, Франция, Италия, Буюкбритания сингари қадимий мамлакатлар ўзларининг осори атиқалари билан қанчалик фахр этсалар, биз ҳам балки улардан юксакроқ миқёсда ва ҳақли равишда ўз ўтмишимиз билан ифтихор этамиз. Айниқса, бизнинг кўҳна шаҳарларимиз Самарқанду Бухоро, Хиваю Шаҳрисабз жаҳоннинг кўркига айланган. Тошкент эса наинки қадимий маърифат ва илм маскани, балки мамлакатимизнинг муҳташам пойтахтидир. Мустақиллик йилларидаги энг катта бунёдкорлик ишлари айнан мана шу шаҳарда бошланиб кетгани асло бежиз эмас. Тошкентнинг ўтмиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу кўҳна манзилда яшаб, истиқомат этган ўнлаб алломаларнинг номларини эслаймиз. Кейинги даврларда ҳам маънавий тараққиёт, мустақиллик учун кураш мана шу шаҳарда куч олиб, рўёбга чиқди. Адабиёт ва санъатимизнинг неча-неча унутилмас сиймолари шу шаҳарда яшаб ўтдилар. Мустақиллик майдонимизда бир замонлар мустамлакачиликнинг ҳарбий машиналари юрарди. Ҳозир эса ушбу масканда ўзбекнинг мунис ва меҳрибон онаси, келажагимизни ўзида мужассам этган беғубор болакай қиёфаси нурланиб турибди. Буларнинг барчасида ҳеч шубҳасиз истиқлол нафаси бор. Халқимиз азалдан топганини бунёдкорликка бағишлаган, тинимсиз уй-жой курган, ниҳол эккан, боғ яратган. Бугунги кунда агар фазодан туриб юртимиз худудига назар ташласангиз, уни ҳеч шубҳасиз, улкан қурилиш майдони дердингиз. Қар куни ҳар нафасда нимадир қурилмоқда. Беназир юртимиз чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизга айнан меъмор кўзи билан қараш ажойиб урф бўлди. Буларнинг барчасининг тагида битта сабаб бор. У ҳам бўлса ҳурриятимиз берган чексиз имконият.

Бунинг акси бўлган бир мисолни айтиб ўтай. Бир вақтлар Қибрай тарафларда куш кўнмас тепаликда адибларга дала-ховли учун ер ажратилдию у ерда домламиз Озод Шарафиддинов кўналға қурадиган бўлдилар. Амал-такаллик билан тикланган кўналғага шамол тегиб турсин деб болахона ҳам қуриладиган бўлди. Ажабки, болахона ўша даврда ман этилган кўп қаватли уй ҳисобига ўтиб қолди ва домланинг болахонаси буржуйлик белгиси сифатида бузиб ташланди”.

Совет тузумининг сўнгги кунларида собиқ иттифоқ ҳудудида, жумладан, Ўзбекистонда юзага келган мавҳум ижтимоий-сиёсий ҳолат бадий публицистикада жуда яққол акс этди. “Барча кулфат шундаки, бизда баландрок курси мўмай мукофот ёхуд депутатлик нишони ваъда қилинса, миллат, халқ, Ватан тақдирини унутиб қўядиган элдошларимиз кўп,— деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов “Улғайиш азоби” мақоласида.— Иккинчидан, неча йиллардан, балки асрлардан буён қон-қонимизга сингиб кетган жуда ёмон ақида бор. Мен сизни ёки тасарруфингиздаги соҳани танқид қилсам, камчиликларингизни кўрсатсам, хафа бўласиз. Бу одамга нима ёмонлик қилдим экан, деб ўйлай бошлайсиз. Биз ана шу қолюқ психологиядан қутулишимиз керак. Ҳеч бир одам хато ва камчиликлардан холи эмас — табиатан шундай яралган. Демак, уни дўстона танқид қилиш, камчиликларини кўрсатиш мумкин ва зарур. Бу фалсафани ҳамма, аввало, турли тоифадаги раҳбарлар, тан олиши ва унга кўникиши керак. Бу кўникиш раҳбарларнинг обрўсини туширмайди, аксинча, уни безайди, бағрикенг, танқидга тоқатли сардор сифатида халқ орасида ҳурматини оширади”⁴⁵

Муаллифнинг фикрича, жамиятни орқага тортадиган, бузадиган энг катта душман — одамлардаги журъатсизлик, катта-кичик раҳбарлар олдидаги қўрқув. Бундай қўрқув ҳукмрон бўлган юртга “танклару ракеталар билан бостириб кириш шарт эмас. Шусиз ҳам одамлар бир-бирининг этини ёб, мамлакатни ғорат

⁴⁵ “Фитна санъати”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган публицистик мақолалар тўплами, 2-жилд. Т., “Фан”, 1993, 9-10- бетлар.

килади. Агар кўнгилдаги гапни раҳбарнинг юзига шартта айтадиган замонлар бўлганида, Сталин қирғинларини қўя турайлик, қўшинларимиз (Собик иттифок армияси кўзда тутилмоқда — М.А.) Афғонистонга бостириб кирмас, БАМ деган сарсон қурилишга миллиард-миллиард пулларимиз сочилмас, Орол куриб, пахта якказироатчилиги келиб чиқмас, Агропром ташкил этилмас эди”⁴⁶

Эркин Воҳидов таниқли журналист Қулман Очил билан қилган, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган ушбу суҳбатида қадим Юнонистон тарихига оид бир муҳим маълумотни келтиради: бу мамлакатда ҳар бир фуқаро мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, юз бераётган воқеа-ҳодисалар, қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида ўзининг шахсий фикрига эга бўлиши қонун йўли билан белгилаб қўйилган экан. Шахсий фикрига эга бўлмаган фуқарога ҳатто жазо берилган. Бу билан одамлардаги бефарқликка, ўзимбўлайчиликка барҳам берилган. Ҳар бир киши ўзини миллат, халқ, Ватан тақдирига даҳлдор деб билган.

Эркин Воҳидовнинг “Муҳитга сиғмаган юрак” сарлавҳали публицистик мақоласи, машҳум ўттиз еттинчи йил қатағонининг қурбони бўлган шоир Усмон Носир ҳақида. Муаллиф Усмон Носирни ижод боғидан юлиб олиб кетган даврни қоралаш билан бирга, истиқлол арафасида, собик иттифок раҳбарининг “қайта қуриш” сиёсати авжига минган пайтда юзага келган маънавий инқирозга, катта-кичик минбарлардан янграётган эҳтиросли ҳайқириқларга тўхталиб шундай ёзади: “Биз ижодкорлар неча истеъдодларга завола бўлган ўша муҳитни қоралар эканмиз, ҳозирги ўз муҳитимизга ақл кўзи билан, келажак кўзи билан боқсак, ёмон бўлмасди. Қайта қуришни ўзича тушунган, барча қадриятларнинг оёғини осмондан қилиб қўйишга уринаётган, давр эпкинисида юзага чиқиб олишни кўзлаётган бадниятлар йўқ эмас. Улар Ёзувчилар уюшмаси минбарини эгаллаб, истеъдод эгаларига лой отаётганлари, ошкора таъқиб ва таҳқир қилаётганлари ўша ўттиз еттинчи йил муҳитини эслатмайдими? Мен у ўктам ваъзхонларнинг кимлигини айтиб ўтирмайман, кимга хизмат қилаётганларини ҳам гапирмайман. Фақат эслатмоқчиманки, уларнинг асосий қуроли — туҳмат,

⁴⁶ “Фитна санъати”, публицистик мақолалар тўплами, 2-жилд. Т., “Фан”, 1993, 10- бет.

шаллақилик, ғазабкорлик. Ўша даврларда Усмон Носирга қарши ишлатилган курулларга ўхшаб кетади. Фақат фарқи шуки, ўттиз еттинчи йилда бундай мажлислардан кейин шоирларга камоқхоналарнинг эшиги очилган бўлса, энди касалхоналарнинг эшиги очилмоқда”⁴⁷

Йигирманчи аср адоғида собиқ тузум ўзини сақлаб қолишга бутун вужуди билан интилди. Иттифокни янгилаш, иттифокдош жумҳуриятларга айрим ҳуқуқ ва имкониятлар бериш ҳаракатлари бошланди. Аммо бу ҳаракатлар замирида дунёда кечаётган янги жараёнларни, миллий республикалардаги уйғониш фаслини тан олиш эмас, гегемонликни сақлаб қолиш нияти борлигини тушуниш кийин эмасди. Публицист Собит Мадалиев бу найрангни жуда таъсирчан ифодалаб берган: “Эски иморатнинг пештоқларини бўяш билан демократик жамият куриб бўлмайди. Бу ҳаммага кундай равшан. Тузумни тутиб турувчи таянчларнинг ўзини қайта қурмоқ керак. Эзилган ва бор буди таланган пахтакор ҳали янги уй, янги мактаблар куриб берилгани (собиқ иттифок матбуотида шундай ваъдалар берилаётганига ишора — М.А.), томорқаси кенгайгани, хомашёга (пахтага) тўланадиган ҳақнинг ошгани билан ҳам яхши яшаб қолмайди. Маоши мамлакатдаги энг юқори иш ҳақи даражасига етган тақдирда ҳам, улар, барибир, пахта кули бўлиб қолаверади. Унинг кўзлари наҳордан ярим тунга қадар пахта даласидан бошқа нарсани кўрмайди. Агар биз уни пахта нархини ошириб бориш, яъни оз-оздан моддий рағбатлантириш эвазига пахта экишга бангиларча ўргатиб бораверсак, ҳеч қачон унинг елкаси офтоб кўрмайди”⁴⁸

“Бир юз йигирма беш йилдан буён изчиллик билан мустамлакачилик сиёсатини турли шаклларда амалга ошириб келаётган улуғ рус шовинизмининг маккор механизми ғилдираклари остида минг йиллик маънавий ва моддий қадриятлари янчилган Туркистон замини яна бегуноҳ фуқаролар қонига бўялди. Бир юз йигирма беш йилдан буён ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, кимёвий, руҳий, маънавий зулмлардан эзилган туркистонликлар қайта куриш, ошқорали,

⁴⁷ “Фитна санъати”, 2-жилд, 210-бет.

⁴⁸ “Фитна санъати”, 2-жилд, 28-бет.

демократия ғояларига ишониб, эндигина қадди-қоматларини тиклаётган чоғларида, беихтиёр, бир-бирлари билан тўқнашиб кетаётганларига нима дейликк”, дея ёзди шоир Шавкат Раҳмон Ўш ва Ўзганда содир бўлган қонли воқеалар шарҳига бағишланган “Махфия” сарлавҳали мақоласида. Ёкубжон Хўжамбердиев бу воқеаларда Чингиз Айтматовнинг манқурт ҳақидаги башорати фожиона исботини топганлигини уқдиради. Ўш ва Ўзганда бошига фожа тушган бегуноҳларга қарата шоир Мирза Кенжабек шундай хитоб қилди: “Ўкинманг, бағри қон биродарларим, Қаддингизни ростланг, тинсин оҳингиз, Озод авлодларга саждагоҳ бўлур, Ҳақиқат майдони — қатлгоҳингиз!”⁴⁹

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган публицистик мақолалар ичида аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб кетаётган осор-атиқалар, моддий ва маънавий меросимиз нодир намуналарининг аянчли тақдири, аниқроғи, босқинчилар томонидан аёвсиз таланиши, хорижий мамлакатларга сотиб юборилиши, шахсий коллекцияларга совға қилиниши мавзуси устиворлик қилади. Археолог олимлар Нафиса Содиқова, Амриддин Бердимуродов, Хайрулла Исматуллаев, Ҳамдам Содиқов ва бошқа бир қатор муаллифларнинг ҳар бир чиқиши кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. А. Бердимуродовнинг “Топталган мерос” мақоласи муносабати билан таҳририятга неча юзлаб хаатлар келди. Мана, ўша мақоладан айрим парчалар: “Афросиёбдаги тарихий буюмлар билан Петербургдаги амалдорлар ҳам қизиқиб қолишди. Шу сабабдан, Зарафшон округининг бошлиғи А. Абрамов 1874 йилда майор Борзеновга Афросиёбдан осор-атиқаларни топиб, Эртитажга жўнатишга буйруқ берди. В. Шишкиннинг ёзишича, 1883 йилда генерал-губернатор М. Черняевнинг буйруғи билан подполковник В. Крестовсий Афросиёбда қазиш ишларини бошлайди. У топилмаларнинг бир қисмини Тошкентда қолдириб, энг ноёб, қимматбаҳоларини Петербургга жўнатади. Афросиёбга ҳужум навбати кейинроқ Н. Веселовскийга келади. Уни илмий натижалардан кўра кўпроқ

⁴⁹ Бу мақолаларнинг тўла матни билан “Фитна санъати” тўпламининг 2-жилдида танишиши мумкин.

қимматбаҳо буюмлар қизиқтирарди. Шунинг учун у зўр бериб қимматбаҳо топилдиқларни ахтарди.

Шу ўринда Петербургдаги Археологик комиссиянинг (комиссия дейишдан кўра ўзга халқларнинг моддий бойликларини ўмарувчилар дейилса, тўғри бўлади — М.А.) ғаламислик фаолияти тўғрисида ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу ерга чор Россиясининг қарам ўлкаларидан катта миқдорда тарихий буюмлар келиб тушарди. Комиссия аъзолари ўзларининг дидларга мос келмайдиган, фаҳм-фаросатлари етмайдиган турли хил ноёб ва қимматбаҳо буюмларни эритиб, подшо хазинасига топширишган»⁵⁰ (Император Наполеон Мисрдан олиб кетган неча минглаб ноёб осор-атиқалар, тилла буюмлар эса, бирортаси йўқолмай, бирортаси ўмарилмай, бус-бутун ҳолда Лувр залларида Миср халқи номидан бутун дунёга намоиш этилмоқда — М.А.).

Мақолада келтирилишича, 1985 йилда Н. Веселовский бошчилигидаги экспедиция аъзолари маҳаллий тўралар билан келишиб, Амир Темур мақбарасининг нафис безакли нақшиндор эшигини, мақбара ойнасини Петербургга жўнатишади. Мақбаранинг ғарб томонидаги эшиги табақаси ҳам ўғирланади ва сотиб юборилади. Ҳозирда у Лондондаги Виктория ва Альберт музейида сақланмоқда. Археолог олим М. Массоннинг ёзишича, 1901 йили Улуғбек мадрасасидаги қимматбаҳо тош ҳам ўғирланади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида матбуотда, хусусан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Туркистон” газеталари саҳифаларида ўтмиш аجدодларимиз, қатағон қурбонлари хотираси, уларнинг илмий, ижодий, маънавий-маърифий меросини ўрганиш, ёш авлодни буюк ватандошларимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялаш мавзусида туркум мақолалар журъат билан эълон қилина бошланди. Бундан атиги тўрт-беш йил аввал тарихий шахслар, масалан, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Чўлпон, Абдулла Қодирий номларини тилга олишнинг ўзи ўтмишни қўмсаш сифатида баҳоланиб, бу сиймолар тўғрисида оз бўлса-да, ижобий фикр билдирганлар тазйиқ остига олинганини эсласак, бу журъатни истиқлол йиллари матбуотининг, хусусан,

⁵⁰ “Фитна санъати”, 2-жилд, 140-бет.

публицистиканинг катта ютуғи деб баҳолаш мумкин бўлади. Шу йиллари айрим ўзимизнинг адабиётшунос, тарихчи олимларимиз ҳам бундай бурилишни “ҳазм” қила олмадилар. Биргина мисол.

1988 йилнинг 11 ноябрь санасида “Правда Востока” газетасида тарихчи олим Г. Ҳодоятовнинг “Улуғ мураббий” (“Великий воспитатель”) сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф тарихни билиш ва ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида жўяли фикрларни билдириш билан бирга газета-журналларда Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби тарихий шахслар тўғрисида эълон қилинаётган мақолалар муаллифларини ошкора айблаб, бундай “тамерломания”, “бабуromания” каби кўринишларга қарши мурасасиз курашиш лозимлигини таъкидлайди. Бу ҳам етмаганидек, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида шоир Азим Суюннинг “Кантемир билан танишув” шеъридаги:

“Тарих қатларида бобонгиз исми
Кантемир битилган... демак, Хон Темур,
“Ажнабий” атади Сизни рус насли,
Тўғри! Аждодингиз Темурланг эрур!

сатрларига муносабат тарзида қуйидагича раддия билдиради: “Бундай даъвода заррача ҳақиқат йўқ. Бу — тарих борасидаги мутлақо юзаки тасаввурлар натижасидир. Биринчидан, шуни ойдинлаштириш лозим: Темурнинг ўзбекларга мутлақо алоқаси бўлмаган...”.

Табиийки, олим сифатида катта нуфузга эга бўлган Г. Ҳодоятовнинг бу фикри жиддий эътирозларга сабаб бўлди. Шоир Тоҳир Қаҳҳорнинг “Инсонни маърифат тарбиялайди”⁵¹ сарлавҳали мақоласи айрим таниқли олимларимизнинг асоссиз хавотирларига муносиб илмий жавоб бўлди. Мақола янгидан оёққа тураётган публицистиканинг катта ютуғи деб баҳоланди. Бундай мисолларни яна кўплаб елтириш мумкин.

Собиқ тузум шароитида халқимиз бошига келган мудҳиш фалокатларни санаб адоғида етиш қийин. Пахта далаларига самолётлардан туриб сепиладиган

⁵¹ Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 10 февраль

захри қотил дори — бутифоснинг таъсирида қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, аёллар, болалар кўп жафо чекдилар. Академик Абдуқодир Эргашев келтирган маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг сўнгги ўн беш йилида Ўзбекистонда пахта майдонларига Финляндия ёки Болгарияга нисбатан 2 — 2,5, Швецияга нисбатан 3, АҚШга нисбатан 4 барабар кўп кимёвий ўғит солинган. Аммо бу дориларнинг ярмидан кўпи ҳосилдорликни оширишга эмас, ерни, атроф-муҳитни булғашга хизмат қилган. Публицист Ашурали Жўраевнинг “Фалокат кўнғироғи” мақоласида бу муаммо жуда аниқ тасвирлаб берилган: “Жиян ҳарбий хизматни ўтаб қайтганидан кейин “Навоиазот” бирлашмасига ишга кирди. Лекин узоқ ишлаёлмади. Бир талай касалликларни орттирди. Девдай йигитнинг гоҳ оёғи, гоҳ бели, гоҳ боши, гоҳ буйраги оғрийди. Хотираси ниҳоятда заиф. Феъли асабий. Тез-тез йўталади. Уйлантирайлик десак, бошини хам қилиб, ер чизади, “Эй амакижон, тамом бўлдим”, дейди нукул хўрсиниб. Унинг заҳил юзига, кундан-кунга киртайиб бораётган кўзларига қарасам, вужудим музлаб кетади. Кўз олдимга бирлашма трубаларидан чиқаётган сариқ тутун — иблис тутун келаверади...”⁵²

Таниқли олим Шариф Юсупов ижодида бадиий публицистика етакчи мавқеага эга десак, муболаға бўлмайди. Унинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган ва кейинчалик “Тарих уммони сирлари” тўпламига кирган туркум мақолалари, жумладан “Амирнинг гуноҳи азими”, “Хужжат ва тарих”, “Икки ўт орасида”, “Шекспирни таҳрир этган Аброр ака”, “Адибнинг жасоратли бир сўзи”, “Иззат султоннинг тантилиги”, “Қирқ йилда битилган китоб” мақолалари бадиий публицистика нақадар кенг имкониятга эга эканлигини кўрсатиб турибди⁵³. Муаллифнинг, айниқса, Қўқон хонлиги тарихига оид туркум публицистик тадқиқотларида яқин ўтмишимизнинг бу даврига хос аччиқ, аммо ҳақиқатли маълумотлар шодаси, Туронзаминнинг чор Россияси томонидан нисбатан осонгина босиб олиниши сабаблари кўз ўнгимизда гавдаланади. Муаллиф ўқувчи эътиборини Бухоро, Қўқон ва Хива

⁵² “Фитна санъати”, 2-жилд, 37-бет.

⁵³ Қаранг: Юсупов Ш. “Тарих уммони сирлари”, Т., “Шарқ” НМАК, 2007

хонликларининг ҳукмфармолари ўзаро аҳил бўлмагани, узоқни ўйламай калтабин сиёсат юртитганлари, бунинг оқибатида халқ бошига мислсиз кулфаталар келганига қаратади. “Чор Россияси ҳукмрон доиралари,— деб ёзади публицист-тадқиқотчи,— бу хонликларга савдогар, сайёҳ иқобида кетма-кет жосуслар йўллаб, хонликлардаги ҳақиқий аҳволдан пухта хабардор бўлгач, уларнинг босқинчилик режаларида алдам-қалдам дипломатияси тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди. Бунда улар, бир томондан, Қўқон, Бухоро ва Хивадан Россияга юборилган элчилардан ўз ёвуз мақсадларини яшириб, хонликларга яқин ҳудудларда ҳарбий истехкомлар куриш, дарё портларини келажакдаги хужумлари учун мувофиқлаштириш каби номатлуб ишларини гўё хонликлар манфаати йўлида қилинаётган ишлар сифатида кўрсатмоқчи бўладилар. Иккинчи томондан, Туронзаминга босқин онлари яқинлашгани сари бу ердаги хонлар орасидаги низони атайлаб кучайтиришга қаратилган манфур дипломатияни император ва унинг энг яқин аёнлари иштирокида амалга оширишга эришадилар”⁵⁴

Шариф Юсупов публицистикасида илмий таҳлил ва мушоҳада етакчи хусусиятга эга.

Кейинги йилларда бадиий публицистиканинг хотира-эссе жанри ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бу жанрнинг имкониятлари анча кенг бўлиб, муаллифга ўз фикр-туйғуларини янада тўла ва эркин ифодалашга имкон беради. Чунончи, Озод Шарафиддиновнинг “Домлалар” тўпламига кирган аксарият мақолалар, жумладан, “Юрт қайғусида ёнган юрак” (Алихонтўра Соғуний), “Одамлар нақши” (Саъди Сирожиддинов), “Иззатга муносиб отахон ижодкор” (Иззат Султон), “Мерганликдан академикликка” (Матёқуб Қўшжонов), “Оддийликдаги улуғлик” (Музайяна Алавия), “Сўнгги жаҳид қиссаси” (Бегали Қосимов), “Балоғат” (Иброҳим Ғафуров) хотира-эсселари бадиий публицистиканинг мукаммал намуналаридир.

⁵⁴ Юсупов Ш. “Тарих уммони сирлари”, Т., “Шарк” НМАК, 2007 йил, 3-бет.

Халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ижоди адабиёт ихлосмандларини бугун ҳам ҳаяжонга солиб келади. Адиб ўз вақтида “Адабиёт ўладими” деган ўта муҳим, инсон маънавий оламининг шаклланиш асосларини ташкил қилувчи, инсоннинг инсонлигини белгиловчи буюк бир саволни адабий жамоатчилик олдига кўндаланг қилиб қўя олган эди.

Адибнинг “Фақат ўзлигимни англаш учун ёзаман” сарлавҳали суҳбатида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Етмиш йиллик совет даврининг ўз қонуни, ўз йўналиши бор эди, Ўша вақтдаги асарлар ҳам бошқача бўлиши керак эди. Кўп ёзувчилар умуман ёзувчи ҳақидаги тасаввурларга жавоб бера олмайдиган майда кимсалар бўлиб етишдилар. Уларга ачинамизми, ачинмаймизми, лекин борица қабул қилиш керак. Шуниси қизиқки, у адиблар адабиётнинг бош мавзуси инсон эканлигини тушунишмади. Бош мавзу — мафкура деб билдилар. Ваҳоланки, Шарқ адабиётида комил инсон тушунчаси бор. Бугунги кунда биз, биздан кейинги авлод, мана, ўзларинг ҳам, шу нарсаларни англаб, мияга қуйиб олишларинг керакки, ўшаларнинг шундай бўлиши сабабларини таҳлил қилиб, теран тушуниб, демак, унинг аксини қилиш керак. Ҳа, келажакда ўзбек адабиётида ғаройиб асарлар пайдо бўлади. Улар, шубҳасиз, тўхтаб қолган Абдулла Қодирий прозасига яқин проза бўлади. Мен ишонаманки, оддий ҳикоялардан кўра, ҳикоятлар устун бўлади. Чунки замон, дунё эврилди, фақат мангуликлар яшаб қолишига ишондик...”⁵⁵

Бундай мисолларга газетанинг саксонинчи йиллар адоғидаги ҳар бир сонидан бир эмас, бир неча марта дуч келиш мумкин. Чунки, эркин фикр, миллий тафаккур уйғонаётган, ўзликни англаш туйғуси қалбларга жо бўлаётган бир пайт эди. Собиқ тузумнинг чок-чокидан сўкилаётгани, расмий мафкура ўз таъсирини йўқотгани, бошқарувда парокандалик, бошбошдоқлик вазияти юзага келгани ва, энг оғири, иқтисод таназзулга юз тутгани энг зууко сиёсатдонларни ҳам шошириб қўйганди. Адабиёт газетаси бундай шароитда халқнинг, ижодкор зиёлиларнинг эркин минбарига айланди. Тазйиқларга қарамай, ўз позицияси ва сўзида собит турди ва кўп нарсаларга эришди ҳам.

⁵⁵ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2000 йил, 25 февраль. Суҳбатдош Шоира Дониёрова.

Юқорида билдирилган фикрлардан англашиладики, публицистика, айниқса, ёзувчи публицистикаси ҳамиша даврнинг, жамиятнинг ўта муҳим, долзарб, гоҳо зиддиятли, ечими топилмаган, муроса қилиш мумкин бўлмаган муамоларидан баҳс очади. Бундай публицистикани бир кишининг, конкрет бир ижодкорнинг куюнчаклиги, ижодий фаоллиги билан бирга жамиятнинг фикрловчи, мушоҳада юритувчи илғор қатлами вакилларининг умумлашма фикри, муносабати ҳам деб ҳам тушунмоқ зарур. Чунончи, Чингиз Айтматов “Кассандра тамғаси” публицистик романида, агар огоҳ бўлинмаса жамиятда ота-онасининг кимлиги номаълум, ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаришга тайёр зомби-зурриётлар пайдо бўлиши хавфидан огоҳ қилар экан, бу жонсарақлик миллат, Ватан тақдири ва келажагига бефарқ бўлмаган ижодкор зиёлиларнинг ҳам фикри-назари эди. Собиқ тузум шароитида айти шундай ясама кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳаракатлари мавжудлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бу ва бошқа иллатлар, инсоният бошига беҳисоб кулфатлар олиб келувчи хатарли режалар тўғрисида биринчи бўлиб публицистлар бонг уришди. Чунончи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов собиқ иттифокнинг энг баланд минбаридан туриб, ўзбек пахтакорларининг заҳматли меҳнатлари, пахтакор оналарнинг тобора ёмонлашиб бораётган соғлиғи тўғрисида ҳаяжон билан сўзлади, мамлакат раҳбарларига очик мурожаат этди. Шукур Холмирзаев бозор иқтисодиёти шароитида бадий адабиётнинг тақдири қандай бўлишидан хавотирга тушиб, жамият, миллат, адабий жамоатчилик олдига “Адабиёт ўладимиқ” деган аволни кўндаланг қўйди. Шавкат Раҳмон “Ичингдаги хоинни ўлдир”, дея даъват-шеър битди. Дадахон Нурий, Ёқубжон Хўжамбердиев табиатни, атроф-муҳитни асраш мавзусида тинимсиз қалам тебратишди, уларнинг “Шаҳарга бомба керакмиқ”, “Уммат Ўзбековнинг тирикчилиги” каби ўткир мушоҳадали таҳлилий мақолалари муҳокама ва мунозарага сабаб бўлди. Бундай фаолликни ижодкор зиёлининг, публицистнинг уйғоқ виждони, инсонийлик бурчи деб тушунмоқ керак бўлади. Публицист ана шундай заҳматли меҳнатни, муросасиз “жанг”ни, ногаҳоний зарбаларни ихтиёрий равишда ўз зиммасига олади.

Таниқли публицист-шоира Турсуной Содикова эътироф этганидек, “Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода такдим этишга уриниш, кўзларни, кулоқларни ўзингга мубтало қилиш учун жон терига тушиб жанг қилиш, сўзда ўлиб, сўзда тирилиш”⁵⁶ публицистнинг қисматига айланади. Поляк адиби Ян Парандовский ўзининг “Сўз кимёси” асарида қуйидагиларни ёзади: “Ёзувчини унинг касб-корига олиб келадиган куч, сира енгиб бўлмайдиган қудратли даъват нимадирқ Бундай даъватнинг илдизларини кидирав эканмиз, биз инсон табиатининг хусусиятларидан бирига эътиборимизни қаратмоғимиз лозим... Ҳамма одамларга хос бўлган бу хусусият шундан иборатки, одамлар ҳаётда мавжуд бўлган ҳар қандай ходисани сўзда ифодалашга эҳтиёж сезадилар ва бу билан боғлиқ равишда ўз-ўзларини намоён қилишга ҳам эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж деярлик физиологик эҳтиёждир ва унинг заифлашиши ёхуд бутунлай йўқ бўлиб кетиши инсон табиатининг моҳиятига зид келади”⁵⁷

Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини мустақиллик йилларида матбуотимизда эълон қилинган чуқур таҳлилли мақолалар, хусусан, Озод Шарафидинов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Иброҳим Ғафуров, Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Дадахон Нурий, Тоҳир Қаҳҳор, Нурали Қобул, Шодмонбек Отабоев, Ёқубжон Хўжамбердиев, Нусрат Раҳмат, Ҳабибулла Олимжонов, Мурод Абдуллаев ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг туркум публицистик асарларида яққол кўриш мумкин. Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов публицистикасида кучли мантикий таҳлил, нуқсонларга муросасизлик, фикрни очиқ ва лўнда ифодалаш, Шукур Холмирзаев, Иброҳим Ғафуров, Карим Баҳриевда ҳиссий мушоҳада ва образлилик, Хайриддин Султонов, Тоҳир Қаҳҳор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мирпўлат Мирзо ва бошқаларда образли бадий эстетик туйғу ҳосил қилиш, дадиллаш ва ишонтириш маҳорати устиворлик қилади.

* * *

⁵⁶ Содикова Т. “Яшаш тилсими”. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2004, 11-бет.

⁵⁷ Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. Т., “Маънавият”, 2010, 246-бет. Таржима муаллифи О. Шарафиддинов

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирига келиб собиқ иттифоқнинг мафкуравий кўрғонлари аста-секин нурай бошлаганида матбуотда авваллари мутлақо четлаб ўтилган янги-янги мавзулар кўзга ташлана бошлади. Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи таҳририятларни шундай йўл тутишга чоғлади десак, муболаға бўлмайди. Жумладан, “Огонёк”, “Октябрь” (Москва) журналлари ўз саҳифаларида журналхонларнинг куюнчак мактубларини “Халқ публицистикаси” рукни остида эълон қилдилар. “Октябрь” журнали ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб, шундай ёзди: “Бу шунчаки янги рукн, таҳририятнинг материалларни ранг-баранглаштириш истаги эмас, даврнинг тақозосидир. Биз бугун ҳаётда халқнинг овози, ақли, виждони, онг-тафаккури мамлакатнинг сиёсий ҳаётида жуда зарур бўлиб қолган бир палла билан рўпара келиб турибмиз. Шу боисдан ҳам таҳририят халқ орасидаги муаллифларимизнинг хатларига ўз саҳифаларида кенг ўрин беришга қарор қилди. Бугун бизга оддий муаллифларимиз томонидан йўлланаётган хатлар оқими газета тили, бадиий адабиёт тили билан бирга ёрқин, афоризмларга бой образли халқ тили ҳам мавжудлигини исботлаб турибди”.⁵⁸

Айни шу йиллари Ўзбекистонда ҳам халқнинг овози, ўй-фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари матбуот юзига қалқиб чиқди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида ташкил этилган “Ихтиёр менда бўлса” рукни остида эълон қилинган кўплаб мактублар жамият ҳаётида тамомила янги бир давр пишиб етилаётгани, одамлар дунёқараши яқин ўтмишга тегишли воқеаларнинг янгича идроки ҳосилалари билан тўлишаётганидан далолат берди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлган киритгач, бу янги йўналиш янада кучайди. Аммо вазият жуда мураккаб эди. Бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсат, ҳам иқтисодиёт, ҳам таълим-тарбия, тарих, маданият, мудофаа, дин ва бошқа соҳалар билан шуғулланишга, ҳар бир қадам ва қарорда ягона тўғри, айтиш чоғда адолатли ечимни топишга, собиқ тузум мафкураси асоратларидан тезроқ қутулишга, ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олишга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов республика Олий Кенгашининг 12-

⁵⁸ “Октябрь” журнали, М., 1989, № 8, 176-бет.

сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқида бу тўғрида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди... Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамининг, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади. Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади...”.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма йиғилишида сўздаган нутқида янги давр матбуотининг муҳим принципиал вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди: «Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари юришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади».⁵⁹

Истиқлолимиз арафасида ва унинг дастлабки йилларида матбуотнинг жамиятнинг турли қатламларига мансуб кишиларнинг онгига етиб борадиган, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштирадиган, янги шароитдаги бурч ва масъулиятини тўла англашларига ёрдам берадиган ошкора, дадил ва таъсирчан сўзига кучли эҳтиёж пайдо бўлди. Бу ҳолат тасодифан юзага келгани йўқ, албатта. Аммо бундай сўзни айтиш учун публицистик маҳорат билан бирга, ижтимоий фаоллик, қатъият ва шижоат, мустақил фикрлаш салоҳияти, жамият

⁵⁹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005, 190-191-бетлар).

тарафидан эса — эркин фикрга нисбатан хайрихоҳлик зарур эди. Бунинг боиси, дастлабки кезларда жамият аъзоларининг маълум қисми, жумладан айрим зиёлилар ҳам, иккиланиб, иттифокнинг парчаланиши, “катта оиладан” ажралиб чиқиш, Москвадан узилиш эртага қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қила олмай, собиқ салтанат матбуотининг “Москва Ўрта Осиёсиз яшай олади, аммо ўзларича мустақиллик эълон қилган Ўрта Осиё республикалари Москвасиз яшай олмайди ва бўйинларини эгиб яна сафимизга қайтиб келишади” каби башоратлари таъсирида воқеалар ривожини эҳтиёткорлик билан кузатиб туришарди. “Нега деганда бизларда қўрқинч бор, вазир бўлса ҳам, ҳоким бўлса ҳам, бу одамлар ўзидан қўрқади,— деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов “Озодлик” радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан учрашувда. — Совет даврининг тарбиясини олган, менга ортиқча масъулият керак эмас, менга тинчлик керак, деган одат бор... Ҳокимлар саволларга жавоб беришдан қўрқади, жойларда сўрасангиз, улар ё қандайдир мужмал жавоб беради, ё мутлақо жавоб бермайди. Биз бу ярамас одатдан воз кечишимиз керак... Демократия, демократиянинг асосий шарти бўлмиш матбуот эркинлигини таъминлаш, умуман, матбуот ҳақида менинг фикрим шундай: жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман, мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади... Матбуот буларнинг ҳаммасини ифодалаб бериши керак. Ўн хил, юз хил фикр бўлса ҳам, ҳаммасини бериш керак, шунга биз чидашимиз даркор. Ана ўшандагина матбуот демократик матбуот бўлади”.⁶⁰

Ўтган аср саксонинчи йилларининг охирида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида эълон қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мавзудаги публицистик мақолаларнинг маъно-мазмунини уларнинг сарлавҳасидан ҳам билиб олиш мумкин. Мана, улардан айримлари: “Виждонимиз уйғоқми?”, “Ўғуруримизга нима бўлди?”, “Нутқимиз софми?”, “Сувнинг қадри борми?”, “Юлдузлар керакми?”, “Марҳумлар руҳидан қўрқмайсизми?”, “Уйғоқлар нима дейди?”, “Ўғул Фарғона, сенга нима бўлди?”,

⁶⁰ 1997 йил, 15 январь.

“Тўдак нега нобуд бўлди?”, “Аёл нега ўзини ўлдирди?”, “Фожианинг илдизи қаерда?”, “Сусткашликнинг боиси нимада?”, “Тилимизни ҳаққа чўқиганми?”, “Алпомишни ким уйғотади?”, “Олимлар, элингизни биласизми?”, “Қоғозбозликка тоқатингиз борми?”, “Халққа ҳақ гап керак”, “Кўзни катта очайлик”, “Хатоларни тузатайлик”, “Дарднинг давоси қаерда?”, “Ҳақиқатга ташналик”, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат”, “Навоийни ўргатинг менга...”, “Нохак камалганлар”, “Қодирий кадрили сўрар авлодлар”, “Эътиқод мангу ҳақиқатдир”, “Таҳқирланган эътиқод”, “XX аср талончилиги”, “Шафқатсизлик мерос эмас”, “Инсонни маърифат тарбиялайди”, “Тил эрки – эл эрки”, “Нажот – ҳақиқатда”, “Иллатни ўзимиздан кидирайлик”, “Хатолар сабоғи”, “Ҳаёт эртак эмас”, “Халқни алдаманг!”, “Дехқонга эрк беринг!”, “Рухимизга ёнгин тушмасин!”, “Тил – халқ руҳи”, “Хурлик – дунёдаги олий мазҳабдир”, “Шоир яшай билмас, тилини тишлаб...”, “Узоқни кўзлаб рост сўзлайлик”, “Уйғонаётган фикр” ва ҳоказолар. Муаммолар шу каби очиқ ва дангал таҳлил қилинган публицистик мақолалар “Туркистон” газетасида ҳам кўплаб эълон қилинган.

Савол туғилади. Матбуот бундай журъатни қаердан олди? Гап шундаки, бу даврга келиб, дунёда тамомила янги ижтимоий ҳолат юзага келди, инсоният ҳаёти, тафаккури ва келажаги билан боғлиқ тушунчаларни қайта идрок этиш зарурати пайдо бўлди. Юқорида ҳам, қуйида ҳам бундан буён эски андозалар, тақиқ ва чекловлар, хомхаёл шиорлар билан яшаб бўлмаслиги, коммунистик тузум ҳукмронлик қилаётган мамлакатларда инсон дунёқарашини сиёсий мафкура тамойиллари асосида шакллантиришга ва уни бошқаришга доир уринишлар самара бермаслиги, дунё кескин бурилиш нуқтасида турганлиги аён бўлиб қолганди. Республиканинг янги раҳбари Ислом Каримов мустақиллик арафасидаёқ мамлакатда ижтимоий адолатни тиклаш, миллатнинг ор-номуси, шаън-шавкатини жой-жойига қўйиш, дин ва диндорларга муносабатни ўзгартириш, улуғ аллома аجدодларимиз меросини ўрганиш, мустақиллик эълон қилинганидан кейин эса эски тузумнинг ғайриахлоқий шиорлари, маънавиятга зид қонун-қоидаларидан тезроқ қутулишни жамият олдидаги асосий вазифа деб белгилади. Бу вазифани бажармай туриб, жамиятни тараққий эттириш,

халқнинг эртанги истиқбол кунларига ишончини мустаҳкамлаш, янги инсонни камолга етказиш мумкин эмас эди.

1991 йилнинг 4 январи куни — мустақиллик эълон қилинишидан тўққиз ой аввал “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида публицист И. Ғафуров куйидагиларни ёзганди: «Жумҳурият халқларида куч-қувват етарли. Жумҳурият ерларида хазиналар ҳам етарли. Жумҳуриятда энди бизни жаҳон бозорига олиб чиқадиган ва энг илғор мамлакатлар билан яхши маънода рақобатга ярайдиган обрўли, ишончли юксак малакадор саноатларни вужудга келтирмоқ керак... Ўзбекистонимни мен яқин йиллар ичида буюк хунармандчилик диёрига айланганини кўргим келади. Хунарманд халқ ҳеч қачон қашшоқ бўлмайди. Қарам ҳам бўлмайди. Бу орзу тагсиз ҳаёлий эмас. Унинг жуда катта ҳаётий ва тарихий, маданий асоси мавжуд. Икки юздан ортиқ унутилиб кетган, аммо жуда зарур хунарларни тиклаш учун кучлар ҳам, истеъдодлар ҳам етарли. Эрта-индин бу ишга завқ-шавқ билан киришиб кетадиган одамлар, албатта, етишиб чиқади...Ўзимизни катта халқнинг фарзандлари билиб, шу халқ учун ишлашга ўрганайлик. Нагадир тўқсон биринчи йилни халқимиз ўз шаън-шарафини тиклашга киришадиган йил дегим келади. Ахир, тўқсон биринчи йил — Мир Алишер Навоий йили. Бир бобомиз беш юзу элликка, бошқа бир бобомиз мингга киради. Халқимизнинг бошини кўркам қилган бундай боболар оз эмас. Халқимга маърифатли боболар руҳи мададкор бўлсин!”.

“Бугун кўтаринки, шодиёна сўзлар айтиладиган кун. Ҳар қанча айтсак, қувонсак арзийди,— деб таъкидланади газетанинг 1991 йил 6 сентябрь сонидagi бош мақолада.— Шу билан бирга, бугун янги ишонч кунлари келди. Энди кўтаринки сўзлар ишчан сўзларга ўз ўрнини бўшатиши керак. Тўғри, биз мустақилликда яшаб кўрмаганмиз ва унинг гўзал муҳитида яшаётган давлатлар, уларнинг халқларига ҳавас билан қараймиз. Холбуки, жумҳурият конституцияси ҳам, иттифоқ конституцияси ҳам жумҳуриятлар мустақиллигини қайд этган. Лекин бу мустақилликни сталинизм мустабидлиги бутунлай кўмиб ташлаган ва тўла маҳв этган эди. У сталинизм кўзбўямачилиги сифатида қоғоздагина қолди.

Халқларнинг хоши-ихтиёри марказлашган салтанатнинг партия-давлатчилик ҳокимиятига бўйсундирилди. Миллатларнинг қонуний истаклари зўравонлик билан шафқатсиз тарзда бостириб келинди. Ниҳоят, халқларнинг иродаси билан сталинизм истибдоди чок-чокидан сўкилиб кетди. Бугун дунё янги мустақил давлатларнинг туғилаётганига гувоҳ бўлиб турибди...

Бугун жаҳоннинг барча эшиклари Ўзбекистонга очилди. Бугун ўз ерига бунчалар боғланиб қолган халқимизга қараб туриб: “Жаҳонга чиқ! Оламни кез, ўзбегим!” — деймиз...

Халқларнинг озодликка чиқиши кимнингдир ёки бирон бир гуруҳнинг хоши туфайли эмас, тарихий тараққиёт қонуниятлари натижаси ўлароқ юз бермокда. Ҳаётнинг ўзи шу ўзгариш нуқтасига етиб келди. Озодлик ва мустақиллик жараёни ўзгармас нуқтага эга. Ҳеч ким бу жараёни тўса олмайди ва тўхтата олмайди”.

Шу йиллари ўзбек бадиий публицистикаси жанговар, ҳозиржавоб жанр сифатида қайта оёққа турди, янги демократик жамият қурилишининг фаол иштирокчисига, йиллар давомида бир ўзанга тушиб қолган фикр мудроқлигига барҳам берди, жамият ҳаётида бошланаётган янги жараёнларнинг толмас тарғиботчисига айланди, баҳс-мушоҳада, ҳиссиётли муҳокама жўшқинлигини юзага келтирди. Яна бир муҳим жиҳати, тўқсонинчи йилларнинг биринчи ярмида нафақат ижодкор зиёлилар, оддий касб эгалари, мактабларнинг ўқитувчилари, саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт соҳаси ходимлари, кўп болали оналар ҳам қўлларига қалам олдилар. Матбуот улар учун эркин мушоҳада минбарига айланди, фикр алмашиш, бошқаларни ҳам эшитиш, қиёслаш, хулоса чиқариш имконияти пайдо бўлди. Таҳририятларга йўлланаётган мактубларнинг аксариятида муаллифларнинг шахсий талаблари эмас, жамият ривожини, миллат тақдири билан боғлиқ куюнчак мулоҳазалар устиворлик қиларди.

«Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади, — деб таъкидланади Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. — Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни

ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадий адабиётимиз мавзулар кўлами жихатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни, албатта, қувонтиради. Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари қалам аҳлининг ижодий изланишлари учун қандай катта уфқлар очиб берганини яна бир бор кўрсатади. Дейлик, ҳозирги пайтда тарихий мавзунини ёритишда — бу Имом Бухорий ёки Имом Термизий бўладими, Жалолиддин Мангуберди ёки Амир Темур сиймосини яратиш бўладими, олис ва яқин ўтмишимизнинг ҳали очилмаган саҳифаларини аск эттириш бўладими — буюк аجدодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли тасвирланган кўплаб асарлар юзага келмоқда» (136-137-бетлар).

Собиқ тузум шароитида бунга асло йўл берилмади. Бадий адабиётда, матбуотда ёки оддий давра суҳбатида ўтмиш аجدодларнинг номини тилга олишнинг ўзи «тарихни идеаллаштириш, феодал замонларни қўмсаш» деб баҳоланди. Кўпчилик ижодкорлар шундай оғир шароитда ҳам имконият даражасида қалам тебратишга, тарих ҳақиқатига қарши бормасликка ҳаракат қилдилар. Давлатимиз раҳбарининг миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларида бу тўғрида жуда аниқ айтилган: «Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган. Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмунини,

инсоннинг кадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим»⁶¹

Бу юксак эътироф матбуотимизнинг фидойи ва журъатли вакилларига ҳам тааллуқли десак тўғри бўлади.

Публицистика ўқувчини мустақил фикрлашга, ён-атрофида кечаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида эмин-эркин мулоҳаза юритишга, хулоса чиқаришга, демакки, жамият ҳаётида фаоллашувга даъват этади. Публицист муҳокама ва мушоҳада майдонига олиб чиқаётган фикрини таҳлилий мақола, эссе, тақриз, очерк, бағишлов, очиқ хат, баъзан эса драматик ёки шеърӣ асар шаклида ҳам ифодалаш мумкин. О.Шарафиддиновнинг туркум мақолалари, Ш. Юсуповнинг тарихий-бадий тадқиқотлари, Ш.Холмирзаевнинг эсселари, А.Ориповнинг “Ўзбекистон”, Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси, Нусрат Раҳматнинг қаламкаш дўстларига мактублари, Турсуной Содикованинг суҳбат-диалоглари фикримизга далил бўла олади.

Бадий публицистикада образли мушоҳада, эмоционал ҳис-туйғу, ҳаяжонли ифода, даъват ва тарғибот билан бирга мантиқий таҳлил, фикр баҳси ҳам ўз ифодасини топади. Улуғбек Абдуваҳобнинг “Турланаётган сўз” сарлавҳали публицистик мақоласида айна шу ҳолатга дуч келамиз: “Тарих мулкига айланган сўнгги юз йиллик башарият олдига ечими мушкулроқ бўлган бир талай маммоларни кўндаланг қўйдики, уларнинг залворидан киши баъзан ўзини ҳорғин сезади. Лекин бу ҳол бардавом эмас. Чунки инсон табиати ўзгарувчан бўлгани боис доимо бир хилда фикрламайди. XX асрда дунёнинг қиёфаси шунчалик тез ўзгариб турдики, сабаб ва оқибат муносабатини англаб етолмай доғда ҳам қолдик. Зеро, инсон ўтган юз йилликда оламнинг муайян янги ҳолатига кўникиб улгурмасдан навбатдаги эврилишларга дуч келди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда”⁶²

Муаллиф ўқувчини фикр майдонига бошламоқда. Дунё, инсон ҳаёти, турмуш тарзимиз ва ҳатто гап-сўзимиз ҳам маъно-моҳиятини англаб

⁶¹Ислом Каримов. «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор». Т., «Ўзбекистон», 2009, 10-11-бетлар.

⁶²“Тафаккур”, 2001/1, 98-бет.

улгуришимиз қийин бир тарзда ўзгармоқдаки, шоир айтганидек, бундай ҳолатга мослашиб, орқада қолмай яшамоқликнинг ўзи ҳам жасорат бўлиб қолди. Лекин, ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг аксарияти инсоннинг шахсий манфаатларидан келиб чиқади. Бинобарин, биз ҳамиша ҳам ўзгаришларнинг ортидан қувиб, уларга етиб ва мослашиб яшашимиз керакми? Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши ижобий ҳолатлар билан бирга маълум маънавий-ахлоқий айнишларга ҳам олиб келганлигини қандай баҳолаш керак? Мана, гап қаерда. Улуғбек Абдуваҳоб давом этади: “Жаҳолат ғолиб келган вақтда инсоният қандай қурбонлар берганига кўҳна тарих гувоҳ. Лекин, шунча тажриба бўлишига қарамай, кейинги юз йилликда ҳаётга ҳаддан зиёд бирёқлама ёндошилгани боис, моддий фойда келтирувчи ҳар қандай йўлни тўғри деб ҳисобловчилар сони кўпайиб бормоқда”.

Жамият тараққиётини илмли, жисмонан ва руҳан етук, янгича фикрловчи, тафаккур доираси кенг ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Афсуски, кўп ҳолларда енгил-елпи фикрлаймиз, моҳиятга теранроқ кириб бормаймиз, юзаки хулосалар чиқарамиз,— деб ёзади публицист Мақсуд Ҳамроев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган “Тафаккур эқтиёжи” мақоласида. — Негаки, чуқур ўйлаш, мушоҳада юритиш ҳам озми-кўпми меҳнат, машаққат талаб қилади. Биз ана шу машаққатдан қочамиз, миямизни ишлатгимиз, чарчатгимиз келмайди! Натижада фикрат танбаллиги деб номласа бўладиган касалликка мубтало бўламиз. Энди биз учун ҳам бошқалар ўйласин, бошқалар фикрласин, бошқалар муносабат билдирсин! Биз эса уларнинг тўғрию нотўғри, маъқулу номақбул фикрларини кўр-кўрона қабул қиламиз. Нима десалар тасдиқ маъносида бошимизни қимирлатиб ўтираверамиз. Тафаккур чиғириғимиздан мундоқ ўтказиб кўрмаймиз. Негаки, бу чиғирик анчадан буён яхши айланмай қолган...”

Муаллифнинг фикрича, энг катта иллат — бошқаларнинг фикрини эшитмаслик, ўзиникини маъқуллаш, суҳбатдошнинг нима демоқчи эканини билишга қизиқмасликда. Фикрини чиройли ифодалаш — фазилят. Бироқ бунинг уддасидан чиқа олмаслик айб эмас, бу, нари борса, бир камчилик, холос.

Донишманд боболаримизнинг сўзловчининг ўзига эмас, сўзига боқ, деган ўғитини кенг маънода тушунишга интилмаймиз. Хуллас, бизда ўзгаларнинг фикрига эътибор ва ҳурмат, эшитишга сабр етишмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳали фикрлаш, фикримизни ифода этиш ҳамда тинглаш маданиятимиз тарбияга ва такомилга муҳтож эканлигини англатади.

Юқорида келтирилган икки мақола ва Султонмурод Олимнинг “Халқ таянадиган куч”, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Дунё тургунча”, Раҳмон Қўчқорнинг “Орзуим — руҳ тарбияси”, Абдурахим Эркаевнинг “Бир-бирини такозо этувчи икки зарурат”, Муртазо Қаршибойнинг “Огоҳ элнинг осмони соф”⁶³ мақолаларида ҳам бадиий публицистикага хос бўлган устувор хусусият — фикрий таҳлилга дуч келамиз.

Ёш публицист Иқбол Қўшшаеванинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган, кейинчалик “Сукунат туғёнлари” китобига киритилган “Яраланган қалб” (Ойбек), “Кумушга айланган маъсума”, “Муҳаббат менинг кўзим бўлди” (Римма Аҳмедова), “Улғайиш изтироблари” (Ҳожиакбар Ҳамидов), “Юрагини мерос қолдирган инсон” (Ботир Зокиров) мақолалари истиқлол даври янги публицистикасининг энг яхши намуналари ҳисобланади. **xxxxx**

Тадқиқотчи олим Илҳом Ғаниевнинг “Достоевскийни тушуниш ёки мангу бедорлик сири” эссесида бадиий публицистиканинг яна бир муҳим қирраси очилади. Муаллиф ўқувчини инсон руҳий оламининг тадқиқотчиси ҳисобланмиш Достоевскийнинг ақл ва заковат, даҳолик фалсафаси билан уйғунлашган истеъдоди ҳайратларини тушунишга чорлайди. “Достоевский умри давомида бахтли одамлар ҳақида ёзмади,— деб таъкидлайди муаллиф.— Аммо одамзот бахтли яшаши керак, деб ҳукм чиқарди, У алам билан, зарда билан, чексиз азобу исён билан, ёниб-ўртаниб ёзди. У шафқатсиз реализмнинг аччиқ таъмини ўз танасида татиб кўрди. Ғуборли, моғорли, дардсиз даврлар, муҳит уни янчди. У одам боласининг ўз эҳмоли бади билан ўзини балою қазоларга гирифтор этаётганини кўриб, инчикириб йиғлади. Руҳий изтироблари,

⁶³ “Тафаккур”, 2000 йил, 3-сон

дардлари уни шу қадар тубсиз гирдобга ғарқ этдики, ҳали бу ҳолни тасаввур этмак учун бизда қудрат йўқ. У ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмади, ҳеч кимдан нолимади ва ҳеч кимга юрагини очиб тўкмади... Бу унинг қалбий жасорати, руҳан енгилмаслиги кафолати эди. У ҳеч ким, ҳеч қандай жамият, ҳеч бир замон инсонни руҳан енгилмаслигига иймон келтирди. У дунёни оқ ва қора рангларда эмас, аслича, борица кўрди, тасвирлади. Инсон қалби бу дунёдан кенглиги, ранг-баранглиги ва минг чандон мураккаблигини исботлади”⁶⁴.

Эссе муаллифи Достоевскийни мутолаа қилар экан, ўзига хос, бир қарашда баҳсли, аммо эътироз қилиш қийин бўлган бир хулосага келади — ўз даврида тушунилган, мақталган, кўкларга кўтарилган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам келажакка етиб бора олмайди, аксинча, ўз даврида оғриқ билан қабул қилинган, рад этилган, таъқиқланган нарсаларнинг кўпи келажакка тегишлидир.

Истиқлол йиллари шеъриятида бадий-публицистик рух

Истиқлол йиллари публицистикасининг илк қадамлари, шубҳасиз, она-Ватан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари билан бевосита боғлиқ бўлди. “Ватан — одамнинг киндик қони тўкилган ердир”, деган таърифга эътироз билдирмасак-да, айтмоқчимизки, бу шартли бир тушунчадир,— деб ёзади Тоҳир Малик “Равнақ топгай Ватаним — онам” мақоласида⁶⁵ — Агар туғилган жой тўла маънода Ватан бўлганида эди, биз томонларда туғилиб ўсган немислар, яҳудийлар, қрим татарлари ва яна бошқа миллат вакиллари ота-боболари юртига кўчишмас эди. Хорижда туғилган ўзбеклар “Ватан” дея Ўзбекистонга интилмас эдилар. Демак, Ватан — энг аввало, ота-боболарнинг покиза ҳоклари ила шарафланган жойдир. “Ватан осотонадан бошланади”, деган таърифга ҳам бир оз таҳрир киритмоққа эҳтиёж сезамиз: ҳар бир кишининг қалбида Ватаннинг жажжи қиёфаси яшайди. Ватан — биз нафас олаётган ҳаводир. Ватаннинг бир зарраси эканингни англамоқ

⁶⁴ Ғаниев И. “Достоевскийни тушуниш ёки мангу бедорлик сири”. Т., “Фан”, 2006, 3-бет.

⁶⁵ Қаранг: “Маънавият гулистони”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган публицистик мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир А. Мелибоев. Т., “Шарқ” НМАК, 2002, 37-бет.

киши учун ифтихор ва шарафдир. Ватанга муҳаббатни жамлай олган юрак фақат одам боласига хосдир”.

“Тақдир тақозоси билан ҳаётимнинг ярим асрдан кўпроғи шўролар замонида кечди,— деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов.— Барча совет болалари катори Ленинни бобо, Сталинни ота деб тилим чикди. Москвани оламнинг таянчи, СССРни бахт кошонаси, октябрь инқилобини озодлик бешиги деб билдим.— Бу тасаввур бамисоли болаликнинг ширин туши эди. Ақлимни таниб, оламга очик кўз билан қараганим сайин бу лаззатли ёлғон зимнидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлаверди... Бу ҳақиқатни ангаш нақадар ўкинчли эди. Ўкинчларим шеърга кўчиб, шеърларим тузумнинг қаҳрига учраганда (масалан “Ўзбегим” фасидаси — М.А.) кўзим янада каттароқ очилди. Кўнгил изтироблари исёнга айланди. Шўро замонида исёнкор шеърлар ёзиш қилич амида юришдек хатарли эди. Шунга қарамай кўплаб ижодкорлар тузумнинг сохталиги ва золимлигини фош қилдилар. Ташбеҳ пардаларига ўраб, матбуот нозирларининг ўткир кўзларидан яшириб, оммага етказа олдилар. Бу туфайли бошларига не кўргиликлар тушишига қарамай, ҳалол виждон сўзини айтдилар. Шўро адабиёти замирида улкан диссидентлик ҳаракати етилди ва бу исёнкор бадий тафаккур қизил империянинг темир деворлари остида мафкуравий динамит бўлиб портлади.⁶⁶

“Ўзбекона миллий қарашларимизда тўлғинлик, сабр-тоқат, қаноат, шукроналук билан яшаш алоҳида ўринда туради,— деб таъкидлайди адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров.— Бу нарса жуда илгарилардан, балки азалдан халқнинг қонида, ҳужайраларида, яратилиш зумраларида мавжуд. Аҳмад Югнакий буни ғоятда ўзбекона қилиб айтган: “Биликлик биликсиз қачон тенг бўлар, Сўнгакка йиликтек эранга билик...”. Бу — қадим миллий қарашларимизга, миллий мафкурамизнинг негизларига даҳлдор фикр. Пуч суякда ҳаёт қувватлари қолмаганидай, инсон мияси, ақли-заковати худди ана шу нарса, яъни Югнакий билик деб таърифлаётган нарса билан тўлдирилмас экан, у ғўрлигича, соддалигича қолиб кетаверади... Биликли бўлишга интилиш

⁶⁶ “Маънавият гулистони” тўплами, 20-21-бетлар.

— бу бизнинг Навоийгача бўлган илк уйғониш даври миллий мафкурамизнинг тарихий қирраларидан бири. У Навоий ва ундан сал илгари темурийлар даврида жамият мафкурасининг етакчи ғояларидан бирига айланди”⁶⁷

Ватан туйғуси мустақиллик йилларининг публицистик руҳ билан суғорилган пафосли шеъриятида ҳам ўз ифодасини топди. Муҳаммад Юсуфнинг “Ўзбекистон” шеъри:

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.
Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг изимдан судралиб юрар.
Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман, ё бир содда касман мен.
Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тандирингга алишмасман мен...”⁶⁸

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Ё аҳиллик, ё қуллик!” шеъри шеърий публицистиканинг ёрқин намунасидир:

Доно халқим, бардам бўл,
Ҳар дам илдам, шахдам бўл,
Бирлаш, бирлаш, бир дам бўл,
Ё аҳиллик, ё қуллик!..
Гулдек чирмаш, Туркистон,

⁶⁷ “Маънавият гулистони” тўплами, 33-34-бетлар.

⁶⁸ Муҳаммад Юсуфнинг “Ўзбекистон” шеъридан.

Бирга сирлаш, Туркистон,
Бирлаш, бирлаш, Туркистон,
Ё ахиллик, ё куллик!
Гоҳ буркандинг шуҳратга,
Дуч келдинг гоҳ кулфатга,
Ботма яна зулматга,
Ё ахиллик, ё куллик!⁶⁹

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов “Босқинчи сўзининг маъноси шуки, Нонга тўйганда ҳам тўймас маконга”, деб ёзади. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва ҳурриятни ўзига хос тарзда куйлайди: “Озодлик — руҳимда сайраган қушим, Озодлик — кўнглимда ўсаётган най, Озодлик — ўнг келган илоҳий тушим, Ўн икки юлдузли фаслим, айланай”. Абдулла Шер истиқлол туйғусини янада кучайтиради: “Сени қандай атай, Ўзбекистоним, Тунлари уйғониб чақиргим келсак Ҳар битта дардингдан оғриб минг жоним, Лоқайд ҳалойиққа ҳайқиргим келсак!”. Бу ҳайқириқ Азим Суюнда давом этади: “Шодликка тўл, Ватан, Шодликка буркан, Ҳаёт, эркинликнинг қувончларин тот, Сен ҳам тирикликнинг аслини ўрган, Асрлар аламли жанаадаларин от”.

Мирпўлат Мирзонинг “Ватан қадри” шеъри қаттол тузумнинг зуғуми остида ватандан жудо бўлганаларнинг аянчли тақдири ҳақида:

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
она бўйнин кучиб —
гўдаклик чоғда
ўтиб олмоқ керак асов дарёдан
ўзга қирғоққа.
Ва дарбадар кезмоқлик керак
қатағондан омон қолган қавм ила
бегона юртларда...
Ватаннинг қадрини англамоқ учун
эсга олганингда инсонлигингни —

⁶⁹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1996, 12 апрель.

айни йигит пайтинг
сени бир одам
каторида санамасликларини сезиб,
давъатан
Ватансиз эканлигинг англаб қолмоғинг керак.
Ватаннинг қадрини англамоқ учун
мусофирлик доғи қаддин дол қилган
юртдошларинг қуриб дийдор даврасин
Айролик қўшиғин тинглаган куйи
фарғонача ошга тикилиб юм-юм
йиғлашларин кўриб
сен ҳам йиғламоғинг керак...⁷⁰

Сирожиддин Саййиднинг “Инсон” шеърида янги аср бошларида янада мураккаблашган, чигаллашган дунёнинг нотинч манзараси бор:

Бир қўлда қуро­лу
бир қўлда Қуръон,
Сен қандай манзилга
кеб қолдинг, Инсонқ
Билиб бўлмаса, гар —
қайсинг мусулмон.
Бир қўлда қуро­лу
бир қўлда Инжил...
О, Инсон,
аввало ҳаддинг­ни билгил.
Бир-биринг айласанг
гар хонавайрон
Билиб бўлмаса гар
Қайсинг носарон...

⁷⁰ Қаранг: “Жаҳон адабиёти”, 2008 йил, сентябрь, 3-бет

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева шеърида Ватан мавзуси бутунлай бошқача талқин этилади: “Ўғлим, кўз ёшинг арт, сўзимни уқкин, Менам “Болам — алп” деб кўкрак керайин. Ёш тўксанг Озодлик учун ёш тўқкин, Йиғласанг Ватан деб йиғла, кўрайин...”⁷¹.

Шоир Абдусайд Кўчимов “пешонасига офтоб теккан” (Абдулла Орипов) халқнинг қувончини ғоят самимий тасвирлайди: “Юз йиллик маломат ёмғири тинди, Қафаслар бузилди, калтаклар синди, Гулу гулзоримга бахт қуши қўнди. Эй дилим, истиклол нурида яйра, Туркистоним яйра, Туроним яйра”. Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев эса истиклолдан қувониш билан бирга, элни аҳилликка, бирдамликка чақиради: “Аҳил бўл, якдил бўл, азиз Ватандош, Қўллагин бир-биринг, бўлгин елкадош. Бир мушт бўл, бир эл бўл, якин қариндош, Ўшанда Оллоҳ ҳам бизни қўллагай, Муродли манзилга дадил йўллагай...”. Шавкат Раҳмон фарзандига хитоб қилади: “Болам, жоним болам, бу — гўзал ҳурлик, Унутма бу ҳурлик тўралган кунни...”.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида “Шеърый лаҳза” рукни остида эълон қилинган шеърларнинг аксариятида публицистик рух, ижтимоий мушоҳада устиворлик қилади.

Чингиз Айтматов — публицист

Машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов ижоди билан таниш бўлмаган китобхонни топиш қийин бўлса керак. Адиб ижоди бадиий адабиёт ихлосмандлари қаторида бошқа касб эгаларини ҳам оҳанрабодек ўзига тортади. Бунинг боиси, ёзувчи қаламига мансуб роман ва қиссалар, ўткир мушоҳадали публицистик мақолалар, нуфузли анжуманлардаги мағзи тўқ маърузалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, уларда наинки бугуннинг, айни чоғда эртанинг, якин келгусининг, бир миллатга ёки мамлакатга эмас, бутун инсониятга, ер юзига тинч-тотув ҳаётни сақлаб қолишга тааллуқли вазифалар, бошқалар айтишга журъат эта олмаётган муаммолар фавқулодда қуюнчаклик ва журъат билан тадқиқ этилади. Айтматов халқнинг тилида ва дилида турган, пишиб

⁷¹ “ЎзАС”, 2005 йил, 9 сентябрь

етилган, ечими топилмаса, олди олинмаса вазият янада мураккаблашадиган иллатлардан, жамият ҳаётида урчий бошлаган турли хасталиклардан баҳс очади, уларни кенг жамоатчилик ҳукмига дадил ҳавола этади. Шу боисдан адибнинг бадиий асарлари каби публицистик чиқишлари, маърузалари ҳам кўпинча кучли мунозараларга, эҳтиросли баҳсларга, гоҳо эътирозларга ҳам сабаб бўлади.

Ғарб мамлакатларида Чингиз Айтматовнинг соф миллий мавзуда ёзилган тоғ ва дашт қиссаларидан кўра унинг юксак публицистик руҳ билан суғорилган сўнгги икки асари — “Кассандра тамғаси” ва “Қулаётган тоғлар”, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақола ва суҳбатлари, халқаро минбарлардаги маърузалари кўпроқ оммалашган десак, муболаға бўлмайди. Адиб публицистикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш тадқиқотчилар учун унинг ижод лабораториясига, маънавий-руҳий оламига янада кенг йўл очади.

Чингиз Айтматов ижодига доир жиддий тадқиқотлар олиб борган адабиётшунос олим Қ. Бобулов: „Чингиз Айтматовнинг қирғиз адабиётига кириб келишини ҳеч ким сезмагандек ва, ҳатто, унинг дастлабки ҳикояларига ҳеч ким эътибор бермагандек бўлди,— деб ёзган эди. – Аммо, зийракроқ ўқувчи қирғиз адабиёти остонасида аниқ гражданлик ва ижодий позицияга эга бўлган талантли ёзувчи турганлигини пайқаши қийин эмасди”.⁷²

Бу фикрни “Айтматов журналистикага ҳам худди шундай кириб келди”, деб давом эттириш мумкин. Унинг дастлабки мақолалари талабалик йилларига тўғри келади – қишлоқ хўжалик институтининг студенти, бўлажак агроном, кутилмаганда луғатлар, олий ўқув юртлари учун тайёрланган дарсликлар, турли қўлланмалар ва рус классик ёзувчиларнинг қирғиз тилига ўгирилган асарларида йўл қўйилган нуқсонларни жиддий танқид қилиб майдонга чиқади. Собик Фрунзе, ҳозирги Бишкек шаҳрида чиқадиган ёшларнинг “Ленинчил жаш” (“Ёш ленинчи”) газетасининг 1951 йил, 11 ноябрь сонидида эълон қилинган “Русча-қирғизча луғат ҳақида”, “Советская Киргизия” газетасининг 1952 йил, 24 январь

⁷² Қаранг. Чингиз Айтматов. Танланган асарлар (Қирғиз тилида), 1-томга ёзилган сўзбоши. Фрунзе, 1982, 5-бет.

сонида босилган “О терминологии кыргызского языка», шу газетанинг 1953 йил, 24 май сонида чоп этилган “Перевод, далёкий от оригинала” мақолалари, қирғиз адабиётшуносларининг эътирофича, бу борадаги жимлик ва лоқайдликка барҳам берди.

Шу йиллари адибнинг ўзига хос жонли ва содда тилда ёзилган, чуқур лирик кечинмалар, романтик бўёқларга бой “Газетачи дзюйдо”, “Ашим”, “Қизил олма”, “Сепоячи”, “Оқ ёмғир”, “Рақиблар”, “Байдамтол соҳилларида” каби илк ҳикоялари, орадан бир-икки йил ўтгач эса “Жамила”, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Бўтакўз” қиссалари эълон қилинади. Адиб шу кичик ҳикояларидаёқ муҳим ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқди. Инсон характери, рухий оламининг турли қирраларини чуқур таҳлил қилди. Бу ютуқлар ёзувчи истеъдодининг аста-секин очилиб бораётганидан далолат эди. Ч. Айтматов шу жажжи ҳикояларидаёқ ўзининг индивидуал услубини зоҳир этди. Бу ҳикояларда кўтарилган айрим муаммолар кейинчалик унинг оламга машҳур повестларида янада теран талқин этилади. Масалан, “Байдамтол соҳилларида” ҳикоясида тилга олинган воқеа “Сарвқомат дилбарим”да, “Рақиблар” ҳикоясидаги воқеа “Юзма-юз”да, “Оқ ёмғир”даги воқеа “Жамила” повестида, машҳур чорвадор Телегей Алмамбетовна ҳақидаги очерк қаҳрамонининг образи “Момо ер” повестидаги Тўлғаной тимсолида, “Чўпоннинг янги ўтови қаниқ” танқидий мақоласидаги муаммо “Алвидо, Гулсари”да, “Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар” очик мактубидаги ачинарли факт “Сарвқомат дилбарим” асарида ўзининг мантиқий ривожини топди.

Чингиз Айтматов умрининг сўнгги йигирма йилини элчиликка бағишлади. Дастлаб собиқ иттифоқнинг, Россия Федерациясининг Люксембург қироллигидаги, сўнг Қирғизистоннинг Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Франциядаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлади. Айни чоғда у ўз мамлакатининг Европа ҳамжамияти, НАТО ва ЮНЕСКОдаги доимий вакили вазифасини ҳам бажарди. Қирғизистон элчихонаси зиммасига Жаҳон божхона ташкилоти, халқаро арбитраж суди ва бошқа бир қатор нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш вазифаси ҳам юклатилган эди. Чингиз Айтматов

иждокор дипломат сифатида бу вазифаларни талаб даражасида бажаришга ҳаракат қилди ва жиддий муваффақиятларга эришди.

“Ёзувчилар мамлакат учун энг мақбул элчилардир”. Бу юксак эътироф Норвегиянинг Россия Федерациясидаги элчиси Ойвинд Нордслеттенга тегишли.⁷³ Бунда у Александр Сергеевич Пушкин бир муддат мамлакат ташқи ишлар вазирлигида ишлагани, унинг буюк замондошлари А.С. Грибоедов, Ф.И.Тютчев Германия ва Италия мамлакатларида дипломатик хизматда бўлганларини, рус сатирик шоири Антиох Кантемир Лондон ва Парижда, лотин америкаси адабиётининг йирик вакили, кубалик Алехо Карпентьер ўз мамлакатининг Париждаги элчихонасида маданият масалалари бўйича атташе бўлганлигини ва, ниҳоят, йигирманчи асар адабиётининг йирик намояндаси, дунё миқёсида машҳур жамоатчи арбоб, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг толмас тарғиботчиси, инсониятни огоҳликка чорлаб чарчамаган курашчи Чингиз Айтматовнинг Бенелюкс мамлакатларидаги фаолиятини кўзда тутган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.⁷⁴

Айтматов элчилик фаолияти давомида расмий ва халқ дипломатиясини ривожлантиришга (масалан “Иссиқкўл форуми” мисолида), дунёнинг бугунги ҳолатида турлича маданиятлар, дунёқараш ва эътиқодлар ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирларини тўлдириб, бир-бирларидан баҳра олиб яшашлари мумкинлигини, бу — ер юзида тирикликни сақлаб қолишнинг ягона йўли эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. Дунёнинг кўплаб минтақаларида, хусусан Лотин Америкаси ва Яқин шарқ мамлакатларида, Қирғизистонда, мана, бир неча йилдирки, Айтматов ижоди ва ижтимоий фаолиятини ўрганиш жамоатчиликлари клублари фаолият юритмоқда.

Драматург Мар Бойжиевнинг Айтматовнинг миллий мавзуда асар ёзиш маҳорати тўғрисидаги юксак эътирофига қарамай, янги аср арафасида матбуотда, адабий йиғинларда “Айтматов миллийликдан узоқлашди”, деган мулоҳазалар ҳам пайдо бўлди. Москва газеталаридан бирида эълон қилинган

⁷³ Қаранг: “Иностранная литература”, 2005, № 11, стр.5.

⁷⁴ Қаранг: А. Саидов. Чингиз Айтматов как дипломат. В сборнике “Чингиз Айтматов вечно в сердцах Узбекистанцев”. Книга воспоминаний. Т., 2008, стр. 23-24.

мақолада «Айтматов собиқ иттифоқнинг парчаланиши арафасида ўзини четга олди, узлатга чекинди, ўзи мансуб бўлган миллат тақдирига бепарво қараб, Европанинг гўзал ва осойишта гўшаларидан бирида роҳатини қилиб юрибди», деган фикр олға сурилди. Бундай қарашлар Бишкекдаги адабий гурунглarda ҳам тез–тез қулоққа чалиниб турди, газеталарда шу тўғрида мақолалар эълон қилинди.

Айтматов узлатга чекинди, деган фикрга, албатта, кўшилиб бўлмайди. Ёзувчи қаерда яшамасин, қандай ҳолатда бўлмасин, миллий туйғуларидан воз кечгани йўқ. Элчи сифатида дунё мамлакатлари бўйлаб кезар экан, жаҳоннинг нуфузли минбарларида, энг аввало, Нега шундай бўлди, деган савол туғилади. Айтматовнинг ашаддий мухлислари фикрича ҳам, бунинг сабаби адибнинг Европа бағрига, европача турмуш тарзига анча чуқур сингиб кетганида. Дастлабки соф миллий туйғулар билан суғорилган асарлари ва кейинги романлари (“Кассандра тамғаси”, “Қулаётган тоғлар) ўртасидаги жиддий тафовутни ҳам шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин.

Бишкекда А. Акаев раҳбарлиги тугатилгач, Айтматов содир бўлган воқеаларни “Ҳақиқий инқилоб” деб баҳолади. Унинг фикрича, воқеаларнинг мантиқий ривожи айти шунга олиб келаётган эди. Одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечими чўзилиб кетди, бу борада бирор бир жўяли ўзгариш бўлишига ишонч қолмади. Халқ ўз ҳолича, раҳбарлар ўз ҳолича яшай бошлади. Айти шу нарса одамларнинг тоқатини тоқ қилди. Муҳолифатнинг норозилик чиқишлари бу қадар кучли самара бериши қийин эди. Аммо у сабр-бардоши тўлиб-тошган халқ ҳаракатига раҳбарлик қилиб, ўз умрини яшаб бўлган тузум фаолиятига чек қўйди. Президент маъмурияти, ҳукумат ўзининг ожизлигини кўрсатди.

Айтматов содир бўлган инқилобнинг бош сабабларидан бири – мамлакатнинг иқтисодий ночор аҳволи деб ҳисоблайди: “Биз собиқ иттифок ҳудудидаги энг камбағал мамлакатмиз. Буни бутун дунё билади. Камбағаллик, ишсизлик одамларни жунбушга келтиради. Улар ўз тақдирларини ўзгартириш учун исён кўтаришгача етиб борадилар. Яна бир муҳим сабаб — бу

коррупциянинг мамлакат миқёсида чуқур илдиз отиши. Ҳамма соҳада, ҳамма тармоқларда бу иллат урчиб ётибди, усиз бирор бир ишни битириб бўлмайди. Коррупция мамлакатда яккаҳоким бўлиб қолди. Бу ҳол яхшиликка олиб бормаслигини англаш керак эди, порахўрликнинг илдизлари қирқилиши зарур эди, афсуски бундай бўлмади.

Чингиз Айтматов мухбирлардан бирининг: “Қирғизистонда ҳокимият тепасига янги кучларнинг келиши мамлакатда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф эта оладими?”, деган саволига қуйидагича жавоб қайтаради: “Оппозиция ҳокимиятни қўлга киритди ҳам дейлик (ушбу суҳбат бўлаётган пайтда Бишкекда март инқилоби ҳали ниҳоясига етмаган эди – М.А.), бордию у бугунги тарихий вазиятни тўғри баҳолай олса, унинг қўлида мамлакатни, жамиятни янгича ривожлантиришнинг мукаммал дастури бор бўлса, бу инқилобни ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлади. Бордию бундай дастур бўлмаса, янгилар ишни ”собик”лар билан ҳисоб-китоб қилишдан бошласа, ишончим комилки, орадан кўп ўтмай одамларнинг уларга нисбатан ишончи сўнади. Янги ҳокимият аввалги тузум йўл қўйган хатоларни бартараф этиш режаларини аниқ-равшан эълон қилиши зарур. Бунинг ўрнига, мана, биз келдик, ғолиб бўлдик, ёмон раҳбарларни қувиб солдик, деб тураверсалар, дастлабки кунлари бунга қулоқ осишлари мумкин, аммо кейинчалик бунақа қуруқ гердаиш ўтмайди”. 2010 йилнинг апрель ойи воқеалари бу фикрнинг нечоғли тўғри эканлигини исботлаб берди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида қирғиз матбуотида адибнинг кўплаб мақолалари, интервью ва суҳбатлари эълон қилинган. Уларнинг деярли ҳар бирида муаллифнинг миллий адабиёт, миллий маданият ва қадриятлар, тарихий мерос, она тили, ёш ижодкорларнинг бурч ва масъулиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Чунончи, “Адабиётнинг ёш граждандарига” сарлавҳали мақолада публицист адабиётга кириб келаётган ёш истеъдодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ютуқларини холис баҳолаш алал-оқибат миллий адабиёт ва миллий маданиятнинг ривожланишига олиб

келишини, ижодкорларнинг кекса авлоди вакиллари ўзларининг ёш ўринбосарлари тўғрисида ҳамиша ўйлашлари зарурлигини таъкидлайди.⁷⁵ “Қирғиз прозасининг келажаги” мақоласида бу жанрнинг ютуқ ва камчиликлари, эътибордан четда қолаётган мавзулар, ёш қалам соҳибларининг миллий адабиёт ривожига қўшишлари зарур бўлган ҳиссалари тўғрисида ижодкорларнинг вазифалари қаламга олинади.⁷⁶

“Қадимги қирғиз руҳининг юксак чўққиси” сарлавҳали мақолада муаллиф “Манас” эпосининг фалсафий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари хусусида чуқур фикр юритади. Эпоснинг Сағимбай Орозбаковдан ёзиб олинган вариантга тўхталиб, “бу буюк асар сўз, мусиқа ва ижрочилик маҳоратини ҳам юксак чўққига кўтарди”⁷⁷, деб таъкидлайди. “Адабиётимизнинг ёш вакиллари тўғрисида ғамхўрлик” мақоласида эса “ҳар бир халқнинг, у катта бўладими, кичик бўладими, бундан қатъи назар, ўз она тили — бебаҳо миллий бойлиги бўлишини, бу тилни асраб-авайлаши, келажак авлодларга бутун жозибаси билан етказиб бериши зарурлигини”⁷⁸ алоҳида алоҳида уқдиради.

“Янгилик шабадалари” мақоласида “Халқнинг эпик асарларида, эртак ва афсоналарида чуқур ҳаётий мазмун, социал ахлоқий ва фалсафий умумлаштириш бўлмаганида, улар бугунги кунда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмас эди”⁷⁹, деган фикр мавжуд.

Инсон ва жамият муносабатлари, инсондан қоладиган эзгу хотира ва уларни асраш тўғрисида фикр-мулоҳазалар “Инсоннинг зуваласи” сарлавҳали мақолада ўз ифодасини топган.⁸⁰

Лев Толстой таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ёзилган “Чинакам халқчил ёзувчи” мақоласида адиб шундай дейди: “Дунё маданияти

⁷⁵ “Ала-Тоо” журнали (Қирғиз тилида), Фрунзе, 1964, №1

⁷⁶ «Қирғизистон маданияти», 1968, 26 декабрь.

⁷⁷ Шу манбаа, 1974 йил, 11 январь.

⁷⁸ Шу манбаа, 1977 йил, 27 январь.

⁷⁹ Шу манбаа, 1977 йил, 8 апрель.

⁸⁰ “Советтик Киргизстан», 1987 йил, 14 ноябрь.

ривожига улкан ҳисса қўшган бу адиб одамларни ҳақиқатни англаш ва руҳий эркинликка эришиш сари даъват этди”⁸¹

“Руҳий олам булоғи”да адиб фавқуллода муҳим ва аҳамиятли муаммоларни ҳеч иккиланмай ўртага қўяди: “Биз инсоният тарихининг учинчи минг йиллиги остонасига қандай яқинлашмоқдамиз, маданият ва цивилизация соҳаларида қандай натижаларга эришдик? Илмий-техник жиҳатдан янги натижаларни бундан буён ҳам қўлга кирита оламизми? Инсониятнинг туб томиридан бери янги тарихий йўлини белгилаб берган социализмнинг келажаги қандай бўлади, бу саволларга жавоб излашимиз ва топишимиз лозим”⁸²

Адибнинг Т. Меликянц билан мулоқотида Ўрта Осиё минтақаси халқлари иқтисодий ва ижтимоий турмушида мавжуд бўлган айрим муаммолар, табиатни асраб-авайлаш зарурлигига оид анча дадил фикрларга дуч келамиз. Айтматов айни шу суҳбатда экологик маданият ва унга қатъий амал қилиш лозимлиги тўғрисидаги қатъий фикрини даврнинг муҳим вазифаси сифатида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилади.⁸³

“Индия” журналида чоп этилган “Ҳиндистон сабоқлари”да адиб Деҳли декларациясининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти тўғрисида фикр юритар экан, “Ҳинд халқи ўзининг миллий анъаналарини илмий-техник тараққиёт даврида ҳам асраб-авайлаб келмоқда, биз бу борада улардан ўрнак олишимиз керак”⁸⁴, деб таъкидлайди. Кейинчалик у бу фикрига бошқа публицистик мақолаларида кўп бор қайтади, бугунги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт, интернетнинг ҳаётимизга кириб келиши шароитида миллий ўзига хосликни, миллий илдизларни асраб қолиш ўта муҳим эканлигини такрор-такрор айтишдан чарчамайди.

“Қаралаев ҳақида ўйлаганимда...”. Машҳур “Манас”чи оқин С. Қаралаев ҳақида 1971 йили ёзилган ва “Советская Киргизия” газетасида (12 май) эълон қилинган очеркнинг (“Он знал миллион строк океаноподобнога Манаса”) қайта

⁸¹ «Қирғизистон маданияти», 1978 йил, 7 сентябрь.

⁸² Шу манба. 1986 йил, 6 февраль.

⁸³ Шу манба. “Дунё эҳтиёжини англаб...”, 1987 йил, 2 июль.

⁸⁴ Шу манба. 1987 йил, 24 декабрь.

ишланган, янги фикрлар билан тўлдирилган варианты. Олимлар С. Қаралаевдан машҳур эпоснинг “Семетей” ва “Сейтек” қисмларинининг бошқа ижрочиларга нисбатан тўла ва мазмундор вариантыни ёзиб олишган. “Манас” — қирғиз халқининг ёт босқинчиларга қарши кураши, бу курашда ўз ёнига тарқоқ қирғиз қабилаларини бирлаштириб, баҳодирлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган афсонавий паҳлавон Манас ботирга бағишланган улкан эпик достон. Унда аёвсиз жанг, тенгсиз олишув, ғалаба ва мағлубият тафсилотлари билан бирга, одамлар ҳаёти, турмуш тарзининг турли қирралари, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат, айёрлик, муғомбирлик, қўрқоқлик ва сотқинлик каби мавзулар ҳам ўз ифодасини топган. “Ҳар бир киши ўз халқининг тарихи ва ижод намуналари билан фахрланишга ҳақли,— деб ёзади адиб.— Мен ҳар гал “Манас” ҳақида ўйлаганимда, бу ноёб мерос эндиликда бутун совет халқи маданиятига дахлдор бўлиб қолганлигини ҳис этиб, бундан чуқур ифтихорланаман. Ўзининг минг йиллик тарихида “Манас” совет замонига келиб, биринчи марта ёзиб олинди ва чоп этилди. Эпоснинг катта бир қисми рус тилига ўгирилди ва “Манас” умуминсоний маданиятга дахлдор бўлиб қолди.”⁸⁵

Очеркнинг русча вариантыда қуйидагиларни ўқиймиз: “Художественные и познавательные диапазоны «Манаса» поражают своей широтой и разносторонностью. Здесь и лирико-любовные, и социально-бытовые, и морально-эпические темы. Здесь сведения древних кыргызов о географии, медицине, зодчестве, астрономии, военном деле. Здесь богатейшая гамма художественных форм и средств: от простейшей сатиры и юмора до вершин трагедий, потрясающих великими душевными страданиями человека. Первозданный реализм переплетается со сказочной фантастикой, символизм и декларативность — с глубоким психологизмом, философия соседствует с верой в магию и волшебства, интимные чувства восходят к большим сердечным

⁸⁵ Қаранг: “Қирғизистон маданияти”, 1974 йил, 19 декабрь,

страстям, и в то же время любовь подчинена родовым и патриархальным интересам феодального коллектива».⁸⁶

“Қараб турилмаса, ўт ўчиб қолиши ҳам мумкин”. Ч. Айтматовнинг Н. Шакил ва А. Акматалиев билан суҳбати. Унда адиб бадий ижоднинг серқирралиги, ўзининг янги ёзаётган асари ҳақида фикр юритар экан, ёш ижодкорларга ғамхўрлик мавзусига қайтиб, “улар ижодидаги новаторлик, ноодатий услуб, фикрлаш тарзи ва кутилмаган хулосалардан чўчимаслик” зарурлигини⁸⁷ уқдиради. “Қирғизистон маданияти”, 1986, 3 июль.

Қирғиз тилида ёзилган ва эълон қилинган юқоридаги мақолаларнинг аксарияти Чингиз Айтматов ижодига бағишланган тўпламлардан ўрин олмаган, бинобарин, улар тадқиқотчиларнинг эътиборидан маълум маънода четда қолган. Уларни ўрганар эканмиз, публицист адиб ўзининг деярли ҳар бир чиқишида шу давр, бадий адабиёт, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги маълум бир ҳолат тўғрисида жиддий мулоҳазаларни ўртага ташлагани маълум бўлади. Гарчи, кўпчилик мақолалар бирор бир воқеа, номдор ижодкорларнинг таваллуд кунлари, адабиёт ва санъат декадалари муносабати билан ёзилган бўлса-да, муаллиф ҳар гал ўзига берилган бу имкониятдан самарали фойдаланишга муваффақ бўлади. Холбуки, айти шу даврда газета ва журналларда номи Чингиз Айтматовдан қолишмайдиган таниқли ижодкорларнинг ҳам мақолалари эълон қилинган. Аммо уларда бундай қатъият ва изчил позицияни кўра олмаймиз.

Бу “қусур” фақат қирғиз адабиёти ёки публицистикасигагина тааллуқли эмас. Бундай ҳолатни ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йиллари ўзбек бадий публицистикасида ҳам кўриш мумкин. Шу йилларда эълон қилинган публицистик асарлар, очерк ёки мақолаларда даврнинг ўта муҳим муаммолари деярли четлаб ўтилган. Собиқ мафкура тамойилларини улуғлаш, унинг сохта шиорларини тарғиб қилиш, партия ва халқнинг монолит бирлигини ёрқин бўёқларда кўрсатиб бериш, доно йўлбошчиларнинг маърузаларида баён қилинган қоида ва хулосаларнинг халқ ҳаёти, турмуш тарзини янада

⁸⁶ “Чингиз Айтматов. Статьи, выступления, диалоги, интервью”, сборник. АПН, Москва, 1988, стр.21-22

⁸⁷ “Қирғизистон маданияти”, 1986 йил, 3 июль.

яхшилашдаги бекиёс аҳамиятини ишонарли ва таъсирчан тарзда урғулаш бош мақсад бўлган. Хўш, ўша йиллари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, одамларнинг турмуш тарзида, илм-фанда, адабиёт ва санъатда, таълим-тарбияда, саноатда, қишлоқ хўжалигида айтса, ёзса, жамоатчилик эътиборига ҳавола этса бўладиган муаммолар йўқмиди? Бор эди, бўлганда ҳам, бутун мамлакат муаммолар гирдобиди қолганди. Пахта яккаҳокимлиги сиёсати меҳнаткаш халқнинг тинка-мадорини қуритган, Орол денгизи қуриб бораётган, экологик муҳит кундан-кунга ёмонлашаётган, пахта далаларига самолётлардан туриб сепилаётган захри қотил ўз ишини қилаётган, оналар ва болаларнинг ўлими кўпаяётган, қишлоқ жойларида ёш аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилаётган бир пайт эди. Аммо матбуот, публицистика сукут сақлар, бу муаммоларни сезмас, муносабат билдиришга журъати етишмас, аксинча, олти миллион тонналик улкан “оқ олтин” хирмонини бунёд этаётган “азамат, қалби пахта каби оқ, нияти янада улуғ пахтакорларнинг азму шижоатларини” мадҳ этиш, ҳар гектар ердан юз центнердан ошириб) ҳосил кўтараётган маккажўхориқорларнинг ноёб тажрибасини ўрганиш ва ёйиш билан банд эди. Бу ҳолат ўтган аср саксонинчи йилларининг сўнгги чорагигача давом этди. Бундай жимликни шу йиллари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Туркистон” газеталарида эълон қилинган Шодмонбек Отабоев, Мирзо Кенжабек, Тоҳир Қаҳҳор, Иброҳим Раҳим, Хуршид Даврон, Карим Баҳриев, дадахон Нурий, Ёқубжон Хўжамбердиев, Нурали Қобил, Зоҳир Аълам ва бошқа муаллифларнинг куюнчаклик билан ёзган мақолалари бузди. Шунда ҳам, бутун ижодида ижтимоий-бадий пулицистика устуворлик қиладиган Иброҳим Раҳимни истисно қилганда, бошқа устозлар яна анча вақт эҳтиёткорлик қилиб туришди. Қўшни Қирғизистонда, Қозоғистонда ҳам айни шундай бўлди.

Чингиз Айтматов ўзининг дастлабки мақолалари ва асарлари биланок адабий жамоатчиликнинг эътиборига тушгани сабаби — унинг жамият ва халқ ҳаётидаги муаммоларга, урчиб бораётган иллатларга нисбатан бефарқ бўлмагани, ўша йиллар расмийларининг таъбири билан айтганда, “шаккоклик” қилгани бўлди. Ҳамкасб устозлари дастлаб эҳтиёткорлик билан сукут сақлашди,

сўнг: “Қирғиз адабиётининг узоқ кутилган меҳмони келди” (С. Токтасинов), “Қойил сенга, Чингиз” (Т. Уметалиев), “Бундай шухратга ҳали ҳеч ким сазовор бўлмаган эди”, “Ёш прозаикнинг ажойиб муваффақияти” дея унинг ютуқларини эътироф этсалар, “Жамила” қиссасини рус тилидан французчага ўгириб нашр эттирган машҳур француз ёзувчиси Луи Арагон “Жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси” сарлавҳали мақоласида Айтматов маҳоратига фавқулодда юксак баҳо берди: “...Виён, Гюго ва Бодлерлар маскани бўлган Парижда, қироллар ва инқилоблар маскани бўлган Парижда, ҳар бир тоши бирор тарих ёки афсонадан шаҳодат берадиган кўп асрли рассомлар маскани Парижда, бошидан кўп савдоларни кечирган, кўп нарсаларни кўрган ва билган шу Парижда “Жамила”ни ўқидим-у, ногаҳон “Вертер” ҳам, “Бероника” ҳам, “Антоний ва Клеопатра” ҳам, “Манон Леско” ҳам, “Севги тарбияси” ҳам, “Доминика” ҳам — ҳамма-ҳаммаси кўзимга илинмай қолди. Ромео ва Жулетта ҳам, Паоло ва Франческа ҳам, Эрнани ва доля Сол ҳам кўзимга илинмай қолди... Чунки мен жаҳонда энг гўзал севги қиссаси — “Жамила”ни ўқиган эдим”.⁸⁸

Ёзувчининг буваси Айтмат ота биринчи бўлиб шаҳардан овулга тикув машинаси олиб келади. Дурустроқ тирикчилик ўтказиш мақсадида бир амаллаб сув тегирмони қуради, аммо унга ўт тушиб ёниб кетади. Шундан кейин у Маймоқ станцияси яқинидаги темир йўл қурилишида ишлай бошлайди. Шу ерда бўлажак ёзувчининг отаси Тўрақул рус-тузем мактабига ўқишга киради. Ёзувчининг онаси Нагима Хамзаевна замонасининг ўқимишли аёлларидан бўлган. У ёш Чингизни рус адабиёти ва маданияти руҳида, аммаси Ойимхон Сатан қизи эса қирғиз халқ кўшиқлари, эртак-ривоятлар таъсирида тарбиялашади.

Ёзувчи шундай хотирлайди: “Қишлоқ хўжалик институтида ўқиб юрган пайтларимда газеталар учун жуда кўп мақолалар ёзганман. Ёшлар ҳаётига оид бир қатор муаммоларни дадил кўтариб чиқар эдик. Газеталарда босилаётган мақолаларнинг саёзлиги, куруқ, ҳеч кимга кераксиз гаплардан иборатлиги мени

⁸⁸ Л. Арагон. Самая прекрасная повесть о любви в мире. “Культура и жизнь”, 1959, № 7, стр.13.

ажаблантирарди. Бунақада газеталарни ҳеч ким ўқимай қўйиши мумкин-ку, дея хавотирга ҳам тушардим. Шуларни ўйлаб, одамларни қизиқтира оладиган фактларни тўплаб, мақола ёзишга киришганман. Баъзан яхши чиқарди, баъзан эса айтмоқчи бўлган фикримни ифода эта олмай қийналардим. Бир нарса ҳамон эсимда. Институтдан аввал, Жамбулдаги зооветеринария техникумида ўқиб юрган кезларим “Кўксой” совхозига амалий машғулотлар ўтказиш учун чиқар эдик. Билсангиз керак, чорвада қирқим деган мавсум бўлади. Қўйларнинг юнгини олиб давлатга топшириш керак. Вақт зик, иш жуда унумли уюштирилган эди. Мен ўзим ташкил этган “Қирқимчи” газетасининг муҳаррири эдим. Ким қанча ишлади, ким ишламай кунни кеч қилди, кўрсаткичлар, натижалар, мусобақа ғолибларини ёзиб, такасалтангларнинг суратларини чизиб, зўр қилиб чиқарар эдик...”.⁸⁹

Вақти келиб, Айтматов миллий адабиёт ривожини тоғ чўққилари қадар юксакликка кўтарди, ноёб истеъдоди, кенг қамровли фалсафий тафаккури, мушоҳада қуввати билан дунё эътиборини қозонди. У адабиётда узоқ йиллар ҳукм сурган мафкуравий биёқламаликни, аввалдан белгилаб қўйиладиган схематик андозаларни бузишга, уларга итоат қилмасликка ўзида журъат топа олди. Дастлабки бадиий асарлари, публицистик мақолаларидаёқ жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий тамойилларида мавжуд бўлган қарама-қаршилиқлар, чекловлар, мантиқсизликларни қаламга олди.

1959-1960 йиллари Ч.Айтматов “Литературный Кыргызстан” журнаliga муҳаррирлик қилади. Адиб имзо чеккан журнал номерлари билан танишган киши уларда кескин сифат ўзгариши юз берганлигини яққол сезади. Журнал материалларида илмий-бадиий таҳлил, ошкора мунозара кучаяди. Матбуотда бўлажак адибнинг “Тян-шанлик аёл”, “Инсонга таъзим эт, Зарафшон”, “Нон, инсон ва она юрт ҳақида” очерклари, „Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар”, “Чўпоннинг янги ўтови қаник” фельетонлари, “Ҳаётнинг буюк ҳақиқати”, “Янги

⁸⁹ 1. Сухбат 1974 йилнинг март ойида ушбу сатрлар муаллифи Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битириш учун “Чингиз Айтматов — журналист” мавзусида диплом ишига материаллар тўплаш учун собиқ Фрунзе шаҳрига борганида Қирғизистон кинематография Давлат қўмитасида бўлиб ўтган — М. А.

довон” каби йирик таҳлилий мақолалари эълон қилинади ва улар Айтматовнинг ёзувчилик иқтидори журналистикада ҳам бадиий адабиётдаги каби баланд эканлигидан далолат беради.

Айтматов қаламига мансуб мақолаларда умумий, мавҳум ёки юзаки мулоҳазалар деярли учрамайди, аксинча, муаммолар ошкора, йўл қўйилаётган камчиликлар рўйи-рост таҳлил этилади. Буни публицистнинг “Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар” сарлавҳали очик хатида аниқ-равшан кўриш мумкин.

...Отаси урушда ҳалок бўлган жангчининг қизи Асилгулни эндигина ўн тўрт ёшга тўлганида қўшни қишлоқлик ялқов, ишёқмас, бунинг устига пиёниста Дехқонбой олиб қочиб кетади, аниқроғи, қизнинг амакиси Ашим Барпиев куёв билан тил бириктириб, эски “урф-одат”га кўра, келинни “олиб қочиш” маросимини ташкил этади. Дехқонбой ҳар куни маст бўлиб, ёш қизчани уриб ҳақоратлайди, орадан кўп ўтмай, яшаб турган уйини ичкилик туфайли орттирган қарзи эвазига сотиб юборади, кейин эса бир аёлни ноҳақ калтаклаб, қамалиб кетади.

Асилгул онаси ёнига қайтада, чорвачилик фермасига ишга жойлашади. Бу орада Дехқонбой қамоқ муддатини ўтаб қайтади ва яна Асилгулга ёпишади. Жиянининг у билан ярашишини истамаганидан дарғазаб бўлган Ашим Барпиев Асилгулни ишдан бўшатади. Яна хўрлик, азоб-уқубат бошланади. Ниҳоят, сабр косаси тўлган Асилгул шаҳарга қочиб келади ва аёзли тунларнинг бирида Чингиз оғанинг эшигини қоқади...

Наҳотки шуларнинг ҳаммаси рост бўлсақ Наҳотки, ёш қизчани, фронтда қон кечган, ҳатто жонини қурбон қилган кишининг фарзандини ҳимоя қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бўлсақ

Журналист матбуот орқали ҳамқишлоқларига мактуб йўллайди. “Қаёққа қараяпсизлар: сиз, ўртоқ Толстунов Василий Иванович, колхоз раиси, сиз, ўртоқ Эшматов, партком секретари ёки сиз — коммунист ўқитувчилар Маматбетов, Қулубоев, Абулғозиевқ.. Сизларчи, Асилгулнинг отаси Абдали Барпиевнинг тенгдошлари: Айтматов, Сотиболдиев, Қулубоев, урушда ҳалок бўлган дўстингизнинг қизини хўрлашларига қандай йўл қўйдингизқ Сизларнинг солдат

виждонингиз қаерда қолдиқ Менинг мактабдош ўртоқларим — қишлоқ советининг раиси Нуралиев, колхоз раиси ўринбосари Усубалиев! Тўғри, колхозимиз йилдан-йилга ўсиб, ривожланиб бормоқда. Аммо сизлар ўз ишингизда ҳаёт мазмунини, унинг маънавий томонларини жуда-жуда паст баҳолаётганингизни анчадан бери сезиб юрибман... Ушбу мактубдан сўнг баъзилар мен билан мулоқотни тўхтатиб қўйишса керак. Начора, адолат юзага чиқиши керак-ку, ахирқ!

Х. Каржаубаев билан ҳамкорликда ёзилган “Чўпоннинг янги ўтови қаниқ” сарлавҳали танқидий мақолада масъулиятсизлик, оддий меҳнат кишиларининг эҳтиёжларига бепарво муносабатда бўлиш каби иллатлар кескин танқид қилинади.

Шу ўринда ёзувчининг “Алвидо, Гулсари” асаридан олинган куйидаги парчага эътибор қаратайлик: “Баҳор ҳам келди... У тўсатдан тунда ёмғир, туман ва қор билан кириб келди. Ўзининг бутун совуқ ёмғири билан ўтов, қўйхона, хуллас, нимаики бўлса, ҳаммасининг устига ташланди... Чириган томдан сизиб ўтаётган чакка деворларни ювиб, қўйхонани сув билан қоплади, қўй-қўзиларни қалтироқ босиб, суяк-суягидан совуқ ўтиб кетди...

Танабой оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Катта этиклари билан қоронғуликда кўлмақлар, гўнг шилталарини кечиб юрарди... У ўзича хириллар, ўзича сўкинар, одамларга бақирарди:

— Тезроқ мисрангни бер! Белкуракқ Гўнгни буёққа ағдаринглар! Сувни тўсинглар!

Танабой бир вақт ўтовга қараб югурди. Чироқни ёқди. Бу ерда ҳам ҳамма ёқдан чакка ўтмоқда эди. Болаларининг кўрпаси ҳўл бўлиб кетганди...

Чўпоннинг қора кунлари келганди. У ўз тақдирини қарғарди. ҳаммани, оламдаги ҳамма нарсани сўқарди... Бошидан оёғигача жикқа ҳўл бўлган қўйлар, совуққа қотган қўзичоқлар орасида бир нафас тиним билмасди. Ўлим эса зах қўйхонадаги қўй-қўзиларни қийрата бошлади...”⁹⁰

⁹⁰ Ч. Айтматов. Сарвқомат дилбарим. Тўплам, Т., 1969, 481-482-бетлар).

Келтирилган бу парча олис тоғ яйловларида қишлаётган чўпонлар учун ўтов, усти ёпиқ қўйхона нақадар зарурлигини кўрсатиб турибди. Бунинг устига, кузда ҳисобчилар келиб, нобуд бўлган ҳар бир қўй, ҳар бир қўзичоқ учун тоvon сўрашади, шундоқ ҳам амал-тақал билан тирикчилик ўтказаётган қўйчивоннинг шўри қурийди.

Мақола муаллифлари бундан бир йил аввал ваъда қилинган янги, замонавий ўтовлар нега шу чокқача чўпонларга етиб келмагани сабабларини аниқлашади. Бугунги ибора билан айтганда, журналист текшируви ўтказишади. Жуда қизиқ ҳолат. “Қозоғистонликлар, гарчанд ҳали олишмаган бўлса ҳам, Митишинск синтетик материаллар комбинатига 500 комплект янги ўтов учун буюртма бериб қўйишибди. Қирғизистон қишлоқ хўжалиги органлари эса, худди биров: “Марҳамат, олинглар”, деб патнисда келтириб берадигандай, ҳалигача ўтов харид қилиш тўғрисида бирор ерда масала қўйишгани йўқ... Москва шаҳар халқ хўжалиги совети Митишинск комбинатига пресс-формалар ўз вақтида етказиб берилишини таъминламаяпти. Днепропетровск синтетик материаллар заводи, тикувчилик саноати Москва область бошқармасига қарашли 10-завод ўтов тайёрлашни пайсалга солмоқда”.⁹¹ Журналистлар бошқарма бошлиғининг ўринбосари А. Залбштейнга қўнғироқ қилиб, унга чўпонларнинг янги ўтовини тайёрлаш кечикаётганини айтишади. “Бошлик ўринбосари бизни хафсаласизлик билан эшитди-да, бирданига овозини баландлатди:

— Нима бало, ўт кетдимиз?

Ҳа, ўт кетди, ўртоқ Залбштейн. Бу ўтовларни олис яйловларда, тоғларда минг-минглаб кишилар орзиқиб кутишаётир...”.

Юқорида келтирилган мақолалар ўзининг равон ва таъсирчан тили, танқид тиғининг аниқлиги, образли мушоҳадаларга бойлиги билан ҳам характерлидир.

“Известия” газетасида эълон қилинган “Биринчи — йигирманчи аср” очерки, муаллифнинг анъанавий услубига кўра: “Устюрт, Устюрт... Сени

⁹¹ “Правда”, 1962 йил, 24 май.

козоқлар шундай аташган. Салом, Оролдан то Каспийгача қулоч ёзган бепоеъ кўрик” деган хитоб билан бошланади. Публицист Устюртнинг неча минг йиллик ўтмишига назар ташлайди. Кўчманчиларнинг укубатли ҳаёти, босқинчиларнинг талон-тарож урушлари, чўлнинг аёвсиз бўронларию кўз очирмас қуюнларини, “борса келмас” сўқмоқларини эслайди. Шунга қарамай, инсон бу ерга келди. Яхши ният билан келди. Қуёшгача тўфон кўтариб, даҳшатли увлашларига, холдан тойдирувчи, йўлдан адаштирувчи изғиринларига дош бериб, улкан қурилишларни бошлаб юборди. Чўл бағрида “худди қуёш ва ҳаво ўртасидаги чексиз бўшлиқда сузиб бораётган замонавий кемадай” навқирон Комсомольск шаҳри бунёд этилди, газ тозаловчи аппаратлар колонналари, кўкка бўй чўзган пурвикор трубалар, конструкциялар қуёш нурида қумушдек товланиб турибди”. Устюртилик ёш прораб Валерий Кондрачук Москвага келиб, нефт-химия институтига имтиҳон топширар экан, Устюрт ҳақида эркин мавзуда иншо ёзиб, “аъло” баҳо олади. Публицист Айтматов мана шу фактдан унумли фойдаланиб, ҳаёлан имтиҳон олувчига мурожаат қилади: “Ҳурматли имтиҳон олувчи! Бордию сизнинг фахрли ўрнингизда мен бўлганимда ҳам ўша иншо учун, грамматик хатолари, айрим ғализликлар учрашига қарамай, аъло баҳо қўйган бўлур эдим. Прораб Кондрачукка бу азим даштни шу қадар севиб қолгани, қаҳрамонона меҳнати учун ҳам, ёки, ҳеч бўлмаганда компасдан мўлжал олиб, “газик”да Устюртнинг чор-атрофини кезиб чиққани учун ҳам аъло баҳо қўйган бўлардим”.

Очерк сўнгида Айтматов яна ўзининг синалган ва ўқувчиларга маъқул келган услубига қайтади: “Қадрдон Устюрт! Сенинг биринчи асринг бошланаяти, дунё эса ўзининг йигирманчи асрида яшамокда. Сен ёшсан, Устюрт! Одамлар сенга навқиронлик бахш этди”. Бундай услуб муаллифнинг “Сенинг одамларинг ҳақида, Муғулистон” (“Правда”, 1963, 28 декабрь) сарлавҳали очеркида ҳам яққол кўзга ташланади. Очерк қаҳрамонларидан бири — ёш тракторист Дамбриэлнинг таърифи: “Унинг отаси ўлими олдидан ўғлига ўтов ва чорвани, беш-олтита от, сигир, ўттизга яқин қўй-эчкини васият қилган

экан: “Ўғлим, мен сенга ўз меҳнатим билан топганларимни топшираётибман. Уларни йўқотма. Мендан нимаики қолган бўлса — кўпайтир”.

Ота васияти ва ўғилнинг унга қандай амал қилгани тўғрисида жуда кўп ёзиш мумкин. Айтматов эса шу биргина жумланинг ўзидаёқ миллий характер, миллий менталитет ва анъанавий турмуш тарзини кўрсата олган.

Айтматов ижоди, адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Асил Рашидов таъкидлаганидек, “ўз-ўзидан, қуппа-қуруқ заминда юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккинчисидан, ёш авлод кекса авлоддан, бир ёзувчи иккинчи ёзувчидан сабоқ ўрганиб келгани сингари, унинг ноёб истеъдоди ҳам мавжуд ижтимоий шароитда ва янги тарихий заминда юзага келди ва тез суръатлар билан раванк топа билди”. Айтматов адабиётга қирғиз адабиётидаги, тоғ ва дашт ўлкаси деб ном олган бу қадим тупроққа ёндош бошқа миллий адабиётлардаги, хусусан ўзбек, қозок, қорақалпоқ адабиётидаги илғор тажрибаларни чуқур ўзлаштирган, мағиз–моҳиятини чаққан ҳолда кириб келди, десак хато бўлмайди. Муҳими шундаки, Чингиз оға собиқ тузумнинг қон-қонимизга, онг-шууримизга сингиб кетган мафкуравий қадриятларидан воз кечиш пайти келганлигини бошқалардан кўра эртароқ пайқади. Бу сезимини мақолаларида, асарларида ошкора баён эта олди. Адабиётшунос олим Қ.Бобулов айтганидай, Айтматов ўзидан олдинги касбдош оғаларнинг юмшоқ бешигида улғайган бўлса-да, ижодкор сифатида бундан буён бу бешикда бамайлихотир ётавериш мумкин эмаслигини пайқаган эди. Тадқиқотчи олим К.Асаналиев Айтматов ижодидаги, хусусан, бадий публицистикасидаги бир хусусиятни шундай изоҳлайди: „Чингиз Айтматов ўз сўзига, ижодига ёлғон аралаштирмаган, қаҳрамонларига ҳеч қачон ёлғон бир сўз ҳам демаган, ҳақиқат қанчалик оғир бўлмасин, уни таг-тугигача айта олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у аёвсиз чинчи (ҳақиқатчи), ростгўй ёзувчи. Қаҳрамонларига нисбатан аёвсизлиги ёзувчига хос

оқ ниятдан, турмушда учраб турадиган зиддиятларни сийпаламай, тараб-бутамай асл ҳолича айтиш мақсадидан келиб чиқади”.⁹²

Бир гуруҳ олимлар бундан бир мунча муддат аввал (“Кассандра тамғаси” нашр этилмасидан олдин) адиб ижоди хусусида сўровлар ўтказишган. Унинг натижаларига кўра, сўралганларнинг 77 фоизи Чингиз Айтматовни қирғиз адабиётидаги энг севимли ва сермахсул ёзувчи деб эътироф этишган. Ундан кейинги ўринларни Аали Тўқомбоев (34%), Т Сидиқбеков (30%), Темиркул Уметалиев (28%), Насриддин Бойтемиров, Суюнбой Эралиев, Тўлаган Қосимбековлар (24% дан) эгаллашган. 77 фоиз киши Айтматовни собик иттифоқ миқёсида энг севимли ёзувчи деб баҳолаган.

Тадқиқотдан яна шу нарса маълум бўлганки, сўровларда иштирок этган 14-20 ёшлиларнинг 31 фоизи, 21-30 ёшлиларнинг 48 фоизи, 31-40 ёшлиларнинг 39 фоизи, 41-55 ёшлиларнинг 57 фоизи ва 56-75 ёшлиларнинг 87 фоизи (жами сўралганларнинг 43 фоизи) Чингиз Айтматовнинг публицистик руҳдаги мақолаларини унинг бадиий асарлари каби мунтазам ўқиб боришар экан. “Чингиз Айтматовнинг асарлари сизга қандай таъсир кўрсатдиқ” деган саволга 54 фоиз киши “Маънавий-ахлоқий ўсишимга”, 46 фоиз киши “Бадиий-эстетик қарашларимнинг шаклланишига, 13 фоиз киши эса “Ақлий-интеллектуал жиҳатдан ўсишимга ёрдам берди”, деб жавоб қайтаришган. Сўралган респондентлар ичидан: умумий ўрта маълумотлиларнинг 31 фоизи, ўрта-махсус маълумотлиларнинг 41 фоизи ва олий маълумотлиларнинг 57 фоизи Чингиз Айтматовнинг бадиий асарлари билан бирга унинг публицистик мақолаларидан ҳам қониқиш ҳосил қилишларини билдиришган.

1958-1985 йиллари Ч. Айтматовнинг асарлари рус тилида 43 марта, жами 6 миллион 385 минг нусхада, қирғиз тилида 13 марта, 315 минг нусхада, ўзбек тилида эса 11 марта, 390 минг нусхада чоп этилган. Шу йилларнинг ўзидаёқ ўзбек ва латиш тилларида адибнинг танланган асарлари чоп этилган. Сўровларда қатнашган хизматчиларнинг 92 фоизи, ўқувчиларнинг 89 фоизи,

⁹² Қаранг. Чингиз Айтматов. Танланган асарлар (Қирғиз тилида). 1-томга ёзилган сўзбоши, Фрунзе, 1982

ишчиларнинг 77 фоизи ва колхозчиларнинг 71 фоизи Чингиз Айтматов асарларини мунтазам равишда мутолаа қилишларини билдиришган. Жами сўралганларнинг ҳар учдан бири шахсий кутубхонасида Чингиз Айтматовнинг китоблари бор экан. Қишлоқ меҳнаткашларининг аксарият кўпчилиги Чингиз Айтматовнинг асарларини ўқиш уларни китоблар оламига бошлагани, китоб ўқиш маданиятига ўргатгани, адиб ижоди таъсирида жаҳон адабиётининг энг машҳур асарларини ҳам ўқиб чиқишгани ва бу уларнинг дунёқарашига кучли таъсир кўрсатганини баён қилишган. Сўралганларнинг 34 фоизи адиб асарларини оммавий кутубхоналардан олиб ўқишар экан, 41 фоиз ўқувчиларнинг шахсий кутубхонасида адибнинг китоблари мавжуд, 11 фоиз ўқувчи Чингиз Айтматов ижоди тўғрисида ёзилган адабиётшунос Г. Гачевнинг мақолаларини, 5 фоизи К. Асаналиевнинг тадқиқотларини, 9 фоизи эса Г. Базаровнинг фикр-мулоҳазаларини маъқул кўришади.⁹³

Ўтган аср етмишинчи йилларининг охирида Ч. Айтматовга Алигъери Данте (Италия) клуби ташкил этган “Этрурия” мукофоти топширилганида, таниқли танқидчи Жено Пампалони уни жаҳон адабиётининг бугунги энг иқтидорли вакилларида бири, деб эътироф этади. “Айтматовнинг ижоди “Этрурия”гагина эмас, Нобель мукофотида ҳам муносиб”, дейди у. Танқидчи Фабио Мазола Айтматов бугунги кун ўқувчилари билан бирга, келажакдаги ўқувчилар учун ҳам ёзаётганини, бинобарин, унинг асарлари келажакда ҳам бугунгидай мароқ билан ўқилишини таъкидлайди. Венгриялик танқидчи ва публицист Е. Фехер Пала “Асрга татигулик кун” романига бағишланган мақоласида шундай хулосага келади: “Ч. Айтматовнинг янги асари бизни ўз халқимизнинг тарихий хотирасини ҳамиша ёдда сақлашимизга даъват этмоқда”. Руминиялик танқидчи Т. Николескунинг фикри янада муҳим: “Ч. Айтматов прозасида шарқ, айниқса, форс шеърятининг таъсирини, Низомий, Навоий ёки Саъдий асарларининг жарангдорлигини сезиш мумкин, шу билан бирга

⁹³ Р. Рахманалиев, А. Гречихин, М. Жарких. З. Асамбаева. Чингиз Айтматов в современном мире. Опыт социокультурного и книговедческого исследования. Под редакцией Т.С. Суванбердиева. Фрунзе, «Кыргызстан», 1989, стр.79-102.

адибнинг Чехов, Толстой ёки Хемингуэй каби асримизнинг йирик ижодкорлари асарларидан чуқур хабардорлиги ҳам аниқ-равшан сезилиб туради”.⁹⁴

Ижодкорнинг умри унинг бу фоний дунёда яшаган йиллари билан ўлчанмайди. Бу гап, шубҳасиз, бошқа касб эгаларига ҳам тегишли. Аммо қалам аҳлига кўпроқ даҳлдор. Чунки ёзувчининг маҳорат билан битилган асарлари мустаҳкам қасрлар, маҳобатли иморатлардан кўра ҳам кўпроқ яшайди. Тош емирилиши, ғишт кўчиши, пойдевор нураши мумкин, аммо мукаммал санъат асари асрлардан асрларга ўтадики, маъно–моҳиятини асло йўқотмайди. Аксинча, ҳар янги авлод ундан баҳраманд бўлиб, ўзи учун янги маъно, янги фикр топа олади. Улуғ Навоий бобомиз бош бўлиб қурдирган иморатлар, қаздирган ариқлар, боғ–роғлар ўрнини бугун топиш қийиндир, лекин у табаррук зот қаламига мансуб нодир асарлар бизга ҳамон маънавий ҳамроҳлик қилади.

Чингиз Айтматовнинг муаллифлик умри ижодкор тенгдошлари қатори кейинги эллик йил ичида жамият ҳаётида юз берган ва бир–биридан кескин фарқланувчи, бирини иккинчиси рад қилувчи драматик ҳолатлар ичида кечди. У адабиётга собиқ тузум ҳали гуркираб турган, таназзул шарпаси эсмаётган, қизил мафкура тамойиллари ягона адолатли кадрият сифатида кўкларга кўтарилаётган (сиёсатда ҳам, адабиётда ҳам) бир пайтда кириб келди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида бу жафокаш, ҳансираб, ҳолсизланиб бораётган дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, ўз Ватанида ҳам ижтимоий–сиёсий, маънавий–ахлоқий янгиланиш шабадалари эса бошлаганига гувоҳ бўлди. Ва, ниҳоят, унинг кўз ўнгида “зўр билан бўлган иморат” – шўролар салтанати кулади.

Баъзи тадқиқотчилар Чингиз Айтматов, гарчи жуда кўп таъсирчан публицистик асарларнинг муаллифи бўлса-да, адиб бу жанрнинг аҳамиятини ўз вақтида анча паст баҳолаганини эътироф этишади. Бунда улар адибнинг “Бутун дунё тортилиш қонуни” мақоласидаги бир фикрга асосланишади. Бу баҳснинг

⁹⁴ Қаранг: “Чингиз Айтматов в современном мире. Опыт социокультурного и книговедческого исследования. Под общей редакцией Т. С. Суванбердиева. Фрунзе, «Кыргызстан», 1989, стр. 178 – 179

мағзини тўғри чакиш учун, ана шу фикрни оригинал тилида келтирамиз: “Размывание критериев оценки, искажения представления о подлинности художественной литературы — в этом я тоже вижу беду критики, которая подчас объявляет художественной литературой произведения, не имеющие к ней отношения, да и авторы которых, не подсажи им такую возможность, не претендует на звание “писатель”. Я ведь говорю это не из чувства ревности. Обидно за литературу. Очерковая литература, оснасти ее эпитетами вроде “художественная”, “лирическая”, “драматическая”, по самой своей природе все равно не рассказ, не искусство, да она и не должна быть таковой. Иначе этот жанр не выполнит своего назначения.

То же можно сказать и о публицистике. Все-таки публицистика — явление “сезонное”. И уже слышу резкие несогласия на этот счет. Да нет же, никто не сомневается в важности этого боевого, оперативного жанра. Но каждому — свое. Лучше скажу о том, как я представляю отношения публицистики с художественной литературой — это отношения плуга и предплужника. Предплужник срезает сорняк, а лемех вслед за ним производит большую, глубокую вспашку. Кто есть кто — ясно...”⁹⁵

Бадий адабиёт ва публицистиканинг жуда аник, образли тарифи. Адибнинг публицистикани маълум маънода “мавсумий” деб баҳолашига келсак, бу фикрда ҳам жон бор. Ҳамма китоблар ҳам савиясига кўра ўқувчи маънавий дунёсига, эстетик қарашларига бирдек ижобий таъсир кўрсатмагани каби, публицистикада ҳам айна шундай камчиликка дуч келамиз — собиқ тузум шароитида бу жанговар жанр асосан ҳайбаракаллачилик, офаринбозлик билан шуғуллангани ҳеч кимга сир эмас. Баъзи муаллифлар турли байрамлар, саналар муносабати билан матбуотда, телевидениеда, бирор бир йиғинда кўриниб кўйишни ижодий фаоллик деб тушунишади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида ўзбек публицистикаси жўшқин бир паллага кирди. Собиқ тузум нурай бошлаган, иқтисод

⁹⁵ Чингиз Айтматов. Сборник «Статьи, выступления, диалоги, интервью». М., АПН, 1988, стр.100

парокандаликка учраган, бошқарув деярли издан чиққан, марказий матбуот халқимиз шаънига тинимсиз бўхтон ёғдираётган бир пайтда кўча митингбозлиги, баҳс-мунозара авж олди, эҳтирослар жўш урди. Бу табиий ҳол эди, албатта. Вазиятнинг ўзи шундай фаолликни талаб этарди. Аммо шу йиллари ёзилган кўплаб мақолаларни бугун қайта ўқир эканмиз, уларда мавжуд муаммоларнинг ечими, жўяли таклиф ва мулоҳазалардан кўра собиқ тузум пайтида урчиган иллатларни шунчаки санаб ўтиш устунлигига гувоҳ бўламиз.

Айтматовнинг яна бир фикрига мурожаат этайлик. Адибнинг фикрича, “китоб, катта адабиёт бевосита ўз функциясини бажаради, аммо бу соҳанинг ўз имкониятлари мавжуд. Публицистика, журналистикада эса бутунлай бошқача ҳолат. Бу нарса жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Бундай шароитда публицистика бадиий адабиётдан кўра ҳам кўпроқ, масъулиятлироқ вазифани бажара олади. Унинг зиммасига айти шундай вазифа юклатилади.”⁹⁶

Публицистнинг бундан ўтган асрнинг сўнгги чорагида билдирган хавотирига келсак (“Адабиётга раҳмим келади...”), у бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Гап ижодкор маҳорати, сўз масъулияти тўғрисида бормоқда. Китоб дўконлари, турли расмий ва норасмий савдо расталарини беаба ётган “асар”ларга бир назар солайлик. Улар орасида “бадиий адабиёт” либосига устомонлик билан ўраб қўйилган шунчаки машқлар, олди-қочди сюжетли роман, қисса ва бошқа “иждо” намуналари тўлиб-тошиб ётибди. Адабий танқид бир йилда йигирма-ўттизта йирик “асар” ёзишга бел боғлаган ва бу ишни бозор талаблари асосида қойиллатиб амалга ошираётган шоввоз “ёзувчи”лар, юзаки, ҳиссиз “публицистик” асарлар тўғрисида лом-мим демаётгани, айниқса, ачинарлидир. Бунинг оқибатида бирор бир ижтимоий “юк”ка эга бўлмаган хотиралар, оила ва узоқ борса, дўст-қадрдонлар даражасидаги ёзишмалар, тўйлардаги қутловлар, юбилей тантаналаридаги ҳамду санолар ҳам публицистика дея чоп этилмоқда.

⁹⁶ Бу тўғрида қаранг. “Чингиз Айтматов в современном мире: автор-книга-читатель”. “Кыргызстан», 1989, стр.118

Яна бир хулоса шундан иборатки, ёзувчи публицистикаси, энг аввало, адабий, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий фикр кўламига, таҳлил этилаётган, муносабат билдирилаётган воқелик моҳиятини муаллиф нечоғли чуқур билишига ва, албатта, ёзувчилик маҳоратига боғлиқ. Ижодкор ўзи яхши билмаган, англамаган, юракдан ҳис этмаган воқеалар, ҳолатлар, муаммолар тўғрисида қалам тебратса, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатларини аниқ-тиниқ тасаввур этмаса, ёзганлари ўқувчини ишонтирмайди, ўзига жалб этмайди ва, албатта, безътибор қолиб кетади. Чингиз Айтматов публицистикасининг бош хусусияти унинг бадиий мукамаллиги, таъсирчанлиги билан бирга ҳаётга, конкрет воқеликка, одамларнинг ўй-хаёлларига бевосита боғлиқлигида деб айта оламиз. Муаллиф ўз бошидан кечирган, ўзи гувоҳ бўлган, ўзини ўйлантирган ва безовта қилган мавзуларни қаламга олади. Ёзувчилик виждони, инсонийлик бурчи жим туришга, бефарқ бўлишга йўл бермайди ва бу ҳолатни ўқувчига ҳам юқтиради. Айтматовни ўқир эканмиз, бизнинг ҳам бефарқ кўзларимиз очилгандай, виждонимиз уйғонгандай бўлади. Масалан, табиатни, ноёб ўрмонларни асраш тўғрисидаги ташвишли мулоҳазаларидан кейин ўқувчи кўнглида ҳам: “Тўғри-да, ўрмонда дарахтлар ўзи униб, ўзи ўсиб ётибди, гўё эгаси йўқдай, хоҳлаган киши кесиб, пайхонлаб кетаверади. Ҳар бир дарахтнинг тагига биттадан қоровул қўйишнинг иложи йўқ. Қоровул одамнинг виждонида бўлиши керак”, деган фикр уйғонади.

Айтматов публицистикасида адабий-бадиий ўйлар, фалсафий мушоҳада, воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий-маънавий таҳлили бирламчилик қилади. Унинг уруш ва тинчлик мавзусидаги чиқишларини мутолаа қилганимизда адиб кўз ўнгимизда халқаро муносабатлардан яхши хабардор сиёсатдон сифатида гавдаланади, қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқончилик ва чорвачилик муаммоларидан баҳс очганида, ўтмиш тарих, буюк аجدодларнинг маънавий мероси, бу бебаҳо хазинанинг бугунги ва келажак авлодлар тарбиясидаги аҳамияти, она тили, адабиётшунослик, таълим-тарбия соҳаларида қалам тебратганида ҳам бу соҳаларни етук мутахассис даражасида билишига амин

бўламиз. Адиб совет замонининг пионер лагерлари тўғрисида фикр юритиб, хали ҳеч кимнинг эътиборига тушмаган муҳим бир “қусур”дан бизни бохабар қилади. Гап шундаки, бундай лагерларда болалар эртадан кечгача, то уйқуга ётгунларича тиним билишмайди, тадбир устига тадбир. “Болани бу йўл билан тарбиялаб, дунёкарашини шакллантириб бўлмайди. У фақат топширикни бажаришга, команда берилиши билан сафга тизилишга ва қадини ғоз тутишга ўрганиб қолади. Бола деганни биров бўш қўйиш ҳам керак, боғда, тоғ ёнбағрида, майсазор ўтлоқда ўзи билан ўзи қолиб, ҳаёл сурсин, нималарнидир орзу қилсин, келажак тўғрисида, майли, болаларга хос бўлса ҳам, режалар тузсин, дунёга бола қўзи билан боқсин”. Эҳтимол, бу эътироз кимларгадир жуда жўн бўлиб туюлар, аммо чин ҳақиқат шундаки, айни мана шу “арзимас қусур” собик мафкуранинг энг даҳшатли, айни чоғда, онгли, мақсадга мувофиқ янглишиши эди.

АДИБ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ДАВР ЭВРИЛИШЛАРИ ИФОДАСИ

Чингиз Айтматов публицистикасида, бадиий ижодида бўлгани каби, урушни лаънатлаш, инсониятни бу ёвуз хатардан халос қилиш ғояси алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчи жаҳон урушида бевосита иштирок этган ёки болалик йиллари айни шу қийин даврга тўғри келган кўплаб адиблар, чунончи Одил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Иброҳим Раҳим, Назармат, Мавлон Икром ва бошқалар ҳам бу мавзуга қўл уришган, аммо Айтматов бу борада ҳам ўзининг дангал, бугунги ва келажак авлодларга сабоқ бўларли огоҳлик сўзини айта олди, унинг асарларида жангоҳлардаги тенгсиз олишув, танк ва снарядларнинг даҳшатли ўқириклари тасвирланмаган, бирор бир тепалик ёки муҳим стратегик иншоот учун кураш қандай кечганлиги тасвирланмаган бўлса-да, уруш ва унинг инсон онг-шуурида намоён бўладиган, бу қирғинбаротдан кейин дунёга келадиган авлодлар тақдирини белгилайдиган, улар ҳаётига ҳам ўзининг совуқ қўланкасини соладиган фожиаларни кўрсатиб берди.

Собиқ иттифоқ мафкураси айни авжига минган ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида Болгария ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан София шаҳрида “Ёзувчи ва дунё: Хелсинки руҳи ва маданият арбобларининг бурчи” мавзусида дунё адибларининг халқаро учрашуви бўлиб ўтади. Ана шу нуфузли анжуманда қирғиз адиби Чингиз Айтматов сўзлаган нутқни, ҳеч муболағасиз, адибнинг юксак гражданлик жасорати деб баҳолаш мумкин. Негаки, Айтматов кутилмаганда жаҳоннинг икки қудратли давлати ўртасида олиб борилаётган шиддатли, аммо маъно-мантисиз қуролланиш пойгасининг оддий халқ турмуш тарзига аянчли таъсиридан баҳс очади. Адоқсиз бу пойганинг тинчлик, тотувлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига мутлақо хизмат қилмаслигини, аксинча, қурол-яроғларнинг, хусусан, оммавий қирғин, биологик ва бактериологик воситаларнинг кўпайиши ва тинимсиз такомиллашуви ер юзида ҳаётнинг, омонликнинг ўзини сақлаб қолишни ҳам катта хавф остида қолдиришини исботлаб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус қўмитасининг апартеид сиёсатига қарши махсус сессиясида қатнашган адиб бу сиёсатни XX асрнинг энг шармандали воқелиги, деб баҳолайди. Биз сиёсатга нисбатан бефарқ бўлиш, бировларнинг бошқа бировларга нисбатан адолатсизлигини, зўравонлигини, жирканч мақсадига эришиш учун имкониятидаги барча воситалардан, энг аввало қурол кучидан фойдаланаётганлигини, меҳнатни биров қилиб, ҳузурини бошқалар кўраётганини, одамлар ўз ерлари неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганини мутлақо оқлаб бўлмайди, дейди. Адибнинг фикрича, халқлар тарихи ва тақдирини, маданиятини, турмуш тарзи, урф-одатлари билан боғлиқ муаммоларни дўқ-пўписа билан, қурол кучи билан, чеклашу таъқиқлар билан ҳал этиб бўлмайди. Ва яна — эзилган одамгина қул эмас, уни эзаётган, хўрлаётган ёзувчининг ўзи ҳам қул. У ўз зўравонлигининг қулидир. Кимки ўзгалар эркини чекласа, у ўзининг эркини ҳам чеклайди. Бундай зўравонда ички эркинлик бўлмайди.

Чингиз Айтматов уруш муаммоларига бағишланган неча ўнлаб мақолаларида, суҳбатларида айни шу ҳақиқатни такрор-такрор айтишдан

чарчамайди. “Жамила”, “Момо ер”, “Эрта келган турналар” каби ўлмас асарларида эса урушни бор овози билан лаънатлайди. Буни, масалан, «Сомон йўли» қиссасида ҳам кўриш мумкин. Асарда урушнинг жамики даҳшатлари ғоят ишонарли, таъсирчан, айтиш чоғда содда тил билан очиб берилган. Уруш. Овулдаги қўлига милтиқ ушлаши мумкин бўлган эркекларнинг бари фронтга кетган. Далани ҳайдайдиган, шудгорга уруғ сочадиган, экинга сув тарайдиган одам қолмаган ҳисоб. Экин экилмаганидан кейин, даладан ҳосил йиғилмайди, хирмон хувиллаб қолади. Ўғри, муттаҳамлар кўпаяди, «худони ҳам унутиб юборадиган вақт» бошланади. Асар қаҳрамони Тўлғаной бир эмас, тўртта фарзандини фронтга жўнатади, аёл боши билан хўжаликка раҳбарлик қилади. Уйма-уй юриб, бир кило, ярим килодан уруғлик йиғади. «Айланайинлар, чайнаб турганларингни, тишларингни орасидагини бўлса ҳам беринглар, ерга сепайлик, бир амаллаб пишиқчиликка етиб олсак бўлди», дейди. Қўшниси — касалванд Ойшанинг уйига кириб, ундан ҳам уруғлик сўрайди. Тўлғаной: «Икки-уч кундан бери оғриғи зўрайиб, уйда ётган экан, дарднинг зўридан ранглари синиқиб кетибди. «Эл қатори берадиганингни бергин, Ойша», деган эдим, «Бори-будимиз шу», деб тўрвачани кўрсатди. «Шуни бўлса ҳам бергин. Уруғликка ер тайёр, сепмоқчимиз» десам, Ойшанинг қовоғи уюлиб, индамай кўя қолди. Лаънати йўқчилиги-ей, одамни қандай хор қилади. «Ойша, бу билан кўп бўлса ўн кун тирикчилик қиларсан, лекин ҳали қааҳратон қиш турибди, келгусини ҳам ўйлаш керак, болангнинг аҳволини қара, кўчада араваси билан кутиб турибди», дедим. Ойша ерга тикилиб туриб, ялиниб-ёлворди: «Бор бўлса аяйди дейсанми, Тўлғаной, ўзинг кўриб турибсан-ку, мен бундай яримжон бўлсам, охиратли қўшнимсан-ку». Кўнгилчанлигим тутиб, бўшашиб кетдим, бироқ шу заҳотиёқ кўнгилчанликни йиғиштириб қўйдим: «Мен ҳозир қўшнинг эмасман!», деб қаттиқ гапирдим. — Мен бригадирман, кўпчилик учун шу донингни олиб кетаман!»,— дедим-да, ўрнимдан туриб, тўрвачани қўлимга олдим. Ойша индамай тескари қаради».

Шундай азобда, ночорликдан, тўйиб овқат емасликдан яримжон бўлиб қолганларни ҳам аямай, кўз ёшларини оқизиб йиғилган ғаллани ўғрилар уриб

кедишади. Тўлғаной зим-зиё тунни, еру кўкни ларзага солиб: «Тўхта! Тўхта, юзи коралар» дея ҳайкириб, ўғриларнинг ортидан от солади.

Тўлғанойнинг урушга жўнатган тўрт азамат ўғлидан бирови ҳам қайтмайди, келини Алиман бошқа бировдан ҳомиладор бўлиб қолади. Қўшни қўшинининг уйига ўғриликка тушади. Бу — қаттол урушнинг даҳшатлари. «Урушга даъвоим кўп,— дейди Тўлғаной. — Отилган ўк, тўкилган қон тарихнинг ҳисобида, лекин одамларнинг завоқ топган умри-чиқ Уни кимнинг бўйнига қўйиб, тарихнинг қайси бетига ёзамизқ Бунинг учун ким жавоб берадиқ Ўққа учрамаган бўлса ҳам, Алиманнинг тақдирини эслаганимда, юрак-бағрим қўйиб чўғ бўлади. Унинг уволи кимгақ Унинг дардини кимга, кимга айтаманқ Бечора келиним, гул севган келиним!».

Асарнинг бош ғояси — инсоннинг буюклиги, ҳаёт чархпалагининг ҳамиша айланиб туришини кўрсатишдан иборат. «Уруш одамни қаттиққўл қилади, тошбағир, шахсиятпараст, ҳайвон қилади, деб ким айтадиқ Йўқ, уруш, қирқ йил қирғин келтирсанг ҳам, неча-нечаларнинг ажалини етказиб, ўртаб, қийратиб, яқсон қилсанг ҳам, одамни сен тобе қилиб, бўйсундира олмайсан. Одам умид қилган ҳамма яхшиликларидан ажралса ҳамки, қандай бўлмасин, бировга яхшилик қилсам дейди, уни суяб, турғизсам дейди, уни озгина бўлса ҳам бахтли қилолсам дейди». Асар қаҳрамони Тўлғаной тилидан айтилган бу ҳайқирик публицист-ёзувчининг ҳам ҳайқириғидир.

Ч. Айтматов ижодида инсоният тарихидаги қуролли қирғинларнинг халқ бошига солган чексиз жафолари, бутунлай қирилиб кетган кўпдан-кўп элатларнинг аянчли тақдири тафсилотлари ҳам ўз аксини топган. Муҳими, адиб бу мавзуда қалам тебратган бошқа ҳамкасблари сингари, урушнинг моддий йўқотишлари — қанча одам ўлгани, қанчаси ярадор бўлгани ёки бедарак йўқолгани, қанча шаҳар ва қишлоқларнинг қули кўкка совурилгани, қанча бино, қишлоқ ва шаҳарлар вайрон этилгани, кўприклар, темир йўллар, муҳим иншоотлар бузиб таашланганини тасвирлашдан кўра, бу қатлиомнинг инсон маънавий оламига, инсонийлигига таъсири ҳақида мулоҳаза юритишни маъқул кўради. Адибнинг “Юзма-юз”, “Оқ кема”, “Сомон йўли” повестларида айтилиши

ҳолатни кузатиш мумкин. Ёзувчининг болалик хотираларида уруш йиллари Шакер овулида почтабонлик қилгани ва солиқ йиғувчи “финагент” бўлиб ишлагани жуда таъсирчан ифодаланган: “Овулдан бирор оилага қорахат келса, оқсоқоллар олдига бориб, уларга тушунтирар эдик,— деб ёзади адиб.— Улар аввал ҳалок бўлган кишининг қариндошларини чақириб, бўлган воқеадан хабардор қилиб, ўзаро маслаҳатлашгач, сўнг мени эргаштириб, марҳумнинг уйига боришарди. Мен оила аъзоларига қорахатни ўқиб берардим... Овулимиздагилар мени яхши танишарди. Улар менга ёмонликни раво кўришмасди, кимгадир қорахатни топширмак, ўлимнинг совуқ хабарини етказмак зиммамга юкланган вазифа эканини тушунишарди. Аммо, гоҳида ўз ишим билан кўчаларидан ўтиб бораётган бўлсам, аёллар мени кўриб уввос солишарди:

— Яқинлашма бизникига, йўқол қоранг учгур. Қани, даф бўл-чи...”.

Адибнинг “Манас отанинг оқ қори — кўк музи” сарлавҳали хотира-мақоласида Шакер овулидан фронтга чақирилган ёш йигитларнинг жангга кириш одидан бир-бирларига деганлари аниқ тасвирланади: “Турли халқларнинг ўғлонлари тўпланишиб, қўлга қурол олдик, эшелонга миндик. Онамиз — Ватанимиз бир экан, ҳаммамиз онамизнинг оқ сутини эмганмиз, шу оқ сутни оқлайлик... Онанинг бошига иш тушганда, болалари тумоша қилиб тура оладимиқ. Баландга чиқсам — таянчим Онам, пастга тушсам — мададкорим Онам. Онамизга қасамёд қилайлик, қадимги баҳодирлар каби онт ичайлик, йигитлар. Ўлсак, бир чуқурда, тирик қолиб, енгиб чиқсак — бир тепаликда бўлайлик!..”⁹⁷

Урушга отланган Мирзабой исмли йигит ҳарбий машқларни Новосибирск шаҳрида ўтаб, ғарбга — фронтга жўнаганида, поезд Маймоқ станцияси олдидан ўтади, Мирзабой қўл чўзса етадиган овулига кира олмайди ва урушнинг бу биринчи аламини қўшиққа солади:

Соғиниб келдим олисдан,

Чўзсам қўлим етармиқ

⁹⁷ “Ёш ленинчи” газетаси, 1987 йил, сентябрь ойи сонлари.

Эй, сўлим ўлкам, Олатоғ,
Соғинчим ичимда кетармиқ!
Қўш сийна каби Манастов,
Соғиниб келсам ўзингга,
Куркуров сувидан бир ютмай
Эласинг тушди кўзимга.
Олатов юрти еримдир,
Манас чўққи сўлимдир.
Фашист ёвни енггунча,
Ўғлинг қайтиб келгунча,
Омон бўл, юртим, дегумдир...

Адибнинг “Жамила” повестида ҳам урушни лаънатловчи таъсирчан публицистик хитобларга дуч келамиз: “Ў, жонажон бепоён далам! Қозоқ жондошимнинг ери билан пайванд бўлган азамат далам. Мана, тоғларимизни икки ёққа айириб ташлаб, қамиш ва шувоқларга кўмилиб, буюк бир денгиздай чайқалиб ётасан. Нималарга қодир эканлигингни ким билади сенинг! Қароғим, сиртингдан қараса қимирлаган жон йўқдек бўзариб ётганинг-ётган. Аммо кечагина қон-қардошларинг униб-ўсган бағрингда уруш бошланиб, душманлар ўлкамизга чанг солганда, қучоғингдаги гиёҳлар ёниб, довурак чавандозларинг душман устига шердек ташланганида, мусаффо осмонингни иссиқ чанг қоплади, еру кўк ларзага келди. Ўшанда қирғоқнинг нариги бетидан от ўйнатиб келган қозоқ хабарчиси: “Отлан, қирғиз, отлан! Ёв келди!” — деб саратон қуюни ичида яна қаёққадир отини елдек учириб кетди... Йигитлар жангга отланганда осмону замин титраб, ёвни маҳв этишга чорлаб бонг урилди... оналар ва жувонлар: “Кенг даламиз мададкор бўлсин! Хосиятли она ер мадад берсин! Буюк Манаснинг руҳи ёр бўлсин!” — деб бўзлаб қолишди.

Сенга жоним фидо, эй муқаддас далам, тоғларим!..”.

Публицистнинг «Қанотларимиз озод бўлди, аммо оёқларимиз ҳамон турғунлик тушовида»⁹⁸ деб номланган мақоласи ўзининг бениҳоя ошкора

⁹⁸ “Правда”, 1989 йил, 2 апрель.

танқидий руҳи билан «очик осмонда чақин чаққандай» бўлган эди. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида икки йирик держава — АҚШ ва Совет Иттифоқида космик фазони ҳарбий мақсадларда ўзлаштириш, ер шари атмосферасига жосус сунъий йўлдошларни жойлаштириш мусобақаси авж олганди. АҚШ ҳукмрон доираларининг «самовий урушлар» режасига қарши советлар ҳам тегишли чоратадбирларни кўраётганди. Бу қалтис ҳаракатларнинг ҳаммаси ер юзида тинчликни сақлаш, «душман» томоннинг ногаҳоний зарбасига муносиб жавоб қайтариш ниқоби остида амалга ошириларди. Аслида эса, ҳар икки томон ҳам ўзларига тегишли бўлган аждаҳо янглиғ ҳарбий-саноат комплексининг манфаатлари таъсирида эди. Табиийки, бу режалар миллий иқтисодиётга жуда катта таъсир кўрсатар, халқ турмуш тарзи, харид қувватининг пасайишига, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келарди. Давлат бюджетининг қанча қисми ҳарбий харажатларга сарфланаётгани ҳар икки томонда ҳам сир тутиларди. Чингиз Айтматов биринчи бўлиб, бу борадаги хавfli жимликни, таъбир жоиз бўлса, публицистик бамайлихотирликни бузди: «Космосни ўзлаштиришга сарфланаётган ҳаддан ташқари кўп, астрономик харажатларни қисқартириш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш керак, деган гапни айтмасам бўлмас. Космосни забт этиш, шубҳасиз, муҳим иш. Бу соҳадаги илмий-техникавий тадқиқот ва ихтиролар, албатта, тараққиётга хизмат қилади. Аммо ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор. Келинглари, космик фазодан жафокаш еримизга тушайлик. Иқтисодиётимизнинг бугунги аҳволи мамлакат аҳолисининг деярли ярми қашшоқ кун кечириш даражасига тушиб қолган бир пайтда бундай қимматбаҳо лойиҳаларни кўтара олмайди. Кўрпангга қараб оёқ узат деган гап беҳудага айтилмаган. Бу гап давлатга ҳам тегишли. Юқори давлат органи бўлмиш Олий Совет мудрофаа эҳтиёжларининг реал меъёрини аниқлаши керак. Ўз вақтида қўшинлар Олий Совет билан мутлақо маслаҳатлашмай туриб, Афғонистонга киритилди. Қўшинларни мамлакат ташқарисига олиб чиқишни қатъиян маън қилувчи қонун зарур. Ҳеч қандай сабаб, тақлиф ким томонидан киритилгани ёки ким даъват этганига қарамай, бундай ўзбошимча қарор қабул қилинишига асос бўла

олмайди. Мана энди, Афғонистонда қанча кишимиз ўлдирилди, қанча киши майиб-мажруҳ бўлди, асирга олинди — булар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинаётир. Чуқур ўйланмаган, аввал бошдан хато, қанчадан-қанча оилаларга ғам-ғусса, жудолик олиб келган бу акция халқимизга нечоғли қимматга тушганини билсак эди. Қимматли лойиҳалар ва ҳарбий харажатларга ажратилаётган маблағларнинг маълум миқдорини соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтириш учун давлат бюджети статьяларини жиддий қайта кўриб чиқиш керак, деб ўйлайман”.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталаридан бошлаб нафақат собиқ иттифоқ ижтимоий-сиёсий ҳаётида, бутун дунёда ҳам жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Узоқ йиллар давомида инсоният онг-шуурини маҳкам боғлаб келган халқаро коммунистик ҳаракат таназзулга юз тутди, шарқий Европада, собиқ иттифоқдош республикаларда тарих, келажак ва, умуман, инсоннинг умри, дунёқараш, тақдири билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ошкоралик эҳтиёжини юзага чиқарди. Бу эҳтиёж маъмурлар томонидан маълум вақт кун тартибига қўйиладиган шунчаки сиёсат эмас, ҳаётнинг туб моҳиятини белгиладиган зарурат эди. Буни ҳолат, энг аввало, ижодкор зиёлилар, публицистларни сиёсат, баҳс-мунозара майдонига бошлади. Айтматовнинг айтиши шу йиллари ёзган қатор публицистик асарларида жамиятнинг ҳали энди белги бераётган, ниш ураётган “касалликлари”, аввалдан мавжуд иллатлари тўғрисида дадил гап боради. Масалан, у етмишинчи йилларнинг бошларидаёқ курулганиш пойгаси оқибатида инсоният ҳаётига, она заминга, еру сувга, экологик муҳитга етказилаётган беадоқ зарар тўғрисида куюнчаклик билан ёзди, ер юзида инсон ҳаётини, тирикликнинг ўзини асраб қолиш, бу улуғ бешикни келгуси авлодларга бус-бутун етказишнинг ягона йўли — “яхши ва ёмон” ракеталар пойгасидан воз кечиш, ўзаро ҳамкорлик йўлига ўтиш эканлигини нуфузли минбарлардан туриб баралла айта олди. М.Горбачевнинг қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати кўпчиликни мафтун этган, бу сўз бутун дунёга ёйилган, сиёсий истеъмолга кириб улгурган ва одамлар қалбида умид учқунларини уйғотган бир пайтда жамият ҳаётидаги талотўплар хусусида фикр юритиш анча

мураккаб иш эди. Адабиётнинг эҳтиёткорлик билан, беозор йўллардан мулойим юришига сабаб ҳам асли шу эди. Айтматов, гарчи расмий сиёсатни тўла рад этмаган, унинг “танлаб олса бўладиган” томонлари борлигига ишончи сўнмаган бўлса-да, жамият танаси ва руҳида қатор иллатлар, маънавий айнишлар ҳам мавжудлигини матбуот саҳифаларига дадил олиб чиқдики, шунинг ўзи катта жасорат эди.

“Сомон йўли” асари қаҳрамони Тўлғанойнинг Ер билан суҳбатидан: “Ҳа, бойчечак очилган кўклам кунлари далага эндигина қўш чиқарган кезлар эмасмиди? Кун тегмаган камарларда курт-кумурскалар ҳали ҳам қарахт ухлаб ётган бўлса ҳам, майин шабада эсиб, ер селгиб, кун сайин майсалар ниш уриб, баҳор яқинлашмоқда эди. Оҳ, баҳорни қўмсаб, доннинг сепилишини орзиқиб қутаётган деҳқон далам! Намиққан юзларинг кўкимтир ранг олиб, оламнинг чор атрофига ястаниб, аллақадарларингда кумуш ранг таратиб, тўшакда ётган жувондек балқиб турганингдан, бепоён далам!”, “Ажойиб азаматлар, тоғ нураса бўлмасмиди, кўл қуриса бўлмасмиди! Сувонкул билан Қосимим, ота-бола иккови ҳам қандай деҳқон эди! Дунёнинг таянчи шунга ўхшаш заҳматкашлар эмасми: элни тўйғизганлар ҳам, ёв келганда қўлга қурол олиб, мамлакатни кўриқлаб, қон тўкканлар ҳам ўшалар. Агар уруш бўлмаганда, Сувонкул билан Қосимим қанча одамларга ризқ-рўз бериб, мушкулини осон қилиб, экин экиб, қанча хирмон кўтариб, қанча ишни бажарган бўларди. Ўзлари ҳам эл меҳнатидан ҳузур-ҳаловат кўриб, одамнинг қанча роҳатига шерик бўлишар эди. Ўйлаб қарасанг, қизиқ, айланайин она-Ер, уруш бошланар экан-у, у урушда одамзотнинг энг асл, ҳунари бор азаматлари ўз ишини ташлаб, бирининг қонини бири тўкиб, бирини бири ўлдиришга сафарбар бўлишар экан. Мен бунга кўникмайман, умрбод кўника олмайман. Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотларнинг энг буюғи — одамзот, дунёни ўзига бўйсундирган ким — одамзотми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирдош далам, жавоб бер, айт жавобингни”.

Бу саволга она-Ернинг жавоби: “Қийин савол бердинг-ку, Тўлғаной. Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилганидан бери урушгани урушган.

Баъзан урушда мутлақо қирилиб ном-нишонсиз кетган эллар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон қолмай, хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзот изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал уруш чиққанда, гап уққанларга, урушманглар, кон тўккунча ақл ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган сўзим шу: “Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчагида яшаётган одамлар, сизга нима керак — Ермиқ Мана мен — Ерман, мен барча одам боласига етаман, менга талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева тугиб бераман, мол ёйсаларинг, пичан бўлиб бераман, уй курсаларинг, девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг кўпайса, ҳаммаларингга жой бўлиб бераман. Мен тугамайман, мен хасис эмасман. Мен конман, ҳаммаларингга етаман...”.⁹⁹

Айтматов ўқувчини ҳозирги мураккаб дунёнинг ўткир муаммоларини англаш ва тафаккур қилишга, “оммавий маданият” деб номланган офатнинг инсоният бошига олиб келаётган ташвишлари тўғрисида фикр юритишга даъват этади, ер юзида ҳаёт-мамотни сақлаб қолишда ҳар ким ўзининг бурчи ва масъулиятини англаб олишини, бу борадаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида бирлашишини истайди. Иккинчидан, Айтматов ўз ўқувчиларини талабчан мураббий каби тарбиялаб, онг-шуурини янги фикрлар, қиёсу далиллар, факт-рақамлар билан бойитиб боради, дунёқарашнинг бир даражада, бир ҳолатда узоқ вақт сокин қолиб кетиши тараққиётнинг илдизларига болта уришини урғулайди.

“Тарихнинг нотантилиги шундаки, — дейди адиб уруш мавзусидаги суҳбатларидан бирида, — инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қирғинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг беғуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Ҳар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб кулфатлар, азоб-уқубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган беғуноҳ кишиларнинг,

⁹⁹ Ч. Айтматов. Танланган асарлар, 2-том, Т., 1978, 140-бет. А.Рашидов таржимаси).

норасидаларнинг ёстиғи қурийди. Афсуски, бу қурбонлар халқ хотирасида умумий бир тарзда қоладилар, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш каттаю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нима учун шундайқ Нима учун биз ўша қурбонларнинг ҳар биттаси ҳақида қайғурмаймизқ Улар ичида Ватан, миллат тақдирини ҳал қилишга қодир буюк истеъдодлар, улуғ саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз. Бунинг мутлақо иложи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати ҳам шунда”.

Уруш ва унинг битмас жароҳатлари тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган, сон-саноксиз фильмлар суратга олинган. Аммо Чингиз Айтматовнинг юқоридаги фикрлари инсоният тарихидаги жамики қирғинбарот урушларни лаънатловчи ҳукм десак, муболаға бўлмайди.

1968 йилнинг апрель ойида Америка Қўшма Штатларида негр халқининг ажойиб фарзанди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари учун курашнинг толмас жангчиси Мартин Лютер Кинг ваҳшиёна отиб ўлдирилади. Бу хунрезлик публицист Айтматов қалбини ларзага солади. “Яна қотиллик, Яна Америка. Снайперлар винтовкасидан яна ўқ узиш. Бу милтиқнинг оптик мўлжали қаршисида виждонли Америка ҳимоясиз турибди”— деб ёзади у “Оптик мўлжалли винтовка” сарлавҳали памфлет-мақоласида. — Ўқдонга навбатдаги патрон жойланди, навбатдаги қурбон нишонга олинди қотилнинг бармоғи илмоқда...

Қаёққа қараяпсан, Америка? Энг яхши ўғлонларингни ўлдиришларига нега йўл қўяпсан? Мана, остонангдан кимнингдир ёвуз овози эшитилмоқда: “Биродар, сизга нима? Юрт бизники, ҳуқуқ бизники, демократия — бизники, сизга нима даҳли бор бу ишнинг?”

Даҳли бор! Она-заминда бўлаётган жамики воқеаларнинг бу дунёга даҳли бор. Даҳли бўлмаса дунё телба, телба ва яна телба бўлиб кетади”.

Публицист бундай ёвузлик ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашаётган негр халқи иродасини бука олмаслигини, аксинча, ҳақ-ҳуқуқ курашлари янада авж олишини таъкидлайди: “Кинг ваҳшиёна ўлдирилди. Уни баҳорда ўлдиришди. Олдинда эса — ёз. Иссиқ ёз! Негрлар ҳаракати ёзи. Намойишлар, курашлар, озодлик ёзи! Биз эса, албатта, ана шу иссиқ ёз тарафидамиз”.

Публицистик айбнома шундай якунланади: “Американинг яна бир виждонли фарзанди ҳалок бўлди. Ўқдонга эса навбатдаги патрон жойланди. Огоҳ бўл, Америка!”.

Орадан икки ой ўтар-ўтмас, ўқдонга жойланган навбатдаги ўқ сенатор Роберт Кеннедининг кўксига қадалди...

Бу машъум воқеалар тўғрисида жаҳон матбуотида, хусусан, Американинг ўзида ҳам жуда кўп мақолалар ёзилган. Аммо Чингиз Айтматовнинг огоҳликка даъвати ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Публицистнинг бадиий ифода маҳорати

Жамият янгиланаётган, давлатчилик асослари қайта тикланаётган, янгича иқтисодий сиёсат асослари шаклланаётган, миллий–ахлоқий қадриятлар ўз ўзанини топаётган бир пайтда кўплаб ижодкорлар мўлжал йўлини йўқотиб, бир думалаб янги демократларга айланишгани ва ижодий принципларини янги шароитга жуда тез мослаб олишгани ҳеч кимга сир эмас. Собик иттифоқдош жумҳуриятларнинг кўпида худди шундай бўлди. Бу — танбеҳ эмас, албатта. Бундан атиги йигирма йил аввал, собик иттифоқ раҳбарининг қайта куриш (перестройка), жадаллаштириш сиёсати айна авжида чоғи кимдир: “Жаноблар, яна тўрт–беш йилдан кейин коммунизм чўпчагидан ҳалос бўламиз, дунё тамомила бошқа бир паллага киради, бошқа орбита бўйлаб ҳаракат қила бошлайди” деса, бундай дегувчини сиёсатдонлардан аввал ижодкорларнинг ўзи калтабин хаёлпарастга чиқаришлари аниқ эди. Холбуки, шундай бўлди. Баъзи бировлар минбарга чиқиб, “Шундай бўлишини билар эдик, бу кунни туну-кун кутгандик”, дея ваъзхонлик қилишди. Чингиз Айтматов ваъзхонлик қилмади. Маълум маънода замонасозлик қилган бўлса-да, ўқувчилари олдида қизариб қолиш даражасига тушгани йўқ. Чунки у ҳар қандай шароитда ҳам чинакам ижодкор, уйғоқ адиб, фидойи публицист сифатида ўз сўзини айтиб келди.

Бадиий адабиётда гоҳо шундай ҳам бўладики, бирор бир янги асарнинг воқеалари ва улардан англашиладиган хулоса муаллиф мансуб бўлган миллатнинг миллий анъаналарига, туриш–турмушига тўла мос келмаса,

миллийлик белгилари асар қаҳрамонлари характерида кўриниб турмаса, бундай ҳолатда танқидчилар қиличларини қайраб қолишади. Чингиз Айтматовнинг “Новый мир” журналида босилган “Бўтакўз” ҳикоясига ўз вақтида худди шундай муносабат билдирилган. Чингиз оғанинг ўзи айтиб берганидек, ҳурматга сазовор адиблардан бири: “Бу қанақа одамлар ўзиқ Хулқи, характеридан кимлигини билиб бўлмайди. Қирғиз ҳам эмас, ўрис ҳам, бориб турган дурагай”, деб қолган. “Бу эътироз, ҳатто тўғри бўлганида ҳам, хафа бўлмасдим,— дейди адиб. — Чунки, синчиклаб қаралса, тушуниш мумкин: қаҳрамонларим — ўша қирғизлар, фақат янги авлод, янги давр қирғизлари. Юқоридаги эътирозлар эса миллий маҳдудликка олиб келади. Ахир шароитни, вақтни, конкрет ҳолатларни, касб-корни ва, ниҳоят, энг муҳими — янги одамлар руҳий оламини ҳисобга олиш керак-ку. Одамларнинг айна фикри-зикрида, табиати, хулқ-атворида ғоят чуқур ўзгаришлар юз берди. Биз энди, турли миллат вакиллари, ҳаётнинг жуда кўп томонларига ягона нуқтаи назар билан қараймиз, хулосаларимиз, баҳолаш ўлчовларимиз бир хил. Ахир, қачонгача, масалан, қирғиз адабиётида тезак тутуни, қимиз, қўй, тери ҳиди каби “миллий ўзига хослик”нинг “мажбурий” атрибутлари билан, худди бир вақтлар айрим рус ёзувчилари пўстинли мужикка ёпишиб олганларидай, фахрланиб юрамиз. Бугун бизга бензин, машиналар, тракторларнинг ҳиди анча яқин, механизациялаш, тараққиётнинг замонавий суръатлари билан боғлиқ нарсалар ҳаётдан кетаётган, йўқолаётган нарсалардан кўра бизга яқинроқдир...”.

Адиб “Жамила” қиссаси учун ҳам ўз вақтида жиддий танбеҳлар эшитган: “Жамила” қиссаси чиққанда ўзимизнинг туппа-тузук ёзувчимиз бирдан унга ёпишиб қолди,— дея хотирлайди адиб.— Қиссани фирқа мажлисида, жамоатчилик кўз ўнгида ер билан яксон қилди. У ўзининг қиссага қўйган айбларида бадий ижодда маъно ва мазмун коммунистик партия сиёсатига уйғун бўлиши, социалистик реализмдан чекинмаслиги кераклиги, идеологиянинг бошқа талаблари ҳақида роса сафсата сотиб, охири оиланинг бузилиши коммунистик ахлоқ принципларига катта зарба эканлигини таъкидлади. Оила бирлиги аҳиллиги партия ва жамиятнинг асосини ушлаб

турган муҳим таянч эканини қайд этиб, ниҳоят, менинг қиссам ана шу ғояларга мос келмаган сюжет асосида ёзилганини “фош” этди..”¹⁰⁰

Айтиш зарурки, бундай эътирозларнинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор эди. Жамила ўз эрини ташлаб, бошқа биров билан, яна денг, қайниси хайрихоҳлигида қочиб кетади. “Бўтакўз” ҳикояси қаҳрамонларига эътибор беринг: “Академик” лақабини олган, “ҳозиргача араванинг шотисини ҳам, бўйинтуруқни ҳам ушлаб кўрмаган” Камолнинг сўзлари: “Нега таҳқирланган, хўрланган мен бу аччиқ шувокзор, шўр босиб ётган кенгликларни кезиб чиқишим керак эканқ Қаёққа назар ташлама – куп-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдок дала. Бу ерда одамзод учун нима борқ Унинг яшаши учун бошқа жой қуриганмиқ”.

Шу ҳикоядаги Абубакирнинг таърифи: “Мунча баджаҳл, мунча заҳар бўлмаса. Юзи анча хунук, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, қўллари арслон панжасидай бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совук, сал нарсага қонга тўлади. Жони бўғзига келади. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасанг ғажиб ташлайди”.

Садабекнинг хотини Алдей (Садабек билан Абубакир уришиб қолганида Абубакирга): “Қани, тегиб кўр-чи! Кўзларингни ўйиб олайки, ўзингни ўзинг танимай қолгин”.

Сақмончи қиз: “Ўзимнинг ҳам оқин сувларни кўргим келиб кетди. Қўзиларим ҳам зилол сув қанақа бўлишини билсин дедим! Қўзиларни боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, кейин университетга ўқишга кетаман...”.

Камол: “Вақти-соати етса, мен ҳам ўқимоқчиман. Бироқ мен механизация мактабига кираман...”.

Бир қарашда, Чингиз Айтматов ҳақиқатан ҳам миллий адабиёт анъаналаридан четга чиқаётгандай. Ахир, қаёқдан келиб қолди бунақа “дурагай” қаҳрамонлар – қирғиз бўлса, овулда яшасаю шу чоққача бўйинтуруқни билмасак Қачондан бери яйдок дала, шувокзору янтоқзорлар унга бегона бўлиб

¹⁰⁰ Қаранг: Чингиз Айтматов. “Болалигим”, воқеий қисса. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-ижодий матбаа уйи. Т., 2008, 71-73 бетлар.

қолдиқ Қаёққа кетмоқчиқ Ҳамма кетаверса, ҳамма университетда, механизация мактабида ўқиса, яйловда ким қолади, чорвани ким боқадик Бу ҳам майли, қирғизлар шунақами – захар, баджаҳл, кўзлари важоҳатли, сал нарсага қонга тўлади. Аёл киши “кўзингни ўйиб оламан” деб турибди. Жамила куппа-кундузи қочиб кетди, Алиман бировдан ҳомиладор бўлиб қолди. Урушдан қочиб келган биринчи киши қирғиз бўлиб чиқди. Бу нимақ Миллат шаънини ерга уриш эмасмиқ

Етмишинчи йиллари адиб ҳар чорраҳада, ҳар йиғинда айна шу саволларга дуч келар эди. Адибнинг жавоби танқидга учраган асарларининг мағзидан келиб чиқади: ҳаёт, одамлар ўзгармоқда. Дунёвий воқеа-ҳодисалар онг-шууримизда, турмуш тарзимизда ўзининг янги ифодасини топаётир. Инсоният тақдири ягоналик томон юз бурмоқда. Чингиз Айтматов дейдики, ҳар бир миллий адабиёт олдида умуминсоний, умумбашарий вазифалар билан бирга, фақат шу адабиётга хос бўлган миллий вазифа ҳам туради. Аммо “миллийлик” тушунчасини тўғри англамоқ лозим. “Миллий вазифа” замирига қандайдир “миллий алоҳидалик, маҳдудлик” тушунчасини сингдириш, бир миллатнинг иккинчи бир миллатга нисбатан гўёки улуғлигини исботлашга уриниш каби ҳаракатларни мутлақо оқлаб бўлмайди. Бундай ҳаракатлар, охир-оқибатда, маънавий қашшоқликка олиб келади. Бордию “миллийлик” дейилганда гап у ёки бу миллатнинг қадим мозийдан то шу кунларгача етиб келган урф-одатлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, айна шу халққа, шу миллатга мансуб турмуш тарзи, таомиллари, лутфи, тили, иймон-этиқоди ва сажияси, яъники миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш ҳаракатлари устида бораётган бўлса, бундай ҳаракатларни умуминсоний тараққиёт манфаатларига мос келмаслик деб баҳолаш мутлақо ўринсиз. “Умуминсоний маданиятнинг йўқотилган бир зарраси ўрнини тўлдириш амри маҳол”, дейди адиб.

Публицист жамиятда, дунёда кечаётган турфа хил жараёнларга биринчилардан бўлиб муносабат билдиради. Теран мушоҳадаси, бой ҳаётий тажрибаси ва, ўзининг таъбири билан айтганда, «ички бир сезим билан» воқеа-ҳодисаларнинг мағзини чақади. Чингиз оға иштирок этган нуфузли

анжуманларда, давра суҳбатлари ёки матбуот конференцияларида бир ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин — адиб суҳбатдошларининг фикрини диққат билан тинглайди, саволлар нечоғли мураккаб бўлмасин, бирортасини ҳам жавобсиз қолдирмайди. Ҳар қандай вазиятда ўзининг мустақил фикрини айтади. Айтганда ҳам ишонтириб, далиллаб айтади. Ўринсиз тортишмайди, ҳис-ҳаяжонга берилмайди. Аммо, не ажабки, бошқа бир жойда эмас... Қирғизистонда, Бишкекда бундан ўн йиллар аввал шоввоз газеталардан бирининг ташаббуси билан “Айтматовни айблаш академияси” ташкил этилгани¹⁰¹, баъзи матбуот саҳифаларида унинг шаънини ерга урувчи бўлар-бўлмас миш-мишларнинг мунтазам чоп этилиши, уддабурон ноширлардан бири “Айтматовнинг маъшуқалари” номли тўплам чиқаргани ҳам факт. Бир галги учрашувда бу тўғрида гап очилган эди, Чингиз оға ўзига хос вазминлик билан “бундай пасткашликларга эътибор бермайман, ожиз, ношуд, қўлидан бошқа бирорта фойдали иш келмайдиган, фисқу фасодни касб қилиб олган одамгина шундай қилади”, деб қисқа ва лўнда жавоб қайтарди.

Айтматов қаламига мансуб очерк ва мақолалар аксарият ҳолларда муаллифнинг ўзига хос “кириш сўзи”, газетхонга, воқелик кечаётган заминга ёхуд очерк қаҳрамонига қаратилган лирик мурожаати, поэтик хитоби билан бошланади: “Зарафшон, Зарафшон, қадимий дарё, бошингдан не-не воқеаларни ўтказмадинг...”, “О, Анорхой, о бепоён дашт! Нега сукут сақлайсан, намалар ҳақида ҳаёл сурасанқ Асрлар давомида нималарни сир сақлаб келаяпсан, олдинда сени нималар кутмоқдак”, “Ғаллакор қадрдоним! Сен ҳозир даладасан, сен ҳозир йўлда рулни моҳирлик билан бошқариб бормоқдасан, сен ҳозир гуриллаб ишлаётган дон омборидасан, кечалари уйқу нималигини билмайсан, мамлакатимизнинг тарихи ва тақдири шу кунларда сенинг қадоқ қафтларингга боғлиқ. Сен ҳозир ғалла етиштирмоқдасан. Бу иш инсон зотининг мангу ва ўлмас ишидир. Бордию тенгги йўқ оқин бўлганимда ҳам бу меҳнатни қалбан англаганимдек, юракдан ҳис этганим даражасида куйлар олардим, деб айта

¹⁰¹ Бу тўғрида қаранг: “Айтматовдо не айып?”, “Кыргыз Туусу» газетаси, 1998 йил, 9-12 январь),

олмайман...”, “Телегей Алмамбетовна, сиз ҳақингизда мендан аввал ҳам ёзишган. Аслини олганда, сизнинг тарихингизни ҳаётнинг ўзи аллақачон ёзиб қўйган, биз бўлсак, жуда бўлганда уни қоғозда такрорламоқдамиз, холос”, “Салом, ривоят ва афсоналар ўлкаси – ҳаёлан мурожаат этдим монгол ерига...”, “Ў, Иссиққўл, қирғиз диёрининг сўнмас қўшиғи”, “Ў, Иссиққўл, мангу қайнок қўл”, “Эҳ, Дўлан, Дўлан, Тянь-Шаннинг баҳайбат бели” (“Сарвқомат дилбарим”дан).

Баъзи қиссаларда асар қаҳрамонлари от, бўри ва бошқа ҳайвонлар билан диллашишади. “Сўзларимни тингла, эй она бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай буюрган бўлса, тирикликни шундай адо эт” (“Кунда”).

“Тезроқ, тезроқ, Чопдор, оғажоним, олға, уларни (от ўғриларини — М.А.) кувиб ет... Олға, Чопдор! Агар ўлсак бирга ўламиз, фақат тезроқ чоп, тезроқ. Чопдор, йиқилма...”, “Чопдор, сен менинг инимсан, сен менинг қўшчи отимсан... Сенга камчи ураётганим учун мени кечир. Шу керак бўлиб қолди, Хафа бўлма, Чопдор”, “Чонтор, сен Чопдордан кейинги энг кучли отсан. Сени отам Бекбой доим мақтар эди. Ёдингдамиқ Биз ҳаммамиз шаҳарга борганимиз эсингдамиқ Отамдан ҳануз хат-хабар йўқ, бундан жуда кўрқаман, сиз, отлар, буни тушунмайсизлар. Урушдаги одамлар узоқ вақт хат ёзишмаса, бу жуда ёмон. Онам соғиниб, хавотирланаверганидан жуда ҳам озиб кетган. Онатой отасининг азасида ҳаммадан қўп йиғлаган, қайғурган Инкамол опа билан онам бўлди. Улар бир нимани билишади, қандайдир кўнгилсизликни сезишади-ю, аммо айтишмайди. Улар бир нимадан хабардор. Чу, чу, Чонтор, сенинг бўшашишингга йўл қўймайман. Олға, Чонтор! Бўш келма!”.

“Сен ҳам, Оққуйруқ, сен ҳам менинг инимсан... Сен ажойиб, оқ думли чиройли отсан. Бироқ бўш келма, руҳинг чўкмасин, сенинг чарчашингга йўл қўймайман. Чу, чу, Оққуйруқ! Мени уятга қўйма!”, “Қоратўриқ тулпорим, сен оддийгина яхши отсан. Мен сени қўшга таналаётганимда сенга жуда ишонганман. Сен меҳнаткаш ва юввош отсан... Қоратўриқ, мен сени ҳам хафа қилмайман, фақат бўшашмай тортавер. Мен сенга сўз бераман: Оқсойда

шудгорлаш, экишни тугаллаганимиздан кейин, овулга қайтаётганимизда ҳамма сени кўриши учун худди ҳозиргидай энг чеккада борасан. Биз Мирзагулнинг уйи ёнидан ўтаётганимизда у кўчага чопиб чиқиб, энг аввало сени кўради, Қоратўриқ. Шунча ҳаракат қилмай, жўнаш олдидан у билан кўришолмадим. Унинг рўмолчаси ёнимда, шундоқ бағримда турибди. Унга қор ва ёмғир тегмайди. Мен Мирзагул ҳақида ҳамиша ўйлайман. Уни ўйламай туролмайман. Агар уни ўйламай қўйсам ҳаммаёқ хувиллаб қолади, менга ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Чу, чу, камбар отадан таркаган зотлар...” (“Эрта қайтган турналар”).

“Оқ кема” повести муаллифнинг бу дунёдаги ёвузликларга, хўрлик ва адолатсизликка чидамай, балиқ бўлиб оқиб кетган Болага мурожаати билан якунланади: “Сен ўз эртагингдаги балиқ каби сузардинг, бўталоғим. Биласанми, сен ҳеч қачон балиққа айланиб қололмайсан ва Иссиққўлгача сузиб боролмайсан, оқ кемани ҳам кўролмайсан ва унга: “Салом, оқ кема, бу мен!”, деб айтолмайсан. Сен оқиб кетдинг. Энди шуни айтишим керакки, сенинг гўдак қалбинг нимани нохуш кўрган бўлса, ҳаммасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби ҳаёт кечирдинг. Чақмоқларни само чақади. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Инсондаги гўдаклик виждони худди уруғдаги илк куртакнинг ўзгинаси, куртаксиз уруғ униб чиқмайди. Биз оламга келмасдан илгариёқ, токи туғилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат тантана қилиб келмоқда. Бўталоғим, сен билан видолашар эканман, сенинг сўзингни яна бир бор такрорлайман: “Салом, оқ кема, бу мен!”.

Жамила Дониёрга кўнгил қўйиб, у билан кетиб қолганида ёш Сеитнинг кўнглида кечаётган болалик туйғуларини муаллиф шундай ифодалайди: “Ҳозир қаердасиз, қайси йўлдан кетяпсизқ Ҳозир даламизда янги йўллар кўп. Қозоғистондан тортиб Олтой ва Сибирга қадар чўзилиб кетган! Ҳозир у ерларда чўлни бўстонга айлантириш, янги ерда янги турмуш қуриш учун кўплаб азаматлар мардона меҳнат қилмоқдалар! Балки сизлар ҳам ўша ёққа кетгандирсизларқ Ундай бўлса, оқ йўл! Сафарларинг беҳатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам

ташлаб кетдинг... Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол. Дониёр сенга севги, вафо, она-Ер, ҳаёт тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин. Ўшанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунидаги кучли бўрон гувилласин! Олис йўлдан кўркма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг...”.

Устюрт ҳақида ёзилган йирик публицистик мақолада адиб буғдой ўрими, ёз саратони, кунни тунга улаб ҳосил ташиётган дала меҳнаткашларини шу қадар аниқ ва ишонарли тасвирлайдики, ҳаёлан биз ҳам ана шу мавсум иштирокчиларига айланамиз: “Устюрт, Устюрт, қозоқлар сени шундай аташган. Салом, Оролдан то Каспийгача қулоч ёзган бепоён кўрик. Салом, оқ буғдой, умринг узоқ бўлсин, оқ буғдой... Ҳаётим шундай кечдики, Жувалидан узоқ-узоқларга кетдим. Қанча узоқ кетмайин, оқ буғдой ўсадиган бу ерни унутмадим. Буғдой ўрилишини соғинганимда худди денгизни соғингандай уни соғиниб эсладим, нотаниш тупроқ, нотаниш денгизлар оша ўзга мамлакатларга учганимда Жували доимо ҳаёлимда турди. Қозоқларнинг бутун ўрта Осиёда машҳур “Оқ буғдой” қўшиғини эшитганимда ўзимча хурсанд бўлиб, Жувалини ўйлаб кетардим...”.

Бундай лирик чекинишлар, ёрқин публицистик оҳанг “Сойил бўйлаб чопаётган оламар” асарида янада кучаяди: “О, муаззам Энасой дарёси! Сенинг қаърингга тоғни қулатса, у бир харсангдай жо бўлади. Агар юз йиллик қарағайни ташласа, уни чўпдай оқизиб кетасан. Кел энди, икки қум заррасини – икки инсон боласини бағрингга олгин. Уларга ер юзида жой йўқ. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасойқ Агар юлдузлар одамга айланиб қолса борми, осмон уларга торлик қилиб қолади. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасойқ Ол, бу болаларни, улоқтириб кет. Қўй, улар бу манфур дунёмизни гўзалликда, тоза қалб билан, болалик ҳисси билан, ҳаёсиз ёвуз ният ва ёвуз ишлар билан ўз номига иснод келтиришга улгурмасданоқ тарк этишсин, токи инсон азоб-уқубатини кўриш ва бошқаларнинг ҳам ғам-аламига сабабчи бўлиш уларга насиб этмасин. Ол буларни, ола қол буларни, қудратли Энасой”. Ёки: “Шамол, эсавер, кетиб қолма. Номинг нима билмайман, аткичх Урхон

бўлганида номингни айтиб берарди. Аммо, сен менга ака бўл. Кетиб қолма, шамол, ўзингни бошқа ёққа олиб қочма. Ахир сен қанча хохласанг, шунча узок эсаверасан-ку. Шамол, менга мадад бер, кетиб қолма... Сени яхши кўраман, юлдузим. Сен жуда баланд ва узокдасан. Ёлвораман, кетиб қолма, бир жойда тўхтаб тур, ҳеч сўнма. Сен томонга сузиб кетяпман. Тўлқинлар, сиз қайиғимни хайдаб боряпсиз, сиз ҳозир қандай яхшисиз. Мен сизларни аки Милхун тўлқинлари деб атайман. Аки Милхун тўлқинлари, кетиб қолманг, йўлдан адашманг...", "Олам олам бўлиб яралгандан буён кун тунга ҳомила бўлиб, тун кунга ҳомила бўлган замонлардан буён аҳвол шу – икки қудратли куч ўртасидаги олишув давом этади: бундан буён ҳам шу, куну тун, туну кун, токи ер билан сув бор экан, улар абадул-абад шундай курашаверади...".

Адибнинг “Қиёмат” асари бадиий публицистика элементларига бойлиги билан ҳам эътиборни тортади: “Ҳаёт чархи абадий айланиб туради, ҳамма нарса келади ва ҳамма нарса кетади, яна эврилиб келади ва эврилиб кетади, одам шуларнинг дардини беихтиёр ҳис қилади ва ўзини англатмоқчи, ифодаламоқчи, ўздан нишон қолдирмоқчи бўлади...", "Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқадагина етишганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади. Шунинг учун биз айта олмаган нарсаларни у айтади, шунга чорланган».

Бу иқтибослардан кўринадикки, адиб ижодида бадиий асар ва бадиий публицистика деярли уйғунлашиб кетган, кўп ўринларда бири иккинчисига, муаллиф ибораси билан айтганда, “ҳомила” бўлади, бири иккинчисини тўлдиради, давом эттиради. Шу боисдан ҳам адабиётшунос олимлар адиб ижодини таҳлил қилишни унинг публицистик мақолаларидан бошлашади. Гап шундаки, Чингиз Айтматовнинг публицистик мақолалари ва нутқларида кўтарилган кўплаб муаммолар кейинчалик унинг бадиий асарларида ўзининг қуйма мантиқий ифодасини топади.

Айтматов совет тузуми юксак чўққига кўтарилган бир пайтда ижод қилди. Шу жамиятда яшар экан, дунёқараши шу мафкура таъсирида шаклланган экан, ўзини жамият мафкураси ва тамойилларидан бутунлай айрича тутиши мумкин эмасди. Бинобарин, у коммунистик ғоя, Октябрь инқилоби, улуғ Ленин раҳнамолигида ўз эли, ўз юрти эришган “оламшумул” ғалабалар тўғрисида кўплаб мақолалар ёзди. “Хўш, бу бахт, бу шодонлик, дўстлик ва иноқлик каердан келдик Оч-юпун, кувғин ва таҳқирлар қаддини букиб ташлаган қирғиз деҳқони пешонасини бунчалар меҳрибонлик билан силаган, янгича турмуш, фаровон ҳаёт сари етаклаган кимқ — деб ёзади Ч. Айтматов “Қадрдон Россия, сен тонг асримизсан” сарлавҳали мақоласида. — Бу — Ленин! Бу — Октябрь инқилоби, улуғ рус халқи, қадрдон Россия! Шунинг учун ҳам қирғиз халқи ўзининг буюк халоскори — рус халқига бўлган чексиз миннатдорлик туйғуларини алоҳида ҳурмат, самимият билан изҳор этади. Машҳур халқ оқини Тўқтағул “Қандай бахтли она туғди экан Лениндайин ўғлонни”, “Қочиб келиб бўлисан, ошно топдим ўрисдан”, деб дохийнинг бекиёс улуғворлигини, қирғиз ва рус халқлари ўртасидаги дўстликнинг абадул-абад барҳаётлигини тараннум этади...

— Қизиқ, бундан юз йил аввал, худди шундай куз тонглари қорайиб, димланиб кетган ўтов ичида уйқусиз тўлғанаётган қирғиз нималарни ўйлади эканқ — давом этади муаллиф. — Эҳтимол, совуқ тушаётганидан, ўтови эски, илма-тешиклигидан, болалари эса юпун ва ялангоёқлигидан ташвишланиб, юраги сиқилгандирқ! Баҳорга омон-эсон етиб олармикинқ Қишда бўрон туриб қолса, унда нима бўлади... Рус халқи бизга Ленинни, Октябрь революциясини берди, Совет ҳокимияти учун курашга чорлади. Маданият ва билимга ўргатди. Биз руслар билан бирга бир заминда яшаб, меҳнат қилаётирмиз, бирга коммунистик жамият қурмоқдамиз. Бу — ўз халқингга тилашинг мумкин бўлган энг улкан бахтдир”.¹⁰²

Албатта, бугун бу жумлалар кўпчиликда таажжуб уйғотади. Лекин бундан салкам эллик йил аввал жамиятнинг илғор қатлами — ижодкор зиёлилар

¹⁰² “Правда”, 1963, 31 октябрь.

мамлакатнинг бош наشري бўлмиш “Правда” саҳифаларида бундан бошқача фикрлаши мумкин эмас эди. Бошқача фикрлайдиганларга ўша захотиёқ сиёсий тамға босиларди. Бирор қаламкаш юқорининг таклифи билан ёзган мақоласида октябрь инқилобининг “оламшумул тарихий аҳамиятини”, катта оғанинг халоскорлигини етарли даражада очиб бермаган бўлса, бу кемтик жойларини ўзлари “тўлдириб” қўйишарди. Собиқ тузум пайтида жамиятнинг таниқли кишилари, айниқса, ижодкор зиёлилар, хўжалик раҳбарлари, депутатлар, турли мукофотларнинг соҳиблари номидан газеталарда мақолалар эълон қилиш, партия қабул қилаётган қарорларнинг тўғри ва халқчиллигини, фирқа курултойларида биринчи раҳбар томонидан билдирилган “қоида ва ҳулосаларнинг” мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим аҳамиятини улар орқали тасдиқлатиб олиш одатий бир ҳол эди. Аслида эса, бундай мақолалар таҳририятларнинг ўзида ёзилар, ҳатто аввалдан тайёрлаб ҳам қўйиларди.

Чингиз Айтматов қаламига мансуб мақолаларда, расмий сиёсат йўналишига кўр-кўрона эргашиб кетиш, “жуда тўғри айтилди, қўллаймиз, маъқуллаймиз” қабилидаги умумий мулоҳазалар камдан-кам учрайди. У фирқа курултойида, ёзувчилар, ўқитувчилар ёки кино санъати ходимларининг анжуманларида, халқаро форумларда иштирок этадими, баъзи бир муросасозликларни ҳисобга олмаганда, жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан баҳс очади, у ёки бу масалага нисбатан ўзининг мустақил, тишли-тирноқли қарашларини баён қилади. Адибнинг фикрича, инсон инсон бўлганидан бери яхши, адолатли кунларни орзу қилади, бу ният отадан болага, боладан набирага ўтади. Аммо келажакнинг қандай бўлиши одамлар бугун қандай яшаётганига, қандай ўй-фикр қилаётганига боғлиқ. Инсон ўзининг бугунидан, бугунги ишидан қониқиш ҳосил қиладими, хато-камчиликлари тўғрисида ўйлайдими, ўзидан бошқаларнинг ҳам тақдирига қизиқадими, бошқалар ҳам яхши, фаровон яшашга ҳақли эканликларини тушунадими, тан оладими — шулар муҳим. Инсон “бугун”да яшар экан, шу “бугун” ҳамма жиҳатдан эртанги кунга, келажакка боғланиб кетишини, бунда ҳеч бир узилиш бўлмаслигини англаб етиши керак. “Қизик, — дейди адиб, — биз социализм қуришнинг буюк принципларини

эълон қилиш билан бирга, афтидан, кейинчалик онгли равишдами, уларни ҳаракатга келтирувчи бош фактордан — меҳнаткашнинг, ишлаб чиқарувчининг шахсий манфаатдорлигидан воз кечдик. Шахсий манфаатдорликни фақат пул деб тушуниш тўғри эмас, манфаатдорлик фақат пул билангина ўлчанмайди. Одам ўзи ёқтирган ишни бажараётгани, иши натижасидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлаётганидан завқланади, айти шу ҳолат унга маънавий-руҳий мадад беради”.

Айтматов одамлардаги ташаббускорликни (бугунги кун таъбири билан айтганда тадбиркорлик ва ишбилармонликни) бўғиш, улардаги новаторлик туйғусини қўллаб-қувватламаслик жиддий хато эканлигини айтади. Дарҳақиқат, бундай ҳолатда одамлар кимдир юқоридан кўрсатма беришини кутишга, қўл учида ишлашга ўрганиб қолади. Ҳар бир одамда ўз “мен”и борлигини инкор қилиш ёки менсимаслик, бу “мен” ҳар бир инсоннинг бетакрор ва ўзига хослигини ифодалашини тушунмаслик собиқ тузумнинг жиддий янглишиши эди. Худди шу нарса ва яна ялпи даҳрийлик, одамларни бир хилда ўйлашга, фикрлашга мажбурлаш, меҳнат кишисини рағбатлантирмаслик совет тузумини тарих саҳнасидан олиб ташлади.

Айтматовнинг публицистик асарларида ҳаётнинг мураккаб, бир қарашда кўзга ташланмайдиган, аммо уларсиз инсон ҳаёти ўзининг ноёб, мукамал ва бетакрорлигини йўқотадиган жиҳатлари чуқур лиризм, нозик чизгилар, ўқувчига ўта кучли таъсир кўрсатадиган деталлар орқали, ишонарли тарзда тасвирланади. Публицистик ва фалсафий мушоҳадаларга бой “Оқ кема”, “Кассандра тамғаси”, “Қулаётган тоғлар” каби асарларида ўқувчи ҳаётда ўзи кўп бор дуч келган ёки иштирокчиси бўлган воқеалар тафсилотларини учратади. Муаллифнинг маҳорати шундаки, у бу воқеаларни қоғозга туширар экан, уларни содда ва равон тилда баён қилади, бадиий “бўёқ”дан, образли бўрттиришдан меъёрида фойдаланади. Бошқа бир адиб бошқача йўл тутиши ҳам мумкин. Китобхонлар тасвир услуби ўта қуюқлаштирилган, воқеалари зичлашган асарларни қизиқиб ўқишади. Шунга қарамай, Айтматов ўзининг ижодий принципига ҳамиша содиқ қолади. Баъзи танқидчиларнинг истехзоларига

жавобан: “Мен шаҳарда, деярли барча қулайликларга эга, ташқарида қаҳратон кишими, бўронми, пинакларини ҳам бузмай, ер тобида ҳайдалдим, экин вақтида экилдими, сув, техника етарлими — булар тўғрисида заррача ҳам ўйламайдиган одамлар ҳақида эмас, олис тоғ яйловларида, катта ҳаётдан узоқда... аммо ўзига яраша эътиқод, ишонч, ота-боболаридан қолган турмуш тарзига садоқат билан яшаётган одамлар ҳақида, уларнинг қувончу изтироблари, ғалаба ва муваффақиятсизликлари тўғрисида ёзаман. Эҳтимол бундай ҳаёт кимларгадир ёқмас, кимларнидир қизиқтирмас, аммо мен учун айти шундай ҳаётни, шундай ҳаёт кечирувчиларни қаламга олиш ўта мароқли иш”, дейди. “Бутун олам тортилиш қонуни” сарлавҳали мақоласида эса бу фикрни янада ойдинлаштиради: “Бошқа ҳамкасбларим қатори, мен ҳам адабиётнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ҳақида ўйламаслигим мумкин эмас. Бир қарашда бу — жўнгина гап. Ҳар кимнинг боши ўзича оғрийди дейишади-ку. Аммо ўқувчи бадиий асарни қандай қабул қилади, нимадан умидвор бўлади, асардан нимани кутади, нимага интиқ бўлади... буларнинг ҳаммаси у ёки бу асарнинг тақдири билан бирга, ёзувчининг ҳам тақдирини белгилайди...”¹⁰³

“Советская Киргизия” газетасида эълон қилинган “Ленинчилар” сарлавҳали мақоласида муаллиф туркистонлик ёш коммунистлар — биринчи ленинчилар тўғрисида фикр юритиб, шундай ёзади: “Мен у пайтлари ўқишни билмас эдим, аммо отамнинг иш столи устидаги китоблар ҳаёлимда. Уларнинг кўпгина сатрлари тагига қизиқ ва кўк қалам билан қалин қилиб чизиб қўйилган эди. Улар Лениннинг китоблари эди. Отам Ленин асарларини ўрганар эди. Мен бу билан жуда-жуда фахрланаман”.

Маълумки ёзувчининг отаси Тўрақул Айтматов ўз даврининг ўқимишли зиёлилардан бўлган, Жамбулдаги “Авлиё ота” номли рус мактабида ўқиган. Москвадаги “қизил профессорлар” институтини тугатгач, Қирғизистонда, жумладан мамлакат жанубида бир қатор масъул лавозимларда ишлаган. Чингиз Айтматов ўзининг болалик хотираларида шундай эслайди: “Атрофда ҳамма нарса ўзгарган, мамлакат бўйлаб “колхозлаштириш” деган катта сиёсат ҳукм

¹⁰³ “Литературная газета”, 1981, 8 апрель.

сураётган пайтлар. Халқ бу сиёсат билан овора, энди турмуш тарзимизни, асрлар бўйи ўзгармай келаётган дунёқарашимизни ўзгартирамиз, янги ҳукумат шарофати билан ёппасига саводсизликни тугатиб, камбағалликдан қутулиб, кашшоқликнинг сабабчиси бўлган бой-заминдорларни туб-томири билан йўқ қиламиз, деган мақсад билан олға интилиб, келажакдан умидвор бўлган вақтлар... Ота-онам ўзларини оддий одамлар қатори тутишгани билан, жуда олисдан марказ шаҳарга — Москвага, яна денг мамлакат пойтахтига келиб, шундай обрўли жойда вақтинча бўлса ҳам яшаётганларидан хурсанд бўлиб, тинимсиз ҳаракат қилиб, тажриба орттиришар, янгиликларни тез илғаб олишга ҳаракат қилишарди. Бироқ уларнинг Москвадаги турмушлари фожиали якун топди...” .

1938 йили республиканинг бир гуруҳ фидойи фарзандлари “халқ душмани” дея айбланиб, машъум “тройка” ҳукми билан отиб ташланади ва изғирин куз кечаларидан бирида яширинча кўмиб юборилади. Отилганлар орасида Тўрақул Айтматов ҳам бор эди. Унинг қаерда отилгани ва кўмилгани орадан эллик етти йил ўтганидан кейин маълум бўлади, Чингиз оға отасининг хоки солинган қутини 1995 йилнинг кузида ҳозирги Бишкек йигирма чақирим чеккадаги “Ота Бейит” қабристонига тупроққа қўяди.

Урушнинг доғини кўрган, “халқ душманининг боласи” дея таҳқирланган, болалиги азоб-уқубатларга тўла Чингиз Айтматовнинг айни шу мавзуда ёзган мақолаларида ўша қаттол замондан ошкора нолиш сезилмайди. Ўттиз еттинчи йилнинг фожиаларини кўп бор эслайди, бадий асарларида ғоят таъсирчан қилиб тасвирлайди, аммо айрим муаллифлар каби “Мен мана шундай оғир азобларга дучор бўлганман”, дея ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатмайди. Бунга интилмайди ҳам. Ҳаттоки, юқорида келтирилган мақоласида ҳеч бўлмаганда: “Отам ленинчи эди, партиянинг топшириғи деб жуда кўп ишларни баажарганди, аммо уни ҳам аяб ўтиришмади, ўттиз саккизинчи йили “халқ душмани” деган сохта айблов билан отиб ташлашди”, деган жумлани ҳам учратмаймиз. Фақатгина “Сомон йўли” повести бошланишидаги эпиграфда: “Ота, мен сенга ёдгорлик ўрната олмадим. Сенинг қаерга дафн этилганингни ҳам билолмайман.

Ушбу асаримни, отам Тўракул Айтматов, сенга бағишлайман. Она, сен бизни улғайтиб одам қилдинг. Сенинг узок умр кўришингни тилаб, онам Наима Айтматова, сенга бағишлайман”, деган сўзларни ўқиш мумкин.

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида қирғиз матбуотида ўша йилларга хос “жўшқинлик, кўча митингбозлиги” руҳида (Бу ҳолат бизда сал аввалроқ кузатилган — М.А) Чингиз Айтматовнинг ижоди ва ижтимоий фаолияти хусусида айрим танқидий мулоҳазалар ҳам билдирила бошланди, хусусан, “Қадрдон Россия, сен тонг асримизсан” қабилидаги мақола ва маърузалари учун ёзувчининг шаънига таъна тошларини аёвсиз ёғдиришди. Кейинчалик адиб ўзига хос вазминлик билан уларга муносиб жавоб қайтарди: “Ҳа, бундай саволлар ҳам чиқиб қолди, хабарим бор. “Чингиз Айтматов коммунист бўлган, коммунистик тузумни, адабиётда социалистик реализм методини ёқлаган, бу тузумга садоқат билан хизмат қилган, Михаил Горбачёвни қўллаб-қувватлаган...” ва ҳоказолар. Нима дейишим мумкин? Бизнинг авлод совет замонида туғилиб, шу замоннинг мафкураси таъсирида вояга етди. Шу замоннинг мактабларида ўқидик, китобларидан таълим олдик. Бизни танқид қилаётган, ўша йиллари ёзган айрим сўзларимизни бугун юзимизга солаётган айрим синчилар (“синчи” — қирғизча танқидчи) ўттизинчи, эллигинчи йилларнинг даҳшатли сўронлари ортда қолганидан кейин туғилишган. Бу — уларнинг бахти. Сиёсат одамнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Партиянинг ҳар бир сўзи бутун эл учун, жамият учун ўзгармас қоида бўлган. Бошқача яшаш, ҳаёт деганлари бундан айричароқ ҳам бўлиши мумкинлигини жуда оз киши ўйлаган. Шунга қарамай, бугун ўзларини қаҳрамон қилиб кўрсатаётганлар оз эмас. Майли, бу уларнинг виждонига ҳавола. Менга келсак, сизлар публицистика деб атайдиган кўплаб мақолаларим Москва газеталарида босилган. Битта мен эмас, эл-юртнинг кўз ўнгида бўлганларнинг ҳаммаси шундай қилишган. Буни инкор этиб бўлмайди. Бугун мен ўзимга нисбатан айтилаётган кинояларга жавобан: “Қалп (ёлғон) сўйлаб қўйган эканман, бунинг учун кечириб қўясизлар, оғайнилар”, десам, кулгили аҳволга тушиб қолишим мумкин, яна саволлар чиқади, иккинчидан, бу билан менинг обрўйим ошиб

қолмайди, бирор нима ўзгармайди ҳам. Совет даври мен билан тенгдош авлод ёзувчилар ҳаётининг бир қисми, уни истасанг ҳам, истамасанг ҳам умр баёнингдан (автобиографиянгдан) ўчириб ташлай олмайсан. Тарихда содир бўлган ҳеч бир воқеа орқасига қайтмайди. Биз бўлсак одам боласимиз. Одам боласи бўлганингдан кейин янглишасан, кимнингдир, баъзан ҳис-ҳаяжонга бериласан, тўғримиқ Сиёсат парҳез таом эмас, жуда чигал нарсас. Менинг ўйимча, буни алоҳида урғулаб айтмоқчиман: янглишиб, сўраб-суриштириб, онг-сезим билан ҳам ҳақиқатга етиб борса бўлади. Гап одамнинг кўз қарашлари бир жойда қотиб турибдими ё атрофида, жамиятда, дунё кенгликларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар таъсирида ўзига аён бўлмаган нарсаларни, янги билимларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдами — мана шунда! Тарихда бунга мисоллар кўп. Коммунистик мафкура нима эканлигини тушуниб етиш учун етмиш йил керак бўлди. Ҳаммасини вақтнинг ўзи ҳал қилди. Менинг айтарим шуки, бизнинг бу сохта замондан, сохта иттифокдан, унинг ғоявий тушовларидан инсоний қадр-қимматимизни йўқотмай, иймонимиздан айрилмай, эл-юрт назаридан қолмай чиқиб олганимиз чўнг ғалаба, жуда чўнг ийгилик (ютук). Буни тушуниш керак, қадрига етиш керак. Мана, мустақил бўлдик, дунёга чиқа бошладик. Энди шу улуғ йўлни маҳкам ушлайлик, шу улуғ ният йўлидан оғишмайлик. Бунинг учун бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, бир-биримизга йўлчи-йўлдош бўлиб, олдинга қараб интилишимиз, майда-чуйда нарсалар билан ўралашиб қолмаслигимиз керак. Ўзимни донишманд қилиб кўрсатмоқчи эмасман, аммо мен айрим синчилар бугун тилга олаётган мақолаларимда ҳам дилимдаги кўп гапларни, мен ич-ичимдан рози бўлмаган, қабул қилмаган нарсаларни айтишга ҳаракат қилганман. Буни-да ҳисобга олиш керак...”.

“Менинг кўплаб публицистик мақолаларим аввалги замоннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёзилган ва буни мутлақо инкор қилиб бўлмайди,— деган эди у суҳбатларидан бирида юқоридаги фикрларини давом эттириб. — Бинобарин, уларнинг ҳаммасини бир хилда баҳолаш мумкин эмас. Аммо, айтишим жоизки, ўшанда ҳам имконият ва имкониятим даражасида кўнглимда

бор гапни айтишга ҳаракат қилганман, узоқроқни кўришга интилганман. Бугун энди айни шу масалада анча-мунча нордон гаплар бўлаётганидан хабарим бор ва мен буни тўғри тушунаман. Ҳар ким ўзи тўғрисидаги ҳақиқатни ўзи айтиши керак...”.

Айтматовнинг “узоқроқни кўришга интилганига” кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Адабиётшунос олим Ф. Медведев билан суҳбатда адиб мулоқотдошининг: “Нима учун сиз “Кунда”да яқин-яқингача таъқиқлаб қўйилган гиёҳвандлик муаммосига ва бу иллат билан боғлиқ инсоннинг маънавий қашшоқланиши мавзусига қўл урдингиз? Жамиятда жиддий ўзгаришлар палласи яқинлашиб келаётганини сезганмидингиз?” деган саволларига жавоб қайтарар экан, шундай дейди: “Ҳа, эҳтимол ички бир сезим бўлгандир. Гиёҳвандликка келсак, бу масала асарда шахсий тақдир мисолида келтирилади. Муҳимроқ масалалалар ҳақида гаплашайлик. Кейинги йилларда ўзимча амин бўла бошладимки, биз тарихнинг қандайдир самарасиз бир даврини бошимиздан ўтказаятгандаймиз, ҳадемай кўзимиз очила бошлайди. Наҳотки биз эс-ҳушимизни шу қадар йўқотиб қўйган бўлсак? Бугунги воқеалар — кўзимизнинг очилаётгани эмасмиқ!... Биласизми, мен ҳамиша, эҳтимол бошқа кўплар қатори, бир нарсани ҳис этар эдим: бизда демократия мутлақо етишмайди, гоҳо у умуман йўқ. Бугунги кунга келиб ҳам демократияни қонуний идрок этишга тайёр эмасмиз. Демократия — бир неча авлодларда тарбия топадиган ўта масъулиятли ишдир”.¹⁰⁴

Ф. Медведев шу мулоқот чоғи Ч. Айтматовнинг 1984 йили айтган бир муҳим гапини эслатади: “Ҳақиқий тарих мана энди бошланади, фақат эндигина бизнинг жамият нечоғли етук, ўзи қўлга киритган ютуқларга эгалик қила олишга, уларни асрай билишга қодир эканлиги равшан бўлади. Биз ғалаба қозонишимиз керак. Бу — мисли кўрилмаган ғалаба бўлади”. Олим Айтматовнинг бу “шаддод” фикрларни шунчаки эслатаётгани йўқ. Гап шундаки, публицист мамлакатда ҳали қайта қуриш сиёсати бошланмасидан аввал мана шундай кутилмаган, амалдаги мафкура қобиғига сингмайдиган фикрлари билан

¹⁰⁴ “Огонёк” журналы, 1987, № 28

сиёсатдонларни ҳам, ҳозиржавоб, лаббайчи адабиётшуносларни ҳам жиддий ташвишга солиб қўйганди. “Айтматов нима демоқчиқ Гап қанақа тарих устида бормоқдақ Нега энди у ҳақиқий тарих бўладиқ Нима, бизнинг бугунги кунларимиз, босиб ўтган шонли йўлимиз, тарихимиз, ғалабаларимиз ҳақиқий эмасмиқ Бу ёзувчи ниманинг устидан, кимнинг устидан ғалаба қозонмоқчиқ» дея унга маломат тошларини отганларнинг сон–саноғи бўлмаган ўшанда.

Нафсиламбрини айтганда, комфирқа ҳали ҳаётлигида бундай фикрларни жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишнинг ўзи катта публицистик жасорат эди. Бутун халқ мамлакат коммунистларининг навбатдаги олий анжумани қарорларини бажариш билан банд бўлиб турган бир пайтда «ҳақиқий тарих мана энди бошланади» дейиш — бу «биз шу чоққача сохта тарих, сохта ҳақиқатлар қаноти остида яшаб келдик, сохта кадриятларга таяниб ўзимизни ўзимиз алдаб яшадик», деган ошкора раддия эди. Айтматов катта гражданлик позициясида туриб, бундан буёғига ялпи даҳрийликнинг, коллективлаштириш, “Ҳужум” кампанияларининг, «халқ душмани» деган сиёсий тамға остидаги катагоннинг, «ягона совет халқи», «ягона турмуш тарзи» деган уйдирма тушунчаларнинг ҳақиқий маъноси ошкор бўлади, демоқчи. «Биз ғалаба қозонишимиз керак» деганида ёзувчи «Шундай бир давр етилиб келмоқдаки, эндиликда ҳар бир киши ўз қарашларини қайта ислоҳ қилиши, ўзлигини англаши, хатоларини тан олиши, қалбини, онг-шуурини кераксиз, сохта нарсалардан тозалаши, яъни кечаги «ўз»и устидан бугунги «ўзи» ғалаба қозониши керак» деган фикрни урғуламоқда эди.

“Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ,— деб уқдиради давлатимиз раҳбари Ислом Каримов.— Очик айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги,

тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра дашҳатлидир”.¹⁰⁵

Айтматов собиқ иттифоқ ёзувчиларининг еттинчи қурултойида эҳтиросли нутқ сўзлаб, бу гал кўпмиллатли совет адабиётининг зафарли одимлари тўғрисида оташин маърузалар қилаётган ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, маъмурлар ва адабий жамоатчилик эътиборини кундан-кунга чуқур илдиз отаётган ижтимоий-маънавий муаммолардан бири — қишлоқ мактабларининг, у ерда ишлаётган ўқитувчиларнинг ночор аҳволига қаратади. Ўша кезлари ўқув жараёни, дастурлар миллий ўзига хосликни, турли минтақаларнинг иқтисодий, маданий-маърифий даражаси ва имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда юқоридан туриб тузилар, дарсликларда тарих ҳақиқатини бузиб талқин қилиш, миллий туйғуларни менсимаслик шунчаки одат тусини олган эди. Қишлоқ ўқитувчисининг мавқеи тушиб кетган, дуч келган хўжалик раҳбари унга топшириқ берар, ўқувчиларни машғулотлардан қолдириб, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш авжига чиққанди. Чингиз Айтматов бу муаммонинг ечимини бутунлай бошқача тарзда талқин этди. Ёзувчининг муҳим вазифаларидан бири — жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолатини, ижтимоий ҳаётда, давр руҳида юз бераётган эволюцияни аввалроқ сезиш, бу ҳолатдан ҳамиша хабардор бўлиб туриш ва, янада муҳими — жамият ҳаётида сезила бошлаган баъзи маънавий айнишлар келгусида қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида фикр қилиши зарурлигини уқдирди. Унинг фикрича, мактаб ўқитувчиси, энг аввало, тарбиячи, тилчи, маданият, маърифат тарғиботчиси, авлодларни бир-бирига боғлайдиган, ёш фуқароларнинг қиёфасини белгилайдиган муҳим фигура. Бундай кишиларга беписанд муносабатда бўлиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Адабиётшунослар бўлса қишлоқ ҳаётидан ёзилган асарларни «қишлоқча проза» деб, бундай асарлар муаллифларини патриархал турмуш тарзини қўмсаётганликда айбламоқдалар. Қишлоқ мактабларида эркак ўқитувчилар сони кескин камайиб кетган. «Нега жим турибмиз,— дея бонг уради нотиқ,— мактаб ҳақидаги

¹⁰⁵ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 417-бет.

ҳақиқатни нега тўла айта олмаяпмиз? Бу муҳим масаладан нега ўзимизни четга олаяпмиз? Ўқитувчини ҳурмат қилиши лозим бўлган унинг атрофидаги кишилар — колхоз раҳбари, совхоз директори, туман раҳбарияти, молия, қурилиш, транспорт, медицина ташкилотларининг мутасаддилари. Ўқитувчи, энг аввало, шуларга дуч келади, шулар билан тўқнашади, синф хоналарини таъмирлаш, қўшимча ўқув қуроллари сотиб олиш учун маблағ сўрайди, аълочиларни олимпиадага олиб бориш учун машина зарур бўлади. Қурилиш материаллари керак, қишда хоналарни иситиш учун ўтин, кўмир, мой зарур. Буларни у ўзи учун эмас, мактаб учун, демакки, жамият учун, эртанги кун учун сўрайди. Публицистика ҳам, катта адабиёт ҳам мактаб ўқитувчиси олдида қарздор. Буни унутмаслигимиз керак».¹⁰⁶

Айтматовнинг нутқида таълим-тарбияга эътиборсиз, боқибегам бюрократ раҳбарлар шаънига айтилган мана бу сўзлар янада таъсирли: «Сиз ҳозир ҳузурингизга келган ўқитувчини менсимай, сўзларига қулоқ ҳам солмай, ҳафсаласини пир қилиб чиқариб юбордингиз. У ўзини ўйлаб эмас, жами болаларни, шулар қаторида сизнинг ҳам болаларингизни, набираларингизни, уларнинг эртанги кунини ўйлаб, олдингизга арз-ҳол қилиб келган эди. Сиз бу ишингиз билан биргина ўқитувчини эмас, ўзингизни ҳам беҳурмат қилдингиз»

«Курьер ЮНЕСКО» журналида босилган «Она тили мўъжизаси» мақоласида публицист даврнинг яна бир муҳим муаммосига эътиборни қаратади: «Биз она тилимизнинг мўъжизасидан чарчамаймиз. Ёшликда ўрганилган, ўзлаштирилган она тилигина қалбни халқ тажрибасида юзага келган поэзия билан тўлдириши, инсон кўнглида миллий ифтихорнинг илк чашмаларини уйғотиши, аждодлар тилининг серқатламлиги, сермаънолиги билан эстетик завқ-лаzzат бериши мумкин». Бошқа бир мақолада адиб бу фикрларини янада ривожлантиради: Тил, менимча, миллий маданиятларнинг энг барқарор унсуридир. Аслида, бу жабҳада ҳам тилларнинг ўзаро бир-бирига таъсири оқибатида содир бўлаётган ўзгаришлар озмунча эмас. Ҳар бир тилнинг

¹⁰⁶ Қаранг: Седьмой съезд писателей СССР. Стенографический отчет. М., «Советский писател», 1983.

қисмати, жумладан, унинг бошқа тиллардаги сўзларни айнан, моддий шаклида эмас, балки бу сўз-образларнинг маънавий-фалсафий руҳи ва моҳиятини ўзига ижодий сингдириш қобилияти билан боғлиқ. Бугун ҳамма тиллар, менинг назаримда, жиддий синов олдида турибди: улар замонамиз кишисининг дунёвий ҳис-туйғусини, ақл-идрокини, тафаккурининг тарихийлигини тўлақонли қила оладиган даражада бойми, эстетик теранми, ҳаракатчанми? У ёки бу тилнинг ҳаётий қобилияти кўп жиҳатдан бизларга — ёзувчиларга, шоирларга, драматургларга боғлиқ...”.

Адиб кейинчалик бу мавзуга яна кўп бор қайтади. Қирғиз тилида жуда кўп сўзлар рус тилидан қирғиз тилига ҳеч ўзгаришсиз олинганини, масалан “Родина”, “правда”, “культура” сўзлари қирғиз тилида ҳам айна шу шаклда қўлланилаётганини кескин танқид қилади.

Ч. Айтматовнинг адабиётшунос В. Коркин билан қилган суҳбати¹⁰⁷ яна бир муҳим, аммо жамоатчиликнинг, ижодкор зиёлиларнинг эътиборидан қолаётган мавзудан баҳс очади: «Авваллари биз Ерга лоқайд ва худбинларча муносабатда бўлар эдик (ҳозир бу айниқса равшан сезилиб қолди). У бизни едиришга, ичиришга, кийинтиришга, ҳимоя қилишга мажбур, ўзи эса бунинг учун биздан ҳеч нима талаб қилмайди. Ерми, уни тан олсак бўлди-да, деб ўйлардик. Энди эса, космосга чиққанимиздан сўнг, ҳеч бир ифода этиб бўлмайдиган назокат ва изтироб билан тушуниб етдикки, унинг ўзи ҳимояга муҳтож экан».

Айтматов публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гап кетганда адабиётшунос Л. Толкуновнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш жоиздир: “Бизнинг ахлоқий-этик очерк ва мақолаларимиз ўқувчини жуда бўлганда ҳис этишга ўргатади. Албатта, бу яхши. Аммо шу билан кифояланиб бўлмайди. Энг муҳими, одамларни маълум бир муаммолар устида ўйлашга, фикрлашга ўргатиш зарур”. Аниқ, конкрет ҳаётий муаммолар мушоҳадасидан иборат Айтматов публицистикаси ўқувчини, айна юқорида айтилгандай,

¹⁰⁷ «Дружба народов» журналы, 1982, 12-сон

ўйлашга, фикрлашга, баҳс-мунозарага чорлайди, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисалардан тегишли хулоса чиқаришга даъват этади.

Дарҳақиқат, шундай. Мана, унинг собиқ иттифоқ матбуотида эълон қилган айрим суҳбат ва мақолалари: “Пушкинни севган киши рус тилини ҳам севиб қолади” (1962), “Замондошим билан фахрланаман” (1963), “Пахтанинг ойдин йўли”, “У океанмисол “Манас”нинг бир миллион сатрини билади”(1964), “Ўзингга ўзинг жавоб бер”, “Вақт чўққисидан туриб”, (1967), “Олтин дарвозалар” (1969), “Анъаналарнинг ўзаро алоқадорлиги” (1972), “Маънавий таянч” (1977), “Бари барчага даҳлдор” (1980), “Одавийлик... дефицитмик” (1981), “Она тили мўъжизаси”, “Сўзга ажратилган бир соат” (1982), “Ҳаёт кадр-киммати” (1986), “Инсонга ишонаман”, “Кўзимиз очилишининг баҳоси” (1987), “Қайта куриш, демократия — омонлик дарахти”, “Заминимиз зил кетмаяптимик” (1988)... Бу рўйхатни яна кўп мақолалар, нутқлар билан тўлдириш мумкин. Гап бунда эмас. Собиқ тузум пайтида собиқ марказда ҳам, иттифоқдош республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам шундай “фаол, ҳозиржавоб”, озроқ ишора бўлса, дуч келган воқеа-ҳодисага қойилмақом қилиб “отклик” ёзиб берувчи муаллифлар бўлганки, уларнинг “ҳамду-сано”лари вақт синовига дош бера олмай, ўша йилларнинг ўзидаёқ эътибордан қолди. Айтматовнинг мақолалари, гарчи уларда ҳам ўша замон руҳи, коммунистик мафкура тамойиллари акс этган бўлса-да, муаллифнинг ўзак фикрлари ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Чингиз Айтматов марказий матбуотнинг ташаббуси билан кўпмиллатли совет адабиётининг бундан буёнги вазифалари, социалистик реализм методининг ҳаётбахш истиқболлари, ижодкор, давр ва адабий жараён масалаларига бағишланган қатор мақолалар ёзди. Унинг “Создадим яркий образ коммуниста” (“Правда), “Горжусь моим современником” (“Комсомольская правда”), “Ответственность художника” (“Советская Россия”), “С высоты времени» («Литературная газета») сарлавҳали мақолаларида қирғиз совет адабиётининг шаклланиши ва юксалишида рус классик адабиёти катта мактаб бўлгани, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, М.

Горький, Л. Толстой, В. Маяковский, А.П. Чехов, М. Шолохов ва бошқа бир катор адибларнинг дурдона асарларидан баҳраманд бўлгани алоҳида эътироф этилади. «Рус адабиётини дунёдаги миллион-миллион одамлар биладилар ва севадилар,— деб ёзади Ч. Айтматов.— Бироқ ҳар бир киши уни, албатта, ўзича севади. Мен ўшаларнинг бириман ва рус адабиётига алоҳида муҳаббат билан қарайман. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Мен соҳилларини кўз илғамайдиган рус адабиётининг чексиз уммонида толстойча донишмандликни ва образларнинг руҳий мураккаблигини яхши кўраман, ҳайратда қолдирадиган шолоховча драматизмни ва характерларнинг шолоховча ёрқинлигини яхши кўраман. Горький ва Маяковскийнинг революцион романтикасини яхши кўраман, чеховча бекиёс одампарварликни ва борлиқни бунинча назик идрок этишни яхши кўраман, фадеевча коммунистликни, твардовскийча шеърят уфқларини, леоновча юксак заковатлиликни яхши кўраман. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас».¹⁰⁸

Публицист аввалги шуҳратларга берилиб, ўз устида ишламай қўйган, ижодида сиёсий замонасозликка берилиб, бадиийликни ва асарнинг тарбиявий таъсир кучини мутлақо унутган адибларни кескин танқид қилади: «Менинг кўз ўнгимда жуда кўпдан бери ёзувчилар союзига аъзо бир ишининг тақдири кечмоқда. Унинг биринчи асарлари кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган эди. Муаллиф мақтовларни ортиқча баҳолаб юборди шекилли, навбатдаги китобларини енгил-елпи ёза бошлади. Энди унинг чиройли муқовали узундан-узоқ, салмоқли китобларини асосан икки киши ўқийди — ёзувчининг ўзи-ю, китобнинг муҳаррири. Лекин у эътиборли ёзувчи, адабиётимизнинг «оқсоқоли» ҳисобланади». Бошқа бир муҳим кузатув: «Одамлар колхозда, совхозда ёки заводда қандай ишлаётганини, хўжаликка доир қандай муаммоларни ҳал этаётганларини тасвирлаш — замонавийликнинг нақд ўзи, деб ўйлайдиган ижодкорлар бор. Шундан кейин, қарабсизки, оддий электр соқололгичдан бошланиб то космик йўлдошгача ташқи белгиларни тасвирловчи зерикарли

¹⁰⁸ «Муҳаббат эътирофи», «Советская Киргизия», 1962 йил, 7 сентябрь, иқтибос А.Рашидов таржимасида берилди.

занжир бошланади. Эсимда, муаллифлардан бири Москвани биринчи бор кўраётган қаҳрамони қайси вокзалда поезддан тушгани, метронинг қайси бекатларидан ўтгани, кўргазмаларни бориб кўргани, қайси павильонларда бўлгани, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилганини эринмай ёзди. Мана сизга замонавийлик дегандай».¹⁰⁹

Бир қарашда бу таъна-эътирозларда унча муҳим гап йўқдай. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрсак, публицист ҳатто бугун ҳам ўз аломатларини йўқотмаган бир касаллик хусусида гапирмоқда. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари собик иттифокда социализмнинг узил-кесил ғалабаси, жамиятнинг етук, ривожланган янги формацияга ўтаётганлиги хусусида тинмай жар солинар экан, бу сохтакорликнинг ёқимсиз асоратлари бадиий адабиётда, матбуотда, кино ва бошқа соҳаларда аниқ кўзга ташлана бошлади. Адабиётда расмий мафкура талабларига мосланиб ёзилган, сюжети асосан тўқиб чиқарилган сохта асарлар пайдо бўлди. Уларда коммунистик ғоя ва тарбиянинг самараси ўлароқ, бутун мамлакатда ягона совет халқи шаклланиши, бу халқ озод ва ҳур ҳаёт кечираётгани, яқин келажакда бу қудратли оилани янада нурли манзиллар кутаётгани бор овоз билан тараннум этилди. Бундай «асар»ларнинг кўплари нуфузли мукофотларига сазовор ҳам бўлишди. Бу ҳайбаракаллачиликдан ўзбек адабиёти ҳам четда қолмади. Айтматовнинг фикрича, ижодкор учун ўзидан, ижодидан қониқиш, дастлабки муваффақиятларидан ҳаволаниш, ҳаётни кузатишдан тўхташ охир-оқибат ўз-ўзини алдашга, ва истеъдодининг сўнишига олиб келади. Бундай муаллифлар китоблари ўқилмаётгани, дўконларнинг пештахталарида чанг босиб ётгани билан қизиқмайдилар ҳам. Ҳунарманд одам ёки рассом минг машаққат билан, тер тўқиб бирор бир санъат асарини яратса-ю у ҳеч кимни қизиқтирмаса, ҳеч кимга керак бўлмаса, бундан ёмони йўқ. Адабиётда ҳам шундай.

Чингиз Айтматов ижодини кузатган кўпдан-кўп олимлар, мутахассислар адиб ўзининг ҳар бир чиқишида тамомила янги шакл ва мазмунга

¹⁰⁹ «Литературная газета», 1961, 8 июнь.

эришаётганини таъкидлашади. Ўқувчи ҳар гал янгича талқинга, кутилмаган ечим ва хулосага дуч келади. Бу ҳолат унинг публицистик мақолаларига бевосита тааллуқли. Ўқувчи Айтматовнинг тули мавзулардаги қизиқарли суҳбатлари, хорижий сафар таассуротларини мутолаа қилар экан, айти Айтматовга хос ижтимоий-фалсафий умумлашмаларга, воқеа-ҳодисаларнинг фалсафий-маънавий таҳлили ва тадқиқи, айти шу кунда айтилиши лозим ва зарур бўлган ўткир мушоҳадаларга, қуйма ифодаларга дуч келади. Бунда шуниси эътиборлики, публицист суҳбатдошининг ҳар қандай кескин, танқидий ва кутилмаган саволларига ҳам вазминлик, босиқлик билан ишонарли тарзда жавоб қайтаради, бундай очик, мураккаб мулоқотдан ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини четга олмайди. Кўтарилаётган масаланинг бирон бир жиҳатини четлаб ўтмайди, аксинча, сўзни, баҳсни ўша масаланинг нозик ўзагидан бошлайди. Бу жиҳатдан қараганда, Айтматов ўқувчиларига нисбатан анча “бешафқат”. Чунки у енгил ечимлар, анъанавий усуллар ўқувчини дангаса қилиб кўяди, деб ҳисоблайди: “Танбал ўқувчи санъатда (адабиётда) ўзига яхши таниш бўлган, аввалдан кўнглига ўтирган нарсаларнинг тасдиғини топишни яхши кўради. Ижодкор у билан баҳслашса, қалбини безовта қилса кайфияти бузилади. Шундай бўлса-да, уни албатта безовта қилиш керак. Охирида шу танбал ўқувчи бунинг учун ёзувчига раҳмат дейди”.¹¹⁰

Бу еда гап фақат танбал китобхон ҳақида бораётгани йўқ. Баъзи адиблар дастлабки муваффақиятлардан сўнг енгил йўл, анъанавий ечимларга ўтиб олишади, асар сюжетини ўқувчининг боши қотмайдиган қилиб тузишади, қиз билан йигитнинг, албатта, висол лаззатидан баҳраманд бўлишади. Бордию йигит ўз севгисига эриша олмаса, икки ошиқ ўртасига кимдир туриб олган бўлса, буёғи энди маълум — ёзувчи номига олис-олислардан хатлар кела бошлайди: ошиқларнинг тақдири нима бўлди, йигит қаерда қолди, қиз-чиқ.. Баъзи танқидчилар шундай хатларни кўплаб олаётган ёзувчиларни эринмай мақташади. Чингиз Айтматов ижодини таҳлил қилган адабиётшуносларнинг эътирофича, бу машҳур ёзувчига ўқувчилардан бошқа қирғиз ёзувчиларига

¹¹⁰ «Правда», 1965, 14 июль

нисабатан кам мактуб келар экан. Буни тасаввур қилиш қийин эмас. Адибнинг «Кунда», «Кассандра тамғаси», «Қулаётган тоғлар» асарлари тўғрисида муаллиф билан мактуб орқали бўлса-да, мулоқот қилиш учун ўқувчида маълум малака бўлиши керак.

Айтматов ва Ўзбекистон

Чингиз Айтматов ўзбек китобхонларининг ҳам севимли ёзувчиси. Адибнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига ўгирилган ва ўқувчиларга ўз вақтида етиб борган. Бунда маҳоратли мутаржим Асил Рашидовнинг хизматлари, айниқса, катта. Юксак маҳорат билан ёзилган қиссалар, дунё адабий жамоатчилиги эътиборини қозонган романлар бизни йигирманчи асрнинг буюк истеъдод эгаларидан бири — ёзувчи, публицист ва жамоат арбоби, дипломат Чингиз Айтматовнинг бадиий олами билан ошно этди, адибнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-эстетик қарашлари билан танишдик. Таниқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломовнинг адиб ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги тадқиқот мақолалари Чингиз оғага муҳаббатимизни янада оширди. Икки ёндош мамлакат халқлари орасидаги азалий дўстлик ришталари, маданий-маънавий, адабий-маданий алоқалар Чингиз Айтматовнинг фусункор ижоди, серқирра ижтимоий фаолияти боис янада ривож топди.

“Айтматов ижоди бизга кўп жиҳатдан сабоқ бергулик мактабдир,— деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов,— Менинг учун Айтматов сабоқларидан бири қуйидагича: Чингиз оға ўзининг бениҳоя жасур истеъдоди билан ҳар қандай маҳдуд, қийин шароитда ҳам ҳақиқатни қиёмига етказиб, ўринлатиб айта билишини исботлади. Адибнинг “Алвидо, Гулсари” асарини эсланг. Асар қаҳрамони Танабойнинг¹¹¹ ҳам, унинг содиқ йўлдоши Гулсари лақабли отнинг ҳам навқирон чоғлари жамият хизматиға сарф бўлди. Бироқ, улар қартайгач назардан, эътибордан қола бошладилар. Ёзувчи мана шу фикрни мураккаб шароитда катта маҳорат билан бадиий асарга айлантирди. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини, ҳаётий қимматини йўқотган эмас. Албатта,

¹¹¹ Совет Ўзбекистони, 1988, 13 декабрь.

хар қандай буюк адибнинг ҳам ўз услуби, оҳанги бўлади. Толстойни Достоевскийдан фарқлашда доҳиёна белгиларни илғаш мумкин бўлганидек, Айтматов ижодини кузатганда ҳам фақат унга хос бўлган фазилатларни дархол топа оламиз. Булар — чуқур инсоний фалсафа ҳамда ғоят гўзал поэтик руҳдир”.

Ёзувчи халқимиз тарихи ва маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, чуқур ҳис этади, буюк алломаларимиз билан ўзбек халқи каби фахрланади. Унинг қисса ва романларида, публицистик мақолаларида Ўзбекистон, ўзбек халқи, қадим тарихимиз, аجدодларимизнинг буюк маънавий мероси, Самарқанд ва Бухоро тарихи билан фахрланиш, Орол кўлининг тақдири билан боғлиқ ўринлар кўплаб учрайди. Шу жиҳатдан қараганда, Ч. Айтматовнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги йирик публицистик мақоласи ғоят аҳамиятлидир. Ушбу мақоладан айрим парчаларни оригинал тилида келтирамиз: «Патриотизм узбекского народа, нашедший самое яркое выражение в «темуриаде», служит не только формированию современного национального самосознания, что вполне естественно, — так же естественно, как восприятие Амира Темура всем тюркским миром, но главное при этом — в гуманистических побуждениях и убеждениях, рождающихся в данном процессе и исходящих от нас в окружающий мир. Сегодня Амир Темур и его эпоха постигаются нами как бы заново, сегодня он — на горизонте наших дум, и каждый народ видит его на стезе своей судьбы. Ибо перед нами явление безусловно колоссальной этноисторической значимости, обретающее ныне мощную актуальность в государствах Средней Азии, в восприятии ныне живущих поколений, людей конца XX века, потомков тамерлановской эпохи. И это происходит сегодня не только потому, что Тамерлан легендарен, намеркнуше легендарен, поистине личность звездного полёта, поднявший туркестанские народы из праха отсталости и забвения. Подчас вопреки их кочевому укладу, подчас принуждая их к тому силой, вовлекая в новую цивилизацию, к их собственному благу и прогрессу».¹¹²

¹¹² Журнал «Общественное мнение. Права человека». Т., 2000, № 1 – 2. стр. 112-115.

Публицистнинг бу хулосалари давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 1996 йили Тошкентда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро илмий конференцияда сўзлаган нутқида билдирилган фикрларга ҳамоҳангдир: “Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртни ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин яшаб ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табарруқ номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди... Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади, Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан шуғулланган”.¹¹³

Адибнинг «Асрни қаритган кун» романи қаҳрамонларидан бири Қазангап тақдир тақозоси билан олти йил Мирзачўлга келиб яшайди. Шу ерда хивалик Бўкей исмли қорақалпоқ қизга уйланади. Умри ниҳоясига етаётганида Орол денгизига бориб, бу баҳри уммон билан видолашади. Қуриб-қақшаб бораётган денгизнинг қум босган соҳилларига тикилар экан: «Орол дунё тургунча турар эди, мана энди, шу денгиз ҳам қуриятти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади», дейди ва Эдигейдан вафот этганида Она Байитга дафн этишини илтимос қилади. «Жамила»даги Дониёр ҳам бизга ёт эмас. «Турмуш бу муштдек болани не куйларга солмаган, тирикчилик дардида у қаерларга бош урмаган. Дониёр кўп вақт Чақмоқ даштида қўй боқиб юриб, вояга етгач, жазирама чўлларда канал қазиган, янги тузилган пахта совхозларида пахта экиб, экин суғориб, охири Тошкент яқинидаги Оҳангарон шахталарида ишлаб, ўша ердан армияга кетган эди».

«Чўққида қолган овчининг оҳи-зори»да Чингиз Айтматов Соҳибқирон Амир Темурнинг Шероз шахрида ҳофиз Шерозий билан бўлган учрашувини ёдга олади улуғ ҳукмдорнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Ўз шоирини

¹¹³ Каримов И.А. “Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1996 йил, 25 октябрь.

излаб юрган подшонинг кўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ, ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир». Зарафшон дарёси ошиб, атрофга хавф солганида собиқ иттифоқ матбуотида «Инсонга таъзим эт, Зарафшон» сарлавҳали мақоласи эълон қилинади. Устоз Миртемир домла «Манас» эпосининг дастлабки қисмларини ўзбек тилига ўгириб, муҳокама қилиш учун Қирғизистонга юборганида, Чингиз оға кўлэзмага: «Ҳеч қандай эътирозим йўқ, жуда яхши таржима қилинган. Чўнг шоир Миртемир шундай иш қилдики, биз энди ундан қарздор бўлиб қолдик», дея юқори баҳо беради. Ва яна: «Миртемирни Ўзбекистонда қандай севсалар, ҳурмат қилсалар, кадрласалар, бизда, Қирғизистонда ҳам шеърият мухлислари ва, умуман, «Манас»ни миллий тарихий бойлигимиз сифатида, ақлий эпик ижоднинг чўққиси сифатида севиб, эъзозлайдиган, кадрлайдиган ҳар бир киши, «Манас» ҳақида қайғуриб, уни республикаимизга қўшни бошқа вилоятлардаги одамлар ҳам иложи борица кўпроқ ўқишини ўйлаган ҳар бир киши, — у ким бўлишидан қатъи назар,— Миртемирни ёдга олмаслиги мумкин эмас, уни миннатдорлик билан эсламаслиги мумкин эмас, бинобарин, биз зўр эътибор билан ўрганаётган ва ўрганишимиз лозим бўлган жуда қадимий ва бой анъаналарга эга бўлган ўзбек халқи адабиётини, маданиятини эҳтиром билан ёдга олмаслиги мумкин эмас ва мен ўйлайманки, биз ҳам ўз навбатида, ўзбек адабиёти ва маданияти бойликларини ўз ижодий истеъмолимизга қўшиш учун ҳаракат қилишимиз керак, албатта шундай қиламиз». Бу сўзлар ҳам Чингиз Айтматовга тегишли.

Ўзбеклар диёрини ўз юртидай, одамларини туғишган оға-иниларидай кадрлайди. Миртемир, Зулфия, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мақсуд Қориев, Асил Рашидов, Анвар Жўрабоев, Суюн Қораев ва бошқа кўплаб ижодкорларни яқин дўст билиб, улар билан умрининг охиригача самимий мулоқотда бўлди. Чингиз оға, айниқса, Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилида чоп этилаётган асарларидан кўра ҳам кўп нусхада босилаётгани, “Сарвқомат дилбарим”, “Момо Ер”, “Оқ кема”, “Алвидо Гулсари”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби асарлари ўзбек саҳналарида намоиш

этилатгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишлатгани, республиканинг кўплаб олий ўқув юртларида ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари доимий равишда ўтказишлатганидан хурсанд эди. “Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман,— деган эди Чингиз оға.— Чунки менинг “Оқ кема”, “Жамила”, “Алвидо, Гулсари” каби бир қанча повестларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ўзгандай жарангли таржима қила олган”.

“Чингиз Айтматов публицистикаси — ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билим савияси жуда кенг, иттифок, ҳатто жаҳон адабиёти дурдоналарини кўп ва ҳўб ўқиб, мағзини чаккан, гражданлик туйғуси кучли, мамлакат тақдирига чуқур даҳлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказувчи, далил, ҳодиса ва жараёнларга замонавий онг, сайёравий тафаккур (“планетарное мышление») юксаклиги ҳамда теранлигидан қараб ҳукм чиқарувчи, баҳо берувчи дониш, етук, истеъдодли ўзувчининг публицистикасидир,— деб ўзади адабиётшунос олим Сайди Умиров. – Унинг очерк ва эсселари, мақола ва хатлари, суҳбат ва нутқлари қамровининг кенглиги, маъносининг теранлиги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган далил ва мисоллар, босиқ ва эҳтиросли, чўнг ва тигдор фикрларга, санъаткорона мушоҳада, фалсафий муҳокама, публицистик мулоҳазаларга бойлиги, тилининг соддалиги, ширадорлиги, образлилиги, рангдорлиги, сўз ва ибораларнинг аниқлиги... ва яна кўп фазилатлари билан ажралиб туради. Адиб публицистикаси ҳақида сўз юритиш ўз-ўзидан унинг маҳорати ҳақида мушоҳада қилиш демақдир. Бунда, аввало, шижоат ва жасорат алоҳида таъкидланишга лойиқ... Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг, мабодо ўзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, энг биринчи моддаси қилиб шижоатни қўяр эдим, деган маънода айтган гаплари беихтиёр ёдимизга келади. Бошқалар минг андиша, эҳтиёткорлик қилиб, чўчиб айтолмаган гапни биринчи бўлиб, асослаб, далиллаб, маромига етказиб айтиш, долзарб, ўткир, газакли муаммоларни бутун

мураккаблиги билан кескин ўртага қўйиш... Ч. Айтматовнинг бадиий асарлари каби мақола ва хатлари, нутқ ва суҳбатлари учун ҳам хосдир...¹¹⁴

“Айрим асарларни китобхон ва танқидчи сифатида идрок этганимизда, фавқулудда ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз, — деб ёзади драматург Мар Бойжиев. — Айтматовни ҳаммамиз севамиз, унинг истеъдоди ва маҳоратига қойилмиз. У барчага яқин ва тушунарли. Таъкидлаб айтаман, барчага. Ваҳоланки, бошқа қирғиз ёзувчиларининг ҳам қизиқ, ҳатто талантли асарлари борки, улар бизнинг ўзимизда муносиб бир тарзда эътибор топади-ю, республикадан ташқарига чиқса, жарангламай қолади... Шу боисдан, қўлимга қалам олганимда, вужудимни турли шубҳалар қоплаб, ўйланиб ҳам қоламан. Ёзаётганим керакли бир нарсаник Шундай ёзсам бўлармикин? Ёзганларим юртдошларим билан бирга Қирғизистондан ташқаридаги китобхонларга ҳам маъқул бўлармикин.. Айтматовнинг тажрибасига келганда, очиқ айтишим керакки, бу тажриба менга ҳалал беради. Ҳалал беришининг маъноси шуки, Айтматовдан кейин миллий мавзуда унинг даражасида ёзиш қийин. У юксалиб бораётган прозамиз тараққиётидан ўн йиллар олдинга сакраб ўтиб кетди. Эндиликда бизнинг олдимизда нима ҳақида ёзиш кераклигидан кўра, қандай ёзиш керак, деган муаммо кўндаланг туриб қолди”. Драматургнинг яна бир фикрига эътибор беринг: “Драматургиянинг миллийлиги асар қаҳрамонларининг одатлари, феъл-атвори, қаламга олинган воқеликнинг вақти ва ўрни, муайян миллатга мансублиги билан ўлчанмайди. Воқеа қишлоқ ёки шаҳарда кечадики, бундай ўлчам тор миллий, маҳаллий мазмуннигина белгилайди. Менимча, соф миллий драматургиянинг олий намунаси ўзининг бирмунча лўнда, аниқ бўлган миллий қиёфаси ва, асосан, руҳиятидан ўсиб бориб, нафақат битта миллат ёки минтақа, балки дунёвий муаммолар сари боради. Бу ўринда воқеа ҳатто кичик бир оролчада ҳам юз бериши мумкин, лекин у шу жойда ривожланиб, бутун қитъанинг муаммосини ўртага ташлай олиши керак. Мен “олий намуна” иборасини бекорга ишлатмадим. Бу билан

¹¹⁴ С. Умиров, “Ер ҳам сув-ла ҳамкор, яқалам. Адиб публицистикаси ҳақида ўйлар”, “Қишлоқ ҳақиқати”, 1988 йил, 10 декабрь.

таъкидламоқчиманки, худди шу кўриниш ҳозирча фақат Чингиз Айтматов ижодида яшаб турибди. Айтматов қаҳрамонлари гўё оддий қирғиз халки, бироқ улар ўртага ташлаган муаммолар хаттоки ер шари барча аҳолиси учун бирдек тааллуқли. Дунёнинг бир чеккасида олис қумлар бағридаги икки-уч хонадондан иборат кичик қишлоқ кишилари бутун замин, қолаверса, коинот масалаларини ўртага қўйганларида, бу энди қирғиз халқининггина муаммоси бўлиб қолмайди...”.¹¹⁵

Чингиз Айтматов “Правда” газетасининг Ўрта Осиё бўйича мухбири бўлиб ишлар экан, минтақа кенгликларини кезиб юриб, юртимизда турли касб эгалари — академиклар Ғафур Ғулом, Қори Ниёзий, ўша йилларнинг машҳур пахтакорлари Манноп Жалолов, Турсуной Охунова, Жўрабой Ғойипов, Ўсканбой Саримсоқов ва бошқа кўплаб донгдор ишилар билан суҳбатлашади, Мирзачўл ва Андижондаги илғор пахтачилик хўжаликларида бўлиб, пахтакорларнинг ҳаёти билан бевосита танишади. Тошкентдаги кинохроника студиясида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро тарихига оид ноёб ленталарни томоша қилади, кўрик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилишига оид тарихий ҳужжатларни ўрганади. Мирзачўлда янги ер очаётган чўлқуварлар билан суҳбат куради, яйдоқ дашт изғиринларини, тупроқни эндигина ёриб чиққан нимжон пахта кўчатлари гармсел шамолида қандай нобуд бўлаётганини, одамлар қайта-қайта ерга уруғ қадаётганларини ўз кўзи билан кўради. Ва, шундан кейингина кўлига қалам олади. Натижада машҳур “Пахтанинг ойдин йўли” (“Лунная дорога из хлопка”) сарлавҳали публицистик тадқиқот мақоласи юзага келади.

Публицист мақола учун кўпдан-кўп рақамлар, фактлар тўплаган, пахта толасини қайта ишлаш жараёнини ўрганган, бу ноёб экин туридан ишлаб чиқиладиган газламаю ёғ, совун, кунжарагача қизиққан бўлса-да, мақолада уларни қалаштириб ташламайди. Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори, деган баландпарвоз сўзларни такрорламайди. Аксинча, ўқувчи эътиборини гоҳ ўтмишга, гоҳ фазода учиб бораётган космик кемага, пахта далаларига қаратади, мулоҳаза юритишга чорлайди. Дастлабки “юк”ли сатрлардаёқ муаллифнинг

¹¹⁵ “Марказий осийе маданияти” ҳафталиги, 2002 йил, № 12

мақсади ойдинлашади: ”Қадимий ўзбек маданияти ўзининг ажойиб ютуқлари билан азалдан ҳам машхур, — деб ёзади у. — Ўзбеклар Ўрта Осиёда тенги йўк ирригатор, деҳкон сифатида танилган. Ўзбек меъморлари фусункор Самарқанд ва Бухорони бунёд этдилар. Ўзбек халқи орасидан ўрта асрнинг машхур астроном олими Улуғбек, абадий барҳаёт Алишер Навоий етишиб чиқди. Кейинчалик демократ шоир ва ёзувчиларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқдики, улар орасида Муқимий, Фуркат каби улкан адиблар бор. Буларнинг ҳаммаси ўзбекларнинг маданияти, фани, санъатига тааллуқлидир, буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг миллий хазинасидаги дурдоналардир”.

Публицист улкан пахта хирмони юксалаётган кузги йиғим-терим палласини жуда маҳорат билан, таъсирчан бадиий воситалар орқали тасвирлайди: “Кўз ўнгингизга Ўрта Осиё куз тунини келтиринг. Юлдузли тунда қорли тоғлар, улкан чўллар бағрида ям-яшил водийлар, қишлоқлар, йўл ва дарёлар ястаниб ётибди. Сиз фақат самодагина эмас, балки бу ерда, йўлларда, далаларда ҳаракат қилиб юрган чароғон юлдузларни кўрасиз. Бу — пахтакор тунининг чироқларидир. Энди космосга қараб йўналган, Ой томон турна қатор тизилган “оқ олтин” ортилган шафақранг эшелонларни тасаввур қилинг. Шунда сиз пахта ортилган бу космик эшелоннинг узунлиги Ой билан Ер ўртасига тўрт марта бориб келишга етади деб ҳаёлан қиёс қиласиз. Бу ерда ҳеч қандай муболаға йўқ. Буни академик Қори Ниёзий ҳисоблаб чиққан. Бу — старт майдони ўзбек пахтакорлари даласидан Ойга томон учирилган улкан оқ ракета арифметикасидир...

— Ҳа, азиз газетхон,— давом этади публицист, — ҳозир сиз газетани кўлингизга олаётган бир пайтда Ўзбекистонда навбатдаги тонна-тонна пахта териляпти. Бу ерда кечаю-кундуз пахта теришади, куну тун пахта теришади. Бутун халқ шу иш билан банд, одамларнинг кучи, ақл-заковати шу “оқ олтин” билан боғлиқ. Океан сувларида ҳайбатли айсберглар пайдо бўлганидек, ўзбек ерининг саҳий бағрида ўстирилган “оқ олтин”дан пахта пунктлари кун сайин эмас, балки соат сайин, минут сайин тоғ-тоғ хирмонлар қад кўтаради...”¹¹⁶

¹¹⁶ “Правда”, 1964, 9-10 ноябрь, “Совет Ўзбекистони”, 1964, 11 ноябрь .

Муаллиф миллион-миллион тонналаб пахта етиштиришдек оғир вазифа Ўзбекистонда меҳнаткаш халқ зиммасига юклангани, одамлар, асосан, пахтачилик билан “кечаю кундуз, куну тун” машғул эканликларини таъкидлар экан, ўзи оқ, аммо иши машаққатли бўлган бу юмушга нисбатан ўз муносабатини ҳам билдиради: “Йиллар ўтади, Мирзачўл янада навқирон, гўзал водийга айланади, лекин мирзачўлликлар чўллар мирзосига биринчи бўлиб хужум бошлаган кишиларни, уларнинг жасорати ва матонатини, табиат инжиқликларини мардонавор енгиб гиёҳсиз чўлда ҳаёт барпо этган кишиларни унутмайди. Кимсасиз даштда, изғиринда қолиб, шўрхок ерларда экинзор барпо этган, кадамма-кадам юриб, ерости сувларини қочирган, қўшқулоқ бўлиб чиққан ҳар бир ғўза ниҳоли устида худди она ўз боласига меҳрибон бўлганидек, парвона бўлиб турган, қаламчалардан ток ўстирган кишиларни ҳамиша ёдида сақлайди...”.

Айтматов Мирзачўл изғиринларини Устюрт бўронларига қиёслайди. Бу ерда ҳам, у ерда ҳам одамлар табиат билан олишиб ётишибди. Ҳар қарич ер, ҳар култур сув, ҳар ҳовуч дон учун чинакамига кураш бораётганини айтади. “Сув эса йўқ эди. Сирдарё узоқдан оқиб ўтади. Кишилар ўз меҳнатларини қуёш билан боғлайдиган сув ҳақида орзу қилардилар. Қудратли ирригатор Фарҳод ҳақидаги мунгли афсона (Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони кўзда тутилмоқда — М. А.) ана шундан тўқилган. Лекин у, ҳатто афсонада ҳам ўз мақсадига етолмай ҳалок бўлади. Агар Фарҳоднинг нурли руҳи ҳозир Мирзачўлда кезиб юрган бўлса, у эҳтимол қувончдан кўзларидан юм-юм ёш тўқаётгандир ёки каналлардаги табаррук сувга тўймай боқиб, юраги орзикаётгандир...”.

Дарҳақиқат, йиллар ўтиб Мирзачўл бўстонга айланди, кимсасиз дашт бағрида янги замонавий посёлкалар қад ростлади. Оддий чўлқуварлар сафидан қишлоқ хўжалиги илмини чуқур ўзлаштирган ажойиб меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқди. Аммо шўро тузумининг пахта борасидаги ғайрихалқчил сиёсати бора-бора шу ҳосилни етиштирувчи олтин қўлларни итоаткор қулларга айлантирди. Ҳаводан туриб пахта далаларига, сув ва бошқа экинзорларга

сепилган захри қотил ўз ишини қилмай қўймади. Бу ҳам етмаганидек, ўзбек халқи шаъни ерга урилди, “пахта иши” деган айблов билан минглаб пахтакор деҳқонларнинг қўлига кишан солинди. Халқимиз ёппасига порахўрликда, кўзбўямачиликда айбланди. Бутун умри далада ўтган асл фарзандлар қийноққа олинди. Ўтган аср саксонинчи йилларининг ўрталарида собиқ иттифоқнинг марказий нашрлари деярли ҳар куни ўзбек халқини қораловчи, миллий, диний кадриятларини таҳқирловчи мақолаларни пешма-пеш босиб чиқара бошлади. Шунда Чингиз Айтматов иттифоқ минбаридан туриб, яна ўз сўзини айтди, халқимиз шаънини, кадр-қимматини ҳимоя қилди.

“Правда” газетасининг 1963 йил 5 ноябрь сонида эълон қилинган бир саҳифалик мақола (Йўлдош Муқимов билан ҳамкорликда) “Бухоро-Урал газқувури қурилишига — “даралардан ҳатлаган дулдул”, “газ оқувчи Волга”га бағишланган. Муаллифлар аввало Бухоронинг қадим ўтмишига мурожаат қилиб, шундай ёзишади: “Асрлар мобайнида атрофида жоҳиллар фитна-иғво қилиб юрган минора ёнидаги бинода (Бу жумла, шубҳасиз, ўша йилларнинг даҳрийлик сиёсати таъсирида қоғозга тушган — М. А.) эндиликда Абу Али ибн Сино номидаги улкан кутубхона жойлашган. Буюк олим ва файласуфнинг кўпгина авлодлари оддий кишиларнинг бахтли қисматини орзу қилиб келдилар. Бу номлар қаторида маърифат, маданиятнинг оташин соҳиби Аҳмад Донишнинг номи порлаб турибди... Аҳмад Дониш ўз асарларидан бирида Бухорога хитоб қилиб, бундай деган рус олимини эслайди: “Заминингиз кўпдан-кўп табиий бойликларга кон. Бу ерлар қўйнидаги сирларни билиш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаш керак. Бу бойликлар одамларга катта наф келтиради...”.

Журналистлар трасса қурилиши жараёнини жуда ҳаяжонли тасвирлашади. Саҳифанинг “Газ дирижёрлари” бўлимини ўқиб, шундай улкан оқимни моҳирик билан бошқариб турган “газ фармонбардорлари” — ўнинчи синф ўқувчиси Мария Токранова, қўқонлик Жамила Азимова, Лидия Донская, Олга Ли ва бошқаларга ҳавас қиласан. “139-қудукда 10 кеча-кундуз”га келганда эса вуджудингни ҳаяжон чулғаб олади: “...тунги соат 11 да қудукдан тўсатдан лойқа фонтан бўлиб отилиб чиқди, лойқа орқасидан қулоқни батанг қиладиган товуш

билан газ фонтани кўтарилди... Газ оқими кишиларни оёқдан йиқитар, улар нимаики қилмасинлар, фонтанни тўхтата олмадилар. Газ борган сари каттарок куч билан, худди реактив моторлар гулдуриси каби гуриллаб, пармалаш вишканининг трубаларини чайқатиб, вишканинг бир неча тонна оғирликдаги жиҳозларини силкитиб атмосферага отилиб чиқарди. Ёнғин чиқиб кетиши ҳеч гап эмас... Борди-ю газ аланга олгудек бўлса, бир неча квадрат метр майдондаги ер ўпирилиб, бутун бош иншоот хавф остида қолиши мумкин...”.

Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг юксак ақл-заковати, тарихи, буюк аجدодлардан қолган бой маънавий-илмий мероси ва келажаги тўғрисида кўплаб мақолалар ёзди, қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслади. Ёки бошқа бир мисол. 1990 йили Ўш ва Ўзганда қонли қирғин содир бўлганида Чингиз Айтматов айрим адиблар сингари ўзини четга олмади. Можародан жафо чеккан ҳар икки томоннинг дардига дарддош бўлиб, улар ёнида турди. Икки туркий қавми тўқнаштириш аслида кимларга керак бўлиб қолганини куюниб, ички бир изтироб билан тушунтирди, радио ва телевидениеда, матбуот саҳифаларида мақолалар ёзди. “Биз тарихни қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга уринмайлик, у ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди, – деб ёзган эди у “Известия” газетасида эълон қилинган “Жаҳаннам узра қарғалар фарёди” мақоласида. – Миллий низолар шуниси билан кўрқинчлики, ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираётган азоб-уқубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишлари ва даъволарига кўра қабул қилади. Оқибатда кўр-кўрона ўч олиш истаги жўш уради, бу бениҳоя даҳшатли бир юқумли касаллик — нафрат вабосини урчитади. Нафрат вабо каби урчигандан сўнг, худди тоғдан тушган сел оқими янглиғ, бир зумда асрлар давомида шаклланган ақл-идрокни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси бу. Шунда қасос олишга интилган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга айланади. Бу энди яраштирувчининг фожиаси”.

Айтматов, гарчи шундай деган, шу сатрларни ёзган бўлса-да, ўзбек адаблари Одил Ёқубов, Пиримкул Қодировлар билан бирга яраштирувчилик масъулиятини зиммасига олди, катта гражданлик жасорати билан ўртадаги низо урчиб кетмаслигига ўз хиссасини қўшди. Энг оғир пайтда “Биз адаблар... китобларимиз саҳифаларида одамийлик уруғларини экишга ҳаракат қилдик, аммо ҳаёт бизни қонли ўримга дучор қилди”, дея тан олди.

Адабиётшунос олим Ғайбулла Саломов ўзининг “Мен сув ичган дарёлар” китобида Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига меҳри-ю, ўзбекларнинг Чингиз оғага бўлган муҳаббатини жуда чиройли тасвирлайди: “Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп. Зўр, иқтидорли, инсон қалбини ларзага солувчи соҳиби қаламлар оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчалик оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсту қадрдони сифатида бундай одамохунни топиш қийин. Бутун марказий матбуот (Собик иттифоқ матбуоти дейилмоқчи – М.А.) зўр бериб “ўзбеклар иши” ҳақида оғиз кўпиртириб ёзиб турган бир пайтда... у қайғумизга қайғудош, елкамизга елкадош, бағримизга бағирдош бўлиб, жумҳуриятимиз, унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида бор ҳақиқатни айтишга журъат этди... Юз йиллар ўтар, ўзбек халқи Чингиз Айтматовнинг бундай ғурур, таскин ва ҳамдардлик билан айтган ҳалим сўзларини унутмайди. Унутолмайди. Дориломон кунларда нима кўп, ҳар хил дўст, оға, қардош, биродар кўп. Бироқ, айтадилар-ку, “Мол дўстинг бошқа, жон дўстинг бошқа” деб... Чингиз ўзбек халқининг жон дўсти. У ўзбек халқига кўнгли яқин ёзувчи. Адиб қўли қадоқ халқимизнинг тақдир ва қисматига муносабатдош, унинг бахтига сарафроз, ташвишларига тенг шерик, мусибатига қайғудош. Ўзини ўзбекка ўзбекнинг ўз фарзандидай яқин олади. Ўзбек халқи ҳам Чингизни ўз адаби деб ардоқлайди, асарларини соғиниб, орзиқиб, энтиқиб ўқийди. Биз Чингизнинг асарларида умумтуркий оғзаки ижод мотивлари, Манас ва Алпомишнинг қон-қардошлигини, қалбан, руҳан яқинлиги билан бирга, классик адабиётимиздаги ўлмас образлар, ғоялар, оҳанглар таъсирини кўриб қувонамиз. Улуғ Навоийнинг «Хамса»сидаги чуқур руҳий кечинмалар («Лайли ва Мажнун»), Мажнуннинг одамлардан безиб, тоғларга бош олиб кетиши, у

ерларда йиртқич, ёввойи ҳайвонлар билан дўст тутиниши ҳақидаги ғоят таъсирчан манзаралар билан Акбара ва Тошчайнар тасвиридаги («Қиёмат») узвийлик, муштараклик, ворисийлик ва давомийликни кўрамиз. Ёзувчининг Исо алайҳисалом билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дарбадар кезган, ўзининг масиҳий ҳақ сўзи учун бошини дорларга қўйган буюк жабрдийда шоир, девонаи Машрабимизнинг аччиқ тақдири ҳамда бир яхши замондош шоиримизнинг образли таъбири билан айтганда, «сахар чоғи Машраб бўлиб келаётган сарпойчан Ўзбекистон»имизнинг бугунги манзаралари, республикамиз бугунги одамларининг тақдир ва қисматлари кўз ўнгимиздан бирма-бир ўта бошлайди»¹¹⁷

«Ўзбек иши»ни кўпиртираётган ғаламислар ўз ғалабасини нишонлашга тайёрланаётган бир пайтда Чингиз Византия ўз вақтида славян халқлари тақдирида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар ҳам Марказий Осиё халқлари тарихида шундай роль ўйнаган, дея ҳайқирди,— деб ёзади адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов.— Унинг бу ҳайқириғи ўша машъум кунларда ҳар бир ўзбекнинг қаддини ростлаб олишга, бошини мағрур кўтариб юришига ёрдам берган эди».¹¹⁸

Киношунос олим Ҳамидулла Акбаровнинг кузатишича, Чингиз Айтматов романтикадан, воқеликни, ҳаёт лаҳзаларини шоирона идрок этишдан, лиризмдан бадиий публицистикага, ҳужжатли асар стилистикасига яқинлашиб келади. Айтматов бу фикрга қўшилган ҳолда қуйидагиларни таъкидлайди: «Кассандра тамғаси» олдинги асарларимидан тубдан фарқ қилади. Уни мен Европада истиқомат қилаётганимда, «қайта қуриш» даврини ўтаб бўлганимизда ёздим. Шунданмикин, билмадим, ҳар қалай бу романда умуминсоний йўналиш мавжуд. Унда бирор халққа яқин бўлган, муҳит, тарих қатламлари йўқ. Мен умуман инсоният учун мос келадиган умумий бир бадиий шакл топишга

¹¹⁷ Ғ. Саломов. Ч.Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун», «Қиёмат» романлари нашрига ёзилган сўнгсўз. Т., 1989, 559-бет.

¹¹⁸ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004, 6 август.

интилдим. Мақсадимга етдимми, йўқми — китобхонга ҳавола. Лекин шундай изланиш бўлганини эслатиб ўтишни истардим. Бу жараён осон кечмади». ¹¹⁹

Адибнинг деярли ҳар бир мақоласида янги, бошқалар айтиб улгурмаган фикрга дуч келамиз. «Ҳозир ҳаммамизни дунёда кечаётган жараёнлар тавишга солмоқда,— дейди адиб.— Такдиримиз нима бўладиқ» деган савол ғоят жиддий тус олди. Тинч-хотиржам яшаш учун курашаётганлар, болалари, набиралари ҳам тинч-хотиржам яшашлари учун кураш олиб бораётганлар ўпайиб бормоқда (Улар сони жуда кўп). Аммо, яна шунақа одамлар ҳам борки, улар худди моллюскалардай атрофларида кечаётган воқеа-ҳодисалардан яшириниб, ўз қобикларига биқиниб олганлар...». ¹²⁰

Чингиз Айтматов Осиё ва Африка мамлакатлари III халқаро кинофестивалида қатнашар экан, улкан икки қитъа киноарбоблари олдида турган муҳим вазифалар, ҳал қилиниши лозим муаммоларга тўхталиб, биринчи навбатда чиройли ва ўта романтикадан тезроқ реализмга ўтиш, ҳаётий воқеалар, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга кўпроқ мурожаат қилиш зарурлигини таъкидлайди. «Кино карвонлари шаҳарлардан-шаҳарларга, ўлкалардан-ўлкаларга, қитъалардан-қитъаларга йўл олмоқда,— дейди адиб фестивалнинг тантанали ёпилиши маросимида сўзлаган нутқида. — Бизнинг ҳаммамизни бу карвонлар қандай юklar билан бораётгани қизиқтиради. Бу юklar ноёб бойликларми ёки сохта, қалбаки нарсаларми, чинакам санъат асарларими ёки санъат асари ниқобига яширинган лаш-лушларми — бу масалага прогрессив кино санъатининг тақдири билан қизиқадиган ҳеч бир одам бефарқ қарай олмайди».

Адибнинг маҳорати шундаки, бу сўзлар ўша пайтда қанчалар долзарб бўлган бўлса, бугун ҳам, орадан узоқ вақт ўтганига қарамай, ўз аҳамиятини йўқотмади. Бугун ҳам бу ноёб санъатнинг тақдирига бефарқ қараб бўлмайди.

Шу ўринда адибнинг адабиётшунос Н. Хохлов билан қилган суҳбатидаги бир фикрга эътибор берайлик. Ҳар бир ёзувчи ҳаётий воқеа-ҳодисаларни

¹¹⁹ “Миллий тикланиш, 1997, 15 июль.

¹²⁰ Қаранг: “Советская культура”, 1986, 8 февралы.

бадий асар мақомида умумлаштирар экан, ўзи учун мақбул бўлган йўлни танлайди. Чингиз Айтматов хвр гал янги асар устида иш бошлар экан, аввало ўқувчига шу асари орқали нима демоқчи, қандай муаммо хусусида баҳс юритмоқчи, жамият эътиборини қандай масалага қаратмоқчи эканлигини аниқлаб олади. «Асар қандай бошланиши, ўртаси қандай бўлиши тасаввуримда ҳали аниқ шаклланмаган бўлса-да, якунни пухта ўйлаб қўйган бўламан. Иш столига ўтириб, сўнгги бобни ёзиб ташлашим мумкин. Агар мен якунни топа олсам, бу ишим кўнгилдагидай бўлишига ишончим ортади».¹²¹ Ёзувчи учун бу муҳим эмас. Бир қарашда тўқима, умумлаштирилган персонажлар бадий асарнинг ўзида яшаши керак. Аммо амалда бундан бошқача ҳолатлар ҳам бўлади. Чингиз Айтматовга йўлланаётган мактубларда ҳатто адибнинг ўзи учун ҳам кутилмаган мулоҳазалар учрайди: «Жамила бизнинг овулда соғ-омон яшаб юрганини сизга билдириб қўймоқчиман, уч фарзанднинг онаси бўлди, ейиш-ичишдан камчилиги йўқ...», «Мен ўша сиз тасвирлаган Мўмин бўламан. Ҳозирча соғлиғим яхши, эл қатори яшаб юрибман. Бола бўлса анча ўсиб қолди. Аммо яқинда бир ёмон ишга аралашиб қолди-да. Қамаб яхши қилишмади. Илтимос, ёрдам беринг...», «Биринчи ўқитувчи — менман, миллатим ўрис, сиз фақат қирғиз деб ёзгансиз...».

Адиб бундай мактубларнинг кўпига жиддий муносабат билдиради, китобхонлар билан баҳсга киришишдан ўзини четга олмайди. Чунончи, ўқувчиларнинг саволларига жавоб тариқасида ёзилган «Инсонийлик... тақчилмиқ» сарлавҳали мақоласида маънавият, ахлоқ муҳофазаси тўғрисида фикр юритади: «Истеъмолчилик ҳирси кўзга кўринмайди, шу боисдан ҳам у ўта хавфли, маккор душман. У қалбни ичдан, билдирмай, секин-аста айнитиб, кемириб боради. Бу дардга чалинган одам ҳеч кимнинг тинчини бузмайди, бировни тунамайди, жонига қасд қилмайди. Лекин ҳаётда шахс сифатида ўзини барбод қилади».¹²² Адибнинг фикрича, истеъмолчилик кайфияти, ҳирси-ҳавасини бошқа бир хавфли касаллик — жамият тарақққиётининг кушандаси

¹²¹ Счастье жить на белом свете. “Известия”, 1984, 17 март.

¹²² “Литературная газета”, 1981, 12 август.

бўлган маънавий тақчиллик келтириб чиқаради. Инсон ахлоқи, маънавиятидаги айнишлар охир-оқибат яратиш, етиштириш, бунёд этиш эмас, аксинча, тайёрга айёрлик, бўлиб олиш, ўмариш, фақат ўз манфаатини ўйлашдек номақбул психологияга олиб келади. Бундай кайфият аввал алоҳида-алоҳида шахсларнинг маънавий оламига, сўнг эса жамиятнинг пойдеворига салбий таъсир кўрсатади. Бошимизга ёғилиши мумкин бўлган мисли кўрилмаган ҳалокат — бу фақат атом, иссиқлик қуввати каби инсонни (балки, жамики тирикликни) Ер юзидан жисмонан йўқотиб юборадиган хатаргина эмас, айтиш чоғда инсониятнинг ичидаги инсонийликни таг-томири билан маҳв этиб юборишга қодир бўлган даҳшатли ҳалокат ҳам рўй бериши мумкин.¹²³

Адабиётшунослар Чингиз Айтматов қиссаларидаги кўплаб мифик ҳикоя-ҳодисаларга алоҳида эътибор берадилар, уларни романтик ижод тури деб баҳолайдилар. Бу тўғри, албатта. Аммо синчиклаб кузатилса, адабнинг «Оқ кема», «Қулаётган тоғлар» каби асарларининг ўқувчи онг-шуурига ҳавола этилаётган маъно-мазмунида ижтимоий-бадий публицистикага хос фикр-даъват, фикр-уқдириш мавжудлигини англаш қийин эмас. Бу ҳолатни адабиётшунос олим Ҳамидулла Болтабоев «Оқ кема» мисолида шундай изоҳлайди: «Асар замирида, Боланинг нигоҳи ва қисматида ҳаёт шафқатсизлиги, унга ва қалбининг кўникиши каби даҳшатли ҳақиқат борлигини тушунамиз. Адиб Ўрозкулни «иш устида» кўрсатапти: «Маст Ўрозкулнинг болтаси нишонга бориб тегмасди, бу эса баттар унинг жаҳлини чиқаради. Калла гўла устидан думалаб тушди. Шунда Ўрозкул уни ердаёқ чопа бошлади. Калла сирғалиб кетаверар, Ўрозкул болта кўтарганча унинг орқасидан чопиб борарди... Калла аллақачон лой ва тупроққа беланган бўлса ҳам, кўз қорачиғи мусаффолигича боқиб турарди, афтидан, у ўзини ўлимга маҳум этган шу ёруғ жаҳонга тилсиз, унсиз ҳайратда қолиб, ҳамон боқиб тургандек эди... Болтанинг тиғи кўзга кўндаланг келиб текканда Бола сесканиб кетиб қичқириб юборди. Очилиб қолган кўз чаноғидан қоп-қора қуюқ суюқлик оқиб тушди. Кўз сўнди. «Мендан бундан зўрроқ каллаларни майдалай оламан! Бундан бошқа шохларни

¹²³ Ч. Айтматов, М. Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. Т., «Шарқ» НМАК. 1998, 125-бет.

ҳам суғуриб ола биламан!» деб жазавази тутиб бўкирарди Ўрозкул гуноҳсиз калладан нафратланганча...». Олимнинг фикрича, Ўрозкул кабиларни йўқотиш осон эмас. Бундай одамлар яхшиларни оёқости қиладилар, масхаралайдилар. Ч. Айтматов мўминчолларнинг мўминлигини, сусткашлигини алам билан тасвирлайди, тобелик психологиясини фош этади, китобхон кўнглида «мўминликка» қарши нафрат уйғотади»¹²⁴

«Асрни қаритган кун» романида тасвирланган воқеалар тафаккуримизни ёритиши, ўзимизни бир қарра таҳлил этиб, Олам ва Одамга янгича нигоҳ билан қарашимизга сабаб бўлди,— деб ёзади таниқли олим Нажмиддин Комилов,— Шу асар орқали «манқурт», «манқуртчилик» ибораси тилимизда ўрнашиб қолди; бу касаллик нимадан пайдо бўлиши ва қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келаётганини ҳозир ҳам кўриб турибмиз»¹²⁵

«Аргументы и факты» ҳафталиги муҳбири И. Попов билан суҳбатда Айтматов эътиборимизни яна бир муҳим масалага қаратади. Адиб суҳбатдошининг “Инсоният нега даҳшатли урушлардан тегишли хулоса чиқариб олмайдиқ” деган саволига қуйидагича жавоб қайтаради: “Инсонни алоҳида олганда у хавфли жонзот эмас. Унга ниманидир тушунтириш, онгига сингдириш мумкин. Бунга ишонса бўлади. Аммо инсонлар йирик гуруҳларга ажраб, миллат ва элат бўлиб, бузиш, вайрон этиш мақсадида қўлига қурол ола бошласа, бундай ҳолатда тўдага хос бўлган бузғунчилик кучи ҳаракатга келади ва уларга ҳеч нимани тушунтириб бўлмайди. Бунинг оқибатида бутун бошли асрдан миллий шовинизм, диний фундаментализм, бошқа бировларга ўз турмуш тарзини мажбуран тиқиштиришдек даҳшатли “натижа” мерос бўлиб қолади”.¹²⁶

Публицист-адибнинг бу хавотири бежиз эмаслиги орадан кўп ўтмай маълум бўлди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида, маълум маънода бугун ҳам, турли оқимларнинг ғаразли тўрларига илиниб, маънавий заифлашган, инсонийлик қиёфаси бутунлай емирилган айрим кимсаларнинг Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликни издан чиқариш, одамлар орасига миллий

¹²⁴ Асил Рашидов сафдошлари ва замондошлари нигоҳида. Тўплам. Т., “Ўзбекистон”, 2011, 90-бет.

¹²⁵ Асил Рашидов сафдошлари ва замондошлари нигоҳида. Тўплам. Т., “Ўзбекистон”, 2011, 70-бет.

¹²⁶ “Аргументы и факты», № 3, 2000 г., стр. 3

низо уруғини сочиш, яхши кўшничилик, қон-қардошлик илдизларига болта уриш, жамият ҳаётида парокандаликни юзага келтириш мақсадида ўз Ватани, эл-юртига қарши жиной ҳаракатлар содир этгани ва бу йўлдан ҳамон қайтмаётгани, ўз сафларига ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган, ишонувчан гўр ёшларни кўшиб олишга, бу билан улар ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ватандошларимизнинг ҳаётига зомин бўлаётганлари фикримизга далил бўла олади. Бу ҳолат Юртбошимиз Ислон Каримовнинг «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остидаги огоҳлик даъвати нечоғли катта аҳамият касб этишини кўрсатади.

Адиб публицистикаси тадқиқотчилар талқинида

Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарлари, баъзилари ҳатто қирғиз тилига ўгирилишдан олдин, ўзбек тилига таржима қилинган. Ҳаёти ва ижтимоий фаолияти тўғрисида кўпдан-кўп мақолалар эълон қилинган.¹²⁷ Адабиётшунос олим ва маҳоратли мутаржим Асил Рашидов таржимасида адибнинг «Бўтакўз», «Оқ кема», «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Эрта қайтган турналар», «Асрни қаритган кун» ва бошқа асарлари худди улар ўзбек тилида ёзилгандай таъсирчан, қирғиз халқ тили руҳи, оҳангдорлигига мос жаранглади. Таржимоннинг маҳоратида Чингиз оғанинг ўзи юксак баҳо берди. «Чингиз Айтматовнинг қаҳрамонлари бизга яқин ва таниш кишилар,— дейди Асил Рашидов.— Чунки ўзбек ва қирғиз халқларининг маънавий ҳаёти асрлардан бери бир-бирига пайваста, дили-дилига, тили-тилига вобаста, ери-ерига, қалби-қалбига туташ. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу ўлка бизга қанчалик қадрдон, қанчалик яқин ва таниш бўлмасин, адибнинг асарларини қайта-қайта ўқиганимиз сари ўзимизни янги бир оламга, маънавий дунёси беадад кенг ва мусаффо инсонлар орасига бориб қолганимизни ҳис қиламиз. Адиб қаҳрамонлари қалби кенг, ички дунёси ғоятда бой ва оддий, айна пайтда донишманд кишилардир. Улар «Байдамтол»даги Нурбек, Ася, «Юзма-юз»даги Саида, «Бўтакўз»даги Камол, «Жамила»даги Жамила, Дониёр, «Сарвқомат

¹²⁷ Қаранг: Философия жизни и творчества Чингиза Айтматова. Сборник статей, Т., 2004

дилбарим»даги Бойтемир, «Биринчи муаллим»даги Дуйшен, Олтиной, «Сомон йўли»даги Тўлғаной, «Оқ кема»даги Мўмин чол, «Эрта келган турналар»даги Султонмурот, «Алвидо, Гулсари»даги Танабой, «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар»даги Ўрхон, Киrisk, «Асрни қаритган кун»даги Эдигей, Абутолиплар ўзларининг самимий ростгўйлиги, матонати, жасорати, юксак ва гўзал инсоний фазилатлари туфайли ҳам жумлаи жаҳон китобхонлари муҳаббатини қозондилар, уларга маълум ва манзур бўлиб қолдилар.¹²⁸

Чингиз Айтматовнинг яна бир моҳир таржимони адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ўзбек китобхонларига кирғиз адибининг «Қиёмат», «Кассандра тамғаси», «Қулаётган тоғлар» асарларини тақдим этди. И.Ғафуров наинки юксак маҳоратли таржимон, айти чўғда Чингиз Айтматов ижодининг билгич ва толмас тарғиботчиларидан бири ҳамдир. «Айтматов асарлари инсон трагедияларига тўла,— деб ёзади таржимон.— Улар трагедияга учраган беғуборликлардир. Агар бу ҳодисалар беғуборлик бўлмасайди, улар фожиаларга учрамасди. Айтматов қаҳрамонлари учраган трагедияларнинг бош манбаи сталинизм яратган тарашадай ҳиссиз ва шафқатсиз партия бюрократизмидир. Сталинизм, унинг бюрократик аппарати бу — сегизбоевлар, қашқатоевлар, кўчқорбоевларгина эмас, бу улар яратган даҳшатли қурол — оберкандаловлар, бозорбоевлар, абакирлар, ўрозқуллардир. Бюрократизмнинг тагидан трагедиялар қайнаб чиқади. Бу трагедияларнинг қурбонлари ҳур фикрли беғубор кишилар. Қаранг, Акбара ва Тошчайнар қандай паноҳсиз. Авдий паноҳсиз. Исо паноҳсиз. Бўстон паноҳсиз («Кунда»). Ҳамма нарса гўё омонат. Ҳамма нарса гўё тубсиз зулмат чоҳ оғзига келиб қолган...

Авдийнинг бахти ва фожиаси унинг ҳалоскорлигида. Ҳамма ҳалоскорлар каби у кўр оломон билан тўқнашди. Шунда биз инсоният икки минг йил ичида унчалик ҳам ўзгармаганига гувоҳ бўламиз. Икки минг йил аввал ҳалоскор Исони чормих қилганларидай, икки минг йил кейин одамларни эзгуликка бошлаган Авдийни ҳам кимсасиз Мўйинқумда тириклай саксовулга осадилар. Дунёнинг бир чеккасига кетган ўт, Акбара ва Тошчайнарни беҳонумон қилган ўт —

¹²⁸ Чингиз Айтматов. ТА, сўзбоши, «Шарқ» НМАК, 2009, 11-12 бетлар.

нихоят ер фарзанди Бўстоннинг мустаҳкам ва пок хонадонига ҳам етиб келади, ўзга ерларда бошланган ўт унинг этагига туташади. Бу китоб фарёд чекаётган виждондир».¹²⁹

Иброҳим Ғафуров ва бошқа мутахассислар таржимон Асил Рашидовнинг маҳоратини шундай ифодалашади: «Асил Рашидов ўз таржималарида тушуниш ва талқин санъатини яхши эгаллаганини, бадиий ифодавийликда буюк адиб услубида тўла эш-йўлдошлик қилолганини кўрсатди., унинг таржималари табиий шоироналиги, экспрессив-ҳаяжонли интонацияси, туркиёна халқчил муқобилларга бойлиги билан ажралиб туради».

Айтматов севимли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан таъсирланиб, ўзбек адибига мактуб ёзади. Ўзбекистон адабий жамоатчилиги Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллигини нишонлаётганида Чингиз оға кадрдон дўстига телеграмма йўллаб, уни самимий муборақбод этади ва: «Мен машъум Ўш ёнғини кунлари сен ва Пиримқул билан гўё бир отанинг фарзандларидай, гўё уч ака-укадек оғир фожиа юз берган жойларга бориб, талофат кўрган оналарга ҳамдардлик билдирган онларимизни, уларнинг кўнглини кўтариб, тасалли беришга уринган кунларимизни бот-бот эслайман»,— дея узоқ йиллик самимий дўстини қутлайди. Бунга жавобан Одил ака кадрдон дўстига шундай мурожаат қилади: «Илоё, ўша машъум қора кунлар сира қайтиб келмагай. Мен сендай буюк ёзувчи, айти замонда оддий ва камтар инсон билан замондош бўлганимдан тоабад ифтихор қиламан. Яратган эгам мени сен билан узоқ йиллар дўст бўлиш, охириги йиллари эса олижаноб бир мақсад йўлида бирга ишлаш, сенинг дилбар суҳбатларингни олиш бахтига мушарраф қилди. Сўнги пайтларда мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман, айниқса, кечкурун, уйқум қочган дақиқаларда кўп эслайман. Чексиз қувонч ва миннатдорлик билан эслайман. Бизнинг бахтимизга, нафақат туркий халқлар,

¹²⁹ Чингиз Айтматов навечно в сердцах Узбекистанцев. Книга воспоминаний. Т., 2008, 194,198-бетлар).

балки бутун жаҳон халқлари китобхонларининг бахтига ҳамиша соғ бўл, каламинг бундан ҳам ўткирлашиб боравергай, қадрли дўстим!». ¹³⁰

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Чингиз Айтматов Тошкентда «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда», «Тошкент оқшоми» — «Вечерный Ташкент» газеталари чоп этила бошланганида, бу икки нашрга оқ йўл тилайди, бундай нашрлар, айниқса, қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётини ёритишга бел боғлаган газета жуда ҳам зарур эканлигини таъкидлайди. «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган «Инсон ва замин ҳақида ўйлар» мақоласида (1987 йил, 21 октябрь) газетхонлар, кенг жамоатчилик эътиборини муҳим бир масалага қаратади: «Экологик муаммолар эндиликда жуда муҳим ҳаётий проблемалардир, ҳозир буни ҳамма англаб олган. Чунки гап инсоннинг яшаш муҳити, келгуси авлодларнинг ҳаёти ҳақида бормоқда. Балхаш кўли қуриб бораётгани, Орол денгизи саёзлашаётгани жонимизни ачитади, бу ҳолат уларнинг қирғоғида яшовчи аҳоли учун чинаам офатдир. Ҳа, денгизни тўлдираётган сув пахтага ҳам керак. Айни вақтда жуда катта қурғоқчилик райони учун экология жиҳатидан ўта зарур бўлган денгизни, унинг иқлимини, унинг тўлиб-тошиб, мавжланиб турувчи «ҳаёти»ни қандай қилиб сақлаб қолса бўладиқ Бу ўткир муаммо ҳаммамизни ҳаяжонга солиши керак».

Айтматов ўзининг суҳбат-мақолаларидан бирида шаҳарларимизнинг бири-бирига ўхшаш архитектураси ҳақида танқидий мулоҳаза юритади: «Албатта, гулзорлар, истироҳат боғлари шаҳарнинг кўрки. Худога шукур, саҳий табиат кўчаларимизни гул-чечакларга буркаб ташлайди. Аммо шуниси ҳам борки, буркаб ташлаш билан бирга дидсизлик, фаросатсизлик билан қуриб-ташланиб кетилаверадиган кўпгина иморатларнинг кўримсиз қиёфасини ҳам кўздан яширади. Биз яшаётган бугунги кунда қадимий ва янги барпо этилган шаҳарларда жиддий ўзгаришлар бўлмоқда. Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳри тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Аммо у жуда кўримсиз, худди уятдан қизариб, яшил япроқлар орқасига яширинаётгандай қад ростламоқда. Янги қурилган бирон бир иморатга тикилиб қарайсану, бирданига «Бу иморатни

¹³⁰ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004 йил, 18 июнь.

каерда кўрганман, Тошкентдами, Владивостокдами ё бошқа бир жойдами», дея ўйланиб қоласан. Саёҳатчиларнинг олис-олислардан келиб кўришларига арзирмикин бизнинг шахримизқ Келишди ҳам дейлик, бир-икки кун уёқ-буёққа кўз ташлашади, шу билан тамом-вассалом, бошқа кўрадиган жойнинг ўзи йўқ».

Адиб юртимизда содир бўлаётган ўзгаришлардан худди шу эл фарзандидай фахрланарди. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори ошиб бораётганидан мамнунлик изҳор қиларди. Президент Ислом Каримовнинг Туркистон бирлиги ғоясини биринчи бўлиб қувватлаган ҳам Чингиз Айтматов бўлди. Шу мавзуда пойтахтимиз Тошкетда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг таъсис қурултойида Айтматов маънавий бирлик заруриятини қатъий ҳимоя қилди, маънавий бирлик – янги тарихий шароитда миллий юксалиш ва тараққиётга элтувчи ягона тўғри йўл эканлигини ғоят куюнчаклик билан изоҳлаб берди.

— Биз, адабиётчилар, янги тарихий шароитда янги муаммоларга дуч келдик, — деган эди ўшанда Чингиз оға қурултой минбаридан туриб.— Адабиётнинг бугунги вазифаси кечаги ўтган кунимиздаги вазифадан, зиёлининг жамият олдидаги ўрни ва масъулияти кечагидан тамомила фарқ қилади. Ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари тамомила ўзгариб кетди. Ҳозир, айтишим мумкинки, биргина Ўзбекистон ёки Қирғизистонда эмас, бутун минтақада, бутун дунёда ўзига хос тозариш жараёни давом этмоқда. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли бораётир. Тамойиллар ҳам, таомиллар ҳам ўзгарди. Миллий, умуминсоний қадриятлар қайтадан қаддини тикламоқда. Қуриб қолаёзган ирмоқлар, кўзлари ёпиб ташланган булоқларнинг кўзлари очилмоқда. Янгича умумбашарий тафаккур онг-шууримизга сингмоқда. Бундай шароитда адабиёт ўзгармай қолиши мумкинмиқ Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинмиқ Мумкин эмас! Адабиёт энди чинакамига халқчил, миллатпарвар, маънавий тараққиётимизнинг садоқатли хизматкори бўлиши керак. Адабиёт учун, Сўз учун шундай бир тарихий имконият вужудга келди. Буни қўлдан бой бермайлик...”.

Айтматовнинг фикрича, зиёлиларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари, ижодий мулоқотлар, адабиёт ва санъат кунларининг ўтказилиши, энг сара асарларни қардош тилларга таржима қилиш, ўзаро кино ҳафталиклари ўтказиш, рассомларнинг кўргазмаларини ташкил этиш бугунги мураккаб шароитда, ғарбдан “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган маънавий айнишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. “Борди-келдиларимиз деярли тўхтаб қолди. Ҳозир ўзбек адабиётида, хусусан ёш ўзбек адиблари ижодида қандай ютуқлар бор, улар қайси мавзуларни қаламга олмоқдалар, қандай янги йўналишлар мавжуд – бундан биз томондаги тенгдошларингизнинг хабари йўқ. Ва, аксинча, бизда нима гап, ёзилаётган, чоп этилаётган асарларнинг мазмуни, ғоявий-бадий савияси қандай – буни сизлар билмайсизлар. Бу кетишда бир-биримиздан жуда узоқлашиб кетамиз. Бора-бора бир-биримизни танимай қоламиз, бир-биримизга ишончсизлик, ҳадик кўзи билан қараш бошланади. Мен асло бўрттираётганим йўқ. Бепарво юраверсак, бир-биримизга интилмасак, шу даражага тушишимиз аниқ. Бу – тузатиш қийин бўлган катта маънавий фожиа бўлади...”.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган суҳбатда Чингиз оға зиёлиларнинг янги шароитдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги саволимизга жавоб қайтарар экан, шундай деган эди: “Адабиётда бизнинг ортимиздан истеъдодли, янгича фикрлай оладиган ёшлар келмоқда. Гоҳо ўйланиб қоламан, менинг: “Қадим Туркистоннинг ДУНЁга айтадиган ўз СЎЗИ бўлсин, ўз уйимизда ўралашиб юравермайлик, дунё кенгликларига чиқайлик, ўрни келса уни ҳайратга солайлик” деган гапларимни ёш издошларимиз қандай қабул қилишаркинқ Устозларга эргашиш, уларнинг йўлидан бориш – яхши нарсас. Аммо эргашишда ҳам эргашиш бор. Сиз, ёшлар, биздан ўзиб кетишингиз керак. Биздан ҳам зўр ёзишингиз керак. Кекса адиблар эгаллай олмаган чўққиларни забт этиш имконияти сизларга берилган. Ўз вақтида бизнинг авлод жуда эҳтиёткорлик қилган, асаримга қандай сюжет, қандай конфликт топсам экан, деб бошини кўп қотирган. Бугун бўлса, қаёққа қарама – сюжет, мавзу. Марҳамат, ёзинглар, янги романлар, қиссалар, драмалар, шеърий китоблар яратинглар. Бир-

бирингиздан ўрганинглари, бир-бирингизнинг энг яхши асарларингизни дунё тилларига таржима қилинглари. Лекин, бундан, ким нимани хоҳласа ёзавериши мумкин экан-да, деган фикр келиб чиқмайди. Афсуски, айти шундай ўйлайдиган, ҳаёлига келган нарсани, бу гап ҳаётда борми-йўқми – парвойига ҳам келтирмай ёзиб ташлаётган, пешма-пеш чоп эттираётган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Бундай ижод намуналарини ҳаётнинг ўзи тўлқинларни ёриб олган интилаётган қудратли кемадай, чеккага улоқтириб ташлайди. Бир кун келиб кўрасизки, қанча-қанча қоғозларни қоралаб, қанча-қанча китобларга муаллиф бўлган адибдан ҳеч нима қолмайди. Бу ҳам бир фожиа, ижод эркинлигининг фожиаси. Такрор айтаман, бадиий ижод учун ҳали ҳеч қачон бугунгидек кенг майдон бўлмаган. Ёш ижодкорларга ҳавасим келади. Авваллари бирон бир райком котибини бироз танқид қилиб қўйишнинг ўзи зўр азаматлик, қаҳрамонлик ҳисобланар эди. Энди бўлса – танқид оддий бир ҳолга, болалар ўйинига ўхшаб қолди...”.

Ўзбекистонда Чингиз Айтматовнинг асарлари севиб мутолаа қилиниши билан бирга, унинг серқирра ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борилади, тўпламлар нашр этилади, ижодий, маданий-маърифий ташкилотларда, ўқув юртларида (Ўзбекистон Миллий университетида, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, Низомий номидаги Педагогика университетида, Андижон ва Бухорода) адиб ҳаёти ва фаолиятига бағишланган адабий-бадиий кечалар доимо ўтказиб турилади.

Адабиётшунос олим Матёкуб Қўшжонов “Адиб ҳақиқати” сарлавҳали мақоласида адиб ижоди, хусусан, публицистикасига хос бўлган қуйидаги жиҳатларни таъкидлайди: “Қайта қуриш натижасида умуминсоният қисматига тегишли талай муаммолар кун тартибига қўйилляпти. Булардан энг муҳими — табиатнинг улуғ мўъжизаси бўлмиш ҳаётни, асрлар давомида инсон ақл-заковати маҳсули бўлмиш тараққиётни сақлаб қолиш экани маълум бўлди. Бироқ турғунлик даврларида дунё бир-бирига ўта зид икки лагерга ажратиб қўйилган пайтларда бу ҳақда тўла овоз билан бир нима дейиш қийин эди.

Чингиз Айтматов бу ишни ҳам қилолди. Унинг етмишинчи йилларнинг охирида яратилган “Асрга татиғулик кун” романида асосий масалалардан бири шу бўлди. Ўша йиллари бу ҳол (Айтматовнинг журъати — М.А.) охиригача ўйлаб айтилмаган гап бўлиб кўринди баъзи бировларга. Холбуки, бу муаммо бугун бутун инсоният олдидаги ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турибди. Бу — ҳақиқий санъаткорга хос бўлган олдиндан кўра билиш эмасмиқ!.. Аччиқ ва бешафқат ҳақиқатни айтиш, башораткорлик ўзбек адабиётига ҳам ёт эмас. Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида ижтимоий ҳаётнинг ҳар хил соҳаларидаги ўзбошимчаликларга муносабат билдириш, консерватив унсурларнинг асл башарасини кўрсатиш, бузилиш даврларидаги ҳақ-ҳуқуқсизликларга эътиборни жалб этиш ўзбек ижодкорларининг ҳам диққат марказида бўлди. Бироқ Чингиз Айтматов бундай ҳоллар ҳақида яна ҳам дадилроқ, яна ҳам баландроқ овоз билан айта олди, асл адиблик маҳоратини кўрсатди, ўз санъати билан у ҳаётдан ҳамиша бир қадам олдда юрди”.¹³¹

“Бадий асарлар ҳозир детективлашган, зўравонликни, рақобатни, нафсни, бойлик орттиришни, фаҳшни тасвирлаш, ғайриҳаётий лавҳаларни ва тўқиб чиқарилган қаҳрамонларни акс эттириш, уларни замонамиз қаҳрамонлари даражасига кўтариш авж олган,— деб ёзади В. Алимасов, — ...ана шундай вазиятда Ч. Айтматовнинг “Биринчи муаллим” қиссаси, тўғриси айтсам, зерикарли, даври ўтган, ҳатто аҳамиятсиз асар бўлиб кўринади. Криминаллашган дунё тасаввур ва дидимизни ҳам криминаллаштирган, асарда қанча ур-тўполон, қув-қув, отишма бўлса, шунча қизиқарли кўринади. Чамаси бугунги китобхон ҳаётдаги барқарор, улуғвор ва олижаноб туйғулар ҳақида ҳам асарлар борлигини унутмоқда. “Биринчи муаллим” аслида ҳаётдаги ана шундай барқарор, улуғвор ва олижаноб ҳиссиётлар ҳақидадир, улар порлоқ келажакка умид билан интилиб, янгиликка ва билимга ташналик билан талпиниб, чин инсоний туйғуларни, муҳаббатни асраб, улуғлаб ва борлиққа ёйиб яшашни тарғиб этувчи туйғулардир. Ч. Айтматов ижодига хос инсонпарварлик ва ҳаётпарварлик ҳам шундадир”.

¹³¹ “Совет Ўзбекистони”, 1988, 13 декабрь.

Тадқиқотчи ёзувчининг “Биринчи муаллим” қиссасини таҳлил қилар экан, асарнинг бошқа тадқиқотчилар у қадар кўп эътибор бермаган муҳим жиҳатлари тўғрисида ғоят жўяли фикр юритади: “Ўрта аср анъаналари ботқоғига ботган, ҳақиқат ва адолат борлиги унутилган, кишилар ўзининг тор манфаатлари ва ўйлари билан яшаётган овулда Дуйшеннинг пайдо бўлиши буюк воқеа эди. Чунки у камбағалларнинг болаларини, етим-есирларни ўқитиб, маърифатли қилиш нияти билан келганди. Қолоқ ҳаёт тарзига, бидъатга, ақлу идрокни бўғувчи анъаналарга қарши куч сифатида Дуйшен келажакка интилиб яшашга тиришади... Дуйшенга ўхшаган элпарвар ва тараккийарвар кишилар ҳақиқатан ҳам бўлган. Ахир бутун халқ, бутун миллат бидъатда яшамайди, эски турмуш тарзига кимнингдир қалби, ақли қарши чиқади, тафаккурни ўз исканжасида сақлаётган анъаналарга, қарашларга қарши исён кўтаради”.¹³²

Тадқиқотчи Паризод Мирза-Аҳмедова Чингиз Айтматовни жаҳон адабиётининг даҳоси деб эътироф этади, адибнинг “биз бугун бир қайикдамиз, олдинда эса чексиз фазо” деган позициясини инсониятнинг тирикчилигини сақлаб қолишнинг ягона йўли билан боғлайди. Педагогика фанлари доктори Н. Ортиқов Чингиз Айтматов ҳозиржавоб публицист сифатида ҳар қандай шароитда ҳам гражданлик руҳи ва жасоратини намойиш этиб, жамиятнинг энг оғир, долзарб муаммолари тўғрисида, расмий нуқтаи назарга қарама-қарши ўлароқ, биринчилардан бўлиб бонг уришини урғулайди. Таржимон ва олим Иброҳим Ғафуровнинг фикрича, Айтматов қаҳрамонлари енгилган ғолиб одамлардир. Лекин вужуд енгилган, руҳ эса — ғолибдир... Унинг васият каби ўқиладиган сўнгги романи “Қулаётган тоғлар” ҳам худди мана шундай енгилиб ғолиб бўлган инсон, енгилиб, охир-оқибат ғолиб чиқаётган бугунги дунё ғоялари ҳақида. И. Ғафуров “Асрга татиғулик кун” романининг узвий (мантикий) давоми бўлмиш “Чингизхоннинг оқ булут” қиссасини (ривоятини) таҳлил қилар экан, сталинча хавфсизлик хизмати шоввозларининг Абутолибни “Партизан дафтарлари” деб номланган эсдаликлари ва Сариўзакда ёзиб олган

¹³² Чингиз Айтматов вечно в сердцах Узбекистанцев. Книга воспоминаний. Т., 2008, 193, 200-бетлар.

кадим ривоятларини пеш қилиб қамоққа олганлари, икки ой давомида тергов қилганларига эътиборни қаратади: “Абутолиб ўзига ва ўзига ўхшаганларга қарши енгиб бўлмас зўравонлик ва тухмат, адоват машинаси иш кўраётганлигини англайди. Боши-кеди кўринмас тухматлар, қийноқлар шу азоб машинасининг озукаси эканлигини тушуниб етади. У бу машинанинг ваҳшатидан фақат ўлиб қутулиш мумкин, деган қарорга келади ва сўнгги дамда бунинг иложини топади. Жаллоднинг ваҳшат машинаси: “Ах, қутулиб кетди-я!”, деб ўқирганча қолади. Бу қутулиш 1953 йилнинг марти яқинлашаётганида рўй берган эди...”.

Олимнинг фикрича, “бюрократия инсон шаънини ерга урмай яшолмайди. У инсонни догмаларнинг қули қилиш ҳисобига кун кўради. Бюрократга одам қанча қоққ бўлса, онги паст бўлса, ўқимаса, ўсмасе, бир қолипда фикрласа, шунча яхши. Бюрократга инструкциялар, фармойишлар ва кўрсатмаларни оғишмай бажариб ўтирадиган қул керак. Унга асло ҳур фикр керак эмас. Ҳур фикрга қарши у жон-жаҳди билан курашади. Ҳур фикрни таг-томири билан суғуриб ташламагунча тинчимайди. Барча сталинчиларга эътибор бериб қаранг: уларнинг ҳаммалари қандай либос кийган, қандай упа-элик сепган, қандай бўйинбоғ таққан бўлмасинлар, бир тусда эркин фикрлаш ва мустақил фикрлашга қарши курашадилар”.¹³³

“Чингиз Айтматов асарларида қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бир-бири билан мураккаб бир тарзда, тасдиқ ва инкор, эътироф ва эътироз шаклларида қўшилади ва фарқланади,— деб ёзади Ғайбулла Саломов “Асрга татиғулик кун. Қиёмат” асарларига ёзган сўнгсўзида.— Адибнинг услубида тасвирланаётган воқеаларнинг табиати ва шаштига қараб майинлик ва жўшқинлик сезилиб туради, баъзан оддий, жўн нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат ўнади. У омий абстракт тушунчалар, ҳис-туйғулар, ранг-бўёқлар, маънолар, мусиқа, боқиш-нигоҳлар, юз-кўз ифодалари... ҳайвонларнинг номларини ҳам ажиб бир тарзда турлайди,

¹³³ Чингиз Айтматов вечно в сердцах Узбекистанцев. Книга воспоминаний. Т., 2008, 193, 200-бетлар.

“тасвирлайди”... Чингизнинг “қўшиқ”ларини — бу хоҳ қирғиз “обон”и бўлсин, хоҳ қозоқ ўлани бўлсин, хоҳ хиргойи бўлсин, хоҳ марсия ёки муножот бўлсин, биз дарҳол бошқаларникидан фарқлаймиз. Булар қўшиқ ҳақидаги қўшиқ янглиғ мунгли, маъноли, туйғули жаранглайди”.

Ўзбек олими О. Файзуллаев билан суҳбатда Ч. Айтматов “Кассандра тамғаси” романи мисолида ўзининг ўта муҳим хулоса-фикрларини ўртага ташлайди. “Одамзотга олдиндан берилган эзгулик ва ёвузлик энергияларини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Уларда тенглик миқдори мавжуд. Лекин, муҳими шундаки, инсонга энергиядан ташқари ақл-фаросат, ўйлаш ва хулоса қилиш имтиёзи ҳам берилганки, бу имтиёз тугамас абадийлик характериға эға. Агар одам омон қолишни истаса, тамаддун чўккиларини эғалламоқчи бўлса, у ўзидаги ёзувлик устидан ғалаба қозониши керак... Одамнинг бу мақсади потенциал ҳолда мавжуд. Агар қийин, мураккаб ҳолатдан чиқишнинг оқилона йўли топилса, бу мақсадға эришса бўлади... Бу ерда, биринчи галда, билиш ва ҳаракат қилишнинг илмий усулларини танлаш, аниқлаш лозим, деб ўйлайман. Одамзот шундай йўлни тутмай ўз тарихида жуда кўп нарсаларни йўқотган”.¹³⁴

Филология фанлари доктори Г. Абдуллаева адибнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” асарини таҳлил қилар экан, инсон ҳаётида ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ: Ер, Одам, Вақт, Коинот, ҳаёт ва ўлим. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, деган хулосаға келади. Фалсафа фанлари номзоди К. Ирисбоевнинг фикрича, Ч. Айтматовнинг қаҳрамонлари адолат, ҳақиқат, инсоний қадр-қиммат учун кураш олиб борадилар ва бу йўлда ўз ҳаётларини қурбон қилишға тайёр турадилар. С. Шермухамедов, С. Қораев, Н. Ортиқов, Г. Ўразалиева, Р. Назаров, Ф. Хамраев, С. Булдиева, К. Жумабаева ва бошқа муаллифларнинг илмий-тадқиқот мақолаларида ҳам Чингиз Айтматов бадиий оламининг ўзига хос жиҳатлари, адибнинг фалсафий-эстетик қарашлари тўғрисида фикр юритилади. 2004 йили Москвадаги “Воскресенье” нашриётида чоп этилган “Ковчег Чингиза Айтматова” китобида эълон қилинган бир қатор

¹³⁴ Чингиз Айтматов вечно в сердцах Узбекистанцев. Книга воспоминаний. Т., 2008, 165-бет.

тадқиқот мақолаларда, жумладан, П. Мирзааҳмедованинг “Чингиз Айтматовнинг миллий антропологияси”, Қ. Хоназаровнинг “Инсоният фарзанди”, О. Файзуллаевнинг “Кассандра тамғаси” романида илмий фантастика”, Сайди Умировнинг “Сайёра кўламида фикрлайдиган адиб” тадқиқот-мақолаларида эътиборга молик илмий-ижтимоий фикрлар мавжуд.

Чингиз Айтматовнинг қозоқ оқини Мухтор Шохонов билан ҳамкорликдаги “Чўққида қолган овчининг охи зори” диалог-асарини (Набижон Боқий ва Ёқубжон Хўжамбердиев ўзбекчага ўгирган) таҳлил қилган тадқиқотчи олим Ҳ. Алиқулов адибнинг суҳбат, эссе, нутқ, публицистик мақолаларида маънавий меросни ўрганишнинг услубий асослари, тарихийлик ва илмий холислик тамойилларига катъиян риоя қилиш зарурлиги, тарихни сохталаштиришнинг салбий оқибатлари, тарихий хотира, манқуртлик, тарих адолатини тиклаш каби долзарб муаммолар кўтарилганлигини эътироф этади. “Мустабид тузум даврида,— деб ёзади Ҳ. Алиқулов,— Ўрта Осиё халқларининг маънавий меросига панжа орасидан қаралди, рус халқининг маданияти, унинг ўтмишдаги йирик намояндалари, ёзувчи ва шоирлари кўкларга кўтариб мақталгани ҳолда, бизнинг минтақада яшаб ижод этган мутафаккирларнинг ижодини ўрганишга етарли эътибор берилмади ёки асарлари диний-тасаввуфий мазмунга эга эканлигида айбланиб, уларни ўрганиш таъқиқлаб қўйилди. Рус империясининг асосий мақсади Ўрта Осиё халқларини тарихий хотирадан (маънавий, диний меросдан, халқ оғзаки ижоди ва бошқалардан — М.А.) маҳрум қилиш ва шу билан уларни камситиш, тобелик ва кўрқувда сақлаш эди”.¹³⁵

Айтматовнинг фикрича, ҳамма замонларда ҳам ҳукмдорлар ўзларига тобе, қарам бўлган халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, маънавий-ахлоқий қадриятларига беписанд қараб, уларни ҳар жиҳатдан таҳқирлаб келганлар. Тарихидан айрилган халқ эса ота-онасиз қолган етим болага, новдага ўхшайди, уни қайси тарафга эгсанг — бас, ўша тарафга қараб ўсаверади. “Афсуски,

¹³⁵ Қаранг: Философия жизни и творчества Чингиза Айтматова. Сборник статей, Т., 2004, стр.75

тоталитар тартиблар ҳукм сурган даврда биз ўз ихтиёримиз билан қарамликни бўйнимизга олдик, яраларимиздан қон томиб турган бўлса-да, унга заррача эътибор бермадик, тарихимизни синчиклаб ўрганмадик, аксинча, ўзга мамлакатлар тарихини ўргандик ва ўзгалар тарихини ўзимизникига нисбатан яхшироқ билиб олдик. Бу бир томонлама мафкуранинг самараси ўлароқ рўй берди. Тарих фани ўзимизникига ва ўзгаларникига ажратилди: ўз уйимизда етим бўлиб қолганимиз боис, айнан ўзгаларнинг тарихи бизники бўлиб қолди. Ахир, қадим замонлардан бошланган тарихимиз қўлига қалам ушлаб олган олим-кассоблар томонидан бузиб ёзилмадимик! Вақт ўтиши билан наҳот уларнинг дунёқараши бирдан ўзгариб қолган бўлсак Ахир, улар ҳамон тарафкашлик қилаётир-ку!.. Яхшими, ёмонми, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўтмиши бор. Шу боис инсониятдан ёмон томонларни яшириб, фақат яхши томонларни кўз-кўзлаб, ўз тарихини ҳар хил бўёқ-безаклар билан жимжимадор қилиб, уни бир-бирига мос келмайдиган матаҳлар билан ямаб-ясқаб ўтириш кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир”.¹³⁶

Чингиз Айтматов ушбу диалог-асарда дунё халқларининг тарихини яратиш зарурлигини тақлиф этади. Бунда ҳеч бир томон миллий маҳдудликка, ўринсиз эҳтиросларга, калондимоғликка, империячилик амбицияларига берилмаслиги, ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалар тафсилотларини, улардан англашиладиган хулосаларни келажак авлодларга ўз моҳияти бузилмаган, сохталаштирилмаган бир тарзда тўғри етказиб бериш ғоят муҳимдир. Зеро, франциялик олим Жан Пол Везиан (Франциянинг Ўзбекистондаги биринчи фавқулодда ва мухтор элчиси — М.А.) таъкидлаганидек, “тарихий воқелик ҳеч қачон ўзгармайди, у қандай содир бўлган ёки қандай содир этилган бўлса, шундай қолади, фақат... уларга нисбатан муносабат гоҳо ўзгариши мумкин, холос”.

Романда бу ёруғ дунёда роҳат–фароғат, гўзаллик, меҳр–мурувват, адолат билан бирга очлик, ноҳақлик, турли хил офатлар, иқтисодий таназзул,

¹³⁶ .Ч. Айтматов, М. Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори, Т., 1998, 365-366-бетлар.

жиноятчилик, одам савдоси, гиёҳвандлик, ирқий қирғинлар, биродаркушлик урушлари, ижтимоий зиддиятлар, экологик ҳалокатлар, табиатдаги силсилалар ҳақида ҳам гап боради. Муаллифнинг фикрича, одамзот бу муаммоларнинг маъно—моҳиятини, келиб чиқиш сабабларини тушуниб олиши керак, аммо шунинг ўзи билангина муаммо ҳал бўлмайди. Одам боласига ақл, фаҳм—фаросат деб аталмиш жуда катта имтиёз берилганки, у тугамас абадийлик характериға эға. Агар инсоният юқорида айтиб ўтилган тўфонлар, бало—қазолардан омон қолишни истаса, дунё тамаддунининг янги чўққиларини забт этмоқчи бўлса, у энг аввало ўзидаги ёвузлик устидан ғалаба қозониши керак. Бунинг учун эса одам ўзининг мана шу имкониятини ҳис этмоғи зарур. Ҳис этилмаган, билинмаган, англалмаган имкониятлар қолиб кетаверади. ҳаёт пайдо бўлганидан бери шундай. Инсоният бошиға ёғилиб келаётган қанчадан—қанча фалокатларнинг бош сабабчиси ҳам — мана шунда.

Чингиз Айтматов бу фикрни янада чуқурлаштиради: «Ҳозир шахсий, регионал муаммолардан кўра глобал муаммолар кўпроқ пайдо бўлмоқда. Ахборот воситалари ҳар куни янгиликлар билан бирға, онг—шууримизға янги салбий ҳодисалар тафсилотларини ҳам олиб кирмоқда. Бунда интернет тизимининг, телевидение ва радионинг ҳиссаси жуда катта. Космонавт Филофейнинг космик фазодан юборган мудҳиш хабарини бутун дунё аҳли бир зумда билиб олганлиги бунға мисол бўла олади».¹³⁷

“Ҳар қандай жиноят, ахлоқсиз ҳатти-ҳаракат ирсият ўтлоқларида қайта униб чиқиш фаслини кутиб ётади. Охир-оқибат, аслидан кўра юз чандон, минг чандон ёвуз, тажовузкор куч юзаға келади ва унға гуноҳкор ҳам, гуноҳсиз ҳам дучор бўлади...”. Чингиз Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” асаридан англашиладиган асосий маъно — шу. “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”, “Асрни қаритган кун”, “Қиёмат” каби, “Кассандра тамғаси” ҳам ўқувчилар орасида, адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди, бири иккинчисига зид мулоҳазаларға сабаб бўлди. Кўплар янги асарни Айтматов фалсафий

¹³⁷ Чингиз Айтматов вечно в сердцах Узбекистанцев. Книга воспоминаний. Т., 2008, 170-бет.

карашларининг улкан чўққиси деб баҳолади, кимлардир эса уни „ҳазм” қила олмади ва рад этди. В.Бондаренко исмли муаллиф (Кейин маълум бўлишича, бу фамилия кимнингдир тахаллуси экан) „Наш современник” журналида эълон қилинган “Насл-насабини билмаган Чингиз” (“Чингиз, не помнящий родства”) сарлавҳали мақоласида асар муаллифини... миллий адабиёт, халқ манфаатларига нисбатан сотқинликда, бу ҳам етмаганидек, кўчирмачиликда, манкуртликда (!) айблади. “Кассандра тамғаси”ни бадиийликдан йироқ, ҳеч кимга кераги йўқ, адиб хаёлига келиб қолган ва тутуруксиз услубда битилган алмойи-алжойи гаплар йиғиндиси, дейишгача бориб етди.

Бундай айбловларни бир четга суриб, асарнинг ўзига қайтадиган бўлсак, маълумки, унинг воқеалари бир неча кун ичида содир бўлади. Американинг “Трибюн” газетасида ўзини “само роҳиби” деб атаётган рус олими Филофейнинг Рим папасига мактуби эълон қилинади—ю бутун жаҳон оёққа туради, одамлар жунбушга келадилар. Олис фазодан туриб ердаги ҳаёт, одамлар, авлодлар, зурриётлар тақдирига аралашаётган кимсани лаънатлайдилар. Филофейни ерда туриб қўллаб-қувватлаган футуролог олим Роберт Борк шафқатсизларча ўлдирилади.

Филофей ким, унинг Рим папасига мактуби нима ҳақда эдиқ Маълум бўладикки, уни бир вақтлар ўз тукқан онаси (отасининг кимлиги номаълум) аёзликда кунларидан бирида болалар уйи эшигига ташлаб кетади. “Ўшанда, — эслайди Филофей, — қалин қор эди. Мен ўша субҳи содиқ пайтини эс-эс биламан десам, бунга ҳеч ким ишонмайди, албатта. На илож, тўғриси гапираман. Ўшанда қулоғимга онамнинг қадамлари остида қорнинг ғарч-ғурч овози эшитилган. Ёдимда, онам ўша қиш куни, каллаи саҳарда шоша-пиша қадам ташлар эди. Эсимда, у безовталаниб мени бағрига босар, дам-бадам сесканиб чўчиб тушар эди, онам юрагининг кўрқинч аралаш гупиллаб урганини менинг нораства танам сезар эди...”.

Етимхонада чақалоққа Андрей Андреевич Крилцов деб ном беришади. У Руза шаҳрининг чеккасидаги Малеевка қишлоғидаги болалар уйида тарбияланади. Ўқишни битиради, билимини кунт билан оширади ва иқтидорли

биолог олим бўлиб етишади. Фанда кутилмаган кашфиётлар қилади. „Менинг омадим чопди, — дейди у ўз мактубида, — бу соҳада манфаатдор ташкилотлар ёрдами ҳам чакки бўлмади, лекин бу ҳақда алоҳида гапирамиз, мен бўлсам, муваффақиятлардан илҳомланганимдан, шиддат билан, куч тўплаган қовок арига ўхшаб, фан пайкали устида парвоз қилар эдим; мен кашфиётдан кашфиётга учиб, олдинлари ҳеч кимга маълум бўлмаган фикр-ғоялар шовқинидан гангиб юрар, ана шу соҳада абадийлик сир-асрорининг муаллифи — Оллоҳ таолонинг ўзини ҳам орқада қолдиришга тайёр эдим. Мен илмий экспериментлар доирасида бўлса-да, ота-оналар хоҳлашадими-йўқми, кимнинг ёруғ дунёга келиши, қандай туғилиши, қандай ота-оналардан туғилишини шахсан ўзим ҳал қилар эдим, уларнинг уруғларидан нима ярата олишимни билишса эди...”.

Гапнинг лўндаси, биолог олим Крилцов илмий изланишлар борасида ақл бовар қилмайдиган даражага етишади, чорва молларини сунъий қочиришга ўхшаш, сунъий уруғлантириш йўли билан ота-оналари, насл-насаби номаълум одамларни яратиш мумкинлигини исботлайди. Кўп ўтмай олимнинг бу ёвуз тажрибалари КПСС Марказий Комитети, бошқа тегишли ташкилотларни қизиқиб қолади. Крилцовни партия Марказқўмининг мафкуравий масалалар ва халқаро коммунистик ҳаракат бўйича секретари Вадим Петрович Конюхов суҳбатга таклиф этади. Олимнинг кашфиётига юксак баҳо бериб у шундай дейди: “Сизнинг кашфиётингиз, таъбир жоиз бўлса, қўлбола биологиянинг кашфиётлари — бу одам табиатига чуқур кириб бориш, аслида эса, инсон шахсини қайта қуриш, шахснинг келиб чиқишини, жамиятдаги ўрни ва ролини ўзгартириш, кейинчалик эса сунъий туғиладиганлар матричасига асосан бутун инсониятни қайтадан яратиш имконияти демакдир...”.

Марказқўм котиби масалани кўндаланг қўяди: “Бутун дунёда коммунизм ғалаба қозониши учун бизга ота-онаси номаълум, сунъий етиштирилган иксзурриётлар керак. Иксзурриётлар феномени сиёсий жиҳатдан ҳайрон қоларли даражада порлоқ истиқболга эга. Бу шундай ўткир куч бўладики, у биздан фарқли ўлароқ, орқа-олдига қарамасдан, кўрқинч ва шубҳа нима

эканлигини билмасдан бутун дунёда коммунизм ғалабаси учун курашади. Оила ва бошқа қариндошлик алоқаларини эски, зўравонлик дунёсининг қолдиқлари сифатида худди ана шу иксзурриётлар тарих ахлатхонасига улоқтиради... Болалар сунъий йўл билан, ота-оналарсиз бунёд этилади, тегишлича тарбия қилинади... Иксзурриётларнинг шубҳасиз афзалликлари шундаки, улар... коммунистик байналмилалнинг зарбдор кучи бўлиб қолади ва худди ана шу одамлар ғарбга ҳал қилувчи зарба беражак!”.

Крилцов Марказқўм биносидан бўшашиб, жони қийноққа тушиб чиқади. Кейинчалик унинг ўзи бу учрашувни “ўзим иштирокимда менга уюштирилган фитна”, деб баҳолайди. Зиммасига юкланган вазифа – иксзурриётлар етиштириш ишини оммавий равишда йўлга қўйиш оқибат-натижада нималарга олиб келишини ким олдиндан айта оладик Эҳтимол, – дея ўйлайди у, – бу тажрибалар инсониятнинг асрлар давомида, неча-неча авлодлар ҳаётида армон бўлиб қолган тенглик истакларини рўёбга чиқарарқ Эҳтимол, чиқармас, аксинча бўлар! Ҳаётни бузиб, тўзғитиб юборар.

Олим буларнинг ҳаммасини кундай равшан тушунади. Аммо на Марказқўм котибига ва на ўзига эътироз билдира олади. Чунки бутун ҳаёти давомида энг юқори доираларнинг, тегишли ташкилотларнинг ҳомийлигида ўз тажрибаларини ўтказиб келди, уларнинг моддий ва маънавий қўмагига суянди. Энди эса орқага чекинишга имкони ҳам, ҳуқуқи ҳам йўқ! Демак, ишга киришиши керак. Шундай бўлади ҳам. Турли жиноятлари учун узоқ йилларга қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумалардан танлаб олиниб, иксзурриётларни етиштириш иши бошлаб юборилади. Маҳкумалар бу ишга рози бўладилар, чунки, сунъий йўл билан тайёрланган оталик уруғидан бола туғиб берсалар, қамоқ жазоси камайтирилади. Талабгорлар исталганидан кўра ҳам кўп бўлади, олим улар ичидан мақбулларини танлайди. Деярли ҳеч ким эътироз билдирмайди. Эътироз билдирган аёл эса қурбон бўлади...

Олим шундан кейин халқаро экспедиция таркибида космосга парвоз қилади, илмий кузатувлар дастури яқунлангач, ерга қайтишдан бош тортади. Чунки олис фазода туриб ўзининг нима иш қилиб қўйганлигини аниқ тасаввур

этади. Вақт-соати етиб, иксзурриётлар ўзларига оид бор ҳақиқатни англаб етишлари, ёруғ оламга нима мақсадда, ким томонидан ва қай тарзда келтирганликларини тушуниб қолишлари мумкин. Ана ўшанда бу насл-насабсиз авлодда исён руҳи уйғониб “бу тўнғиз қўпгур” дунёга ўт қўйиш истаги пайдо бўлмасмикин? Филофей орбитал станция ичига ўрнатилган махсус лаборатория имкониятларидан фойдаланиб, яна бир даҳшатли ихтиро қилади: ҳомиладор аёллар қорнидаги зурриётлар ўзлари ҳақида товуш-белги бераётганлигини аниқлайди, ҳомилалар билан махсус нур орқали алоқа ўрнатади. Улар исёнини тинглайди: “Эрким ўзимда бўлганида туғилгандан кўра туғилмасликни афзал кўрардим. Яшашни истамайман, дунёга келишни хоҳламайман. Бордию мени туғилишга мажбур этсалар, унда менинг тақдирим пешонамга ёзилганидек бўлади. Ўйланглар, ҳал қилинглар, энг аввало онам ҳал қилсин...”.

Бундай чинқирик-раддия олам олам бўлганидан бери муттасил давом этиб келаётган ҳукми азалга нисбатан шаккоклик, инсон қалбини ларзага солади! Ҳали тўла ниш урмаган уруғ безовта! Ўзини фазо роҳиби деб эълон қилган Филофейнинг ихтироси шундаки, ҳомила ўзининг аянчли тақдиридан хабардор! У ёруғ оламда не-не адолатсизликларга, азоб-уқубатларга дуч келишини, ота-онаси, ота-онасининг ота-оналари, ўтмиш аجدодлари қилган фаҳш, қабих ишлар, гуноҳларнинг мантикий маҳсули ўлароқ, ўзи ҳам шу қабих ишларга қўл уришини, бундай аянчли тақдир унинг қонида, ирсиятида борлигини билади. Билади ва шунинг учун ҳам талвасага тушиб чинқиради. Ҳали туғилмаган бундай боланинг онаси пешонасида ана шу чинқирик белгиси – холтамға пайдо бўлади.

Филофей махсус нур орқали бундай тамғали аёллар бутун дунёда тобора кўпайиб бораётганини, унинг фазодан туриб йўллаётган сўроқларига туғилишдан бош тортаётган кассандра-эмбрионлар тобора кўпроқ жавоб қайтаришаётганини аниқлайди. Ва ўз ихтиросидан ўзи даҳшатга тушиб, Ерга халоскор қидириб мурожаат этади. Токи аҳвол шундай экан, унинг олдини олиш, пешонаси азалдан шўр ҳомилалар тақдирини ҳал қилиш лозим! Ўша чинқираётган зурриёт умрини сунъий равишда тугатиш учун ҳомилани олиб

ташлаш керак! Аммо бу – яратган Эгамнинг иродасига қарши чиқиш, тирикликнинг мангу барқарорлигига раҳна солиш деган гап. Лекин туғиладиган гўдакнинг аянчли тақдирини кўриб-билиб туриб, у одамлар бошига не-не жабру жафолар олиб келишини сезиб туриб, хотиржам юравериш-чиқ Бунинг ўзи ҳам жиноят эмасмиқ!

Ўз ихтиросидан ўзи жунбушга келган Филофей Рим Папаси орқали бу саволни бутун инсоният олдига қўяди. Унинг асл фожиаси мана шу саволдан бошланади. Чунки одамлар – Оталар ва оналар уни рад этишади. Топган ҳақиқатига қўшиб лаънат ботқоғига отишади. Уни тушунган биргина олимни мажаклаб ташлашади. Қўлларига тош, темир, дуч келган нарсани ушлаб Роберт Борк хонадонига бостириб келаётган ваҳший оломон орасида пешонасида холтамғаси бор аёллар ҳам кўринади. Улар „қорним – меники, ҳеч кимнинг аралашишига ҳаққи йўқ“, деб қичқирадилар. Филофей, гарчанд бугун инкор этилган муаммо эртага яна пайдо бўлишини билса-да, лаънатланган ҳақиқат тўла ҳақиқат бўла олмаслигини англаб етади. У Оламнинг мангу жумбоғи – одамнинг оламга муносиблик учун кураши самараларини тушунгандай бўлади. Ва, албатта, ўзини ўйлайди. Ким эдиқ Ташландиқ бир бола. Отаси ким эканлиги номаълум. Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси унинг ҳам пешонасига ёзилган, қон-қонига аввалдан сингдириб қўйилгандирқ Эҳтимол, туғилмасидан олдин у ҳам она қорнида талвасага тушиб чинқириқ белги бергандирқ Эҳтимол, ўша аёз куни етимхона эшиги олдига ташлаб кетган онаси пешонасида ҳам холтамға бўлгандирқ

Демакки, буларнинг ҳаммаси – азалий қисмат. Ундан тониб, қочиб қутулиб бўлмайди. Унинг умри, ихтиролари ердан узоқда, само бўшлиқларида интиҳо топиши керак. Қазонинг аччиқ шаробини ўз ихтиёри билан ўша ерда ичиши зарур. У ўзига мана шундай интиҳо ҳукмини ўқийди. Орбитал станциядаги барча ҳужжатларни, тадқиқот натижаларини, кассандра-эмбрионлар сирини йўқ қилиб, Ер билан ўтказган телемулоқоти сўнгида очик фазога сакраб, мангу бўшлиққа сингиб кетади. У одамлар барибир бир куни бугун лаънатланган тамға сирини билиб оладилар, Роберт Борк ўлган бўлса-да,

уни тушунишга ҳаракат қилган, қилаётган Энтони Юнгер ёлғиз эмас, деб ўзига ўзи тасалли беради.

Кўриниб турибдики, асарда адибнинг фалсафий-мантикий мушоҳадалари бадий-фантастик тафаккур тарзида ифода этилган. Аммо бундан Крилцовнинг иксзурриётлар яратиш борасидаги тажрибалари, ўзини само роҳиби деб эълон қилган Филофейнинг ихтироси – ҳомилалар чинқириғи тўлалигича ҳаёлот меваси деган фикр келиб чиқмайди. Сабабки, ана шу икки муҳим воқеа, аслида, ҳаётийликка жуда-жуда яқин...

Чингиз Айтматовнинг мухолифлари адибни “Қиёмат”да ҳам, „Кассандра тамғаси”да ҳам беҳуда айюҳаннос солаётганликда айблашди. Зурриётлар билан боғлиқ бундай мудҳиш тажрибаларни инсон зоти ҳатто тасаввурига ҳам келтириши мумкин эмас, дея қўлларини бигиз қилишади. Ю.Бондаренко юқорида қайд этилган мақоласида ёзувчи бошига мағзава тўкишдан чарчамайди, уни бу дунёдаги энг ношуд қаламкашга чиқаради ва: “Чингиз оғанинг онаси пешонасида ҳам, эҳтимол, бир пайтлар кассандра тамғаси бўлгандир-у, бунга ҳеч ким эътибор қилмагандир. Бай-бай-бай, эътибор қилишганида борми, бола бечора туғилмаган бўларди, “Кассандра тамғаси” деган сохта асар ёзилмасди, биз уни ўқимасдик, бинобарин, бугунгидек ноўрин шов-шув ҳам келиб чиқмасди”, дея аччиқ киноя қилади.

Бундан англашиладики, публицистиканинг янги шароитдаги мавқеи ва шижоатини, фош қилувчи журъатини “ҳазм” қилиш жамиятнинг ўзи учун ҳам, узоқ йиллар давомида мафкуравий сокинликка ўрганган ижодкорлар учун ҳам осон бўлгани йўқ. Даврнинг ўткир шиддати кўпларни шошириб қўйди. Бундай шароитда бадий публицистика ўз зиммасига юкланган катта ва масъулиятли вазифани уддалаш учун ошкоралик имконтиятларидан тўла фойдаланиши, мадҳиябозлик, офаринбозликка берилмаслиги, ҳиссиётларнинг аланга олишига йўл қўймаслиги лозим эди ва шундай бўлди ҳам.

Ўйлаб кўрилса, Крилцовнинг иксзурриётлар етиштириш соҳасидаги тажрибаларини тасаввур қилиш қийин эмас! Бундай тажрибалар, таъбир жоиз бўлса, ҳаётда у ёки бу шаклда бор ва бўлган! Жаҳоннинг икки йирик давлати

курол кучи билан бир-бирига хезланиб турган пайтлари махфий лабораторияларда инсонни тирик роботга айлантириш режалари тузилган, тажрибалар ўтказилган. Рухга таъсир ўтказиш йўлида анча-мунча муваффақиятларга ҳам эришилган. Матбуотнинг сўнгги хабарларига қараганда, биз сиз билан “Амфибия одам” филмини кўриб, орзулар қанотида сузиб юрганимизда, ғарб олимлари, ҳарбий саноат комплекси мутахассислари инсон танасига сунъий сузғич ўрнатиб, уни бўлажак сувости жангларига ҳозирлаганлар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин! Демак, хотиржам бўлишга эрта.

Яна бир мулоҳаза. Асарда Кассандра тамғаси мажозий маънода келтирилган бўлса-да, бугунги аччиқ бир ҳақиқатга жуда-жуда яқин туради. Инсон ўзининг номуносиб хатти-ҳаракатлари — ёвузлиги, зўравонлиги, ўз моҳиятидан чекинаётгани, ер, сув, ҳаво, моддий неъматлар биргина ўзига эмас, ўзидан кейин келадиган, шу заминда кун кечирадиган юзлаб, минглаб авлодларнинг ҳам ризқи-насибаси эканлигини унутиб қўяётгани боис қодир Эгам бизни турфа хил ишоралар, белгилар билан огоҳ қилаётганини наҳотки тушунмасак? Ногаҳоний ўпирилишлар, ер силкинишлари, офатлар, яқин қавмлар бир-бирини қатлиом қилаётгани, бола отага, ота фарзандига курол ўқталаётгани – огоҳлик белгилари эмасмиқ! Инсон бу билан ўз қиёмат кунини ўзи белгилаб қўймаётганмикин... Бу хавотир адибнинг сўнгги романи “Қулаётган тоғлар”нинг маъно-мағзини ташкил этади. Адабиётшунос Г. Гачевнинг фикрича, бу асар “ўзига хос услубда ёзилган юксак трагедия”. Асар қаҳрамони Арсен Саманчин дунё ўзгариб, тарих тилкаланиб кетган бир пайтда бозор ва пул ҳукмронлигининг қурбони. Одамлар бўш қолган. Иш йўқ. Ҳаёт тарзининг кескин ўзгариши кўпларни маънавий ахлоқсизлик кўчасига бошлади. Ишлаб чиқарувчидан кўра тайёр маҳсулотни икки-уч бор қимматига сотиб, мўмай даромад топаётганлар кўп. Нима қилиб бўлса-да, қандай қилиб бўлса-да, пул топиш керак. Бундайлар харидори чиқса дала-қирларни, тоғ-тошларни, маданий-маънавий бойликларни пуллаб юборишдан, талон-тарож қилишдан ҳам тоймайди. Улар дастидан ноёб қушлар, шусиз ҳам камайиб бораётган ҳайвонлар

ҳам омон қолмайди. Асар қаҳрамонларидан бири Тоштанбек (Тошафғон) уруш кўрган, дийдаси урушда қотган одам, пул деса, қолган барча нарсага тупуради. Лекин уни ҳам тушуниш мумкин. Беш-ўнта янги бойваччалар миллиард-миллиард пулларни ўмариб, халқнинг қонини сўриб ётибди. “Бизни жиноятчи, ўғри, каззоб дейсанми, хохлаганингча атайвер,— дейди у Арсен Саманчинга,— Худонинг ўзи имкон бериб турибди. Бойлар ўз оёғи билан келиб турибди-ку. Бизга яна нима керак 20 миллион доллар йўлда ётгани йўқ. Худонинг ўзи келиб, илтимос қилса ҳам ниятимиздан қайтмаймиз. Чунки эсини еб қўйган ахлоқ эмасмиз...”.

Тошафғоннинг бу “фалсафаси” оддий одамнинг эмас, дийдаси урушда қотган, кўз ўнгида неча-неча шаҳар ва қишлоқларнинг кули кўкка соврилган, қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг ўлимига гувоҳ бўлган кишининг фалсафаси. Бу ҳолат Чингиз Айтматовнинг урушга нисбатан қатъий ҳукмига мос келади: уруш иймони суи одамларни тошбағир, раҳм-шафқат нималигини билмайдиган қилиб қўяди, улар ҳатто Худони ҳам унутишади.

Бадиий асарнинг муҳим вазифаси — кишилар онгига, руҳий дунёсига таъсир ўтказиш. Тўғри, «соф бадиий» асарларни ўқиш ҳаммага ҳам хуш келади, уларнинг, бир қарашда, бировга санчиладиган ортиқча «ниши» йўқ, ўқувчилари ҳам кўп — мавзу бир-икки авлоддан кейин ҳам эскирмайди. Чингиз Айтматов каби забардаст адибларнинг чекига эса одамларнинг руҳий дунёсини, маънавиятини поклаш миссияси тушди. Чингиз оға бор куч-имконини ана шу мураккаб, масъулиятли ишга қаратди. Умрининг охиригача шу йўлда собит турди.

Шу ўринда адибнинг “Известия” газетасида эълон қилинган “Асослар емирилмоқдамик” деган мақоласини эслаб ўтайлик. Адиб шахсга сиғинишни қоралар экан, жамият, давлат ва одамлар ҳаётидаги барча ижобий ўзгаришларни фақат бир киши номи билан аташ, уни кўкларга кўтариб макташ, ҳар сўзи, иборасини қонундай қабул қилиш, сўзсиз итоат охир-оқибатда халқ онгини заҳарлаши, тараққиёт йўлларини ёпиши ва натижада жамият аста-секин таназзулга юз тутиши мумкинлигини ишонарли далиллаб беради. Бу сиёсатнинг

расмий равишда қораланишини “жасоратли ёриб ўтиш”, деб баҳолайди. Чунки бутун халқ “улуғ доҳий” ва унинг кўпдан-кўп маслакдошлари тўғрисидаги ҳақиқатдан воқиф бўлдилар. Коллективлаштириш ниқоби остида қилинган жиноятлар, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар очиб ташланди. Лекин, таассуфки, орадан кўп ўтмай “жасоратли ёриб ўтиш” сабоқлари онгли тарзда сиёсий сукутга, итоаткорликка айланди. Шўролар салтанати ўзининг сўнгги кунларигача бу касалликдан халос бўла олмади. Нега шундай бўлдиқ

Сталин тарафдорлари уни ҳимоя этар эканлар, (бундай кишилар ҳозир ҳам орамизда кўп, мақола асосан шу хусусда), биринчи навбатда „Доҳий бўлмаганида, совет халқи иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозона олмасди”, деган гапни такрорлашдан чарчамайдилар. Айтматовнинг фикрича, Сталин бўлмаганида ҳам ғалаба қозонилар эди, ДнепроГЭС, Магнитка ва бошқа шу кабилар ҳам қуриларди.

Мақолада кишини ўйлантирадиган, баҳсга чорлайдиган бир қатор мулоҳазалар ўртага ташланган. Публицист шахсга сиғиниш билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар моҳиятини очар экан, ўқувчини бу борада ўз фикрига эга бўлишга даъват этади. Худди шу мақсадда Сталин тўғрисида халқ орасида кенг тарқалган машҳур латифалардан бирини келтиради. Келтирганда ҳам, уни ўз номидан эмас, фронтда доҳий номи билан жон олиб, жон берганлардан бирининг тилидан келтиради. Эмишки, кунларнинг бирида Сталин яқинларини тўплаб, уларга дебди: “Сизлар халқни қандай бошқаришни билмай бошингизни қотириб юрибсизлар. Одамларни гаҳ деганда қўлга қўнадиган, чизган чизиғингдан чиқмайдиган, нима десанг сўзсиз бажарадиган қилиш учун каллани ишлатиш керак. Подшо худо эмас, аммо худодан кам ҳам эмас, деган гапни эшитмаганмисизларқ Ҳозир мен сизларга халқ билан қандай муомала қилиш кераклигини кўрсатаман”.

Доҳийнинг ишораси билан унинг олдига товуқ олиб келишибди. Буюк раҳнамо унинг патларини битта қўймай юлибди. Товуқ бечора қип-қизил жишга айлангач, қўйиб юборибди. У бўлса қутулганига шукур қилиб, тўғри келган

томонга қочиш ўрнига, қунишиб доҳийнинг этиги қўнжларига суркалиб туриб қолибди. Доҳий донни қаёққа қараб сочса, ўша ёққа бурилармиш.

– Халқ мана шундай бошқарилади,- дебди Сталин.

Гарчи бу эл оғзидаги бир ривоят бўлса-да, айтиш лозимки, шахсга сиғиниш йиллари одамлар айна шу ҳолатга туширилган эди. Фақат бир киши ягона ҳукмрон, фақат у ҳукм чиқаришга, одамлар тақдирини ҳал этишга ҳақли эди. Одамлар у чизган чизикдан чиқмас, чиқа олмас ва ҳатто чиқишга ҳаракат ҳам қилишмасди. Оқибат шу бўлдики, бутун бир мамлакат зулмат пардаси остида қолиб кетди, тараққиёт тўхтади, фикр исканжага олинди, неча миллион кишининг ёстиғи қуриди, айрича бир сўз деганлар, ҳатто, дейишга чоғланганлар ҳам «халқ душмани» сифатида Сибирга жўнатилди. Энг ачинарлиси – урушда мағлубиятга учраган давлат қисқа давр ичида ўзини тиклаб олди, ғолиб эса сохта шиорлар, ҳавойи-орзуларга кўмилиб қолаверди. Бунинг боиси шуки, узок вақт давом этган, инсон онгига сингдирилган ижтимоий-сиёсий тобелик бора-бора маънавий тобеликка ҳам айланган эди. Айтматов бундай тобеликни инсоннинг энг оғир фожиаси деб ҳисоблайди. Чунки, вақт ўтиши билан инсон маълум маънода шароитга кўникади, гоҳо ўта муҳим, принципиал нарсаларга ҳам бефарқ қарайдиган бўлади, бундай ожизликнинг ўрнини қоплаш учун виждони олдида тасалли ҳам топади. Аҳвол мана шундай тасаллигача бориб етганидан кейин, курашиш, ўзлигини намоён этиш туйғусидан айрилган одамни қайта ўзгартириш жуда қийин.

Айтматовнинг фикрича, маънавий қуллик тоталитар воситалар орқали инсон руҳига бетўхтов сингдирилар экан ва бунинг оқибатида бир кишининг шахсига сўзсиз, илоҳий итоаткорлик даражасида сиғиниш юзага келар экан, бу ҳолат бора-бора кўплар учун ҳаётда аслида худди шундай бўлиши керакдай, бошқача бўлиши мумкин эмасдай туйилиб кетиши ҳам мумкин. Одамлар узок йиллар мобайнида хўрланса, бу шафқатсиз ўзбошимчаликка қарши чиқишга ўзларида куч топа олмасалар, охир-оқибат шу ёвузликка кўникадилар, уни илоҳийлаштиришга ўзлари сабабчи бўладилар. Бу ҳам майли, бу мудҳиш ҳолат билан келишиш майли юзага келади.

Адиб публицистикасида тарихий ҳақиқатлар талқини

Чингиз Айтматовнинг таниқли қозоқ адиби Мухтор Шохонов билан суҳбатлари йиғиндиси – „Овчининг қояда қолган кўз ёшлари“ асари бошдан-оёқ ижтимоий-маънавий публицистик руҳ билан суғорилган. Муаллифлар инсон ҳаётининг мангу ҳақиқатлари, эзгуликлар, умумбашарий қадриятлар тўғрисида ва, айти пайтда, инсон ўз умри давомида дуч келадиган жумбоқлар, зиддиятлар, кутилмаган чигалликлар тўғрисида фикр юритадилар. Абадият фақат келажакдами ёки бизнинг бугунги кунларимиз ҳам абадиятми, нега бу дунёда ечимдан кўра жумбоқ кўп, оддийликдан мураккаблик бисёр, нега яхшилик ва эзгулик ёвузлик ва хунрезлик билан ёнма-ён юради, буларнинг ҳаммаси одам боласи пешонасига нақшланган қисматнинг кўринишларими ё бошқача ҳам бўлиши ҳам мумкинми, деган саволларга жавоб ахтаришади.

Айтматовнинг фикрича, бозор иқтисодиёти миуносабатларининг аёвсиз қонуниятлари бор. Ўз меҳнатинг билан ўзингни таъмилай олмасанг, тижорат акуласига ем бўласан. Шу боис китоб дўконларини, пештахталарни, бозорларни ярамас олди-қочди асаралар эгаллаб ётибди. Зўравонлик, қотиллик, талончилик руҳи билан суғорилган бу асарлар, аслида, жинойтчиликни такомиллаштириш бўйича ўзига хос қўлланма мазифасини бажармоқда... Бемаза қовуннинг уруғидек урчиб кетган арзон-гаров адабиётлар ёш авлодни шубҳали анъаналарга ўргатаётган бўлса, биз бунга қачонгача бефарқ қараб ўтирамик? Келажак авлод олдида ўтиш даврининг қийинчиликлари шунақа бўлар экан деб, ўзимизни оқлаймик?..

Диалог-асарда “демократия ороли” деб атала бошланган Қирғизистонда парламент сайловлари қандай ўтганлиги жуда таъсирчан мисоллар орқали кўрсатиб берилади:

М. Шохонов: “...парламент сайлови пайтида нималар рўй бермади дейсиз! Уруғ-аймоқлар, гуруҳбозлар ўртасида шафқатсиз кураш бўлмадимик! Ҳамма бир илдиздан тарқганини унутиб, айирмачилик билан машғул бўлмадимик! Одамлар бир-бирларини балчиққа қормадилармик! Ҳатто шу даражага бориб

етишдики, депутатликка номзод бўлган бири киши (этикдўз — М.А.) сайловчиларга туфли тарқатиб чиқди. Лекин фақат бир пойини. “Менга овоз берсангиз, иккинчи пой туфлини ҳам бераман,— деди у. Сайловчиларнинг мухтожлигидан у шу йўсинда фойдаланди. Нафсиламбирини айтганда, бошқа номзодлар ҳам ундан қолишмадилар: пулларни аямасдан сарфлашди. Ароқ дарё бўлиб окди. Кийим-кечаклар, аёлларнинг рўмоллари, кўйлаклари беҳисоб тарқатилди. Гўшт, ун, пул совға қилинди. Дарвоқе, сайловда этикдўзнинг омади келмади...”.

Айтматов: “Эзгулик сал чекинса, бас — унинг ўрнини дарҳол ёзузлик эгаллаб олади. Афсуски, биз узоқ муддат бунга эътибор бермадик. Тирик инсон яратувчилик ва бузғунчилик, ўйлаб ва ўйламасдан қилинадиган сон-саноксиз ҳаракатлар манбаидир. Инсоннинг ички олами ниҳоятда мураккаб ва хавфли йўл-йўлақлардан иборат. Лекин, нима бўлишидан қатъи назар, қонхўрдан қонхўр туғилишини, ёзуз кимсадан ёвуз кимса дунёга келишини, манқуртчилик зомбичилик вабосини бартараф этиш керак. Бу жамики инсониятнинг муқаддас бурчи ҳисобланади” (Иқтибослар Н. Боқий ва Ё. Хўжамбердиевлр таржимасида берилди).

Айтматов ижодида, хусусан публицистик мақолаларида “умумбашарий қадрият”, “умумбашарий онг” деган иборалар кўп учрайди. Адибнинг фикрича, инсон ўзини, ўзлигини унутмаган ҳолда бошқалар тўғрисида ҳам ўйлаши, бошқа юрт одамлари ҳақида ҳам худди ўзи тўғрисида қайғургандек қайғуриши, бошқаларнинг ютуқлари, қувончу шодликларидан лаззатланиши, ташвишу мусибатларидан изтироб чекиши, дарди билан дардланиши, нияти билан ниятланиши, умрни қандоқ ўтказмоқ лозим, дунёни яхши томонга ўзгартириш учун нималар қилмоқ керак, деган саволлар уни ҳамиша ўйлантириши зарур. Бунга эришмай туриб дунёни чинакам дунё даражасига кўтариб бўлмайди. Инсоният давлатлар, тузумлар билан боғлиқ турфа хил айричаликлардан, миллий алоҳидалик даъволаридан баланд кўтарилса, маҳдудликка берилмаса, бу дунёда ўзи каби бошқаларнинг ҳам яшашга, ўзига мос ва мақбул турмуш тарзини белгилашга ҳақли эканлигини тан олса ва, шу маънода, бошқаларга

нисбатан кўнглидаги шубҳа-хавотирни, ҳасадни, фисқ-фасодни йўқотса, фақат шундагина унинг шуурида умумбашарий тафаккур ғолиб келади. Фақат шундагина ҳаётимизда чинакамига янги давр бошланади.

Чингиз Айтматов мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб олишимизга бутун умрини бахш этди.

Хулоса

Давлатимиз раахбари Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Инсониятнинг эртанги куни қандай бўлар эканқ У янги даврга қай ҳолда кириб борадиқ У ўтмишнинг оғир меросини бартараф эта оладимиқ Ўзаро ҳадиксираш, ишончсизлик, ҳукм ўтказиш ҳоллари йўқ бўлиб кетганда, у давлатлараро муносабатларда рўйи-ростлик, ва самимийликнинг шундай даражасига эришадимиқ Ҳамжамиятнинг келажаги мана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ”¹³⁸. Ушбу тадқиқот ишида ўрганилган публицистик асарларда даврнинг шу каби долзарб муаммолари ўз аксини топган.

“Публицистика ҳаётнинг ўзидан нафас олади, у билан бирга яшайди, — деб ёзади тадқиқотчи олим Х. Дўстмуҳамедов.— Публицистика долзарб ҳаётий муаммоларга тезкор жавоб берадиган, замон билан ҳамнафас ижодий жанр. Ҳаётнинг сарҳадлари эса ниҳоятда кенг, публицистиканинг имкониятлари ҳам кенглик борасида ундан қолишмайди”¹³⁹.

Публицистиканинг жанр сифатида ўз фазилатлари, ўз имкониятлари бор,— деб таъкидлайди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов адабиётшунос олим Умарали Норматов билан суҳбатда.— Бирок публицистиканинг ҳикоя ёки романдан жиддий фарқ қиладиган томонлари ҳам мавжуд. Одатда, бадиий ижодда — ҳикоя, қисса, роман, шеър ёки дostonда

¹³⁸ Каримов И.А. Асарлар 2-жилд, 57-бет.

¹³⁹ Х. Дўстмуҳамедов. Муаллиф нуқтаи назари таҳлилда кўринади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2010 йил, 23 апрель.

асосий образ, асосий таҳлил маркази инсон, инсоннинг қалби бўлса, публицистикада фикрнинг ўзи образга айланади”.¹⁴⁰

Чингиз Айтматов, Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев ва бошқа ижодкорлар қаламига мансуб публицистик мақолаларда, энг аввало, ҳаётнинг реал маназаралари, қайноқ нафаси сезилади, кўз ўнгингизда биз умргузаронлик қилаётган бу ёруғ оламнинг мураккаб қирралари намоён бўлади. Чунончи, Ч. Айтматов ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатдан кўз юммаслик принципига амал қилади, ўзининг мустақил, зарур ҳолларда бошқаларникидан кескин фарқ қиладиган фикрини айтади, ўқувчини дунёвий муаммолар мушоҳадаси сари етаклайди, ўзи каби у ҳам бу муаммоларнинг туб сабаблари, оқибатлари тўғрисида фикр юритишини, изтироб чекишини, йўл-ечимлар излашини ҳохлайди. Ўқувчи онг-шуурини талабчан мураббий сингари мақоладан мақолага, фикрдан фикрга тоблаб, тиниқлаштириб, янги мушоҳада ва янгича қарашлар билан бойитиб боради.

Чингиз Айтматов бугун ҳар бир киши жамиятда, ўзи атрофида, яқин-узокда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, кечаётган жараёнлар, одамлар онги ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришларни моҳиятан идрок этмай, мағзини чакмай, бепарво яшаши мумкин эмаслигини урғулайди. Унинг фикрича, бугун инсоният ер юзида наинки тинчликни, айни чоғда ҳаёт-мамотни, инсонни инсон мақомида сақлаб қолишдек фавқулодда муҳим муаммо қаршисида турибди, бунда миллий, диний, ирқий ва бошқа ижтимоий белгиларнинг аҳамияти у қадар муҳим бўлмай қолган. Инсон айни шу ҳолатни англаб етмаса ва бу тўғрида фикр-мулоҳаза юритмаса, глобал таназзулга дуч келади.

Айтматов адабиётнинг бош вазифасини инсоннинг “зўравонлик — муқаррар, ёвузлик, зулм ҳеч қачон ўлмайди, кимдир кимнидир эзади”, деган тушунчага кўникиб қолишига, бу кўникиш сабаб ўзини ожиз ва нотаваон ҳис этишига йўл қўймасликда кўради. “Бугун ёзувчи ҳозирги замоннинг энг хавфли касбларидан бири бўлмиш журналистикадан четда тура олмайди. Ҳақиқий

¹⁴⁰ Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. Т., “Мумтоз сўз”, 2008, 139-бет.

публицист туйғуларига кўра, шубҳасиз, инқилобчидир. Чунки у умри тугаган, яроксиз нарсаларни инкор этади...”¹⁴¹

Адибнинг катор бадиий асарлари ва аксарият мақолаларида, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги маърузаларида “Фақат эзилаётган кишигина қул эмас, қулни эзаётган эзувчи ҳам қул, у ўз зўравонлигининг қули. Кимки ўзгалар эркини чекласа, у ўз эркини ҳам чеклайди. Унда ўзига тегишли ички эркинлик бўлмайди”, деган фикр кўп бор такрорланади. Биз буни Ўрозқулда (“Оқ кема”), Абакирда (“Бўтакўз”), Сегизбоевда (“Алвидо, Гулсари”) ва бошқа қаҳрамонлар характерида кўрамиз. Эзувчи ўз ахлоқсизлигининг, золим ўз зулмининг, хасис ўз бойлигининг қули. Инсоният тарихидаги энг номдор диктаторларнинг ҳаёти шу боисдан ҳам ҳаловатда, хотиржамликда кечмаган. Золимларнинг умри кўрқув ва ҳадикда кечган, қабих ишлари, бегуноҳ тўкилган қонлар уларга асло тинчлик бермаган, тик этган ҳар шарпа қилич яланғочлаб келаётган жаллодни эслатиб турган. Айтматов мана шу ҳақиқатларни ўқувчи ёдига солиб туради.

Ч. Айтматов ўз мақолаларида бугунги янги шароитда тарихни ўрганиш ва уни қайта идрок этиш масалаларига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, бу жараёнда яна аввалги хатоларнинг бошқа бир кўринишда такрорланишига йўл қўймаслик керак: “... боболаримиздан қолган мерос ҳар биримиз учун (бутун минтақа кўзда тутилмоқда — М.А.) қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини билганимиз ҳолда, уларни ўзимиз томон тортқилашга ҳаракат қиламиз. Афсуски, шундай анъана мавжуд. Биз негадир муайян бир даҳонинг қаерда туғилганига қараб туриб, унинг қайси миллатга мансуб эканини аниқлашга киришамиз... Гўёки, уларнинг ҳар бирида бу тўғрида гувоҳнома бордай... Бунинг ўрнига ўтмиш аجدодларимизнинг бизгача етиб келган илмий асарларини бир жойга тўплаб, туркий халқларнинг умумий мероси, умумий тарихимизнинг ажралмас қисми сифатида ўрганганимиз афзал эмасмиқ”.

Айтматов публицистикасида бугунги мураккаб дунёнинг ўта муҳим муаммолари талқинига дуч келамиз. Улардан бири — инсон онг-шуурига сунъий тушунчаларни, ғайриахлоқий қадриятларни сингдириш орқали унинг

¹⁴¹ “Правда”, 1982, 16 ноябрь.

хатти-ҳаракатини бошқаришга эришиш, одамнинг ўрнини ясама “одамча”лар билан тўлдириш каби қабих ниятнинг мавжудлиги. Бу ёвуз ният адибнинг “Кассандра тамғаси”, “Қулаётган тоғлар” каби асарларида, кўплаб публицистик мақолаларида, нутқ ва суҳбатларида катта ижодий ва гражданлик жасорати билан фош этилади. Чунки ясама одамларни етиштириш ҳаракати ёзувчининг бадиий тўқимаси эмас, реал ҳаётда бор ва кун сайин куч тўплаётган хавфдир. Бугун, расмий маълумотларга кўра, дунёдаги энг иқтидорли олимларнинг ҳар тўртинчиси ҳарбий-саноат комплексида хизмат қилмоқда. Бу — ҳар тўртинчи иқтидорли олим инсон ҳаётини яхшилаш, фаровон турмуш тарзини таъминлаш йўлида эмас, уруш қуролини такомиллаштириш, уларнинг даҳшатли имкониятларини янада кенгайтириш устида ишламоқда. Бу ҳаракатлар дунё “совуқ уруш” ҳолатидан чиққанидан кейин ҳам давом этаётир. Йирик давлатларнинг кўплари бугун ҳам қурол бозорини қизитаётгани, қурол сотиш учун турли минтақаларда оммавий қирғин воситалари эҳтиёжини юзага келтиришга ҳаракат қилаётгани, махфий лабораторияларда махфий тажрибалар ўтказиш хануз барҳам топмагани фикримизни далиллай олади. “Кассандра тамғаси” бизни мана шу ҳолатдан огоҳ қилади. Иксзурриётлар тажрибасининг муаллифларидан бири Конюхановнинг фикрича, Яна бир мулоҳаза. Асарда Кассандра тамғаси мажозий маънода келтирилган бўлса-да, бугунги аччиқ бир ҳақиқатга жуда-жуда яқин туради. Инсон ўзининг номуносиб хатти-ҳаракатлари – ёвузлиги, зўравонлиги, ўз моҳиятидан чекинаётгани, ер, сув, ҳаво, моддий неъматлар биргина ўзига эмас, ўзидан кейин келадиган, шу заминда кун кечирадиган юзлаб, минглаб авлодларнинг ҳам ризқи-насибаси эканлигини унутиб қўяётгани боис қодир Эгам бизни турфа хил ишоралар, белгилар билан огоҳ қилаётганини наҳотки тушунмасак! Ногаҳоний ўпирилишлар, ер силкинишлари, офатлар, яқин қавмлар бир-бирини қатлиом қилаётгани, бола отага, ота фарзандига қурол ўқталаётгани – огоҳлик белгилари эмасмиқ! Инсон бу билан ўз қиёмат кунини ўзи белгилаб қўймаётганмикин, деб ўйлайман.

Адабиётшунос Г. Гачев Чингиз Айтматов ижодидаги уч ҳолатга эътиборимизни қаратади:

— Чингиз Айтматов ижодкор-файласуф, XX асрнинг қийин ва мураккаб шароитида дунёни англаш учун алоҳида жасорат намуналарини кўрсатган гуманист-ёзувчи;

— Чингиз Айтматовнинг ижоди — маълум жуғрофий кенгликдаги чорраха: унинг Қирғизистонида турли халқларнинг миллий маданиятлари бири-бирига таъсир кўрсатади. Тоғли халқлар, кўчманчи халқ, деҳқон халқ бу ерда ўзаро дуч келади;

— Ч. Айтматов ижодида вақтнинг “даврий-тарихий” синтези ўз якунини топади: қирғиз халқи бир неча ўн йилликлар давомида патриархал-феодал тузумдан социализмга, XX аср тараққиётининг янги формаларига ўта олди.

Бу фикрга хайрихоҳ бўлган ҳолда, танқидчининг Айтматов асарларининг тили хусусидаги мулоҳазалари билан биров баҳслашишга тўғри келади. Масалан, тадқиқотчининг фикрича: (матнни оригинал тилида келтирамиз): “Русский язык его последних произведений — ясный, прозрачный, но несколько нейтральный. Нет в нем вольной игры слов, когда художник резвиться-плещется в языке, подчас озуруя. А ему, двуязычнику, никогда, ни в каком языке так не заплесаться: ни в кыргызском, где нет слов для многих понятий, которые ему надо выразить, ни в русском, который ему дан не с молоком матери, но приобретенный... Для выражения личных эмоций и ситуаций Джамили, Ильяса и других, с одной стороны, годился язык народной поэзии, песни, чем богата Киргизия (как и всякая народность), а с другой — и нехватка чувствовалась, недостача его — для выражения индивидуальных чувств и внутреннего мира души и характера, что уже передавать может лишь язык литературный, который в Киргизии, увы, слаб...”.¹⁴²

Биз юқорида Ч. Айтматов асарлари тилининг ўзига хослигини, чунончи уларда (публицистик мақолаларида ҳам) ортиқча жимжимадорлик, сунъий безак, шунчаки кўтаринки руҳ учун келтирилган “навбатчи иборалар”нинг деярли йўқлигини айтиб ўтдик. Чунки унинг тили рус тилида ёзадиган шарқликнинг тили. Унинг фикрлаш услуби ҳам рус тилида ижод қиладиган

¹⁴² Г. Гачев. Чингиз Айтматов и мировая литература. Фрунзе, “Кыргызстан”, 1982.

шарқликнинг услуви. Бу ҳолатни рус тилида ижод қиладиган бошқа миллий ижодкорларнинг асарларида (масалан Темур Пўлатовда) ҳам кўриш мумкин. Бу жиҳатдан Г. Гачевга эътироз билдириш қийин. Аммо танқидчининг қирғиз тилида, демакки, бошқа миллий тилларда ҳам, “қаҳрамонлар ички дунёси ва характери ифодаловчи сўзларнинг йўқлиги” тўғрисидаги даъвосига қўшилиб бўлмайди. Бу даъвода собиқ тузум мафкурасининг тил масаласидаги сиёсати ўз ифодасини топганлигини сезиш қийин эмас.

Қирғиз тилининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, унинг халқ фольклорига хос содда, раво ва оҳангдорлиги, мақолу маталларга бойлиги Айтматов ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Тасаввур учун адибнинг “Жамила” қиссасидан олинган бир парчага эътибор берайлик.

Қирғизчада: “Анын (Дониёрнинг — М.А.) ыры созу жок эле ун менен обон. Анда-санда гана бир ооз соз айтып коюп, анан бир топко чейин жон эле ун салып демин тартпай безеленет. Дениздын толкуну удургуп каптагандай, токтурмо обон ташынып, анын соз айтууга чамасын келтирбей жатты. Бул бир озунчо тубаса ун, тубаса обон. Журогу зор адамдын ой-санаасын, кубанычын, тилегин баяндаган зор обон! Ал кыргызчага, казакчага да окшобойт, бирок тыншап отурсан, бул обондо байыртан бир боордош кыргыз менен казактын тандалган тол обондору ширетилип кошулгандай туюлат. Обон, бирде казактын уч-кыйри жок ай талаасындай, кенен агымда жайкалып койколсо, бирде кыргыздын зоокалуу тоолорундай, бийик зангырап кокойт”.¹⁴³

Русча таржимасида: “Если я только мог хоть в какой-то мере воспроизвести песню Данияра! В ней почти не было слов, без слов раскрывала она большую человеческую душу. Ни до этого, ни после — никогда я не слышал такой песни: она не походила ни на кыргызские, ни на казахские напевы, но в ней было и то и другое. Музыка Данияра вобрала в себя все самые лучшие мелодии двух родных народов и по-своему сплела их в единую, неповторимую

¹⁴³ Чингиз Айтматов. Уч томлик танланган асарлар (қирғиз тилида), “Кыргызстан», 223-224-бетлар.

песню. Это была песня гор и степей, то звонко взлетающая, как горы кыргызские, то раздольно стелющаяся, как степь казахская”.¹⁴⁴

Ўзбекчада: “Унда деярли сўз йўқ, лекин бу куй сўзсиз ҳам самимий, соф ниятли қалб эгасининг бутун қувончи, умид-орзулари ва тилақларини ифодалаб берарди. Мен умрим бино бўлиб бундай куйни эшитган эмасман. У қирғизчага ҳам, қозоқчага ҳам ўхшамасди, бироқ бу куйга азалдан бир-бирига қондош-жондош бўлган қирғиз билан қозоқ халқининг куйларидаги энг нафис, энг дилрабо оҳанглар сингдирилгандек бўлиб туюларди. Бу куй гоҳ қирғиз тоғларидек баланд-баланд парвоз қилса, гоҳ поёни йўқ қозоқ далаларидек узоқ-узоқларга тараларди”.¹⁴⁵

Ушбу парча қирғизча ва ўзбекчада анча равон, самимий жаранглайди. Русча ўғирмасида эса бироз мавҳумлик бор. Чунончи, оригиналдаги *“Анда-санда гана бир ооз соз айтып коюп, анан бир топко чейин жон эле ун салып демин тартпай безеленет. Дениздын толкуну удургун каптагандай, токтурмо обон ташынып, анын соз айтууга чамасын келтирбей жатты”*, деган ўта муҳим икки жумла русча таржимада йўқ, бинобарин, улар ўзбекча таржимага ҳам кўчмаган. “Музыка Данияра” ибораси ҳам ўрнига тушмаган. Асар дастлаб қирғиз тилида ёзилган, сўнг муаллифнинг ўзи уни рус тилига ижодий ўғирган. Демакки, ҳар икки тилда ҳам у оригинал ҳисобланади. Аммо “Жамила” қирғизчада жуда таъсирчан жаранглайди.

“Юзма-юз” қиссасидан келтирилаётган қуйидаги парчада ҳам шу ҳолатга дуч келамиз.

Қирғизча оригиналда: “Бетинен киргилт тер уюлган, капкара туноргон Ысмайил Сейдеге жакындап, бетме-бет келгенде, козу алачак-мактанып, мурунку Сейде эмес, кандайдыр башка, кандайдыр озунун укмуштуу кучун, оз артыкчылыгын, адалдыгын билип жалтанып койбостон, баласын которуп, чачы боз-ала, жиланбаш аялдын манкайып турганын корду. Сейде анин козуно бийик жерде тургандай корунуп, ал озу анын жанында кирбийгенсип, башын ийнине

¹⁴⁴ Чингиз Айтматов. Собрание сочинений в семи томах. М., том 1, стр.138

¹⁴⁵ Чингиз Айтматов. Танланган асарлар, Т., “Шарқ” НМАК, 230-бет. Таржимон А. Рашидов

катып бир нерсе айтайын деп, оозун чала ачкан бойдон, Сейденин жаш аралашкан козун бир карап, мылтыгын тээ тигиндей ташка жанчып ыргытти да, колун которуп, мылтыгын сундуруп кела жаткан солдаттарга корголоду”.¹⁴⁶

Шу парча рус тилида: “И в эту минуту из камышей выскочил Исмаил. Был он в рваной серой шинели. С перекошенного, измученного лица, заросшего бородой, катился грязный пот. Задыхаясь от ярости, он поднял винтовку для удара и грозно двинулся к жене.

Все больше сокращалось расстояние между ними. Вот они сблизились вплотную, лицом к лицу. И он не узнал прежней Сейде. Эта была другая, не знакомая ему женщина: седоволосая, с непокрытой головой, она бесстрашно стояла перед ним, держа на руках сына, и ему вдруг показалось, что она стоит высоко, очень высоко, недоступная в своем скорбном величии, а он бессилен и жалок перед нею.

Исмаил пошатнулся, с силой швырнул винтовку навстречу подбежавшим солдатам и поднял руки”.¹⁴⁷

Ўзбекча таржимаси: “Исмоилнинг кир босган юзларидан тер куюлиб, Саидага яқинлашиб, юзма-юз келганида, кўзлари ўйнаб, илгариги Саидани эмас, қандайдир бошқа одамни, ўз куч-қудрати, афзаллиги ва одиллигини кўз-кўз қилибгина қолмай, балки боласини кўтариб олган, сочлари оқариб кетган, ялангбош, хушқомат аёлни кўрди. Саида унинг кўзига юксакликда тургандек, ўзи бўлса, унинг ёнида ожиз ва нотавон бир кимсадек елкасини қисиб, ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ Саиданинг ёшга тўлган кўзларини кўри, кўлидаги милтиғини ёнидаги тошга уриб парчалаб, улоқтириб ташлади ва қўлини кўтарганича, милтиғини ўкталиб келаётган солдатлар қаршисига чиқди”.¹⁴⁸

Бу асарнинг ҳам қирғизча ва русча вариантлари оригинал ҳисобланади. Аммо русчаси бироз қуруқлашган. “С непокрытой головой” қирғизча матндаги

¹⁴⁶ Чингыз Айтматов. Гулсарат. «Кыргызстан», 1978, 447-бет.

¹⁴⁷ Чингиз Айтматов. Собрание сочинений. М., 1998, том 1. стр.106

¹⁴⁸ Чингиз Айтматов. Қиссалар, 1-том. Т., 56-бет.

“жиланбаш” (яланг бош) сўзини муаллиф нима мақсадда ишлатганини очиб бера олмайди. Гап Саиданинг бош яланглигида эмас, у шундай бир ҳолатда эдики, бу дунёнинг жамики тартиб-қоидаларини унутган, ҳатто бошига рўмол ташлаб олиш ҳам ҳаёлига келмаган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундан анаглашиладиган хулоса шуки, гап у ёки бу тилнинг бой ёки камбағаллигида эмас, таржимоннинг маҳоратида.

Китобхонлар билан учрашув кечаларида Айтматовга “Сизнинг журналист сифатидаги фаолиятингиз бадиий асарлар ёзишингизга ҳалақат бермайдимиқ”, деган саволни кўп бор беришади. Адиб бу саволларга ҳамиша “Йўқ, аксинча ёрдам беради”, деб жавоб қайтаради. Журналистика ҳаётнинг бир қарашда кўз илғамас жиҳатларини ўрганиш, сезиш ва тушунишга, одамларнинг ўй-ҳаёллари, туриш-турмушларидаги яхши-ёмон ҳолатларни кузатишга ва бунинг натижасида ёзилажак бадиий асар учун бой ҳаётий материал тўплашга имкон беришини алоҳида эътироф этади. Айтматов асарларининг фавқулодда ҳаётийлиги ва таъсирчанлигининг боиси ҳам мана шунда. У мухбир сифатида юрт кезар экан, катта тажриба орттирди, теран мазмунли, кенг кўламли мақолалар ёзди, журналистларга хос маҳорат чўққиларини эгаллади. Публицистик чиқишларида жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларига тааллуқли муаммоларни дадиллик билан қаламга олди.¹⁴⁹

Адиб публицистикасида фалсафий мушоҳадалар кўпинча ҳалқ тили орқали ифода этилади. Баъзи мисоллар: “Яхши яшаб, яхши амаллар қилиб, ўзидан яхши ном қолдирган одамнинг ўлими қайғули, албатта, аммо кўтариб бўлмайдиган фожиа, юк эмас. Бу ёруғ оламни тарк этаётган кишиларнинг ҳар бирини ўзига яраша иззат-икром билан кузатиб қўйиш керак. Бировлар таъзия маросимида мусиқа қўйишади, бошқа бировлар байроқ кўтариб, милтиқ отишади, яна кимдир гул сочади. Ҳар элнинг ўз расм-русуми бор-да”, “Чақмоқ тошни чақмоқ тошга урмагунча олов чиқмайди. Оқинлар ҳам шундай — бир-биридан қолишмай, куч синашмагунларича бу ҳунарнинг сирини оча

¹⁴⁹ А. Акматалиев. Айтматовдук энциклопедия. 1-том. Бишкек, “Илим”, 1993, 115-бет.

олишмайди”, “Дўст олдида ҳисоб беришдан (мулзам бўлишдан) душман қўлида ўлган афзал”, “Нон ўлмас неъмат экан-ов, ҳаёт деганлари мангу давом этар экан-ов. Меҳнат бўлса асло адоғига етмас экан-ов”, “Дунёдаги одамларнинг ҳаммаси ҳам бир ният ва бир мақсадда бир-бирларини қўллаб-қувватлашса, бир-бирларига яхшилик қилишса, болаларини севишса, уларнинг камолини орзиқиб кутишса... уруш бўлмасмиди дейман-да...”, “Ота-она фарзандим узоқ умр кўради, умри роҳат-фароғатда ўтади, бахтли-саодатли бўлади, деб ўйлайди ва не-не азоб-укубат билан фарзанд тарбиялайди, емай едиради, киймай кийинтиради, аммо...”, “Умр ўтиб боради, аммо кўнгил буни тан олмайди, қафасдаги куш каби қанот ёзиб, парвоз қилишга чоғланаверади”, “Одам боласи яхши фазилатларни ердан топиб олмайди, одамлардан ўрганади...”¹⁵⁰ ва ҳоказолар.

Айтматов публицистикасида кучли ижтимоий-фалсафий мушоҳада, образлилик, ҳозиржавоблик, ижодий журъат, фаол гражданлик позицияси, қиёсий таҳлил, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини урғулаш устуворлик қилади. Адибнинг маънавий олами, дунёқараши, эътиқоди унинг публицистик асарларида янада яққол намоён бўлади.

Айтматов публицистикасини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр — 1964—1980 йиллар. Бу даврнинг дастлабки йилларида ёзилган мақолаларда собиқ тузум мафураси тамойиллари аниқ кўзга ташланади. Айтматов, гарчи оддий одамлар, турли касб эгалари — меҳнат кишилари тўғрисида қалам тебратса ҳам, социализм шароитида улар учун яратилган шарт-шароит, Октябр инқилобининг миллий республикалар тараққиётидаги беқиёс ўрни, порлоқ келажакка ишонч туйғуларига кўпроқ эътибор беради. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллардан бошлаб публицистни уруш ва тинчлик масалалари, апартеид сиёсатини қоралаш, экология мавзулари кўпроқ қизиқтиради.

Иккинчи давр — 1980—1990 йиллар. Бу йилларда Ч. Айтматов публицистикаси моҳият жиҳатидан ҳам, маҳорат нуқтаи назаритдан ҳам юксак

¹⁵⁰ Ушбу мисоллар адибнинг “Момо ер” қиссасидан олинган.

чўққига кўтарилади. Жамият ҳаётидаги иллатлар, сиёсат ва бошқарувдаги мавҳумликлар, халқнинг, айниқса, қишлоқларда яшовчи аҳолининг оғир турмуш тарзи, миллий ва диний қадриятларни менсимаслик каби масалалар ошкора таҳлил қилинади.

Учинчи давр — бу давр бевосита Ч. Айтматовнинг дипломатик фаолияти билан боғлиқ. Дунё миқёсидаги нуфузли анжуманлар, халқаро форумларда ёзувчининг куюнчак овози баралла янграйди. Ёзувчи-Айтматов публицист-Айтматов сифатида ҳам дунё эътиборини ўзига қаратади

Айтматов йигирманчи асрнинг ўта мураккаб йилларида қалам тебратган бир ижодкор сифатида ўзи ҳақидаги бор ҳақиқатни ўзи айтиб кетди. Баҳс-мунозараларга ўрин қолдирмади. Адиб ўзи босиб ўтган тигиз ҳаёт йўлини холис таҳлил қила билди, эътиқодидаги хато ва янглишишларни эътироф этди. Совет тузуми ўзининг юксак чўққисига чиққан пайтдаги Айтматов билан янги аср бошларидаги Айтматов орасида ва — бир вақтлар қўшиқдай қуюлиб келган, қалбимизга қўшиқдай майин синган соф миллий қиссалар муаллифи билан кейинги йигирма йил давомида Европа бағрига деярли сингиб кетган, ўз юртида ҳам меҳмон бўлиб қолган Айтматов ўртасида жиддий фарқ борлигини инкор этмади. У бу ҳолатни ўзи биринчи бўлиб сизди. Аммо вақт ўз таъсирини ўтказиб бўлганди. У миллий туйғулардан узоқлашаётганини сезиб, бу соҳилга яқинлашишга нечоғли уринмасин, барибир, фикрлар жилови гоҳо бу муҳим эҳтиёжни ҳатлаб ўтарди. Чунончи, ҳаётининг сўнгги йилларидаги интервьюларидан бирида, ҳеч қутилмаганда, яқин-яқингача миллий республикаларда, жумладан Ўрта Осиёда республика, вилоят, шаҳар ва туман фирқа қўмиталарининг иккинчи котиблари маҳаллий миллат вакилларида эмас, рус миллатига мансуб кишилардан тайинланганлиги, бу эса жуда тўғри, оқилони иш бўлганлигини таъкидлайди. Яқин ўтмишимизга назар ташласак, айти шу иккинчи котибларнинг аксарияти маҳаллий халқ тилини, урф-одатларини, миллий ва диний қадриятларини билмаган ҳолда, билсалар ҳам, уларга беписандлик, очикчасига ҳурматсизлик билан қараб, ўзларига берилган чексиз-чегарасиз ваколатдан худбинларча фойдаланиб, кадрларни танлаш ва

жой-жойига қўйиш ишини бутунлай барбод қилишгани, масалан Ўзбекистонда ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида кўплаб атоқли олимлар, маданият ва санъат арбоблари асоссиз тазйиққа олиниб, турли сохта айбловлар билан ишдан, ташкилотчилик ва илмий фаолиятдан четлаштирилгани ва уларнинг ўрнини аксарият ҳолларда ўша “иккинчи”ларнинг яқин гумашталари эгаллаганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистонда республика партия марказқўмининг иккинчи котиби Анишчев, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг котиби Сатин ва бошқа шу каби шоввозларнинг куракда турмайдиган кирдикорлари тўғрисида жуда кўп ёзиш мумкин. Энг ачинарлиси, бундай нопок, такаббур ва манман шахслар республикага “ўзбеклар иши” деб ном олган сохта айблов ниқоби остида адолат ўрнатиш учун юборилган эди. “Иккинчи”лар кўшни Қирғизистонда ҳам худди шундай жавлон уришган. Буни сезмаслик, билмаслик мумкин эмас эди.

Собиқ мафкура узоқ йиллар давомида ўзининг туб мақсадларини одамларнинг, шу жумладан, ижодкор зиёлиларнинг, давлат ва жамоат арбобларининг қон-қонига сингдириб юборган эди. Ҳар бир киши, у қайси лавозимда ишламасин, ғоявий-сиёсий чиниқиш мактабини ўтарди. Бу мактабдаги асосий сабоқ — коммунистик идеология бўлиб, у бутун халқни, кучли ва таъсирчан тарғибот машинасини ягона совет халқини вужудга келтириш, совет турмуш тарзини шакллантириш, диний эътиқод эгаларини жамият ҳаётидан четлаштириш, ҳаммани ягона бир фикр атрофига тўплаш каби ғайриахлоқий мақсадларга йўналтирган эди. Бундай шароитда яшаб, ижод қилган ижодкорларнинг бу ҳаракатлардан четда қолишини тасаввур қилиш қийин. Қуйида адибнинг сўнгги йиллардаги суҳбатларидан жузъий қисқартиришлар билан келтирилаётган парчалар бу фикримизни ҳар жиҳатдан асослай олади. Уларда эътиборга молик мулоҳазалар билан бирга бир-биридан кескин фарқ қиладиган, совет тузумининг таъсирида шаклланган мафкуравий дунёқараш очик-равшан кўриниб туради.

* * *

Адибнинг янги аср бошидаги суҳбатларида эътиборга молик фикр-мулоҳазалар билан бирга, замонасозлик кайфияти, мантиқан бир-бирига боғланмайдиган “уқдирма”лар ҳам кўзга ташланади. “Биз икки дунё — Европа ва Осиёнинг натижаларимиз, ўзимиз учун Евроосиё деб аталадиган, аслида аввалдан назарий жихатдан мавжуд янги китъани кашф этишимиз мумкин,— дейди адиб улардан бирида.— Образли қилиб айтганда, Евроосиё бу — Марказий Осиё ва Европанинг бир бурчаги бўлмиш Россия. Баъзи Шарқий Европа мамлакатлари ҳам биз билан бир қайиқда, сафимизга Монғолия қўшилиши мумкин. Ҳатто Туркменистон ҳам биздан узоқлаша олмайди. Албатта, биз ҳар биримиз алоҳида-алоҳида ҳам жаҳон сахнасига чиқишимиз мумкин, аммо бу машаққатли жараён жуда узоқ давом этиши мумкин. Шарқий Европадан япон ороллариғача чўзилган, ён-атрофидаги кўплаб ҳудудларнинг тажрибасини мужассамлаштирган Россия эса ўзининг бугунги миссиясини англаган ҳолда биз учун бу ишда муҳим аҳамият касб этади. Императорлардан бири ўз вақтида Рим империясининг мафкурасини қуйидагича ифодалаган экан: “Шундай қилиш керакки, биргаликда яшашдан одамлар манфаатдор бўлсинлар”. Мустақилликнинг дастлабки ўн йилидаёқ собиқ иттифоқдош республикалар жаҳон бозорини забт этишга ҳали эрта эканлигини англаб, аввалги алоқаларни тиклашга киришдилар...

Тарихни энди-эди ўрганаётган ғўр ёшлик йилларимда ўқиган барча совет дарсликларида империялар қатъиян қораланар эди,— давом этади адиб.— Мен бунга ишонганман. Кейинчалик эса тараққиёт деганлари ўз-ўзидан бўлмайди деган хулосага кела бошладим. Тараққиётда олдинга чиққан давлатлар нисбатан кам ривожланган, ўсиш суръатлари паст бўлган давлатларни ўз орбитасига тортади. Бунда, албатта, империячилик кайфиятлари бўлмаслиги керак. Бундан ҳатто колония даражасига тушиб қолган мамлакатлар ҳам фойда кўрадилар... Бунинг сабаби, империя буни хоҳлайдими, йўқми, ўзининг чекка ҳудудларини ҳам эътиборда тутишга мажбур бўлади. Совет Иттифоқи бошқа бир идеологик кўринишдаги улкан империя эди. Аммо унинг бу мақоми Марказий Осиё мамлакатлари учун зарурий жараён эди. Қиёслаш учун қўшни Афғонистонни

олайлик. Бу ерда мамлакат ҳеч қачон ҳеч кимга бўйин эгмаганлигини такрор-такрор айтишади. Бундан нима келиб чиқдиқ Мамлакат жаҳолат гирдобиди қолди, дунёвий тараққиёт уларни четлаб ўтди. Нега шундай бўлганлигини англаб етмаган халқ азобда қолди. Гоҳо бизнинг айрим шоввоз ”патриот”ларимиз СССР бизни куллик даражасига тушириб қўйди, дея бақир-чақир қилишади. Мен уларга доимо: “Шундай бўлганига раҳмат денглар, акс ҳолда биз Афғонистондан ҳам баттар аҳволга тушиб қолар эдик”, деб айтаман...

Тақдир шундай кечдики, менинг XX асрим совет замонида тўғри келди. Бизнинг бу замондаги ҳаётимиз анча чекланган эди. Бу даврда ҳатто эътиқодимизда ҳам маълум чекланиш мавжуд бўлиб, ҳамма ҳақиқат фақат бизнинг тарафда деб ҳисоблар эдик. Бугун менда совет замонида биз нималарга эришганимиз билан дунёда нималар мавжудлигини ўзаро чоғиштириш, таққослаш имконияти мавжуд. Англаш ва тушуниш диапазони, табиийки, кенгайди. Бу кенгайишнинг инсонга кераги бормиқ Бор, албатта! Айниқса ижодкор одамга... Шундай бир шароитда ҳам мен миллий туйғулардан узоқлашиб кетаётганим йўқ. Европа нечоғли яхши бўлмасин, қалбим, айниқса Москвада бўлганимда, иссиқ бир ҳарорат билан қопланади. Шу боисдан ҳам, мен Евроазия — бизнинг қитъамиз деганимда, тушуниш ва ҳис этишнинг умумийлигини кўзда тутаман... ”.¹⁵¹

Собиқ мафкура узоқ йиллар давомида ўзининг туб мақсадларини одамларнинг, шу жумладан, ижодкор зиёлиларнинг, давлат ва жамоат арбобларининг қон-қонига сингдириб юборган эди. Ҳар бир киши, у қайси лавозимда ишламасин, ғоявий-сиёсий чиниқиш мактабини ўтарди. Бу мактабдаги асосий сабоқ — коммунистик идеология бўлиб, у бутун халқни, кучли ва таъсирчан тарғибот машинасини ягона совет халқи деган сунъий бирликни вужудга келтириш, советларча турмуш тарзини шакллантириш, диний

¹⁵¹ “Российская газета”нинг Бишкекдаги ваколатхонасида бўлган суҳбатдан. Суҳбатдош Элла Таранова. 2005 йил.

эътиқод эгаларини жамият ҳаётидан четлаштириш, ҳаммани бир фикр, умумлашма-қоришиқ турмуш тарзи атрофига бирлаштириш каби илдизсиз мақсадларга йўналтирган эди. Бундай шароитда яшаб, ижод қилган ижодкорларнинг бу ҳаракатлардан четда қолишини тасаввур қилиш қийин.

Чинакам публицист жамиятда мавжуд оғриқли нуқталарга нисбатан бефарқ бўла олмайди. Бонг уради, ҳаловатини йўқотади. У бу ишни виждон амри билан бажаради ва шу ишидан ҳаловат топади. Чингиз Айтматов бутун ижодий умри давомида виждон амрига кулоқ тутди, жуда узоқни кўра олди ва бизга кўп сабоқлар қолдириб кетди.

Шукур Холмирзаевнинг “Фақат ўзлигимни англаш учун ёзаман” сарлавҳали суҳбатида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Ётмиш йиллик совет даврининг ўз қонуни, ўз йўналиши бор эди. Ўша вақтдаги асарлар ҳам бошқача бўлиши керак эди. Кўп ёзувчилар умуман ёзувчи ҳақидаги тасаввурларга жавоб бера олмайдиган майда кимсалар бўлиб етишдилар. Уларга ачинамизми, ачинмаймизми, лекин бориша қабул қилиш керак. Шуниси қизиқки, у адиблар адабиётнинг бош мавзуси инсон эканлигини тушунишмади. Бош мавзу — мафкура деб билдилар. Ваҳоланки, Шарқ адабиётида комил инсон тушунчаси бор. Бугунги кунда биз, биздан кейинги авлод, мана, ўзларинг ҳам, шу нарсаларни англаб, мияга қуйиб олишларинг керакки, ўшаларнинг шундай бўлиши сабабларини таҳлил қилиб, теран тушуниб, демак, унинг аксини қилиш керак. Ҳа, келажакда ўзбек адабиётида ғаройиб асарлар пайдо бўлади. Улар, шубҳасиз, тўхтаб қолган Абдулла Қодирий прозасига яқин проза бўлади. Мен ишонаманки, оддий ҳикоялардан кўра, ҳикоятлар устун бўлади. Чунки замон, дунё эврилди, фақат мангуликлар яшаб қолишига ишондик...”.¹⁵² Чингиз Айтматов ҳам бу дунёда фақат мангу ҳақиқатлар ғолиб келиши ва яшаб қолишига ишониб яшади.

Адиб публицистикаси мисолида айтиш мумкинки, адабиётимизнинг бу фаол жанри ҳамма замонларда ҳам миллий тараққиёт, миллий тафаккур,

¹⁵² “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2000 йил, 25 февраль. Суҳбатдош Ш. Дониёрова.

жамиятда демократик тамойилларнинг барқарорлиги ва фикр ривож, миллий мафкуранинг шаклланиши, матбуот сўзининг халқчил ва ошкоралиги борасида бутун масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу вазифадан асло чекинмайди. Бадиий адабиёт ва оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантириш, бу фикрни, турлича мулоҳаза ва қарашларни, баҳс-мунозарани миллат, мамлакат олдида турган бош мақсадларга монанд равишда ривожлантиришдаги ўрни айни шу жамиятда сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги, танқид ва ўз-ўзини танқид, бунга тоқат ва эътибор билан бевосита боғлиқлиги назарда тутиладиган бўлса, бадиий публицистиканинг юксак мавқеи ўз-ўзидан равшан бўлади.

Публицистика уйғоқлик демакдир. Уйғоқ одам фақат ўз ташвиши, фақат ўз манфаатлари билан яшай олмайди.

Истиқлол йилларида ўзбек бадиий публицистикаси жиддий муваффақиятларга эришганини юқорида алоҳида таъкидлаб ўтдик. Бизнингча, Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Раҳим, Иброҳим Ғафуров, Дадахон Нурий, Хуршид Дўстмуҳаммад, Турсуной Содикова, Шодмонбек Отабоев, Ёқубжон Хўжамбердиев ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг публицистик асарлари алоҳида илмий тадқиқот объекти бўла олади. Чунончи, Озод Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш”, “Адабиёт яшаса — миллат яшар”, “Адабий танқид ва янги тафаккур”, “Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари”, “Ҳар бир инсон бир мўъжиза”, “Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч”, “Танқидчилик касби ҳақида” сарлавҳали мукамал публицистик мақолалари, Одил Ёқубовнинг “Қачон одам бўламизқ”, СССР халқ депутатлари қурултойида сўзлаган нутқи, Шукур Холмирзаевнинг бадиий-публицистик эсселари ўзбек бадиий публицистикаси мустақиллик йилларида янги сифат босқичига кўтарилганидан далолат беради.

“Публицистика бир учқунки, истисносиз барча жанрлар ундан аланга олади. Публицистика бу — ҳаётий ҳодисаларга бошқалардан кўра аввалроқ акс-

садо бериш, биринчи бўлиб муносабат билдириш, таъбир жоиз бўлса, истеъдоднинг гражданлик туйғуси”, деб уқдиради шоир Егор Исаев. Адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг фикрича, “Чинакам публицистика ҳаёт ходисалари туфайли ёзувчининг гражданлик туйғуси туғёнга тушган, алангага айланган, бинобарин, инқилоб тусини олган пайтдагина туғилади. Публицистика, бу, аслида, жуда муҳим, долзарб ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳозиржавоблик ва дадиллик билан кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш демакдир”.¹⁵³

Дарҳақиқат, шундай. Публицистнинг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этган муҳим фикри ривожланишда давом этади, муҳокамадан ўтади, умумлашади ва жамоатчилик фикрига айланади. Жамоатчилик фикри эса жамият тараққиётини белгилайди.

Чингиз Айтматов публицистикаси мавзусида ушбу қўлланма муаллифи эълон қилган материаллар

“Чингиз Айтматов — журналист”. Диплом иши. Тошкент Давлат университети журналистика факультети, 1974

“Узоқ кутилган меҳмон” (Ч. Айтматов публицистикаси тўғрисида). “Умидли дунё” тўпламида. “Ёш гвардия”, Т., 1982

“Тарихнинг ўз ҳақиқати бор”. Ч. Айтматов публицистикаси ҳақида. “Бирлик” – “Единство” газетаси, 1996, 18 январь.

“Бирлашсак — ўзамиз”. Ч. Айтматовнинг Марказий Осиё республикалари маданият арбоблари қурултойида сўзлаган нутқиға шарҳ. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995, 24 ноябрь. Шарҳнинг русча варианты — “Правда Востока”, 1996, 5 январь.

“Иккинчи қувғин”. Ч. Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” романиға тақриз. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1996, 5 январь.

“Руҳимизда туйғулар сўнмасин”. “Туркистон” газетаси, 1996, 3 январь

¹⁵³ Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. Т., “Мумтоз сўз”, 2008, 136-бет.

“Ўзимизнинг Чингиз оға”. Публицистика. “Марказий Осиё маданияти”, 1998, 7 январь.

“Ўзликни англаш сари”. Публицистика. “Қишлоқ ҳақиқати”, 1998, 17 апрель.

“Миллийлик замиридаги байналмилаллик”. Публицистик таҳлил. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1998, 11 декабрь.

“Ватан саодати”. Миллий мафкура ва тараққиёт масалалари тўплами. Т., “Шарқ” НМАК, 1998, 117 – 121 бетлар.

“Улуғ синов даври”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1999, 19 март.

“Давримизнинг Манас адиби”. (З. Исомиддинов билан ҳамкорликда). “Ўзбекистон овози”, 2004 йил, 5 август.

“Қирқ бешинчи бекат”. Ўқув қўлланма. Т., “Тафаккур” нашриёти, 2007 йил, 79-89-бетлар.

“Янгиланаётган дунё ва адиб масъулияти”. Ч. Айтматов публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2009, ноябрь

“Ижодига ёлғон аралаштирмаган адиб”. Ч. Айтматов публицистикаси таҳлили. “Ойдин” журнали (Қирғизистон), 2009, № 1; 2010, № 2 - 3

“Қоратоғ сафари” (Мухбирлик сабоқлари). “Ўзбекистон матбуоти”, 2010 йил, 6-сон, 25-29-бетлар.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган

бадий- публицистик мақолалардан айрим намуналар

(Мавзуни мустақил ўрганувчилар учун)

1988 йил

Қўлингиз пок, кўнглингиз оқмиқ, 12 февраль

Ёкубжон Хўжамбердиев. “Косага тушган илон”, 43-сон

1989 йил

Нафиса Содиқова, “Олимлар, элингизни биласизмиқ”, 13 февраль

Шерали Турдиев. “Танқид душман излаганда”, 20 январь

Исроил Мирзаев. “Эркин сўз масъулияти”, 27 январь

Беккул Эгамкулов. “Ёруғ кунлар умиди”, 27 январь
Карим Баҳриев. “Уйғонаётган фикр”, 3 февраль
Тоҳир Қаҳҳор. “Инсонни маърифат тарбиялайди”, 10 февраль
Норбой Худойбергенов. “Ўйлаш, фикрлашга қодирмисиз”, 17 февраль
Аҳмад Отабоев. “Қақнуснинг қоғоз қаноти”, 24 февраль
Мирза Кенжабеков. “Тил эрки — эл эрки”, 24 февраль
Хайриддин Султонов. “Ҳаёт дарахти”, 24 февраль
Одил Ёкубов. “Наврўз арафасидаги ўйлар”, 3 март
Ойдин Ҳожиёва. “Руҳимизга ёнғин тушмасин”, 3 март
Сирождин Саййид. “Марҳумлар руҳидан кўркмайсизми”, 3 март
Ашурали Жўраев. “Фалокат кўнғироғи”, 3 март
Владимир Карпов. “Тил — халқ руҳи”, 10 март
Ҳаким Назир. “Болалар адабиёти ўғайми”, 17 март
Малик Муродов. “Қадриятларимизга шикаст етмасин”, 17 март
Евгений Евтушенко. “Тарбиясиз тарбия”, 24 март
Ашурали Жўраев. “Яхшидур аччиқ ҳақиқат”, 24 март
Аҳмад Алиев. “Турғунлик даври фожиалари”, 31 март
“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, 31 март
Мурод Абдуллаев. “Оролнинг ўлими тасодифми”, 7 апрель
Ҳалима Худойбердиева. “Кўнгил кузи”, 14 апрель
Беккул Эгамкулов. “Хўрлик” (Аёл нега эрини ўлдирди), 14 апрель
Ғайбулла Салом, Зухриддин Исомиддинов. “Қайта яратиш ва аксилтаржимачилик”, 21 апрель
Иброҳим Ғафуров. “Нажот — ҳақиқатда”, 5 май
Исматулла Абдуллаев. “Маърифат ва тарбия”, 5 май
Норбой Худойбергенов. “Дарднинг давосини излайлик”, 5 май
Ёкубжон Хўжамбердиев. “Тамға”, 5 май
Абдуқаҳҳор Иброҳимов. “Узоқни кўзлаб, рост сўзлайлик”, 12 май
Аҳмаджон Мелибоев. “Эътиқод мангу ҳақиқатдир”, 12 май
Озод Шарафиддинов. “Кутиш билан иш битмайди”, 19 май
Бобомурод Даминов. “Тил равнақи”, 26 май
Ўткир Ҳошимов. “Дўстлик ҳурматдан бошланади”, 2 июнь
Ҳайдарбек Бобобеков. “Ўтмиш ва тасвир”, 2 июнь
Иброҳим Раҳим. “Гўзал Фарғона, сенга не бўлди”, 9 июнь
Очил Тоғаев. “Қаноти қайрилган қуш”, 9 июнь
Чингиз Айтматов. “Уйғониш сабоқлари”, 16 июнь
Хуршид Даврон. “Маърифат шижоатдир”, 16 июнь
Сувон Мелиев. “Тилла балиқча фожиаси”, 23 июнь
Тошхўжа Ақромов. “Иллатни ўзимиздан қидирайлик”, 23 июнь
Муҳаммад Салом. “Дехқонга эрк беринг”, 30 июнь
Маҳкам Маҳмудов. “Шарқдаги ҳукмдор аёллар”, 14 июль
Бегали Қосимов. “Тил — тенглик ойнаси”, 14 июль
Азиз Саид. “Имтиёзсиз давлат тили бўладими”, 14 июль
Абдусалом Умаров, Раҳматулла Баракаев. “Ҳифзи лисон тилни асрамоқдир”, 14 июль

“Қонун халқ иродасини ифодаласин”, 21 июль
 Хайриддин Султонов. “Тарихчи адабиётни яхши ўрганмаса...”, 28 июль
 Эргаш Исматуллаев. “Депсиниш” (Миллий кино муаммолари), 28 июль
 Асқад Мухтор. “Тил — халқнинг борлиги-йўқлиги”, 11 август
 Равшан Раҳмонов. “Зар кокилли Зарафшон қаниқ”, 11 август
 Нусратулла Жумаев. “Тил ҳуқуқи — эл ҳуқуқи”, 11 август
 Абдунаби Ҳайдаров. “Кетмондан чиқиб кетган қўллар”, 18 август
 Хуршид Даврон, Асад Дилмурод. “Самарқанд сайқали”, 25 август
 Ҳабибулла Олимжонов. “Норпўлат нега ақлдан оздиқ”, 25 август
 Чўлпон. “Нутқ. 1937 йил, 7-8 апрель”, 1 сентябрь
 Мирзаали Муҳаммаджонов. “Асорат” (Пахта яккаҳокимлиги), 1 сентябрь
 Жуманазар Бекназаров. “Тошга айланган дард”, 8 сентябрь
 Иброҳим Раҳим. “Тилимизни ҳаққа чўқиганмиқ”, 15 сентябрь
 Хайрулла Исматулла. “Вамбери олимми, жосусқ”, 15 сентябрь
 Рашид Зоҳидов. “Кўмилган китоблар”, 22 сентябрь
 Ҳалима Худойбердиева. “Аёлнинг ўрни”, 29 сентябрь
 Неъмат Аминов. “Ваҳшат чиғириғи”, 6 октябрь
 Одил Ёқубов. “Хуррият ҳисоб сўрайди”, 20 октябрь
 П.Г. Ким. “Уйдирма ва ҳақиқат”, 20 октябрь
 Иброҳим Раҳим. “Маънавий қаҳатчилик”, 20 октябрь
 Қозоқбой Йўлдошев. “Хурлик оҳанглари”, 20 октябрь
 Пирмат Шермухамедов. “Маънавият дарёлари”, 27 октябрь
 Ғаффор Ҳотамов. “Ҳаётга қарши жиноят”, 10 ноябрь
 Назар Эшонқул. “Хароба шаҳар сурати”, 10 ноябрь
 Умарали Норматов. “Обид кетмон” ҳақиқати”, 17 ноябрь
 Одил Ёқубов. “Бир-биримизни тингламоқ ва англамоққа ўрганайлик”,
 1 декабрь
 Дадахон Нурий. “Биздан кейин нима қолади?”, 1 декабрь
 Абдулла Қодирий. “Суддаги нутқ”, 1 декабрь
 Одил Ёқубов. “Адолатли сўзга эҳтиёж”, 8 декабрь
 Машраб Бобоев. “Тил жарангламоғи керак”, 8 декабрь
 Бобомурод Даминов. “Ўзбек ишчиси қачон шаклланади?”, 29 декабрь
 “Халқ номидан ёлғон сўзламанг”, 29 декабрь

1990 йил

Ёқубжон Хўжамбердиев. “Биров ёзиб берган нутқ”, 5 январь
 Нурали Қобул. “Чорасиз дард йўқ”, 12 январь
 Иброҳим Ҳаққул. “Рух, эрк ва ошкоралик”, 2 февраль
 Озод Шарафиддинов. “Кеча ва кундуз”, 16 февраль
 Карим Баҳриев. “Ой бориб, омон қайтмаган болам”, 9 март
 “Товбадан тозаришгача”, давра суҳбати. 30 март
 Ёқуббек Яквалхўжаев. “Ёзуғимиз не эди?”, 13 апрель
 Хуршид Даврон. “Босқинчи қаҳрамон бўладими?”, 13 апрель
 Матёқуб Қўшжонов. “Фожианинг давоми”, 4 май
 Нурислон Тўхлиев. “Бозор: ваҳима ва умид”, 11 май

Наим Каримов. "Ўша машъум йилда...", 18 май
Эштемир Ашуров. "Миш-мишлар асослими?", 25 май
Ғулом Ғафуров. "Фарзандлар олдидаги қарз", 8 июнь
Мурод Абдуллаев. "Қабрдаги бешиклар", 22 июнь
Собит Мадалиев. "Маънавий ғариблик", 29 июнь

1991 йил

Ёқубжон Хўжамбердиев. "Қарға қарғанинг кўзини чўқимас", 4 январь
Ҳалима Худойбердиева. "Аёлни тўрга чиқара оламизми?", 11 январь
Кибриё Қаҳҳорова. "Тил тозалиги", 8 февраль
Шавкат Рақмон. "Махфия", 8 февраль
Йўлдош Сулаймон. "Қаердасан диёнат?", 8 февраль
Нурали Қобул. "Нон ва демократия", 15 февраль
Муктарама Улуқ. "Саида зор ўтдимиз?... ", 22 февраль
Абдулла Улуғов. "Эркинликнинг бир йили", 1 март
Одил Ёқубов. "Шоир хақида сўз" (Абдулла Орипов), 8 март
Бобур Тўхтабоев. "Қатлгоҳ пойидаги авлод", 15 март
Мухтор Худойкулов. "Ҳазрат Навоийга қўяолмаган ҳайкалим", 22 март
Дадахон Нурий. "Шаҳарга бомба керакми?", 29 март
Кибриё Қаҳҳорова. "Матн азоблари", 12 апрель
Тоқир Малик. "Биз — бойваччалармиз", 26 апрель
Аҳмаджон Мелибоев. "Жазо жойи кимнинг ихтиёрида?", 3 май
Иброҳим Ғафуров. "Клавиҳо, Амир Темур ва олтин олмалар", 10 май
П. Шермухамедов. "Бўлиниш нимадан бошланган?", 31 май
Шариф Юсупов. "Исёнкор додҳо", 31 май
Боймирза Ҳайит. "Ватан сизларники каби меники ҳамдир", 7 июнь
Аҳмаджон Мелибоев. "Ғалати чўкиш", 21 июнь
Хайриддин Султонов. "Тавба", 28 июнь
Хуршид Дўстмуҳаммад. "Низодан имон қочади", 19 июль
Нафиса Содиқова. "Талон-тарож қилинган мулк", 19 июль
Чингиз Айтматов. "Жаҳаннам узра қарғалар фарёди", 9 август
Х. Исматуллаев. "Генерал ортида қолган аскарлар", 11 октябрь
К.Баҳриев. "Бугун маданиятни қутқаринг, эртага у сизни қутқаради", 11 октябрь
Абдулла Орипов. "Васвасани ким қўзғаяпти?", 1 ноябрь
Шукур Холмирзаев. "Адиб шахс бўлиши керак", 1 ноябрь
Анвар Жўрабоев. "Қизил империянинг қора кўланкаси", 1 ноябрь
Камол Матёқубов. "Бирлашиш учун... ажралиш", 22 ноябрь
Ақмаджон Мелибоев. "Олий найранг", 20 декабрь
Озод Шарафиддинов. "Тирик сатрлар"нинг қийин қисмати", 20 декабрь

1992 йил

Ҳамдам Содиқов. "Темурбекка сиғинган князь", 3 январь
Абдулла Орипов. "Ҳикмат садолари", 3 январь
Боймирза Ҳайит. "Халқимга сўз", 3 январь

Иброҳим Ғафуров. "Достоевский билан тунги суҳбат", 3 январь
 Ақмаджон Мелибоев. "Бойлардан қўрқмайлик, жаноблар", 10 январь
 Тоҳир Қаҳҳор. "Таслим бўлмаган миллат", 10 январь
 Дадахон Нурий. "Янги аравадаги эски қўшни", 17 январь
 Эркин Воҳидов. "Шоирнинг юраги алдамайди", 17 январь
 Пўлат Зокидов. "Харобалар фарёди", 17 январь
 Аҳмаджон Мелибоев. "Ёвузликнинг илдизи", 24 январь
 Ё. Хўжамбердиев, Ж. Наҳанов. "Истиклолга отилган ўқ", 24 январь
 Тоқир Малик. "Европасиз яшай оламизми?", 24 январь
 Одил Ёқубов. "Қачон одам бўламиз?", 7 февраль
 Ҳабибулла Олимжонов. "Маданий мафия", 7 февраль
 Алишер Ибодинов. "Занжирбанд шеър тўлғонганда", 14 февраль
 Абдулла Турдиев. "Маънавий очлик", 21 февраль
 Ражаб Қиличев. "Бизлар босмачилар эмасмиз", 21 февраль
 Жовли Хушбоқов. "Маънавий кулфат", 27 март
 Шукур Холмирзаев. "Адабиёт ўладими?", 10 апрель
 Сотимжон Холбоев. "Қайси тарихни ўрганамиз?", 17 апрель
 Вали Қаюмхон. "Қайрилган қанотлар", 24 апрель
 Бобомурод Даминов. "Қоч мушт, демократия келаяпти", 8 май.
 Бобур Тўхтабоев. "Эркисизлик касали", 8 май.
 Ўткир Ҳошимов. "Менга нима?", 26 июнь
 Асил Рашидов. "Акам ҳақида", 3 март
 Холида Ақророва. "Қалбимни тирнаган армон", 17 июль
 П. Шермукамедов. "Замон зўрниги эмас", 14 август
 Ҳ. Узоқов, С. Холбоев. "Бухоро амирининг олтинлари", 14 август
 Собит Мадалиев. "Зиёли қачон уйғонади?", 21 август

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., 1996
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., 1996
3. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд, Т., 1997
4. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, Т., 2002
5. Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008
6. Каримов И. А. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор. Т., "Ўзбекистон", 2009

7. Айтматов Ч. Статьи, выступления, диалоги, интервью. Изд-во АПН, М., 1988
8. Чингиз Айтматов в современном мире. Опыт социокультурного и книговедческого исследования. Под общей редакцией Т. Суванбердиева. Фрунзе, “Кыргызстан”, 1989
9. Лебедева Л. Повести Чингиза Айтматова. М., “Художественная литература”, 1972
10. Гачев Г. Чингиз Айтматов и мировая литература. Фрунзе, “Кыргызстан”. 1982
11. Чингиз Айтматов. Танланган икки томлик асарлар. Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978
12. Асаналиев К. Чингиз Айтматов: Шакер овули ва олам. Қирғиз тилида нашр этилган уч томлик асарларга ёзилган сўзбоши. Фрунзе, 1982
13. Асаналиев К. Открытие человека современности. Заметки о творчестве Чингиза Айтматова. Фрунзе, «Кыргызстан», 1968
14. Мелибоев А. Чингиз Айтматов — журналист. Диплом иши. ТошДУ, 1974
15. Мелибоев А. Узоқ кутилган меҳмон (Ч. Айтматов публицистикаси тўғрисида). “Умидли дунё” тўплами. “Ёш гвардия”, Т., 1982
16. Чингиз Айтматов. Собрание сочинений в семи томах. М., 1998
17. Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. Аср адоғида айтилган истиғфор (Рус тилидан Н. Боқий ва Ё. Хўжамбердиев таржимаси. Т., “Шарқ” НМАК, 1981.
18. Акматалиев А. Значение творческой активности Ч. Айтматова в процессе взаимообогащения национальных литератур. Бишкек, 1994
19. Акматалиев А. Айтматов энциклопедияси (Қирғиз тилида), 1-том. Бишкек, “Илим”, 1993

20. Чингиз Айтматов. Биз дунёни янгилаймиз, дунё бизни янгилайди (Қирғиз тилида) Мақолалар, суҳбатлар, нутқлар. Тузувчи С. Турғунбоев, Фрунзе, 1988

22. Чингиз Айтматов. Асрга татиғулик кун. қиёмат. Романлар. Рус тилидан А. Рашидов ва И. Ғафуров таржималари. Сўзбоши муаллифи Ғ. Саломов. Т., 1989

23. Разумная Т. Идеино-художественное решение проблемы совести в творчестве Ч. Айтматова. Кандидатская диссертация, 1981

24. Садиқов Н. Айтматовни ўрганиш илмининг Қирғизистонда юзага келиши ва ривожланиши. Брошюра (Қирғиз тилида), Бишкек, 1992

25. Умиров С., Дўстқораев Б. Зиёбахш умр саҳифалари. А. Рашидов портретига чизгилар. А. Навоий номидаги Милий кутубхона нашриёти. Т., 2006

26. Чингиз Айтматов. Болалигим. Воқеий қисса. Таржимон Нурали Қобул. Т., Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008

27. Чингиз Айтматов. Очерки, статьи и рецензии о творчестве писателя. Изд-во “Кыргызстан”, 1975

28. Чингиз Айтматов. Танланган асарлар. Таржимон А. Рашидов. Сўзбоши муаллифи И. Ғафуров. Т., “Шарқ” НМАК, 2009

29. Ибрагимов К. Миф и миропонимание в гуманистической философии Чингиза Айтматова. Монографическое исследование, Бишкек, 1998

30. Чингиз Айтматов. Гулсарат (Қирғиз тилида). Фрунзе, 1978

31. Чингиз Айтматов. Охир замон нишонлари (“Кассандра тамғаси”). Таржимон Суюн Қораев. Т., “Шарқ” НМАК, 2001

32. Философия жизни и творчества Чингиза Айтматова. Сборник статей. Т., 2004

33. Чингиз Айтматов навечно в сердцах Узбекистанцев. Книга воспоминаний. Т., 2008

Рашидов А. Чингиз Айтматовнинг бадиий олами. Т., “Ўқитувчи”, 2008

